

МУГАЛЛИМ ХЭМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРҮҮ



ISSN 2181-7138

№ 1-1 2020 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:
А. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:

Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Аманжол АЯПОВ
Өсербай ӘЛЕЎОВ
Байрамбай ӨТЕМУРАТОВ
Қадирбай БЕКТУРДИЕВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен КАЗАХБАЕВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Айдын СУЛТАНОВА
Норбек ТАЙЛАКОВ
Тажибай УТЕБАЕВ
Бекзод ХОДЖАЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

Шөлкемлестиріушілер:
Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириу
Министрлиги, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз хэм
хабар агентлиги тәрәпинен 2007-
жылы 5-мартта дизимге алынды
№ОА-044-санлы гууалық
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналға келген мақалаларға жууан қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған узиндилер «Мугаллим хэм узликсиз билимлендириу» журналынан алынды, деп көрсетилуи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледі. Мақалада келтирилген маглыұматларға автор жууанкер.

MAZMUNY

ТИЛ ҲАМ АДЕБИЯТ

Бурханов А.А. Лингвистические особенности русского просторечия	4
----------------------------------------------------------------------	---

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Абдуллаев А.А. Халқ ўйинларидан фойдаланиш ўқувчиларни баркамол қилиб тарбиялаш йўллари	10
Вайсова Ё.М. Баркамол шахс тарбиясини ташкил этишда педагогик технологияларнинг ўрни	13
Ўтаев А.Й. Интеграцияли таълим имкониятлари	16
Ахмадалиев Б.С., Матмуродов А.К.Талабаларнинг технология фанларни ўқитилиши самарадорлигини ошириш йўллари	19
Абдурахманова Ж.Н. Инновацион тажриба майдони – “мактаб–лаборатория”нинг таълим тизимидаги ўрни	22
Қадинова Х.А. Бўлажак ўқитувчиларда халқ оғзаки ижоди асосида ўқувчиларни маънавий –ахлоқий тарбиялаш фаолияти ва касбий муҳим сифатлари	26
Абдиримова И.К. “Педагогик таълим инновацион кластери” - мақсадлар умумийлиги ва манфаатлар хусусийлиги ҳақида	31
Қошанова Н. М. Синф мураббийлари фаолияти самарадорлигини оширишда педагогик таълим кластерининг ўрни	35
Тилакова М.А., Эшманова Н.Н. Креативлик қобилиятини ривожлантириш механизмлари	42
Тоштемирова С.А. “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба-синов майдончаларида “иктидор” лойиҳасини шакллантириш механизмлари	46
Ходжамқулов У.Н. “Мактаб - лаборатория” инновацион тажриба майдончаси	53
Тоштемирова С.А. Таълим сифати самарадорлигини оширишда инновацион ғояларнинг аҳамияти	56
Умарова З.А. Педагогик жараёнда зиддиятларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш имкониятлари	62
Мусурманов Р., Қодирова Х.А. Оилада фарзанд тарбияси муаммолари	66
Жуманова Ф.У. Ёшларда ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш усуллари	68
Шернаев А.Ў. География дарсларида самарадорлигини оширишда хариталардан фойдаланишнинг аҳамияти	71
Эрназарова Г.О. Акмеологик ёндашув таълим жараёнини ривожлантириш сифатида	75
Яқубова М.Ю. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативлиқни такомиллаштириш	78
Утаев А.Й., Бурханов А.А. Функция учителя на уроках русского языка в узбекской школе ..	81
Абдулахатов А.Р., Худойберганов. Ж.С., Қурбонова М.Э. Образовательный кластер - как ресурс инновационного развития региона	84
Исламова М.Ш. Место психологических услуг в личном развитии	89
Абдужалилова Ш.А. Трансформация принципов семейного воспитания	91

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИК ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИҲ, ФИЛОСОФИЯ

Шарипов М.Л. Ёшлар маънавиятини юксалтиришда Хусайн Воиз Кошифий ахлоқ фалсафасининг аҳамияти	94
Abduxamidov S .M. SHarq xalqlari ma'naviy hayotining yuksalishida so'fiylik ta'limotining o'rni	98

Абдижалилова Ш.А., Кадирова Х.А., Кадирова А.А. Халқ педагогикасида миллий дунёқарашни шакллантириш	102
------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Эшқораев Қ.А., Норқулов А.Ғ., Наримбегова З.А. Математика фани тўғарақларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий тавсиялар	106
Солаева М.Н., Эшқораев Қ.А., Сейтов А.Ж. Баъзи бир мисолларни ажойиб лимитлар ёрдамида ноанъанавий услублардан фойдаланиб ечиш усуллари	109
Халмухамедова М.А. Нақшбандия тариқати воситасида талабаларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш (технологик таълим мисолида)	113
Radjabov B.SH., Matmurodov A.K., Abdullayev SH. A. Aniq emas integralni hisoblash usullari mavzusni o'qitishda klaster metodidan foydalanish	118

БАСЛАЎЧИ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

Болиева Л.Ш. Мактабгача таълимда соғлом турмуш тарзини яратишда халқ ўйинлари ..	122
Шанасирова З.Ю. Мактабгача таълим мазмунини оширишда замонавий технологиялардан фойдаланишда кластер тизими	125
Каримжонов А., Жабборова О.М. Бошланғич синф ўқитувчиларининг компетентлик фаолиятини ривожлантиришнинг динамик тизими	128
Муталова Д.А. Мактабгача таълимда интерактив методлар – сифат ва кластер самарадорлик омилли	131
Жабборова О.М., Ахмедова Н.Ш. Бошланғич таълим ислохотлари ва кластер методи	133

ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

Амонов А. Ўзбекистонда спорт машғаласи маросими уч босқичли оммавий спорт-соғломлаштириш ишлари тизимининг ижтимоий мотивацион асоси сифатида	138
Расулов З.П. Тренерга хос касбий тайёргарликни такомиллаштиришнинг назарий асослари	143
Абдулахатов А.Р., Очилов Э.О. Олий таълим муассасалари талабаларига курашнинг тарбиявий аҳамиятини ўргатиш йўллари	148
Маматқулов Р.С., Хамраева М.Т. Практическая подготовка и особенности его организаций в педагогических университетах	151
Ачилов Т.С., Жўрабоев М. М. Профессиональная подготовленность специалиста по физической культуре и спорту	156



ТИЛ ХӘМ ӘДЕБИЯТ

ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РУССКОГО ПРОСТОРЕЧИЯ

Бурханов А.А.

доцент кафедры «Педагогика и менеджмента» ЧГПИ

Таянч сۆзлар: умумий тиллар, адабий тил, жаргон, стилистик хусусиятлар, диалект, сۆз бирикмәси.

Ключевые слова: просторечия, литературный язык, жаргоны, стилистические признаки, диалект, разговорная лексика.

Key words: vernacular, literary language, jargon, stylistic features, dialect, colloquial vocabulary.

Определение понятия «просторечие» в русском языкознании просторечие - одна из форм национального языка, наряду с диалектной, жаргонной речью и литературным языком; вместе с народными говорами и жаргонами составляет устную сферу общенациональной речевой коммуникации - народно-разговорный язык. Просторечие, в отличие от говоров и жаргонов, - общепонятная для носителей национального языка речь.

В современных исследованиях термин «просторечие» по стилистике и в толковых словарях русского языка продолжает применяться в двух значениях. Под этим термином понимается один «из стилей литературной речи с присущим ему кругом особых форм, воспринимаемых на фоне других (книжных) стилей». Например, облапошить (обмануть), забулдыга (беспутный гуляка), жрать (жадно есть), дубасить (сильно бить) и т.п.

Такие факты называют «литературным просторечием», допускаемым в художественной литературе и разговорной речи для создания непринужденного (иногда грубоватого) колорита повествования. Но термином «просторечии» обозначают нередко и те явления, которые не входят в литературный язык, принадлежат ненормированной речи. «За пределами нормы, - замечает С.И. Абакумов, - остаются факты языка диалектов и факты так называемого «просторечия», т.е. такие языковые явления, которые не допускаются в литературном языке, считаются неправильными, хотя и встречаются в пределах распространения всего русского языка. Например, такие формы, как инженера, местов, делов, такие образования, как ихний, использовать и т.п.

Во многих учебных пособиях и руководствах по стилистике, например, в работах под руководством Скворцовой Л.И., Абакумовой С.И., указывается, что «просторечие» (просторечные слова и формы) находится на грани литературного языка

и диалектного употребления. Такая «уклончивая» характеристика не дает прямого ответа на поставленный вопрос о соотношении просторечия и литературной нормы.

По функциональной роли, по соотношению с литературным языком просторечие - самобытная речевая сфера внутри каждого национального языка. Будучи категорией универсальной для национальных языков, просторечие в каждом из них имеет специфические особенности и свои особые взаимоотношения с литературным языком.

В просторечии представлены единицы всех языковых уровней; на фоне литературного языка просторечие выявляется в области ударения (ср. процент - лит. процент); произношения (ср. [млуазнь] - лит. [мыглизнь]), морфологии (ср. «выбора» вместо литературного «выборь», «хочут» вместо лит. «хотят»), словоупотребления («ложить» вместо «класть», «обратно» в значении «опять»).

Особенно отчетливо своеобразие просторечия проявляется в употреблении элементов литературного языка (ср. «по телевизеру показывают»), в грамматическом и фонетическом оформлении слов общего словарного фонда («тапочек», «опосля», «здесь», вместо «тапочка», «после», «здесь»). Для просторечия характерны экспрессивно «сниженные» оценочные слова с гаммой оттенков от фамильярности до грубости, которым в литературном языке есть нейтральные синонимы (ср. «шарахнуть» - «ударить», «драпануть» - «убежать»).

Итак, с одной стороны просторечие это слова и формы различного происхождения, однородные по своим стилистическим признакам, образующие один из экспрессивных стилей литературной речи, противостоящий таким стилям, как книжный, нейтрально - деловой и др.

С другой стороны, просторечие - это отклонения от лексической, грамматической и произносительной нормы литературного языка, присущие массовой городской речи. Двусмысленность в применении термина «просторечие» вызывает серьезные затруднения как в работе над составлением словарей, так и вообще в нормализаторской практике.

Естественно, что при кодификации норм литературного языка употребление термина «просторечие» должно быть строго ограничено. Просторечные слова и формы слов (облапошить, ректора) составляют как бы нижний стилистический ярус литературного языка. Те факты, которые являются нарушением норм литературного языка (офицера, местов, инструмент), могут быть обозначены как ненормативные (ненормированная речь).

Просторечие примыкает к разговорной лексике и находится за пределами литературного языка. Именно поэтому, оно отличается некоторой сниженностью и даже грубоватостью. Кроме того, просторечная лексика - это одна из причин нарушения нормированности русского литературного языка.

Последние годы оказались весьма продуктивными для понимания сущности русского просторечия - уникального явления в среде носителей русского языка. Несмотря на то, что первые серьезные попытки осмыслить феномен просторечия были предприняты еще в середине XX века (см. работы Л.И. Баранниковой, Е.А. Земской и Д.Н. Шмелева), действительно научный подход к данному явлению стал преобладающим лишь в последнее время. Большой вклад в изучение проблемы просторечия внесли работы российских лингвистов Л.П. Крысина, В.Б. Быкова, Т.В. Матвеевой, В.В. Химика, немецкого исследователя З. Кестер-Томы и др.

То, что научное изучение просторечия началось лишь в последние годы, объясняется не столько собственнo лингвистическими, сколько политическими причинами. Конечно же, продолжала играть свою роль и старая филологическая традиция, согласно которой просторечие рассматривалось как явление стилистического характера. В этом отношении показательны однообразные определения просторечия, которые давались в более ранних лингвистических работах. Ср., например, определение в энциклопедии «Русский язык» под редакцией Ю.Н. Караулова: «Просторечие - социально обусловленная разновидность национального русского языка, в которой реализуются средства, находящиеся за пределами литературной нормы. От территориальных диалектов просторечие отличается отсутствием отчетливой локальной закреплённости его особенностей, от жаргонов – тем, что эти особенности не осознаются его носителями как ненормативные». Проявляясь в отступлениях от литературной нормы, просторечие, в противоположность письменной - литературной форме языка, обиходно - разговорной литературной речи и диалектам, не имеет собственных признаков системной организации, т.е. относительно автономного набора фонетических, морфологических и синтаксических показателей. Просторечие обнаруживается на всех языковых уровнях. В фонетике к просторечным словам относятся многочисленные явления, связанные со смещением ударения (километр, шофер, намерение, приговор, положить, ходатайствовать), стяжением гласных (милиционер, эксплуатировать), ассимиляцией (ридикулит, резетка, маненько, легулярный, кардон), диссимиляцией (анженер, колидор, анпутировать, транвай), аналогическим оглушением или озвончением согласных (в маринате, дихлофозом, юпочка, крыжечка), эпентезами и наращиваниями (страм, ндравиться, здря, экскорт, промблема, дермантин, плант), исчезновением или «усилением» ослабленного [j] (гравель), изменениями в группах согласных (жись, потрет, суприз, друшлак, пелемени, психиатор), сокращением числа слогов (струмент, вакуировать, по-человечки) и т.д. В области морфологии это изменение рода существительных (туфел, сандаля, мыш, статуи, мозоль - мужского рода, сповидлой, под росялю, (крыть) только - женского рода, фамилие - среднего рода), изменения в формах склонения замена падежной флексии (делов, с людьми, на пляжу, нет время, к Марии Васильевной), ненормативное появление беглых гласных в формах косвенных падежей и множественного числа (на бюллетне, вальтом, брелки, ср. ротом), образование иных форм множественного числа (шофера, волоса, матеря, стаканы), склонение несклоняемых имен (какаву, без пальта, польта, в бигудях, ивасей), отклонения в образовании форм сравнительной и превосходной степени (ширше, красивше, хуже, наиболее чаше), ненормативные явления в словоизменении местоимений (мене, у ней), глаголов и отглагольных образований (хочут, берегёт, броюсь, плотит, ездио, стонаят, затоплять, ляжь, ехай, садися, раздевши, выпимши, трудящие, поломатый) и другие.

В области синтаксиса - отступления от нормативного глагольного управления (интересоваться об политике, достигать до цели, ничем ненуждаюсь), различные падежные значения (умер воспалением лёгких), многочисленные конструкции, не свойственные литературному языку (Я не мывши вторую неделю; Он никогда чтоб кого-то обидеть; Которыемоложе пусть поишачут) и т.д. В области лексики и лексической семантики просторечие характеризуется размыванием и редукцией семантической структуры слова (точнее - освоением говорящими лишь части значений

многозначного слова), семантическими сдвигами (железный «металлический»), мясо «говядина», тюремщик «заключенный; человек с судимостью», анализы «то, что приготовлено для лабораторного анализа». Анализы в больницу носила), формальными преобразованиями слова под давлением ложной этимологии (подстамент, полуклиника, организон «гарнизон», пластиглас), «ложно - стыдливой» («мещанской») эвфемизацией (супруга вместо жена, кушаю вместо ем, купаться «мыться», отдыхать «спать») и другие.

Источники просторечия - в местных диалектах, устаревшей норме, в смешении разных языковых единиц (контаминативные явления), в приспособлении иносистемных (заимствованных) явлений к базовым особенностям русского языкового строя. Важной чертой просторечия является тенденция к консервантности, в сопротивлении процессам расширения языкового кода, в активном действии аналогии, в устранении иносистемных и периферийных звеньев в различных участках языковой системы.

Факты просторечия можно описывать, только апеллируя к нормативным вариантам, и само определение просторечия может строиться лишь на негативном отталкивании от литературного языка. Ни одна черта просторечия не является обязательной для его носителей, и потому нельзя выделить никакого минимального списка конкретных необходимых признаков, который позволил бы отнести речь данного лица к просторечию.

Социальную базу просторечия составляют в основном горожане с невысоким уровнем образованности (хотя реликты просторечных явлений встречаются даже в речи лиц с высшим образованием).

Просторечно говорящего, как правило, характеризуют неразвитое языковое чутьё и невосприимчивость, «глухота» к различиям между нормативным и ненормативным в языке, обусловленные ограниченным языковым опытом: довольно узким и однородным кругом речевых партнёров (собеседников), отсутствием склонности к чтению, профессией, не требующей «металингвистической» рефлексии и т.д. Носитель просторечия, в отличие от носителя литературного языка, обладает слабой способностью к переключению с одного языкового кода на другой в зависимости от ситуации общения; перед ним обычно не возникает проблемы выбора языковых средств (исключение - «мещанские» эвфемизмы).

Просторечие непрестижно и реализуется преимущественно в устной форме и в неофициальной, бытовой обстановке (исключения нередки).

В научной литературе социолингвистическое понимание просторечия нередко смешивается с функционально-стилистическим, согласно которому просторечие представляет собою сниженный стиль устной речи; при этом не разграничиваются средства сниженной (вулгарной) экспрессии (ср. здоровенный, долбануть, враскорячку) и явления, имманентно нейтральные в стилистическом отношении (см. выше). Весьма непоследовательно употребление пометы (прост.) в нормативных словарях. Положение осложняется и тем, что в работах по истории русского языка существует своя традиция употребления термина «просторечие», под которым понимается живая языковая стихия, противопоставляемая как книжно-литературной стихии с заметным церковно-славянским компонентом, так и стандартизованному языку др.- и старо-рус., деловой письменности. Преодоление разнобоя в трактовке просторечия составляет одну из задач исследований некодифицированной речи.

«Словарь лингвистических терминов» под редакцией Ахмановой О.С.: «Просторечие англ. *Popularlanguage*, нем. *Volkssprache*. Слова, выражения, обороты, формы словоизменения, не входящие в норму литературной речи; часто допускаются в литературных произведениях и разговорной речи для создания определенного колорита».

Литературный энциклопедический словарь: «Просторечие - совокупность средств языка, находящихся за пределами литературной нормы. В этом смысле термин «просторечие» обозначает преимущественно речь малообразованных слоёв городского населения и указывает на её общенародный характер, в отличие от терминов «диалект» и «жаргон». Просторечные отступления от норм литературного языка отражаются в грамматических («выпимши», «ейный»), произносительных («портфель») явлениях, а также в словоупотреблении («куриво», «сперва», «ты идешь, ай нет?»). Однако с последним связано и другое понимание просторечия - как набора сниженных, грубовато-фамильярных средств лексики и фразеологии, которыми одинаково пользуются и носители просторечия и носители литературного языка в соответствующих выразительных целях («башка», «тягомотина», «куролесить»).

Просторечие – исторически меняющаяся категория. В прошедшие эпохи развития русского национального языка просторечие играло значительную роль как средство общения между смежными социальными группами людей (рабочие, ремесленники, мещане, отчасти купечество), на сегодняшний день оно сохраняется главным образом в виде отдельных вкраплений в речь малочисленного круга людей, ещё не полностью овладевших литературным языком. Просторечие широко используется в художественной литературе как средство речевой характеристики персонажей, а также в некоторых видах авторской речи, например, в сказе (Н.С. Лесков, А.Н. Островский, А.П. Чехов, М.М. Зощенко и др.).

В словаре С.И. Ожегова: «Просторечие – слова и грамматические формы массовой городской разговорной речи, используемые в литературном языке как стилистическое средство для придания речи шуточного, пренебрежительного, иронического, грубого и т.п. оттенка».

Используясь в таком своеобразном значении, т.е. прежде всего как термин стилистики, просторечие обозначало стилистически сниженную речь. Известная триада «разговорное - просторечное - областное» открыто указывала на то место, которое должна была занимать «просторечная» лексика - между лексикой разговорной (маршрутка, зачётка, разбазаривать и т. п.) и диалектной (азям, шабур и т. п.). Однако кажущаяся простота такой градуальности всегда вызывала немало вопросов.

Исследователи русской некодифицированной речи не раз обращали внимание на относительность подобного противопоставления. Так, рассматривая особенности употребления языковых помет в словарях русского языка, Г.Н. Складаревская и И.Н. Шмелева отмечали: «Пометы (разговорное и просторечное - М.Д.) означают разную степень сниженности в пределах лексики, функционально связанной с некодифицированной формой литературного языка и входящей в словарный состав кодифицированного литературного языка на правах специализировавшегося стилистического средства. Граница между «более» и «менее» сниженным неотчетлива и текуча». И поскольку, действительно, граница между тремя этими группами лек-

сики оказывалась очень нечеткой и зачастую определялась лишь интуитивными методами и личным мнением составителей словарей, то в русистике XX века получил распространение менее строгий термин - «разговорно-просторечная лексика».

В целом система русского языка с точки зрения социолингвистики XX века выглядела примерно таким образом: существует единый русский язык, часто отождествляемый с русским литературным языком (фактически - с языком печатной литературы второй половины XIX - начала XX вв.), за его пределами находятся стилистически сниженные слова (разговорные и просторечные), а также диалектизмы, т.е. слова, распространенные в отдельных районах распространения русского языка, причем две последние группы слов находятся в стадии постепенного исчезновения. В действительности же эта, казалось бы, стройная схема, как выяснилось, не имела почти ничего общего с реальным положением дел.

Важнейшим следствием подобной схемы оказывался явно ошибочный вывод, что литературная, разговорная и просторечная лексика должны были использоваться в речи одних и тех же людей. За пределами этого единого языкового континуума оставались лишь диалектизмы.

Что же такое просторечие? По мнению большинства исследователей, просторечием принято называть устную речь, которая присуща малообразованному городскому населению. Данное явление в нашем языке довольно специфично. В любом другом национальном языке сложно найти что-либо похожее на русское просторечие. Оно не ограничено определенной местностью, что характеризует различие просторечия с территориальными диалектами. Различие с литературным языком в основе своей заключается в неопределенном характере используемых языковых средств, некодифицированности, несоблюдении нормативности.

Поле реализации просторечия - устная речь. В художественной литературе оно находит своё отражение в виде частной переписки носителей просторечия. В общем, использование ограничивается бытовыми и семейными ситуациями.

Литература:

1. Аскольдов С.А. Концепт и слово // Русская словесность. От теории словесности к структуре текста. Антология. - М., 1997. - С. 267-279.
2. Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. 2-е изд. СПб.: КАПРО, 2007.
3. Бельчиков Ю.А. Просторечие //Лингвистический энциклопедический словарь. - М., 1991.
4. Журавлев А.Ф. Просторечие // Русский язык. Энциклопедия. - М., 2000.
5. Культура русской речи и эффективность общения. - М., 1996.

РЕЗЮМЕ

Maqolada adabiy tilda ruxsat etilmagan soʻzlashuv tilidan foydalanish xususiyatlari muhokama qilinadi, garchi ular butun rus tilining tarqalishi doirasida boʻlsa ham, notoʻgʻri deb hisoblanadi.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются особенности употребления просторечия в русском языке, которые не допускаются в литературном языке, считаются неправильными, хотя и встречаются в пределах распространения всего русского языка.

SUMMARY

The article discusses the features of the use of vernacular in Russian, which are not allowed in the literary Russian language, are considered incorrect, although they are found within the distribution of the entire Russian language.



ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЎҚУВЧИЛАРНИ БАРКАМОЛ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Абдуллаев А.А.

ТВЧДПИ Мактабгача таълим кафедраси мудири вазифаси бажарувчиси

Таянч сўзлар: жисмоний тарбия ва спорт таълими, миллий халқ ўйинлари, “Ўртага кириш”, “Зимзиё” халқ ўйинлари, маънавий-маърифий, ақлий-руҳий, жисмоний-маданий сифатлар.

Ключевые слова: физического воспитания и спорта образование, национальные игры, «средний», «тьма» народ, духовные, психические, духовные, физические и культурные атрибуты.

Key words: physical education and sports education, national games, «medium», «darkness» folk, spiritual, mental, spiritual, physical and cultural attributes.

Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида шаклланиши ва унинг истиқлол сари дадил бориши ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, маърифий соҳаларни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Бу йўлда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида чуқур ислохотлар олиб борилмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимизда соғлом авлод дастури ҳаракатининг кенг тус олгани, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида таълим-тарбия тизимининг тубдан ислоҳ этилаётгани ҳам ана шу улугвор вазифани амалга ошириш йўлидаги муҳим қадамдир.

Жисмоний тарбия ва спорт машғулотларида ўқувчиларни миллий халқ ўйинлари воситасида соғлом турмуш тарзига тайёрлаш ушбу йўналишдаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Зеро, бундай ўйинлар ва спорт турлари қадим замонлардан бери халқимиз ҳаёти, унинг маданий, иқтисодий, ижтимоий, маиший томонларини ўзида мужассам этиб келади. Асрлардан асрларга ўтган бу ўйинлар, ўз навбатида, ёшларни тарбиялашнинг асосий воситаларидан бўлиб хизмат қилади. Ўқув жараёнида халқ ўйинларидан фойдаланиш ва уларни мустақил бажаришга ўргатиш ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишларини оширади. Ўқувчилар ижодий жўшқинликни ҳис қиладилар. Шу билан бирга, маданий бойликларимиз билан танишадилар, қадимий атама ва ибораларимизни ўрганадилар. Жумладан, “Дурра”, “Отиб қочар”, “Учталлик тўптош”, “Ҳаккалакам шарти”, “Отамбакала-Қоқбош”, “Икки тош”, “Чопиқ кулол”, “Жон тўпим”, “Кўйлагим”, “Айланма ғув-ғув”, “Тўрғай чулдирганда”, “Кўноқ полвон” ўйинлари ақлий, ахлоқий ва эстетик камолотнинг мезонлари бўлса, халқ анъанавий спорти (“Тўплар пойғаси”, “Овчилар ва ўрдақлар”, “Чир айланма”, “Отишма”, “Аниқ нишонга ол”, “Ҳаракатдаги арқон”, “Таёқчани тортиб ол”, “Ғўзани яганалаш”) ва бошқалар – фарзандлар бақувватлиги ва етуқлигининг гаровидир.

Халқ ўйинларидан кўзда тутиладиган асосий мақсад ўқувчиларни спорт ўйинларига тайёрлашдир. Чунки ушбу ўйинлар “ўқувчи-ёшларнинг соғлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, Ватан муҳофазасига ёшларимизни жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш каби кўплаб муҳим вазифаларни қўяди ва уларни ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади”.

«Ҳаракатли ўйин» тушунчаси ўзига кўпгина ҳар-хил фольклорли ўйин шаклини қамраб олиб, шулардан ҳар қайсиси нихоятда болаларни ҳар томонлама ривожлантиришига жисмоний психологик ва ақлий усишига ёрдам беради. Ҳаракатли халқ ўйини фольклор ўйинларининг бир туридан иборат бўлиб асосий мазмуни кўпроқ ҳаракат фаолиятининг самарадорлигини оширишига йўналтирилган.

Шундай экан, умумтаълим мактабларида синфда ва синфдан ташқари жисмоний тарбия дарсларида, спорт машғулотларида миллий халқ ўйинларидан фойдаланиш ўқувчиларни ҳам жисмонан, ҳам руҳан баркамол қилиб тарбиялашда асосий омиллар бўлиб хизмат қилади. Ушбу ўйинлар биринчи галда:

- ўқувчиларнинг халқимиз миллий кадриятлари, бой маданиятига нисбатан қизиқишларини оширади;
- ватанпарварлик, эл-юрт манфаатлари учун ҳамиша шайлик, юртга садоқат туйғулари тарбияланади;
- жамоа манфаатлари учун хизмат қилишдаги масъулият ҳисси оширилади;
- ўқувчиларда жисмоний тарбия ва спорт малакалари шаклланади ҳамда ривожланади ва ҳ.к.

Бу каби халқ ўйинларини жисмоний тарбия дарсларида, шу билан бирга, синфдан ташқари машғулотларда ташкил этиш қутилган самараларни беради. Халқ ўйинлари ҳам хусусиятларига қараб, уларда бир ёки бир неча ўқувчи иштирок этиши мумкин. Бундан кўринадики, халқ ўйинлари яқка тартибда ёки гуруҳ бўлиб ўйналиши мумкин, энг асосийси, уларни мустақил ҳолда уйда ўйнаш, дарс машғулотларига тайёр-гарлик кўриш имконияти бор.

Ўқитувчи дарс мобайнида ўқувчиларга ҳаракатли ўйинлар, жумладан, халқ ўйинларини ўргатиш орқали уларнинг жисмоний тарбия ва спортга қизиқишларини ошириб, оддийдан мураккабга томон характерланувчи спорт ўйинларига тайёрлаб боради. Чунки спорт ўйинларига ўқувчилар ҳам жисмонан, ҳам руҳан, ҳам маънан тайёр бўлишлари керак.

Халқ ўйинларидан фойдаланишдан асосий мақсад ўқувчиларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, кундалик ҳаётга мослаштириш экан, миллий ҳаракатли ўйинларни бошқа фанларга алоқадор, ўзвий боғлаган шаклда ташкил этиш керак. Чунки ўқувчи ҳар қайси шароитда: мактабдаги дарс жараёнларида ҳам, уйдаги дам олиш соатларида ҳам ушбу халқ ўйинлари билан самарали тарзда машғул бўла олинсин. Дарс вақтидаги ва дарсдан ташқари машғулотларда ўрганган машқлари ўқувчи учун уйдаги машғулотларга мустаҳкам асос бўлиши даркор. Машғулотларда бошланган амалий машқлар уйда давом этиши ва такрорланиши зарур. Бунда ўқитувчидан ўқувчига мажбуран эмас, балки халқ ўйинларини уларнинг ичидан қизиқарлиларини танлаб олган ҳолда қизғин ташкил этиш ва ўқувчининг ўз уйда қизиққан ҳолда мустақил такрорлаши, машқ қилишига эришиши талаб этилади.

Бунинг учун эса жисмоний тарбия дарсларининг мазмуни изчил равишда ташкиллаштирилиши керак. Маълумки, дарслар залда, майдончада, йўлакда ўтказилади. Аммо синфдан ташқари машғулотларда ўқувчилар билан турли халқ ўйинларини табиат қўйнида ўтказиш ўқувчиларни янада фаоллашувига олиб келади. Жисмоний тарбия дарсларида ўқувчилар спорт формасида бўладилар. Агар ўқитувчи миллий

халқ үйинлари рухига мос ҳолда ўқувчиларни кийим танлашга жалб қилса, уларда миллий ва маданий қадриятларимизга нисбаган муносабат билдириш, фикрлаш, ижодкорлик қобилиятлари шаклланади. Чунки азалдан ўзига хос удумлардан бирига айланиб келган халқ амалий үйинларида иштирокчиларнинг кийим-бошлари ҳам ўзига хос аҳамият касб этган.

Халқ үйинларини танлашга ўқитувчи зийраклик билан ёндашиши талаб этилади. Чунки машғулот учун мўлжалланган халқ үйинлари, аввало, ўқувчиларни жисмонан соғломлаштириши, уларни келгусида бажарадиган мураккаб спорт үйинларига босқичма-босқич тайёрлаб бориши зарур.

Албатта, бундай вазифаларни тарбиявий вазифалар каби ҳар бир дарсда кетма-кет бажариб бориш зарур. ДТС талабларидан аёнки, жисмоний тарбия дарслари таълим, тарбия ва соғломлаштириш вазифаларига эга. Баъзи халқ үйинларини ўқувчиларга тўлиқ ўргатиш ва уларни амалда бажара оладиган даражага етказиш учун 1 соатлик дарс кифоя қилмайди, айримлари учун эса дарс машғулотни етарли бўлиши мумкин. Масалан, халқ үйинларидан бўлган “Подачи” ўйини икки тараф – химоячи ва ҳужумчи гуруҳлар иштирокини тақозо қилади. Биринчи дарсда ўйиннинг шартини, иштирокчиларнинг эгаллайдиган жойлари, қўлидаги таёқчалар, коптоклардан фойдаланиш талаблари, тақиқланадиган ҳаракатлар ҳақида тушунтирилса, иккинчи соатда ўйинга старт берилди ва ўйин малакалари ўзлаштирилади.

Айни заруратдан келиб чиқиб, миллий халқ үйинларининг машғулотлардаги аҳамияти ва самарасини ошириш ўқитувчи ҳамда мураббийлар олдида турган асосий вазифалардандир. Шунини ҳисобга олган ҳолда, нафақат давлат таълим сатандартилари, шунингдек, ўқув дастурларида берилган миллий халқ үйинларидан фойдаланиш, балки халқ орасида ўйналиб келинаётган, аммо дарсларга тадбиқ қилинмаган үйинларни машғулотларга олиб кириш, уларни ўқувчиларнинг сеvimли үйинларига айлантириш орқали соғлом турмуш тарзини яратишга тарғиб қилиш ғоят долзарб аҳамиятга эга.

Фарғона водийсида ўйналадиган ана шундай үйинлардан бири – “Ўртага кириш”дир. Ушбу ўйин турли жойларда ўйналишига кўра, ҳар хил номланиши мумкин. Унда уч нафар ўқувчи иштирок этади. Ўғил ва қиз болалар биргаликда ўйнашлари мумкин.

Ўтказиш тартиби. Икки нафар иштирокчи ўн метрга яқин оралиқ масофада бир-бирига бир чизик бўйлаб юзма-юз туради. Бирининг қўлида юмшоқ, жароҳат етказмайдиган ҳолда ихчам, нишонга тез ва аниқ учадиган коптокча бўлади. Ўртада эса бир иштирокчи ушбу коптокчага чап бериб туриши керак. Икки юзма-юз бўлиб турган иштирокчи ўртадаги ўйинчини мўлжалга олиб, коптокларни бир-бирларига отадилар. Ўртадаги ўйинчи эса чакқонлик билан тўпга чап бериши, уни ўзига теккизмасликка ҳаракат қилиши зарур. Агар тўпдан қочиб қутулолмаса, яъни унга тўп тегса, уни нишонга олган иштирокчи билан ўрин алмашади.

Фарғона водийсига хос яна шундай үйинлардан бири “Зим-зиё” бўлиб, унинг маъноси кўз қора газлама билан боғланганлиги сабабли, ҳамма ёқ зимзиё – қоронғуга айланади.

Ўтказиш тартиби. Кўзи боғланган иштирокчининг атрофида қолганлар уни қутилмаганда келиб, туртиб ўтадилар ва қочадилар. Туртиб ўтганларни кўзи боғланган иштирокчи доира ичида ахтарган ҳолда, тутиб олиши керак. Уни туртиб ўтиб, қочиб кетаётганлар доирадан чиқиб кетмасликлари керак. Ўйин шу тарика давом этади. Тутиб олинган иштирокчи кўзи боғланган ҳолда қолганларни излайди ва агутиб олиш учун ҳаракат қилади.

Қайд этиш керакки, юкоридаги ўйинлар ўқувчи ёшлар учун бирдек қизиқарли бўлиб, “Ўртага кириш” ўйини орқали нишонга олиш, тезкорлик, мураккаб вазиятларда аниқ мўлжал олиш, чапдастлик, “Зимзиё” ўйини орқали сезги ва идрокнинг кучайиши, вазиятни оқилона баҳолаш, қийин шароитларда онгли ҳаракат қилиш кўникмалари шаклланади.

Хулоса қилиш керакки, миллий халқ ўйинлари воситасида:

- ўқувчиларнинг маънавий-маърифий, ақлий-руҳий, жисмоний-маданий сифатлари шакллантирилади ва такомиллаштирилиб борилади;
- ўқувчиларда ўзаро бағрикенглик, жамоа манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўйиш, аниқ мақсадлар сари фаоллик ва ташаббус кўрсатишдек умуминсоний фазилатлар қарор топади;
- жисмоний тарбия ва спорт машғулотларида қўйилган педагогик мақсадларга тўлақонли даражада эришилади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломқа.- Т.: Ўзбекистон, 1999. – 736.
2. Педагогика фанлари доктори, профессор Т.Усмонхўжаев. “Ўзбек миллий ўйинлари истиқболнинг мезонлари”. “Маърифат” газетаси. 2002 йил 14 август. 7-бет.
3. М. Аслонова. “Таълим жараёнида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш”. педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Навоий – 2008 йил. Б: 154.
4. “Ҳаракатли ўйинлар ва уни ўқитиш методикаси”. Бухоро давлат университети. Ўқув-услубий қўлланма. Тузувчи катта ўқитувчи Г.Иўлдошева. 2-бет.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада халқ ўйинларига жисмоний тарбия ва спорт таълимининг муҳим омилларидан бири сифатида қаралиб, машғулотларда фойдаланиш учун миллий халқ ўйинларидан намуналар тавсия қилинган ва изоҳлаб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье народные игры как один из самых важных факторов в области физического воспитания и спорта образования, национальных выборов игр, рекомендуемых для использования в классах и объяснить.

SUMMARY

The article folk games as one of the most important factors in physical education and sport education, national samples of games recommended for use in classes and explain.

БАРКАМОЛ ШАХС ТАРБИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Вайсова Ё.М.

ТВЧДПИ Педагогика ва менежмент кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: илгор педагогик технологиялар, таълим, муассаса, фаолият, ўзлаштириш, таълим ва тарбия, замонавий технологиялар.

Ключевые слова: передовые педагогические технологии, образование, учреждения, деятельность, овладение, воспитание и обучение, современные технологии.

Key words: advanced pedagogical technologies, education, institutions, activities, mastering, education and training, modern technologies.

Баркамол шахс тарбиясини ташкил этиш барча даврларда ҳам ижтимоий жамиятнинг муҳим талаби ва асосий мақсади бўлиб келган.

Таълим ва тарбияга катта эътибор берилишини сабаби ҳам баркамол шахсни камол топтиришга асосланади. Давр талабига жавоб бера олмайдиган ғоялар энди-

ликда янги тафаккурдаги таълим тизими талабларига мос келмай қолди. Педагогик технологияларнинг ўзига хос томони ҳам айнан ўқув мақсадлига эришишнинг кафолатлайдиган ўқув жараёнини лойиҳалаштириш ва уни амалга оширишдан иборат.

Таълим-тарбия жараёнининг замонавий кўринишини ўзида акс эттирувчи таълим технологияларни ўрнини тўғри талқин этиш лозим бўлади:

- педагогик технологияларнинг талаба касбий шаклланишида уларнинг интеллектуал ривожини учун таъсири;
- таъсирининг ҳам педагогик-психологик аҳамиятини қандай омилларда акс этиши;
- педагогик технологияларнинг талабанинг умумий ва ижтимоий интеллект даражасини белгилашдаги ўрни.

Талабаларнинг билимларнинг ўзлаштиришида умумий интеллект коэффициенти юқори белгиловчи омил ҳисобланадиган бир шароитда, ижтимоий ёки умумий интеллект эса уларнинг касбий-шахсий камолотини таъминлашга хизмат этувчи асосий омиллар сарасига киришини хусусида урғу бериб кетилган эди. Биз ушбу усулларни қўллашда фойдаланилган педагогик технологияларнинг шкालали баҳолашга урғу бердик. Ушбу усулга кўра талабалар қўлланилган замонавий таълим усулларини унинг фаолияти учун таъсирини 5 балли шкалада энг аҳамиятли бўлса 5 балл, энг аҳамиятсиз бўлса 1 балл билан баҳолашлари сўралди. Шунингдек ушбу кўрсаткичларни кейинчалик талабаларнинг умумий ва ижтимоий интеллектлари билан ўзаро алоқадорлик коэффициентларини текширишимизга ҳам олиб келди. Шунингдек, таълим технологияларида фойдаланилган усулларнинг ролини таъсир кўлами билан эмас, балки талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари билан ҳам тафовутлаштириш имкониятига эга бўлди. Бу эса талабаларнинг касбий шаклланиши жараёнида ўзлаштирадиган билимлар даражасини белгилашимиз учун ҳам аҳамият касб этди.

Замонавий педагогик технологиялар сифатида қўлланилган усулларнинг аҳамиятлилик кўрсаткичи талабаларнинг муносабати орқали баҳоланганда ҳар бир таълим йўналиши ўзига хос қийматларда акс этди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, таълимда қўлланилган технологик усуллар талабанинг билим даражаси, унинг таълим муҳитидаги фаоллиги ва ақлий салоҳият даражасига таъсирини фақат ички мантиқий боғлиқликлар орқали ўрганиш мумкин бўлади.

Қўлланилган усулларнинг аҳамиятига кўра барча усуллар таълим жараёнида талабаларга ижобий таъсир кўрсата олган (деярли усулларнинг аҳамияти ўртачадан юқори), аммо муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш, Блиц- сўров ва кичик гуруҳларда ишлаш технологиялари бир мунча юқорироқ натижаларни акс эттирган. Бундан кўринадики, қўлланилаётган таълим усулининг осон ёки мураккаблиги эмас, балки усулдан самарали ва ўз ўрнида фойдаланиш таълимда ўзининг ижобий натижасини бериши мумкинлигини тасдиқламоқда. Натижалардан кўринадики, талаба дарс жараёнига таълим технологияларини жорий этиш уларнинг таълим жараёнида билимларни ўзлаштиришидаги касбий шаклланишига ижобий таъсир кўрсата олмақда. Интерфаол методлардан фойдаланишда ўқув материалнинг мазмунини ўқитувчи томонидан қайта ишлаб чиқиши, талабага мураккаб туюлган терминларни изоҳлаб бериши, унинг онгида ақлий фаолиятини уйғотиши ҳамда кучайтириши талаб қилинади. Бунинг учун мавзунинг мазмунини ахборот шаклидаги тушунчалардан муаммоли савол, вазифа, топширик ва вазиятларга айлантирилади. Талаба олдида муаммо қўйилганда уни ҳал этиш, ечимини топишга хоҳиш туғилади.

Худди шу ҳолатда талабада ақлий фаоллик намуналари пайдо бўлади. Уни рўёбга чиқаришда интерфаол методлар ўзининг самарали натижасини беради.

Мустақил фикр-мулоҳаза инсонда мавжуд билимларни, фикр ва воқеликка бўлган муносабатларнинг эркин юзага чиқарилишидир. Албатта, ушбу жараён ўз ўзидан рўёбга чиқмайди, айниқса таълим-тарбияда. Маълумки таълим-ўқитувчи ва талаба орасида ўрнатиладиган педагогик муносабатлар мажмуидир. Ана шу муносабатларда ўзаро ишонч, талаб ва тартиб муҳимдир, яъни ижтимоий билимлар ортиб боради, социал интеллект мукамаллашади. Айниқса таълимни муаммоли ташкил этиш талаба ўқув фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Талабаларнинг интеллекти билан таълим усулларини таъсири ўртасидаги ўзаро корреляцион муносабатларда илмий аҳамиятга эга кўрсаткичлар қўлга киритилди. Натижалар умумий ва факультетлар бўйича таҳлил этиш кўзда тутилди.

Умумий интеллектни ўстириш учун эса таълим жараёнида вужудга келадиган муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган янги йўналишдаги психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш йўналишидаги изланиш олиб бориш зарур. Бундан кўринадики талабаларнинг касбий камолоти учун олий таълим мактабларида таълим-тарбия жараёнини яхлит тизим сифатида қараб, таълим беришнинг учта жабҳасини инобатга олиш муҳим:

1. Талабаларнинг касбий камолотида интеллектуал ривожини учун уларга психологик-педагогик таъсир кўрсатишни ўқитиш жараёнида ва шахсий камолотида тизимли ташкил этиш.

2. Талабаларнинг касбий камолоти шароитида шахсий ривожланиши, ақлий камолоти ва ўзлаштиришини таъминлашга йўналтирилган психологик-педагогик ва Ижтимоий шарт-шароитларни яратиш. Бу ўз навбатида талабаларнинг индивидуал хусусиятларини намоён этишга олиб келади.

3. Таълим жараёнида талабаларни касбий ва шахсий камолотига ёрдам кўрсатувчи махсус психологик-педагогик ва ижтимоий шароитлар яратиш. Бу талабаларнинг олий таълимгача бўлган даврдаги муаммоларини бартараф этишга хизмат қилишга йўналтирилган бўлиши муҳим. Талабаларнинг касбий шаклланишидаги интеллекти салоҳиятини ошириш учун хизмат қиладиган психологик-педагогик ёрдам ўйланган, тизимлаштирилган тадбирлар ва вужудга келадиган муаммоларни бартараф этадиган характерда бўлиши зарур.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси. -Т., Ўзбекистон, 2017. “Газета. uz”
2. Каримов И .А. Юксак маънавий енгилмас куч. Тошкент.Маънавият. 2008й.
3. Худойкулов Х.Ж. Миллий гуруҳ - маънавий комиллик мезони. Тошкент. ДЗайн-Пресс.2012й.
4. Худойкулов Х.Ж.Педагогик технологи таълим самарадорлигининг асосидир. Тошкент. Наврўз, 2012 й.
5. www.fikr.uz
6. www.arxiv.uz

РЕЗЮМЕ

Таълим муассасалари фаолиятига илгор педагогик технологияларни изчил ва мақсадга мувофиқ равишда татбиқ этиш эътироф этилмоқда. Замонавий педагогик технологиялар асосида таълим жараёни ташкил этилганда билим эгаллашнинг бир қанча бир-бирига боғлиқ бўлган босқичлари мавжуд бўлиб, тайёр билимларни талаба онгига етказиш, эсга олиш, эсда

сақлаш, қайта эсга тушуриш, сўзлаб бериш, ёзма ифодалаш каби ҳолатлар билиш, тушуниш даражаларини ифодалайди. Ўзлаштиришнинг кейинги даражаларида талабалар олган билимларини амалда татбиқ этиши, маълум натижаларни қўлга киритиши, тўлдириши, бойитиши, ўзгартириши, ўзининг мустақил нуктаи назарига эга бўлиши талаб этилади. Бу ўзлаштириш даражалари учун муаммоли ёндашув аҳамиятли ҳисобланади. Олий ўқув юртлари янги педагогик технологиялардан фойдаланиш борасида катта имкониятларга эга. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, технологик ёндашув асосида педагогик фаолиятни ташкил этиш индивидуал ва ижодий хусусиятга эга.

РЕЗЮМЕ

Последовательное и целенаправленное внедрение передовых образовательных технологий в деятельность образовательных учреждений признано. Существует ряд взаимосвязанных этапов обучения, когда учебный процесс основан на современных педагогических технологиях, что означает передачу готовых знаний в сознание учащегося, чтобы запомнить, вспомнить, повторить, говорить, выразить в письменной форме на следующем уровне обучения студенты должны применять на практике то, что они узнали, чтобы достичь определенных результатов, дополнить, обогатить, изменить и иметь независимую перспективу. Для этих уровней обучения важен проблемный подход. Университеты имеют большой потенциал в использовании новых технологий обучения. Следует отметить, что организация педагогической деятельности на основе технологического подхода является индивидуальной и творческой.

SUMMARY

The consistent and purposeful implementation of advanced educational technologies in the activities of educational institutions is recognized. There are a number of interconnected stages of learning when the educational process is based on modern pedagogical technologies, and it represents the level of knowledge, understanding, understanding, understanding, understanding, reading, writing, reading, writing. At the next level of mastering, students are required to put into practice what they have learned, to achieve certain results, to supplement, enrich, change, and to have an independent perspective. For these levels of learning, a problematic approach is important. Universities have great potential in using new teaching technologies. It should be noted that the organization of pedagogical activity on the basis of technological approach is individual and creative.

ИНТЕГРАЦИЯЛИ ТАЪЛИМ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўтаев А.Й.

Тошкент вилояти ЧДПИ “Педагогика ва менежмент” кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: таълим, интеграция, фанлараро, таълим, узлуксиз, яқинлашув, уйғунлик, тамойил, технология, режа, дастур, таълим стандарти, тажриба.

Ключевые слова: образование, интеграция, междисциплинарный, образовательный, непрерывный, конвергенция, гармония, принцип, технология, план, программа, образовательный стандарт, опыт.

Key words: education, integration, interdisciplinary, educational, continuous, convergence, harmony, principle, technology, plan, program, educational standard, experience.

Ўзбекистон педагогик таълим тизимининг ҳозирги инновацион ривожланиш босқичида таълимнинг турли шаклларида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Асосий мақсад – самарадорликка эришиш, ютуқлар билан чекланиб қолмаслик ва доимо янгиликка интилиб боришдир. Чунки ҳозирги давр тезкорлик ва самарадорликни тақоза этмоқда. Шу жиҳатдан интеграцияли таълим муҳим омиллардан ҳисобланади.

Шунингдек, дунёда глобаллашув шароитида фанларни интеграциялаб ўқитиш маънунини такомиллаштирига эътибор қаратилиб, таълим сифатини ошириш, ижодий тафаккур ва билим олишни рағбатлантириш ЮНЕСКОнинг халқаро таълим концепциясида ҳам белгилаб берилган.

Таълимда интеграция ғояси Я.А.Коменский томонидан илгари сурилган. Интеграция лотинча (тиклаш, тўлдириш) турли қисм ва элементларни бир бутунликка бирлаштириш жараёни.

Интеграция – “яқинлашув”, “ўзаро боғлиқлик”, “уйғунлик” маъноларини англади. Узлуксиз таълим тизимида интеграцион таълим фанлараро, ихтисосликлараро, муассасалараро ва халқаро ҳамкорлик шаклларида амалга оширилади. Интеграцион таълим ягона таълим стандартлари, уйғунлашган ўқув режалари ва яхлитлаштирилган ўқув дастурлари асосида амалга оширилади. Бунда таълим ва ўқитиш жараёни ягона мақсад – муддао тамойилига асосан амалга оширилади. Интеграцион таълимнинг шакллари ва турлари турлича бўлса-да, уни муҳим таълимий стратегик вазибалар узвий боғлаб туради.

Интеграцион таълим иштирокчилари тенг ҳуқуқли бўлиб, уларнинг техник – жиҳозланиш ва технологик дастурий таъминот жиҳатидан бир хил имкониятларга эга бўлиши тақоза этилади. Чунки интеграцион таълим технологияси ахборот-коммуникацион ва педагогик ривожланиш ҳосиласи бўлиб, у ахборотни техник ва технологиялар асосида амалга оширади. Бунда таълим-тарбия жараёнида ахборотлардан унумли фойдаланиш асосий вазиба сифатида қабул қилинади.

Интеграцион таълим олий педагогик таълим жараёнида эса уч шаклда номаён бўлади:

- 1) фанлараро боғлиқлик;
- 2) олий таълим даражасида уйғунлашган таълимга эришиш;
- 3) олий таълим муассалариаро яқинлашувни амалга ошириш.

Фанлараро боғлиқликка эришиш нисбатан мураккаб масаладир. Чунки бунда куйидаги талабларга риоя қилиш керак бўлади:

- мавзуларнинг такрорланишига йўл қўймаслик;
- фанлар мавзуларининг бир-бирини тўлдиришига эришиш;
- фанлараро интеграцияли матнлартайёрлаш ва бу тажрибани оммалаштириб бориш;
- ягона методологияга асосланиш.

Фанлараро боғлиқликка эришиш учун ягоналаштирилган намунавий ўқув дастурлари ишлаб чиқиш керак. Мисол учун, педагогика туркумидаги ёки ижтимоий – гуманитар фанлараро интеграцияли таълимни йўлга қўйиш имкониятлари ва заруриятлари мавжуд. Бундай йўл тутиш мавзуларни ўқитиш жараёнининг янгилашиб бориши, уларнинг сифат кўрсаткичининг ошиши ва ўқитувчилар ўртасида касбий ҳамда ижодий ҳамкорликнинг юзага келишига асос бўлади. Диққат қилинса, фанлараро боғлиқликка эришиш кўп муаммоларнинг ечимини беради.

Фанлараро интеграцияли таълимни йўлга қўйишда давлат таълим стандартларига қатъий амал қилинади ва масала фанлараро халқаро ҳамкорликни ташқи қилишда ҳам устувор ҳисобланади. Фанларга оид давлат таълим стандартларининг тўлдирувчанлик ва чуқурлаштирувчанлик хусусиятларига эга эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Олий таълим даражасида уйғунлашган таълимга эришиш муҳим масалалардан бўлиб турибди. Унга қўра, муайян олий таълим муассасасида фанларни интеграцион тарзда ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада айниқса, мутахассис-

лик фанларини қатъий интеграцион тарзда ўқитишга зарурият бор. Бунинг учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- фанлар мақсад – муддаолари ва мазмунининг уйғун бўлиши;
- ўқитиш жараёнига ижодий ёндашувни мунтазам тадбиқ қилиб бориш;
- ўқитувчиларнинг касбий ҳамкорлигини йўлга қўйиш;
- фанлараро бирлашган семинарларни доимо ўтказиб бориш.

Олий таълим даражасида интеграцияли таълимнинг уйғунлашган шакли бир неча имкониятларни беради: 1) қўзланган мақсадга биргаликда эришиш; 2) ўзаро тажриба алмашиш; 3) исталмаган муаммоларни биргаликда ҳал қилиш; 4) ютуқларни оммалаштириш ва ҳ.к. Шу сабабли жаҳон мамлакатларида нуфузли олий таълим шаклига қатъий амал қилиб келинмоқда.

Ҳозирги замон интеграцияли таълимнинг навбатдаги шаклларида бири олий таълим муассасалариаро яқинлашувини амалга оширишдир. Бунда қуйидагиларга аҳамият бериш самара беради:

- олий ўқув юртлараро кенг қўламли ва амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- профессор - ўқитувчиларнинг касбий ва ижодий ҳамкорлигини ташкил қилиш;
- ўзаро тажриба алмашиб бориш;
- илғор тажрибаларни оммалаштириш.

Эътибор берилса, бундай ёндашув у қадар кўп маблағни талаб қилмайди. Аксинча, олий таълим муассасаларининг имкониятларини кенгайтиради ва таълим сифатини оширади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан ташкил этилган “Эл – юрт умиди” жамғармаси олий таълим муассасалариаро интеграцион жараёни мувофиқлаштириб бориши мумкин. Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам жорий йилда “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан 700 дан ортиқ зиёд олимлар, профессор-ўқитувчилар чет элга илмий изланиш ва малака ошириш учун юборилишини таъкидлади.

Интеграцияли таълимнинг олий таълим муассасалариаро яқинлашув шакли жуда қулай ва мақбул кўринишлардан ҳисобланади. Мисол учун, бугунги кунда мамлакатимиз олий педагогика ўқув юртлариаро интеграцияли таълимни йўлга қўйиш жуда зарурият бўлиб турибди. Бунинг учун бу таълим муассасалари етарли шарт-шароит, техник имкониятлар ва касбий-таълимий тажрибаларга эга. Шу маънода бу имкониятлардан унумли фойдаланиш тақоза этади.

Зеро, интеграцияли таълим ўзининг имкониятлари ва мақбуллиги билан диққатни тортади. Бундай таълимга қуйидаги муҳим индикаторлар хос:

- а) ижодийлик ва янгиликка интилувчанлик;
- б) назария ва амалиётнинг уйғунлигини;
- д) турли тажрибаларнинг қўпчилиги ва оммалашиб бориши;
- е) вақтдан оқилона фойдаланиш ва тезкорлик.

Бу хусусиятлар интеграцияли таълимнинг имкониятларлари кенг қўламлигини кўрсатади. Шу сабабли бу масалага эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Педагогика фанидан изоҳли луғат.-Т.:“Fan va texnologiya”. 2009.
2. Усманов Н. Бўлажак ўқитувчиларни миллий ғоя тарғиботига тайёрлаш технологияси.-Т.,2012.
3. Реан А. Педагогическая психология.-М.: “Мысль”.2014.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада олий таълим тизимида интеграцияли таълимнинг имкониятлари, зарурияти ва унинг аҳамияти ҳамда интеграцияли таълимнинг фанлараро боғлиқлик жиҳатлари ҳақида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются возможности, необходимость и важность интегрированного образования в высшем образовании, и междисциплинарные аспекты интегрированного образования.

SUMMARY

This article discusses the possibilities, necessity and importance of integrated education in higher education and the interdisciplinary aspects of integrated education.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИЯ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИЛИШИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ахмадалиев Б.С.

ТВЧДПИ Мактабгача ва бошлангич таълим факультети ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари

Матмуродов А.К.

ТВЧДПИ магистранти

Таянч сўзлар: устоз-мураббий, касб-хунар таълими, технология, самарадорлик, махсус фанлар ўқитилиши, етук уста, хунарманд, илғор педагогик технологиялар.

Ключевые слова: педагог-тренер, профессиональное образование, технология, эффективность, преподавание специальных предметов, зрелый мастер, ремесленник, передовые педагогические технологии.

Key words: teacher-trainer, professional education, technology, efficiency, teaching special subjects, mature master, artisan, advanced pedagogical technologies.

Мамлакатимизда таълими тизимида олиб борилаётган таълим-тарбия жараёни Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда касб-хунар коллежлари ва уларда ўқитилаётган махсус фанларнинг ўзига хос роли ва аҳамияти бор. Негаки, ўқувчиларнинг 3 йиллик касб-хунар таълими давомида маълум касб ёки хунарнинг эгаси бўлиб етишувда махсус фанлар, ўз мазмун-моҳиятига кўра, асосий ўрин эгаллайди. Технология фанларни ўқитиш, малакали кичик мутахассислар тайёрлаш муаммоси С.Р.Волкова, Д.А.Зоҳидова, Д.О.Ҳимматалиев, Ў.Д.Хидировларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган. Аммо, бу айни мавзу юзасидан мавжуд педагогик муаммолар ҳал этилди дегани эмас, албатта.

Талабаларнинг ўз касбини мукамал эгаллашида ўқитувчи-мураббий ёки ишлаб чиқариш таълими усталари:

- касб ёки хунар сир-асрорларини юқори савияда билиши;
- улкан педагогик маҳорат ва тажрибага эга бўлиши;
- замонавий ахборот коммуникацион ва илғор педагогик технологияларни қўллай олиши;
- назарий билимларни амалиёт билан уйғун ҳолда олиб борган ҳолда талабаларда касб малакаларини шакллантириши;

- янгилик яратиш малакасига эга бўлиши;
- янги ишлаб чиқарилаётган техник воситаларни машғулотга теран татбиқ қила олиши;
- янги техника ва технологияларни чуқур билиши ҳамда таҳлил қила олиши;
- талабаларни кўпроқ мустақил ишлашга ундаши, билим ва кўникмаларини ривожлантириши;
- талабаларга касб-хунар малакаларини ўргатиш орқали унинг онги ва қалбига халқимизнинг миллий маданияти, қадриятлари, шарқона одоб-ахлоқ меъёрларини чуқур сингдириб бориши фоят муҳим педагогик шартлардан ҳисобланади.

Махсус фанларни ўқитишда ўқитувчиларга қўйилгани каби талабаларга ҳам қатор талаблар қўйилиши лозим.

- Аввало, талабаларда маълум касб ёки хунарга кизиқиш, иштиёқ бўлиши; касб ёки хунарни ҳеч кимнинг мажбурлови, таъзиқи ёки таъсирсиз, яъни ўзи ихтиёрий равишда, эркин ҳолда танлаган бўлиши;
- ўзи танлаган касб ёки хунар ҳақида дастлабки маълумот ва кўникмаларга эга бўлиши;
- таълим муассасасида ўзи танлаган касб ёки хунарни эгаллаш юзасидан яратилган шарт-шароитлардан ўз вақтида ва унумли фойдалана билиши;
- ўқитувчи-мураббий, ишлаб чиқариш устасининг ҳар бир тавсия ва кўрсатмаларига амал қилиши, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиши;
- ўз танлаган касби ёки хунарини пухта эгаллаб, келажакда ушбу малака бўйича фаолият юритиш ёки ушбу соҳа юзасидан олий таълим йўналишида таҳсил олишга пухта тайёргарлик кўриши лозим ва ҳ.к.

Талабаларнинг ўзи танлаган касб ёки хунар йўналишида таҳсил олишида ота-оналар мактабининг ҳам алоҳида ўрни бор. Масалан, қайсидир ўқувчининг ўз отаси ёки онасининг касбини, хунарини давом эттиришга эҳтиёжи кучли бўлиши мумкин. Бундай бўлса, касб-хунар таълимининг самарадорлиги янада ортади. Чунки ушбу ўқувчининг уйида, айтишлик, отаси дурадгор бўлса, унинг уйида ёғоч йўниш, унга ишлов беришга мўлжалланган дастгоҳ ва станоклар мавжуд бўлади. Ёки ўқувчи кизнинг онаси тикувчи бўлса, унга тикув машинаси билан ишлаш, газлампалар орқали олинган андозаларни тикув машинасида тикиш учун қулай имконият, бир сўз билан айтганда, амалиёт учун етарлича шароитлар яратилган бўлади. Аммо отаси ёки онаси давом эттираётган касб ёки хунарга эмас, аксинча, бошқа соҳага кизиққан ўқувчиларда ота-она томонидан айни масалага жиддий эътибор қаратилиши, яъни фарзанди учун у кизиққан соҳага оид муҳитни, шароитларни яратишга саъй-ҳаракат кўрсатилиши керак. Бунинг учун ота-она:

- фарзандининг касб ёки хунар танлаш ҳақидаги қарорларини ҳурмат қилиши, қўллаб-қувватлаши;
- имконият даражасида фарзанди танлаган соҳага оид муҳитни оилада яратишга рағбат кўрсатиши, унга соҳага оид зарур инвентар, жиҳоз ва дастгоҳларни жамлашга қўмаклашиши;
- касб-хунар коллежида олган билимларини амалда қўллашида унга ҳамкор, ҳамфикр бўлиши, дастлабки ютуқларини эътироф этиши, зарур ҳолларда рағбатлантириши, камчилик ва хатоларини оқилона тушунтириши;

- фарзандига келажакда у танлаган касб ёки хунарнинг муносиб эгаси бўлишига умид ва ишонч билдириши, қўллаб-қувватлаши муҳим вазифалардан саналади.

Технология фанларни ўқитишда амалиёт, истиқомимиз-йўқимиз, ҳал этувчи омил ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш устаси томонидан машғулотнинг амалий жиҳозланишига юқори талаб даражасида қаралиши керак. Хусусан:

- машғулотда ишлатиладиган станок ва дастгоҳларнинг замонавий, сифатли, тўлақонли даражада соғ ҳолатда ишлайдиган бўлиши;
- ускуна, дастгоҳ ва техник воситаларнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлигига хавф солмайдиган даражада ишлаши;
- ишлаб чиқариш жараёнида фавқулодда вазиятлар, ёнғин ҳодисаларини келтириб чиқарувчи омилларнинг бартараф этилиши;
- амалиёт жараёни учун ўқувчиларга мўлжалланган махсус кийим-бошлар, химоя воситаларининг мавжудлиги;
- амалиёт олиб бориш учун ҳар томонлама қулай, хавфсиз ва самарали иш олиб бориш имконияти мавжуд жой, ҳудуднинг танланиши ва ҳ.к. каби вазифалар машғулотлар учун кечиктириб бўлмайдиган масалалар сирасига киради.

Махсус фанлар ўқитилишида жойлардаги айрим касб-хунар коллежларида тез кўзга ташланадиган муаммолар шуларда кўринадики, аксарият ҳолларда моддий-техник базани ички имкониятлар ҳисобига бойитиш ишлари суғ ҳолда кечади. Ёки махсус фанлар қесимида фойдаланиш учун мўлжалланган техник воситалардан ноаниқ мақсадларда фойдаланилади. Бу ўз навбатида, касб-хунар таълимида технология фанларни ўқитилиши ишларининг самарасиз кечишига олиб келади.

Шуларни назарда тутган ҳолда, қайд этиш керакки, махсус фанлар ўқитилиши самарадорлигига эришиш кўзда тутилган экан, аввало:

- амалиёт учун ажратилган техник воситалардан айнан махсус фанлар йўналишида фойдаланиш;
- махсус фанлар амалиётини ривожлантириш орқали муассаса моддий-техник базасини ривожлантириш ёки аксинча, ҳомийлик ишлари асосида махсус фанлар ўқитилиши жараёнини янада такомиллаштириш;
- талаба ёшлар учун берилаётган имкониятлар, масалан, кредит маблағлари асосида тадбиркорлик субъектларига кенг йўл очиб ва шу орқали махсус фанлар ўқитилиши базасини мустаҳкамлаш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, хулоса қилиш керакки:

- ўқитувчи-мураббий, ишлаб чиқариш устаси томонидан махсус фанларга пухта тайёргарлик кўрилиши, уларнинг амалий жиҳозланиши масаласининг юқори даражада ҳал этилиши;
- махсус фанлар амалиётини ривожлантириш орқали муассаса моддий-техник базасининг такомиллаштирилиши;
- махсус фанлар ўқитилишини давлат таълим стандартларига мувофиқ равишда замонавий педагогик технологиялар асосида изчил ташкил этиш касб-хунар таълими йўналишида таҳсил олаётган ёшларни келажакда малакали мутахассислар бўлиб етишишида етакчи омил вазифасини ўтайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. – 29-б.
3. Ўзбекистон Республикаси “Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури” //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1997. 61-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада устоз-мураббий, касб хунар таълими усталари ҳамда талабаларнинг ҳамкорлиги, шунингдек, махсус фанлар ўқитилиши муаммолари изоҳланган бўлиб, бу борада ўқитиш самарадорлигини ошириш юзасидан атрофлича таклиф ва тавсиялар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются проблемы сотрудничества преподавателей, мастеров профессионального образования и учащихся, а также преподавания специальных предметов, а также приводятся подробные предложения и рекомендации по повышению эффективности преподавания.

SUMMARY

The article discusses the problems of cooperation between teachers, masters of vocational education and students, as well as the teaching of special subjects, as well as provides detailed suggestions and recommendations to improve the effectiveness of teaching.

ИННОВАЦИОН ТАЖРИБА МАЙДОНИ – “МАКТАБ–ЛАБОРАТОРИЯ”НИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

Абдурахманова Ж.Н.

тарих фанлари номзоди Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: педагогик таълим инновацион кластери, инновация, тажриба майдончаси, “мактаб–лаборатория”, таълим турлари, инновацион лойиҳа.

Ключевые слова: инновационный кластер педагогического образования, инновация, экспериментальная площадка, «школа-лаборатория», виды образования, инновационный проект.

Key words: innovative cluster of pedagogical education, innovation, experimental platform, “school-laboratory”, types of education, innovative project.

Ҳозирги кунда дунёдаги ҳар бир давлатда мамлакатни жаҳон бозорида рақобатбардош бўлишини таъминлаш, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган салоҳиятли, етук малакали мутахассисларни тайёрлаш долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Мазкур масалаларни ҳал этиб боришда аҳолининг интеллектуал даражаларини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Етук малакали мутахассислар тайёрлаш, аҳолининг интеллектуал даражасини ошириб бориш республикамиздаги мавжуд олий таълим муассасаларига қатта маъсулият юклайди. Натижада олий таълим хизматлари ҳамда меҳнат бозорларининг самарали ривожланиши олий ўқув юртлари томонидан тайёрланадиган юқори малакали мутахассислар билан боғлиқдир. Чунки бозор муносабатлари шароитида эркин рақобатга асосланган ижтимоий–иқтисодий ривожланиш ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига инновация янгиликларини киритиш асосидагина мамлакатни жаҳон хўжалиги бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш республикамизни илмий салоҳиятидан фойдаланиш даражасига боғлиқ.

Бугунги кунда дунёда илм-фан ва техника тараққиёти жуда тез суръатларда ривожланиб бориши натижасида барча соҳалар такомиллашиб бормоқда. Натижада янгича

ёндашувлар асосида ислохотлар ўтказиш Ўзбекистон таълим соҳаси ривожланишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Бунда илм-фан, техника ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларининг тез суръатларда жадаллик билан ривожланишига мос ҳолда таълим тизими ходимларидан таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатидан замон талабига мос доимий янгилаб боришни талаб этиб, мазкур тизимнинг ҳар бир ходими зиммасига янада юксак масъулият ва вазифаларни юклармоқда. Бундан ташқари таълим тизимининг барча бўғинлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш долзарб аҳамиятга эга асосий вазифалардан бирига айланган. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган ислохотлардан қутилаётган натижалар таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлашни мақсадли йўналтириш, педагог кадрларнинг билим савиясини ҳамда касбий малакаларини доимий равишда юксалтириб бориш ва бу борада аниқ мақсадларга эришишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги Қарори билан юқори малакали халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлаш мақсадида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ташкил этилди. Институтда таълим тизимининг барча бўғинларида узвийликни, узлуксизликни таъминлаш, ҳамкорлик асосида самарали ишлар амалга оширила бошланди. Мазкур институт ректори Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор Ғ.И.Мухамедов ташаббуси билан педагогик таълим инновацион кластерини яратиш гоёси илгари сурилди ва ушбу вилоятда педагогик таълим инновацион кластерини яратиш тизимининг устувор йўналиши белгилаб олинди ҳамда бу борада ишлар йўлга қўйилди.

“Педагогик таълим ривожланишининг кластер тизими таълим бериш, ўқув адабиётларини яратиш, педагог кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, таълим ва тарбия узвийлиги билан боғлиқ умумий йўналишларда фаолият олиб боради”.

Жамиятнинг барқарор ривожланишида таълимнинг аҳамияти каттадир. Шу нуқта назардан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ҳамда уларни ҳал қилишда фан ва таълимнинг барча бўғинлари ўртасидаги алоқадорликни таъминлашда энг аввало ўқув режалар, фан дастурларини қайтадан қўриб чиқиш, такомиллаштириш зарур. Бундан ташқари таълим барча бўғинларида фанларни ўқитишда узвийлик ва ўзаро бир-бири билан боғлиқлик, алоқадорликни таъминлаш зарурдир. Шу жараёнда таълимнинг инновацион кластеридан фойдаланиш ўзининг самарали натижасини беради.

“Педагогик таълим инновацион кластери узлуксиз таълим тизимидаги барча таълим турлари, илмий тадқиқот институтлари ва марказлари, амалиёт базалари, илмий ва илмий-методик тузилмаларнинг бир бутунлиги бўлиб, уларнинг биргаликдаги вазифалар тақсимланган фаолияти педагогик таълим тизимини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имконини беради. Бинобарин, кластернинг асосий мақсади ўз таркибига кирувчи таълимий-илмий-инновацион салоҳиятни нафақат юқори фуқаролар ва касбий лаёқатлилик даражаси билан, балки рақобатбардошлиги, янгиликларни қабул қила олиш қобилияти, янги таълим дастур ва технологияларини лойihalаш ҳамда амалга ошира олиш қобилиятига эга замонавий таълим мутахассисларини тайёрлаш учун бирлаштиришдир”.

Чирчиқ давлат педагогика институти педагогик таълим инновацион кластери асосида Тошкент вилоятида жойлашган 22 та умумий ўрта таълим мактабларида ҳамкорликда ҳар бир йўналишга оид фанларни ўқитишнинг замонавий усулларини йўлга қўйиш, касбга йўналтириш жараёнини ташкил этиш ва ривож-

лантиришни амалга ошириш мақсадида инновацион тажриба майдони “Мактаб–лаборатория”ларини ташкил қилган.

“Мактаб–лаборатория” – педагогик таълим инновацион кластерининг субъекти бўлиб, таълим турларининг илмий, услубий ва таълимий фаолиятини ривожлантириш мақсадига қаратилган инновацион лойиҳалар бўйича тажриба – синов майдончалари. “Мактаб–лаборатория” тажриба майдончалари таълим турлари ҳамкорлигининг инновацион шаклидир”.

“Мактаб–лаборатория”нинг асосий вазифалари олий таълим, умумий ўрта таълим ва таълимнинг бошқа босқичларининг ўзаро интеграциялашуви, узлуксиз педагогик таълим жараёнида инновацион лойиҳаларни таълимга сингдириш, педагог кадрларнинг касб маҳоратини юксалтириш, ривожлантириб бориш, касбга йўналтириш, кадрларнинг илмий–иждодий ташаббусларини услубий ҳамда ташкилий қўллаб–қувватлашдан иборатдир.

“Мактаб–лаборатория” асосий вазифасидан келиб чиққан ҳолда ўз олдига “узлуксиз таълим жараёнида таълим турлари ўртасидаги илмий, услубий ва таълим воситаларини ривожлантириш, педагогик таълим инновацион кластерини амалиётга тадбиқ этиш билан боғлиқ илмий–педагогик лойиҳаларни тажриба синовдан ўтказишни” аниқ мақсад қилиб қўйган ва ушбу мақсад асосида фаолиятининг йўналишлари ҳам белгилаб олинган ҳамда мазкур йўналишлар асосида иш олиб боради.

1. тажриба–инновацион; 2. илмий–услубий; 3. илмий–тадқиқот; 4. ахборот–таҳлилий.

Ҳар бир йўналишлар ўзига хос услуб ва аҳамиятга ҳамда ўзининг муайян вазифаларига эгадир.

Ҳар бир фан йўналиши доирасида ташкил этилган “Мактаб–лаборатория” ўз олдига қўйган мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни амалга оширишни белгилаб олган:

- Ўзаро тажриба алмашиш ва ўқув–услубий соҳаларда қўмаклашиш мақсадида олий таълим муассасасидаги мавжуд кафедраларнинг профессор–ўқитувчилари ва умумтаълим мактаб ўқитувчиларининг ўзаро дарс кузатишларини йўлга қўйиш;
- Мактабнинг иқтидорли ўқувчилари учун “Мактаб–лаборатория” тажриба майдонида соҳадаги таникли олимлар иштирокида семинар–тренинглар ташкил этиш;
- Педагогик таълимнинг инновацион кластери доирасида илмий тадқиқотларнинг тажриба–синов ишларини ташкил қилиш;
- Кафедра профессор–ўқитувчилари томонидан илмий тадқиқотга лаёқати бор умумтаълим мактаб ўқитувчиларига илмий маслаҳатчи ва раҳбарлик қилиш;

– Институт кафедраси йўналишидаги талабаларнинг педагогик ва малакавий амалиётларини “Мактаб–лаборатория” тажриба майдони ташкил қилинган мактабларда олиб борилишини таъминлаш;

- Кафедра йўналишидаги иқтидорли талабаларнинг битирув малакавий ишлари апробациясини “Мактаб–лаборатория” тажриба майдонида ташкил қилишни йўлга қўйиш;
- “Мактаб–лаборатория” тажриба майдонида мактабнинг иқтидорли ўқувчилари ўртасида фан олимпиадаларини ташкил қилиш;
- Мактаб ўқувчилари ва талабалар иштирокида кўрик–танловлар, маънавий–маърифий тадбирлар ташкил қилиш;

- “Мактаб–лаборатория” тажриба майдонида мактаб ўқувчилари маънавиятини ривожлантириш мақсадида кўرғазмали дарслар ташкил қилиш;
- Мактаб ўқувчилари билан касбга йўналтириш ишларида таълим йўналишлари бўйича самарали суҳбатлар ташкил қилиш.

Жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган даврда дунёдаги воқеа ва ҳодисаларни, сир-синаотларни ўрганишда илм-фаннинг ўрни ва аҳамияти жуда каттадир.

Таълим тизими ривожланиб борар экан авваламбор, олий ўқув юртларига бўлган ижтимоий муносабатни ўзгартириш керак. Олий таълим муассасалари фақатгина ўқув маскани эмас, балки илмий ғояларни тўплаб янги маҳсулотлар берувчи, барпо этувчи муассасалар сифатида қабул қилиниши, ўз ўрнида педагог–ҳодимлар талабаларга биргина билим бериш билан чекланиб қолмасдан, улар ичидан энг иқтидорли ёшлар ҳаракатини долзарб илмий–техника муаммоларни ечишга жалб қилишлари лозим.

Инновацион тажриба майдони сифатида ўз фаолиятини бошлаган “Мактаб–лаборатория”лар таълим тизимининг барча бўғинлари ўртасида ўзаро узвийлик, узлуксизликни таъминлайди. Ўқитишнинг замонавий усулларини йўлга қўйиш, касбга йўналтириш жараёнини ташкил этиш ҳамда ривожлантиришни амалга оширишда муҳим рол ўйнайди. Бундан ташқари умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда олий таълим муассасаси ҳамкорликда ҳар бир фан йўналиши доирасида ташкил этилган “Мактаб–лаборатория”нинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ишларнинг ташкил этилиши, фаолиятининг йўлга қўйилиши ўзининг самарали натижасини беради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3152-сон Қарори 2017 йил 27 июль.
2. Мухамедов Ғ.И. Педагогик таълим инновацион кластери: эҳтиёж, зарурат, натижа. Халқ сўзи. 2019 йил, 19 феврал.<http://xs.uz/uzkr/post>.
3. Ходжамқулов У.Н. Мактаб–лаборатория. (услубий қўлланма). Чирчиқ.: – 2019, 26-бет.
4. Мухамедов Ғ.И., Ходжамқулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф. “Университет”, 2019, 72-бет.

РЕЗЮМЕ

Мақолада педагогик таълим инновацион кластери асосида олий таълим муассаси ва умумий ўрта таълим мактаблари ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши, умумий ўрта таълим мактаблари инновацион тажриба майдончаси “мактаб–лаборатория”сининг ташкил этилиши, “мактаб–лаборатория”нинг мақсад ва вазифалари, унинг таълим тизимидаги тутган ўрни ва аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещается суть установления партнерских отношений между вузами и общеобразовательными школами на основе инновационного кластера педагогического образования, создание «школы-лаборатории» инновационных экспериментальных площадок для общеобразовательных школ, также описывается цели и задачи «школы-лаборатории» в системе образования.

SUMMARY

The article establishes partnerships between higher education institutions and secondary schools on the basis of the innovative cluster of pedagogical education, the creation of the «school-laboratory» of innovative experimental platforms for secondary schools, the goals and objectives of the «school-laboratory», its role and importance in the education system are indicated.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ МАЪНАВИЙ –АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ ФАОЛИЯТИ ВА КАСБИЙ МУҲИМ СИФАТЛАРИ

Кадирова Х.А.

Тошкент вилояти, Чирчиқ давлат педагогика институти “Педагогика ва менежмент” кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: халқ оғзаки ижоди, маънавий –ахлоқий тарбия, халқ эртаклари ва дostonлари, инсонпарварлик, илм ва ҳунар, фольклор, мактаб-оила боғча-оила.

Ключевые слова: фольклор, духовно-нравственное воспитание, народные сказки и эпосы, гуманизм, наука и ремесла, фольклор, школа-семья, детский сад-семья.

Key words: folklore, spiritual and moral education, folk tales and epics, humanism, science and crafts, folklore, school-family, kindergarten-family.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди XX-XI асрлардан бери халқ орасида тарбиявий восита сифатида қўлланиб келмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидлаганидек, болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш давр талаби ҳисобланиб, бунда оғзаки ижоднинг ўрни ва аҳамияти жуда катта, бинобарин, мазкур омилнинг аҳамияти кўплаб алломалар томонидан қайд этилган.

Хусусан, ҳикматларнинг комил инсон тарбиясидаги аҳамиятини таъкидлаб, Кайковус “Қобуснома” асарида “Агар ақли бўлишни истасанг, ҳикмат ўрган ақл ҳикмат билан камол топади” деб уқтиради.

Суқрот эса фольклор асарларнинг аҳамиятини таъкидлаб, уларнинг инсон тарбиясидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратади: “Мен қадимги донишмандларнинг бизга қолдириб кетган ақл дурдоналирини кўзда кечираман, агарда биз уларда нимадир яхши бир нарсага дуч келсак, уни ўзгартириб оламиз ва жуда катта фойда орттирган бўламиз”, дейди у.

Ҳозирга қадар ўзбек тарбияшунослиги халқ оғзаки ижодининг турли жанрларига баҳишланган илмий тадқиқот ишлари амалга оширилиб келинмоқда: хусусан, халқ оғзаки ижодининг тарбиявий хусусиятларини ёритишга қаратилган ишлар тадқиқотлар эътиборга моликдир.

Болаларни халқ оғзаки ижоди асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш муаммосини ўрганиш ва таҳлил этиш бу борадаги қатор омилларни ўрганиш талаб этади.

Болаларни халқ оғзаки ижодига оид асарлар воситасида асосида тарбиявилаш бола нутқини захираси ва тафаккур даражасини юксалтиради;

Халқ оғзаки ижоди материаллари мазмундан келиб чиқиб, болаларга “яхши” ва “ёмон” тушунчасини сингдириш, шу асосида инсонда муҳаббат ҳиссини тарбиялаш.

Мактабгача таълим муассасаларининг аксарият тарбиячилари машғулотларда халқ оғзаки ижоди материалларидан кам фойдаланадилар. Умумий ўрта таълим мактабларида эса бахшилар билан суҳбат ўтказиш, халқ эртаклари ва дostonлари асосида кечалар этиш, мунозара ва адабий кечалар ўтказишга эътибор берилмайди.

Халқ оғзаки ижодининг тарбиявий имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганинг яна бир сабаби мазкур йўналишда тарбиячи-ўқитувчиларнинг ота-оналар билан алоқаси бир мунча суст йўлга қўйилгандир.

Биз оилада болаларни халқ оғзаки ижоди материаллар асосида маънавий –ахлоқий ҳолатини ўрганиш натижаси шундай ҳулосага келдик.

1) кекса ота-онахонлари бор оилаларда халқ оғзаки ижоди материаллари, хусусан, мақоллардан фойдаланилмайди.

2) умуминсоний, диний ҳамда оилавий аънана ва қадриятлар асосида тарбиявий ишлар сифатли йўлга қўйилган оилаларда халқ оғзаки ижоди материалларидан тарбиявий мақсадда фойдаланишга катта эътибор берилади.

3) Ёш оилаларда халқ оғзаки ижодининг тарбиявий имкониятлардан тартибсиз ва камдан-кам фойдаланилади, айрим ёш ота-онлар фарзандларга учун эртақ китоблари харид қилсаларда, эртақларни ўзлари мустақил айтиб бера олмайдилар. Болаларга алла айтишда ҳам унинг мусиқани қўлласаларда, алланинг сеҳрли сўзларини қўлламайдилар.

Оилаларда фольклор асарларидан фойланишда йўл қўйилаётган камчиликларнинг асосий сабаблари куйдагилардан иборат:

- айрим ота-оналарнинг маънавий саводхонлигини юқори даражада эмаслиги;
- улар халқ оғзаки ижодига доир адабиётлардан беҳабарлар;
- акасариёт ота-оналар халқ оғзаки ижоди материалларини тарбиявий имкониятларга етарлича боҳо бера олмайдилар;
- айрим оила бошлиқлари фарзанди тарбиясига бирмунча бепарво қарайдилар.

Маънавий-ахлоқий тарбияга йўналтирган фольклор асарлари саралаб олинган, ота-оналарнинг булардан фойдаланиш, булар мазмунини англаш ва болаларга қизиқарли қилиб етказишларга эришиш учун куйдагиларга аҳамият қаратиш зарур:

1. Ота-оналар билан фольклор асарлари мазмуни ҳақида суҳбат ташкил этиш.
2. Халқ оғзаки ижоди асарлари танловини ташкил этиш.

Масалан, мақоллар халқ оғзаки ижоди турларидан бири сифатида ўзининг қадимийлиги, миллийлиги, маънавий таъсирчанлиги билан инсоният баркамоолигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Мақоллар мазмуни ва мавзу доирасининг ниҳоятда серқирралигини назарда тутиб, унинг тарбиявий имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш мақсадида ота-оналар ва тарбиячилар ўз тарбиявий ишлар режасига мувофиқ куйдагича мақоллар тизimini ишлаб чиқиш мумкин.

Ўқитувчилар (тарбиячилар) ва ота-оналар учун мақоллар тизими

№	Тарбиявий имконияти	Мақол мазмуни
1	Ватанга муҳаббат	Булбул чаманни севар, одам- Ватанни. Ватаннинг вайронаси-умрнинг гамхонаси. Юрти бойнинг- ўзи бой.
2	Инсонпарварлик	Инсон қўли чўлни дoston қилар. Каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўл. Устоз отангдек улуг.
3	Илм ва хунар	Билган билганини ишлар, билмаган бармоғини тишлар. Билим-кучда, куч –билимда. Билимли ўзар, билимсиз тўзар. Билим бахт келтирар. Билимсизга иш йўқ, ишсизга ош йўқ.

4	Хушёрлик ва эҳтиёткорлик	Душман сирининг ўғирлайди, дўст хатонгни тўғирлайди. Душманга бўйин эгма. Офат кўрмай десанг хушёр бўл.
5	Яхши сўз	Яхши сўз-жон озиғи. Ширин сўз -шакрдан ширин. Оз сўзла-соз сўзла.
6	Мақтанчоқлик ва манманлик	Камтарга- камол, манмага завол. Сен ўзингни мақтама, сени биров мактасин. Ўзлари хон, кўланкалари майдон.
7	Очкўзлик ва бахиллик	Бахилнинг боғи кўкармас. Бировга берсам эссиз ошим, уйда турса сасир ошим. Сахий билан бахил бир кудукдан сув ичмас.
8	Панд-насихатлар	Аввал ўзингга бок, кейин ногора қоқ. Ақлингга ақл кўш, жаҳлингга –сабр. Бир каттани гапига кир, бир кичикнинг. Гапни гапир уққанга, жонни жондек сукқанга. Болта тушгунча, кунда дам олар. Бош омон бўлса, дўшпи топилар.

Халқ оғзаки ижодининг тарбиявий имкониятларидан фойдаланишнинг дидактик жиҳатларини лойиҳалаш:

- мақсад аниқлиги,
- замонавийлиги,
- илмийлиги,
- лойиҳалаштирилганлиги,
- муайян изчилликка эгалиги каби тамойиллар назарда тутилади.

Мақтабгача таълим муассасалари ва бошланғия синфда халқ оғзаки ижодидан фойдаланиб, болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг шакл ва усуллари таркибда куйдагиларни келтириш мумкин:

1. Сайр чоғида суҳбат.

“Мақолхонлик”, “Ғаройиб саргузаштларга бой эртақ”, “Топган тополок” эртақларни ташкил этиш.

1. Кундалик ахборотлар таҳлили, шу жараёнда мақоллар, эртақлар, топишмоқлар, ҳикоя ва ривоятларга мурожаат этиш.

2. Мақоллар билимдонини аниқловчи “Зукколар” мусобақаси.

3. Педагог -тарбиячи маслаҳати (давра суҳбати).

4. Мақтаб-оила боғча-оила ҳамкорлигида ота-оналар ва болалар иштирокида эртақларни сахналаштириб кўрсатишга қаратилган “Она-бола, гули лола” кечаларни ташкил этиш.

“Зукколар” мусобақасида иштирокчиларига куйдагича ярми яширилганмақоллар тақдим этилади.

Обрў мисқоллаб келади.....(ботмонлаб кетади)

Инсон кўнгили тошданқаттиқ.....(гулдан нозик)

Оталар сўзи.....(ақлнинг сўзи)

Ўзингда йўқ.....(оламда йўқ)

Ўйин шарт иштирокчилари мақолнинг давомини айтиб, ўзларининг мақол борасидаги билимдонликларини намойиш этадилар. Шу тариқа мақоллар тўғри қўлланишга ўрганадилар.

Педагог-тарбиячи маслаҳатига асосланган тарбиявий тадбирда эртак ва масалаларда қўлланиладиган мақоллар юзасидан суҳбатлар ўтказилади. Бунда матн сўнгига қиссадан-ҳисса тарзида қўлланилган мақолларнинг тарбиявий мазмуни ҳақида болалар билан суҳбат мунозара ўтказилади.

Таълим-тарбия жарёнида мақолнинг сифати, болаларнинг ёшига мос бўлиши, таълимий-тарбиявий аҳамиятига кўра, саралаб олинганлиги ушбу жараёнда ўзига хос мезон вазифасини ўтайди.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида дастонлар авлодлар дунёкараши ва педагогика оламининг кўзгуси бўлиб, комил инсонни тарбиялашда ўзига хос бебаҳо қадриятлардан бири ҳисобланади. Зеро халқ дастонлар қахрамонларининг саргашлари, уларнинг қийинчиликларини енгиб, ҳар жиҳатдан чиниқиб бориши ҳар бир ёш учун ибратдир. Дастонлар халқнинг ўзлигини, тилини, урф-одатларини, қадиятларни анъаналарни ифодалаб берувчи кўзгу эканлигини юқорида таъкидладик. Халқ донишмандлиги руҳи билан суғорилган дастонларни чуқур ва атрофлича ўрганиш эса ёш авлоднинг маънавий камолотини юксалтиришга хизмат қилади.

“Достон” сўзи қисса, хикоя, шон-шухрат, саргузашт, таъриф ва мактов маъноларида ишлатилади. Адабий атама сифатида тасвирланган воқеа-ҳодисалар яқка шахс, фавқулотда куч қудратига эга бўлган халқ идеалигида баҳодир аторофига бирлаштиради. Бадиий адабиётга асосан икки усулда яратилган дастонлар бор. Биринчиси, асрлар давомида халқ оғзаки ижодида бахшлар томонидан оғзаки тарзда қуйлиб келинган дастонлар бўлса, иккинчиси, ёзма шаклда шоирлар томонидан ижод қилинган дастонлардир. Масалан “Алпомиш”, “Гўрўғли” туркумидаги дастонлар “Маликаи айёр”, “Равшан”, “Қунтуғмиш”, “Рустамхон” кабилар оғзаки дастонлар намуналаридир. “Гул ва Наврўз”, “А.Навойининг” “Хайратул аброр”, “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” каби асарлари эса зма адабиётдаги дастонлар ҳисобланади. Оғзаки ижоддаги дастонларни бахшлар қуйлайдилар. Қадимда “Бахши” сўзи халқона усуллар билан беморни даволовчи “табиб” айрим, худудларда “устоз” маъноларини аниқлатади. Бугунги кунда халқ дастонларини қуйлайдиган санъаткор маъносини билдиради. Дастонлар ҳам шеърӣ, ҳам насрий парчалардан иборат бўлиб, бахши соз чертганда созанда, шеърӣ парчаларни қуйга солиб айтганда хонандага айланади. Ижрочи бахшлар дўмбира, тор, дутор чалиб, кўбиз чертиб дастон айтганлар. Шу боис дастончилик кечалар ҳар тингловчи учун катта байрам бўлган. Бундай кечаларда одамлар ўтгасидаги ҳамма гинахонликлар унутилган, турмуш ташвишлари чекинган. Ана шундай умрбоқий асарлардан бири “Алпомиш” достонидир. “Алпомиш” достонидаги воқеалар ҳаётӣлиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради, мардлик, фидойӣлик, самисмият, тўғрилик, ҳамиятӣлик, дўстга содиқлик, ёрга вафодорлик, ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатлардан иборат бўлган ўзбек миллий руҳияти яққол кўринади.

“Зевархон” достонида Зевар ва Малика Хубон ўртасидаги чуқур инсоний муносабатлар, висол ва хижрон, вафо ва садоқат, дўстлик тараннум этилади.

“Қунтуғмиш” достонида ёшларнинг касб-хунар ўрганишга иновчи мисралар беҳисоб. Қиличхон лақабли подшонинг Қунтуғмиш деган ёлғиз ўғли бўлиб, ўн тўрт ёшга тўлгунча илм –хунар ўрганади, касб –камолот ҳосил қилади. Ўн тўрт ёшдан кейин эса қиличбозлик, милтиқ отиш, найзобозлик, кўпқари чопиш каби сипоҳилик хунарларини ўрганади, ҳар томонлама комил шахзода бўлиб етишади.

“Равшан” достони ҳам ишқий-саргузашт достонидир. Бу дастон ҳам “Гўрўғли” туркумига мансуб бўлиб, пок ва самимий муҳаббатни қуйловчи, мақсадга эришиш йўлида мардлик ва ботирликни улуғловчи, зулм ва адолатсизликни қораловчи асардир.

“Маликаи айёр” достони ҳам “Гўрўгли” туркумига қирадиган дostonлардан бири. Унда муҳаббат хангомалари ва ишқий саргузашлар сероб. Дostonда ор-номас, имон-этикод, инсоний ирода, чидам, топқирлик сингари эзгу маънавий сифатлар тасвирланади. Ўзбек йигитларига хос энг олижаноб фазилатлар Аваз тимсолида акс этган. Дostonда халқ мақол, матал ва қўшиқлар кенг фойдаланилган.

“Ойсулув” дostonидаги Ойсулув ва ўзбек хотин-қизларнинг умумлашма образидир. Унинг ҳозирги замон хотин-қизларига ибрат бўлувчи гўзал хислатлари жуда кўп. Масалан, Ойсулув ўғлининг зиндонбанд бўлганини эшитиб эсанкираб қолмайди, балки сабртоқат қилиб, мулоҳаза билан иш қўради, қўрқмай Эрон элчиларга қарата: “Мен Турон мамлакатимни, элу-халқимга унга бермайман!” –деб хитоб қилади.

Дostonлар кўриб турганимиздек, йигитларимизни мардликка, жасурликка, меҳнатсеварликка чорлайди. Шунингдек, дўстга вафодорликка, ака-ука ўртасидаги меҳрибонлик, ота-онага фидойи бўлишга ўргатади. Масалан, ака-ука ўртасидаги меҳрибонлик “Кутуғмиш” дostonида Гуркибой ва Мохибой образларида, дўстлар ўртасидаги садоқатлик “Зевархон” дostonидаги Зевархон ва Хасанхон, “Алпомиш” дostonидаги Алпомиш ва Қоражон образларида тасвирланган.

Дostonларда кўплаб ҳикматли сўз ва мақолларни учратиш мумкин. Масалан: “Ғарибнинг кўнглини овламоқ савоб”, “Қиличдан сесканмас ботирнинг тани”, “Камаланинг камоли бордир, манманнинг саволи бордир”, “Яхшиларнинг юзи кўрсанг жаннатдир, ёмон одам қилган иши миннатдир”, “Ўзиндан каттани учратсанг тер бил, ўзингни эр билсанг, бировни шер бил” кабилар шулар жулар жумласидандир. Хусусан, “Алпомиш” дostonида халқ донолигининг дурдоналари-ҳикматли сўзлар жуда сероб. Уларнинг халқимиз бошидан ўтказилган тажрибалар асосида юзага келган хулосалар десак адашмаймиз.

Дostonлар мавзусига сингдирилган мақоллар ва ҳикматли сўзларнинг ахлоқий тарбиядаги аҳамияти чексиздир.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қазият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз - Тошкент: “Ўзбекистон” 2017.-592 б
2. Каримов И.А Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 2000 й.
3. Каримов И. А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.:1997.
4. Т.Мирзаев ,О.Сафаров, Д.Ўраева Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси-Тошкент 2008 йил
5. Муталипова М.Ш. Халқ педагогикаси. Тошкент 2015 йил
6. Муталипова М.Ш. Халқ педагогикаси. Тошкент 2011 йил
7. А.Қ.Мунавваров Оила педагогикаси. Тошкент 1995 йил

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларда халқ оғзаки ижоди асосида ўқувчиларни маънавий – ахлоқий тарбиялашда болаларни халқ оғзаки ижоди асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш муаммосини ва бу борадаги катор омилларни, халқ оғзаки ижоди материаллар асосида маънавий –ахлоқий ҳолатини ўрганиш асосида халқ оғзаки ижодининг тарбиявий имкониятларидан унумли фойдаланиш масалалари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье отображено эффективное использование от народного фольклора при духовно-нравственного воспитания детей, будущие учителя сосредоточат внимание на вопросах на основе фольклора и на том, как их эффективно использовать в развитии фольклора.

SUMMARY

This article reflects the effective use of folklore in the spiritual and moral education of children; future teachers will focus on issues based on folklore and on how to effectively use them in the development of folklore.

“ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ” - МАҚСАДЛАР УМУМИЙЛИГИ ВА МАНФААТЛАР ХУСУСИЙЛИГИ ҲАҚИДА

Абдиримова И.К.

ТВЧДПИ ўқитувчиси

Таянч сўзлар: кластер, кластер стратегияси, кластер шакллари, кластер тамойиллари, кластер субъектлари, педагогик таълим кластери, рақобатбардошлик, миметик метод, интеграция, инновацион занжир, инновацион ёндашув, латерал стратегия, фокусли стратегия.

Ключевые слова: кластер, кластерная стратегия, кластерные формы, кластерные принципы, кластерные субъекты, педагогический кластер, конкурентоспособность, миметический метод, интеграция, инновационная цепочка, инновационный подход, латеральная стратегия, фокусная стратегия.

Key words: cluster, cluster strategy, cluster forms, cluster principles, cluster actors, pedagogical cluster, competitiveness, mimetic method, integration, innovation chain, innovative approach, lateral strategy, focus strategy.

Жамиятда юз бераётган туб ўзгаришлар, шубҳасиз, таълим соҳасини ҳам камраб олмоқда. Таълим тизимининг кейинги чорак асрдаги фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, истиклол йилларида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўламиз.

Тизимдаги бу каби камчиликларни бартараф этиш мақсадида кейинги икки йил давомида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларига онд бир қатор президент ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Жумладан, 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2017 йил 14 мартдаги “Ўрта махсус, касб-хуна таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарорларида кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан такомиллаштиришга, хусусан, тизимга ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини татбиқ этишга жиддий эътибор қаратилган. Таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган мазкур ҳужжатларнинг барчасида соҳага инновацияларни киритиш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, ижодий ёндашувларни қўллаб-қувватлаш, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш билан боғлиқ умумий жиҳатлар мавжуд.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти томонидан тақдим этилаётган “Педагогик таълим инновацион кластери” модели таълим тизимидаги юқорида қайд қилинган камчиликларни бартараф қилиш имкониятини яратувчи янги инновацион лойиҳа сифатида баҳоланмоқда. Бу лойиҳа институтнинг стратегик тадқиқот йўналиши сифатида белгиланган бўлиб, ушбу муаммони илмий нуқтаи назардан ўрганиш мақсадида ҳозирда ўттиздан ортиқ профессор-ўқитувчилар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.

“Педагогик таълим инновацион кластери” моделининг амалиётга татбиқ қилиниши натижасида узлуксиз таълим тизимини ташкил қилувчи таълим турлари ўртасидаги тарқоқликнинг бартараф қилиниши, уларни муштарак мақсад атрофида бириштириш, узвийлик ва узлуксизликни қарор топтириш, ўзаро рақобат ва назорат муҳитини

шаклантириш, педагогик соҳада самарали ворисийликни таъминловчи тизим яратиш масалалари назарий асосланган ва самараси кафолатланган ечимга эга бўлади.

“Педагогик таълим инновацион кластери” миметик метод бўлиб, иктисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларида самарали ҳисобланган кластер моделини таълим жараёнига татбиқ этишни назарда тутди. Дарҳақиқат, ишлаб чиқариш тармоқларида хомашё, маҳсулот ва талаб кетма-кетлиги мавжуд бўлиб, ушбу кетма-кетлик инсон капитали кўринишида педагогик таълим тизимида ҳам мавжуддир. Бу эса ишлаб чиқаришда самарали бўлган кластер моделини таълим тизимига жорий этиш назарий жиҳатдан асосли эканлигини кўрсатади. Умуман, педагогик таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда фан ва таълим бўғинлари ўртасидаги тарқоқлик бутунги кунда узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш моделига ўтказиш заруратини тақазо этмоқда.

Педагогик таълим инновацион кластери узлуксиз таълим тизимидаги барча таълим турлари, илмий тадқиқот институтлари ва марказлари, амалиёт базалари, илмий ва илмий-методик тузилмаларнинг бир бутунлиги бўлиб, уларнинг биргаликдаги тақсимланган фаолияти педагогик таълим тизимини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имкониятини беради. Бинобарин, кластернинг асосий мақсади ўз таркибига кирувчи таълимий-илмий-инновацион салоҳиятни нафақат юқори фуқаролик ва касбий лаёқатлилик даражаси билан, балки рақобатбардошлиги, янгиликларни қабул қила олиш қобилияти, янги таълим дастур ва технологияларини лойиҳалаш ҳамда амалга ошира олиш қобилиятига эга замонавий таълим мутахассисларини тайёрлаш учун бирлаштиришдир.

Педагогик таълим ривожланишининг кластер модели таълим бериш, ўқув адабиётларини яратиш, педагог кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, таълим ва тарбия узвийлиги билан боғлиқ умумий йўналишларда фаолият олиб боради. Бу эса муаммонинг умумий методологик характерга эга эканлигини кўрсатади. Айни пайтда бу умумий йўналишлар таълимни бошқариш ва ташкиллаштириш, таълим турлари ва йўналишлари, узвийлик ва интеграцияни таъминлаш, ўқитиш методлари ва воситалари каби йўналишларда хусусийлашади.

“Педагогик таълим инновацион кластери” моделининг субъектлари сифатида қуйидагиларни қайд қилиш мумкин:

- талабалар, магистрантлар ва докторантлар педагогик амалиёт ўтайдиган, таълимий, илмий тадқиқотчилик, инновацион ва лойиҳалаштириш фаолиятини олиб борадиган ўқув ва тажриба экспериментал база вазифасини ўтайдиган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, олий ва қўшимча таълим муассасалари;
- таълимнинг турли даражаларидаги янгиланишларга мувофиқ равишда катталарнинг қўшимча таълими тизими муассасалари, болалар ва ўсмирларнинг мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълими педагогик кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари;
- ҳамкорликдаги илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланаётган ва уни белгилайдиган илмий ва илмий-методик тузилмалар, марказлар, илмий тадқиқот институтлари;
- педагогик ҳамжамиятлар, ташаббускор жамоалар, жамоат бирлашмалари, давлат ва нодавлат ташкилотлари;
- хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлар.

Кластер модели ҳар бири алоҳида фаолият олиб бораётган субъектларни умумий мақсад атрофида бирлаштиради ва айни пайтда, ҳар бир субъект умумий мақсаддан келиб чиққан ҳолда хусусий манфаатдорликда иш юритади. Кластер модели субъектлари бир-бирини қўллаб-қувватлайди ва назорат қилади, ҳар бири алоҳида кластернинг маънавий ва интеллектуал майдонини яратади, ижтимоий таъсири ҳамда аҳамиятини кенгайтиради.

Педагогик таълим инновацион кластери табиий алоқадорлик, узвийлик, изчиллик, ворисийлик, замонавийлик, йўналтирилганлик, мақсаднинг муштараклиги, манфаатларнинг хусусийлиги, ўзаро назорат каби тамойилларига асосланади.

Ушбу тамойиллардан айримларига батафсилроқ тўхталиб ўтишни жоиз деб биламиз:

- мақсадларнинг муштараклиги – бу тамойил таълим турларининг хусусий мақсадлари жамланиб, умумий мақсадга айланишини назарда тутди. Таълим кластери модели доирасида бир-бирига алоқадор таълим турлари ягона мажмуани ҳосил қилади. Чунки кадрлар тайёрлаш масаласи бир-бирига алоқадор бир неча субъектларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари ижросининг тўлақонли таъминланиши натижасида ўз ижросини топади. Бу эса давлат таълим стандартлари асосида сифатли таълим бериш, ёшларни маънан баркамол, жисмонан бақувват, миллий анъана ва қадриятларимизга содиқ қилиб тарбиялаш, уларда замонавий ва ностандарт фикрлаш кўникмаларини шакллантириш каби муштарак жиҳатларда намоён бўлади.
- манфаатларнинг хусусийлиги – бу тамойил иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларида ўта табиий равишда содир бўладиган жараённи англатади. Таклиф қилинаётган таълим кластери модели манфаатлар хусусийлашган дагина қарор топади. Содда қилиб айтганда, кластер субъектлари манфаат кўрсагина ушбу ҳаракатлар ўзини оқлайди ва давомийлик касб этади. Таълим кластери моделида ҳар бир таълим субъектининг манфаати назарда тутилиши лозим. Барча таълим субъектларининг хусусий манфаатлари оқибатда умумий манфаат учун хизмат қилади.
- ўзаро назорат – бу тамойил кластер модели доирасида бирлашган таълим субъектларининг фаолияти бир-бирига боғлиқлигини англатади. Битта субъектда йўл қўйилган хато ёки камчилик иккинчи субъектнинг фаолият самарадорлигига таъсир кўрсатади. Демак, кластер доирасида маълум ҳудуд ёки фаолияти бир-бирига боғлиқ бўлган таълим субъектлари ўзаро тизимни ҳосил қилади.

Педагогик таълим кластери фаолиятининг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

- педагогика соҳасида самарали ворисийликни таъминлаш ва энг яхши ўқувчиларни педагог касбига тарғиб қилиш;
- педагогларнинг касбий тайёргарлигини амалиётга таянган ҳолда ва манфаатдор субъектлар тескари алоқасини оператив таъминлаган ҳолда олиб бориш;
- бўлажак таълим мутахассисларини инновацион тажрибага эга бўлган амалиётлар базасида тайёрлаш муҳитини яратиш;
- ёш мутахассисларнинг касбий кўникмаларни эгаллаш даврини қисқартириш;
- педагогик таълимда янги авлод ўқув, ўқув-услубий, илмий адабиётлар, воситалар ва дидактик материаллар мажмуасини яратиш;
- педагогик таълим илмий, илмий-педагогик салоҳиятини ошириш;

- педагогик таълимни ривожлантиришнинг долзарб масалалари атрофида интеллектуал ресурсларни интеграциялаш;
- таълим, фан ва педагогик амалиётнинг турли шакл ва турларини излаб топиш ва таълимга татбиқ этиш;
- таълим ва тарбия узвийлигини таъминловчи механизмларни такомиллаштириш;
- педагог кадрларни тайёрлашда мактабгача, ўрта таълим ва ОТМ ҳамда бошқа талабгорлар билан ўзаро тезкор қайта боғланиш имкониятини яратиш;
- педагогик таълим бўғинлари ўртасидаги алоқадорлик, боғлиқлик ва ҳамкорлик заруриятини илмий асослаш.

Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда педагогик таълим инновацион кластери куйидаги вазифаларни бажаради:

- вилоятдаги таълим муассасалари учун замонавий билим ва малакага эга педагог кадрларни тайёрлаш;
- таълим сифатини оширишда инновацион педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш;
- педагогика соҳасида илмий фаолиятни изчил йўлга қўйиш;
- таълимнинг асосий (дарслик) ва ёрдамчи (дугатлар, комуслар, электрон манбалар ва б.) воситалари мазмун-моҳиятининг таълим босқичлари кесимидаги узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш;
- вилоятдаги таълим муассасалари ўқитувчиларнинг билим савиясидаги бўшлиқларни тўлдирish мақсадида вилоят ХТБ билан ҳамкорликда муддатли ўқув курслари ташкил қилиш;
- умумтаълим мактабларида фанларни ўқитиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилиш мақсадида вилоят ХТБ билан ҳамкорликда илмий-амалий семинарлар ташкил қилиш;
- институтдаги профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида илмий тадқиқот институтлари, илмий марказлар ва таянч олий таълим муассасалари билан илмий ҳамкорликни кучайтириш;
- умумтаълим мактабларида илмий тадқиқот олиб бориш лаёқатига эга ўқитувчиларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш;
- педагогика соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш мақсадида етакчи хорижий ОТМга стажировкаларни амалга ошириш.

Умуман олганда, “Педагогик таълим инновацион кластери” педагогика соҳасига иқтисодий моделларни татбиқ қилиш натижасида самарадорликка эришишни назарда тутди. Бу билан соҳада таълим субъектларининг алоқаси ва узвийлиги, таълим турларининг интеграцияси таъминланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”, Тошкент ш., 2017 йил 30 сентябрь, ПҚ-3305-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”, Тошкент ш., 2017 йил 30 сентябрь, ПҚ-3304-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, “Ўрта махсус, касб-хуна таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Тошкент ш., 2017 йил 14 март, ПҚ-2829-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Тошкент ш., 2017 йил 20 апрель, ПҚ-2909-сон; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, “Олий ўқув

юртидан кейинги таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Тошкент ш., 2017 йил 22 май, 304-сон.

2. Г.Б.Болоний, В.Ю.Лыскова. Кластерный подход и его использование в научно-педагогических исследованиях. Вестник ТГУ, т.16, вып.1, 2011.

3. Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, 1980, 454 pages.

4. Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем// Взаимодействия образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона: Материалы 10 Международного образовательного форума (Белгород. 24–26 окт. 2006 г.): в 2 ч. / БелГУ, МПГУ, МАНПО; отв. ред. Т.М. Давыденко, Т.И. Шамова. Белгород: Издательство БелГУ, 2006. Ч. 1. С. 24–29.

5. Беспалова Л. Что такое кластер? URL: <http://siok.rightside.ru/siok/> 2009-12-01-06-24-41. Загл. с экрана.

РЕЗЮМЕ

Мақолада педагогик таълим кластери тушунчасига таъриф берилган ва унинг зарурати, Ўзбекистон шароитида уни амалга ошириш механизмлари, тамойиллари ҳамда йўналишлари кўрсатиб берилган. Тошкент вилояти мисолида педагогик таълим кластерининг амалий аҳамияти илмий ҳулосаланган.

РЕЗЮМЕ

В статье описывается понятие педагогического кластера и его необходимость, механизмы, принципы и направления его реализации в контексте Узбекистана. Практическая роль педагогического кластера на примере Ташкентской области научно обоснована.

SUMMARY

The article describes the concept of a pedagogical cluster and its necessity, mechanisms, principles and directions for its implementation in the context of Uzbekistan. The practical role of the pedagogical cluster on the example of the Tashkent region is scientifically substantiated.

СИНФ МУРАББИЙЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИНИНГ ЎРНИ

Кошанова Н. М.

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Ижтимоий фанлар”
кафедраси ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: интеграциялашув, инновация, педагогик таълим инновацион кластери, ижтимоий ҳамкорлик, электрон журнал.

Ключевые слова: интеграция, инновации, педагогическое образование, инновационный кластер, социальное партнерство, электронный журнал.

Key words: integration, innovation, teacher education, innovation cluster, social partnership, electronic journal.

Ўзбекистонда миллий таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимидаги камчиликларни бартараф қилиш, юқори салоҳиятли, маънавиятли, замон билан ҳамнафас бўлган ёшларни тарбиялаш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан умумий ўрта таълим мактабларида таълим – тарбия сифатини яхшилаш, моддий –техник базасини мустаҳкамлаш, китобхонликга меҳрини уйғотиш, ўқитувчи шахсига нисбатан ҳурмат туйғусини янада кучайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакатимиз таълим ва илм-фан ривожига давлат бюджетининг 33,3% маблағини сарфлаётганлиги фикримизнинг яққол исботидир. 2017-йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистон республикаси президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг бевосита таълим соҳасига дахлдор 74 фармон, қарор ва фармойиш-

лар қабул қилинди. Бу ҳақда президентимиз Ш.М.Мирзиёв “Албатта, соҳа ривожига юксак эътибор натижаси бўлган хужжатларни ҳаётга самарали жорий қилиш, уларга бамисоли жон бахшида этишда биз аввало сиз, азиз ўқитувчи ва мураббийларга, билим ва тажрибангиз, истеъдод ва маҳоратингизга суянамиз.

Бугунги кунда таълим кластерини яратиш зарурати меҳнат соҳаси ва таълим ўртасида юзага келадиган интеграция жараёни билан боғлиқ. Дунёнинг қўллаб-қамраб кўриладиган мамлакатларида сўнгги чорак аср давомида кластерларни шакллантириш минтақавий ривожланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди.

Таълим жараёнига кластер ёндашувини қўллаш амалиёти хорижий мамлакатлар тажрибасида мавжуд. Бу борада Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Малайзия, Марокаш, Йордания, Миср, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб амирликлари каби мамлакатларда катта тажриба мавжуд. Таълимни ривожлантиришга нисбатан кластер ёндашуви дейилганда, кластер субъектларнинг муоммо устида иш олиб бориши жараёнида ривожланиш, шерикликни мустаҳкамлашнинг барқарор ривожланиш асосида амалга ошириши, алоҳида иштирокчилар ва бутун кластернинг ўзига хос афзалликларнинг мустаҳкамланиши тушунилади.

Кластер шундай тизимки, уни ташкил қилувчи компонентларнинг интеграцияси ҳар бир субъектнинг янада самаралироқ ишлашини таъминлайди ва истисно бузилишларга олиб келмайди.

Тадқиқотчилар манфаатдор томонларнинг саъй ҳаракатларини бирлаштиришнинг ташкилий шакли сифатида кластерни таълим муассасасининг муайян мақсадларини амалга оширишга ёрдам берувчи ижтимоий шерикликнинг тўплами сифатида тушунилади. Кластерда таълим муассасаси, ўқитувчи ёки иш берувчи бошқа таълим муассасаси ўқитувчи ёки иш берувчи билан биргаликда ишлаш масалалари бўйича ўзаро мулоқот қилишлари мумкин бўлган муҳит яратилиши, унда ўзаро фикр алмашиш, ресурсларни мустаҳкамлаш ва интеллектуал маҳсулотлар яратиш жараёнлари муҳокама қилиниши зарур. Ушбу турдаги таълим кластерининг ишлаш тажрибаси шунини кўрсатадики, бундай ўзаро таъсирлар нафақат таълимий ҳамкорларнинг янада тизимга бирлашган шакли, балки ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини ривожлантириш учун шахснинг истакларини қондиришга ҳам имкон беради.

Таълимни ривожлантиришнинг кластерли ёндашуви тизимни барқарорлаштиради. Шерикликни ривожлантириш асосида тизим олдига янги мақсадларни қўяди. Ривожланган мамлакатларда “Таълим кластери” концепцияси 20 йилдан ортиқ даврдан бери мавжуд ва фаол тадбиқ этиб келинмоқда. Улар мамлакатнинг халқаро таълим хизматлари бозорида иштирок этиши ва таълим тизимини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Буюк Британияда тиббиёт соҳасидаги таълим муассасаларида таълим кластерларини ривожлантириш энг устувор йўналиш ҳисобланади. Францияда экотизмларни ривожлантиришга бағишланган муоммоларга катта эътибор беради ва давлат, таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот лабораторияларини фаол жалб қилади. АҚШ да эса иш билан банд бўлганларнинг 60% таълим кластери орқали иш билан таъминланган.

Россия Федерациясида кластер сиёсати элементлари 2020-йилгача Россиянинг узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясида акс эттирилган. Қонун чиқарувчи турли секторлардаги 25 та гуруҳни ўз ичига олган инновацион ҳудудий гуруҳларнинг рўйхати белгилаб олинган ва улар университетларнинг фаол иштирокида шакллантирилиши кераклиги белгиланган. Бу борада Шарқ мамлакатларидан Сингапур тажрибасини қўриб чиқадиган бўлса, мамлакат дунёда таълимнинг кўрсаткичлари ва тараққиёти бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Сингапур таълимини ривожлантирган

омиллар нималардан иборат эди. Мамлакат маъмурий жихатдан 4 та таълим хуудига бўлинган бўлиб, ҳар бир хууд 7 та кластердан иборат. Ҳар бир кластер 12-14 бошланғич ва ўрта мактабни ўз ичига олади. Сингапур таълим тизимида ахборот коммуникация технологиялари муҳим рол ўйнайди. Бу эса талабалар ўртасида инновацион ғояларни ривожлантиришга ва улар ўртасида ҳамкорликни кучайтиришга ёрдам беради. Кластер раҳбарлари мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари ёрдамида келиб тушган барча маблағлар ва ҳаражатларни нашр этадилар.

Бундан кўриниб турибдики дунёнинг кўплаб мамлакатларида сўнгги чорак аср давомида кластерларни шакллантириш орқали соҳалар ривожини таъминлаш масаласи бирмунча ривожланди. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий соҳаларга кластер ёндашувини қўллаётганлигига икки йил бўлишига қарамадан самарадорлиги сезилмоқда. Сабаби кластер алоҳида соҳа (таълим, иқтисодиёт ва ҳ) бўлиб, рақобатбардош самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган соҳалар бирлашишининг ташкилий шакллари кучайтириш механизми ҳисобланади. Таълимга кластер ёндашувда мавжуд муоммони ечимини топишда хуудлар ва соҳаларнинг ўзига хослиги, кадрларга бўлган эҳтиёж ҳамда хууднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларида ушбу масаланинг комплекс ҳарактерда ақс этиши муҳим ҳисобланади. Педагогик таълим кластери субъектларини аниқ белгилаб беради.

Педагогик таълим кластерининг субъектлари муассасаларнинг таълимий, илмий, услубий фаолиятининг сифатини оширишга хизмат қиладиган барча давлат ва нодавлат ташкилотларини тушуниш мумкин. Кластер модели ҳар бири алоҳида фаолият олиб бораётган субъектларни умумий мақсаддан келиб чиққан ҳолда хусусий манфаатдорликда иш юритади. Кластер модели субъектлари бир-бирини қўллаб-қувватлайди ва назорат қилади. Натijaда ҳар бири алоҳида кластернинг маънавий интеллектуал майдонини яратади, ўзаро ижтимоий таъсири ҳамда аҳамиятини кенгайтиради.

Бу борада педагогик таълим инновацион кластери мактаб лабораторияси лойиҳа гуруҳлари мавжуд муоммолар ечимини бера олади.

Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ижтимоий фанлар кафедраси Чирчиқ шаҳар 21-умумтаълим мактабида синф мураббийи фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Педагогик таълим инновацион кластери ва “Мактаб лаборатория” инновацион тажриба майдончаларида амалга оширилдиган “Инноватор мураббий” лойиҳани амалиётга тадбиқ этди.

Бу лойиҳада умумтаълим мактабларида синф мураббийлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, мақсадли фаолият юритишни таъминлаш ва шу орқали ўқувчиларнинг таълим - тарбия жараёнидаги фаоллигини ошириш кўзда тутилди.

Тажриба-синов иши қўйидаги босқичларда амалга оширилди:

Биринчи босқич: Мавжуд муоммони аниқлаш

- Синф мураббийининг иш фаолияти самарадорлиги даражаси ва ўқувчилар билан ишлаш тартибининг ижобий ва салбий жиҳатларини аниқлаб олиш мақсадида мураббий қўл остидаги ўқувчилар билан аноним сўровномалар ўтказилади;
- Синф ўқувчиларининг асосий фанлар буйича ўзлаштириш даражаси ва мураббий томонидан маънавий дарсларида сингдирилган ахлоқ-одоб масалаларидаги билимларини аниқлаш мақсадида тест синови ташкил қилинди;
- Ота-оналарнинг фарзанди тарбияси борасидаги маъсулияти ва гуруҳ мураббийи билан ҳамкорликдаги бола тарбиясидаги фаоллиги масаласи

ўқувчилардан олинган аноним сўровнома ва гуруҳ мураббийи билан ўтказилган суҳбат орқали аниқланди;

- Ўтказилган сўровнома ва тест синови ва суҳбатлар асосида гуруҳ мураббийининг таълим ва тарбия жараёнидаги ютуқ ва камчиликлари аниқланиб, шунга асосланган ҳолда тажриба-синов ишларини амалга ошириш шакллари, усуллари ишлаб чиқилди.

Иккинчи босқич: Тажриба-синов ишининг режаси, дастури ва тажриба ишлан-малари тайёрланди. Ишлаб чиқилган дастур бевосита таълим-тарбия жараёнида синов тариқасида тадбиқ қилинди.

Учинчи босқич: Бунда тадқиқотдан қўзланган мақсад ва уни амалга ошириш учун ишлаб чиқилган таълим ва тарбия технологияси бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилади, олинган натижалар таҳлил қилинади ва умумлаштирилади. 3-босқичда таълим ва тарбия жараёнидаги педагогик самарадорликни аниқлаш мезонларига кучлироқ эътибор қаратилади. Гуруҳ мураббийи ўзига бириктирилган синф ўқувчиларининг таълим ва тарбия жараёнида қўзланган натижаларга эришу-вида асосий субъектлардан бири ҳисобланади.

Лойиҳанинг долзарблиги "Иноватор мураббий" лойиҳа гуруҳи тажриба-синов амалиёти давомида нафақат синф мураббийи фаолияти билан боғлиқ муом-молар, балки фан ўқитувчиларининг дарс фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлари (ўқувчилардан олинган сўровнома асосида) аниқланиб баргараф қилиш чоралари кўрилади. Электрон журнал тизими орқали асосий вақти иш фаолияти билан боғлиқ бўлган ота-оналар фарзандининг ўзлаштириш даражаси бўйича маълумот билан ҳар куни танишиш имкониятига эга бўлиб боради. Натижада ўқувчининг таълим олиш жараёнида маъсулияти ошиб боради. Синфдаги аълочи ўқувчиларнинг мах-сус "Синф фаҳри" кўкрак белгиси (значок) тақиб юриши, ўқув чораги якунида фаол ўқувчиларнинг муносиб тақдирланиб бориши, уларнинг янада таълим олишга бўлган иштиёқини юксалтириб, синфда соғлом рақобатни юзага келтиради. Умумтаълим мак-табларида ўқувчиларда мавжуд бўлган касб индикаторлари ҳақида етарлича маълумот йўқлиги туфайли, аксарият ҳолларда ёшларимиз ўқитувчи, шифокор, ҳарбий каби касбларни танлайдилар. Лойиҳада олий таълим билан ҳамкорликда касб индикаторлари бўйича етарли маълумотлар берилиб, қобилияти ва истеъдодини руёбга чиқаришда амалий ёрдам кўрсатилади. Синф мураббийининг йил якунидаги ҳисобот тадбири маънавий-маърифий ишларининг самарасини акс эттиради ва синф мураббийи фаоли-ятини муносиб баҳолаш имкониятини беради

Лойиҳанинг мақсад ва вазифалари

"Иноватор мураббий" дастурининг мақсади қуйидагилардан иборат:

- Мактаб таълим тизимидаги гуруҳ мураббийи фаолияти самарадорлигини ошириш;
- Мактаб мураббийларининг шахс, жамият ва давлат манфаатларига мос равишда фаолият юритишини қўллаб қувватлаш;
- Ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан муносабатини мақсадли йўналтириш;
- Ўқувчиларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини сақлаш ва ошириш учун шароит яратиш;
- Мақсадли дастур бўйича ўқувчиларнинг тарбиявий ҳолатларини тубдан яхшилаш;
- Мураббийларнинг дастур бўйича ўқувчиларини таълим жараёнига фаол жалб қилинишини таъминлаш;

Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда “Инноватор мураббий” лойиха гуруҳи куйидаги вазифаларни бажаради:

- Синф мураббийларининг ўқувчилар билан ишлаш тартибини тубдан такомиллаштириш;
- Соғлом фикрли, билимли, юксак салоҳитли авлодни шакллантиришда синф мураббийларининг ролини кучайтириш;
- Анъанавий усуллардан чекинмаган ҳолатда замонавий “Инноватор мураббий” сиймосини яратиш;
- Ҳар бир ўқувчининг қобилиятига яраша рағбатлантиришни таъминлаган ҳолда уларнинг касбга йўналишини тўғри олиб боришга кўмакдош бўлиш;
- Ота-оналарнинг бола таълим ва тарбиясидаги маъсулиятини янада ошириш;
- Ўқувчиларнинг мураббий билан муносабатларини ижобий томонга ўзгартириш;
- Фан ўқитувчилари, гуруҳ мураббийи, ота-она, олий таълим ҳамкорлигини таъминлаш орқали муоммога ечим топиш;
- Мактабда таълим ва тарбия жараёнининг сифатини яхшилаш;
- Юксак мақсадга эга, маъсулиятли, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш.

Лойиханинг асосий фаолияти 3 та асосий бўлимдан иборат:

I бўлим

Гуруҳнинг таълим сифатини яхшилаш ва ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини ошириш йўналишлари.

- Мактаб гуруҳ мураббийининг бириктирилган синф ўқувчилари билан ишлаш ҳолатини аниқлаш;
- Синфнинг асосий фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи аниқланади;
- Синф ўқувчиларининг дарс машғулотларига бўлган муносабатининг салбий ва ижобий жиҳатларини ўрганиш орқали (аноним сўровнома) муоммога ечим топиш;
- Ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичи бўйича ҳолати бўйича гуруҳ мураббийининг фан ўқитувчилари билан доимий боғланишини таъминлаш;
- Синфни аълочи ўқувчилар бошчилигида 4-5 та интегротив гуруҳни шакллантириш орқали паст ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини яхшилаш;
- Шакллантирилган интегротив гуруҳнинг натижалари рейтингини аниқлаб бориш орқали гуруҳ етакчиларини муносиб рағбатлантириб бориш;
- Электрон журнал тизимини йўлга қўйиш ва такомиллаштириш;
- Ўқув чораги якунида “Синфнинг энг аълочи ўқувчиси”, “Синфнинг энг тиришқоқ ўқувчиси”, номинацияси бўйича рағбатлантиришни йўлга қўйиш;
- Мактабдаги синфлар ўзлаштириш рейтингини аниқлаб ўринлар белгилаб бориш ҳисобига соғлом рақобатни юзага келтириш;
- Синфнинг аълочи ўқувчиларига махсус “Синф фахри” белги (значок) тақиб юришини йўлга қўйиш орқали алоҳида эътироф қилинишини таъминлаш;

II бўлим

Гуруҳ ўқувчиларини маънавий-маърифий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўналиши

- Ўқувчиларнинг миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни қай даражада билишларини аниқлаш;
- Олий таълим мутахассислари иштирокида маънавий-маърифий мавзуларда давра суҳбатларини ташкил этиш;
- ”Менинг юксак орзуим”, ”Менинг қизиқишларим” мавзуларида иншо танловини ўтказиш орқали уларни касбга мақсадли йўналтириш;
- Иқтидор ва қобилиятдан келиб чиққан ҳолда касбга йўналтиришда олий таълим муассасаси билан мақсадли ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- Олий таълим профессор ўқитувчилари билан ҳамкорликда ўқувчиларга Ўзбекистонда мавжуд касб индикаторлари ҳақида маълумот бериш ва уларни касбга мақсадли йўналтириш;
- Ўқувчиларнинг маънавий-маърифий йўналишдаги фаоллигини эътироф қилган ҳолда ўқув чораги якунида “Энг одобли ўқувчи”, ”Энг ташаббускор ўқувчи”, ”Энг намунали ўқувчи” каби номинатциялар билан рағбатлантириб бориш;
- Гуруҳ мураббийларининг тарбиявий дарслар (маънавият дарслари) ни махсус техника ёрдамида видеороликлар воситасида ўтилишини таъминлаш;
- Ўқув йили якунида гуруҳлар орасида “Тарбия – ё ҳаёт, ё мамот...мавзусида маънавий тадбирини ўтказиш (мураббий тарбиявий дарсларининг ҳисобот тадбири)
- Ҳар бир синф бурчагида ахлоқ-одобга оид китоблар бурчагини ташкил қилиш(ўқувчиларнинг мутоала қилишга шаротини яратиш);
- Тарихий обидалар, музей ва кутубхоналар ва табиат қўйнига саёҳатлар уюштириш;

III бўлим

Ота-оналар билан мақсадли ҳамкорлик йўналиши

- Ота-оналар билан мураббийнинг доимий алоқада ва ҳамкорликда фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида уяли алоқа воситасида ота-оналар гуруҳини ташкил қилиш;
- Ташкил қилинган гуруҳга ўқувчилар иштирокидаги маънавий-маърифий тадбирлар, фан олимпиадалари натижаларига доир маълумотларни жойлаштириб бориш;
- Электрон тартибда ҳар куни ота-оналарга ўқувчиларнинг фанлар бўйича ўзлаштириш даражаси кўрсаткичи бўйича хабардор бўлишини таъминлаш;
- Ўқув чораги якунида фаол ота-оналарни “Йилнинг энг фаол ота-онаси” номинатцияси бўйича рағбатлантиришни йўлга қўйиш.

Лойиҳанинг амалиётга тадбиқ этилиши ва натижалари:

Лойиҳа умумтаълим мактабининг 8-а, 8-б синфларида тадбиқ этилиб дастлаб аноним сўровномалар орқали мавжуд муоммолар аниқланди. Синф мураббийи аноним сўровнома натижалари орқали ўзига бириктирилган синф ўқувчилари билан иш олиб боришдаги ютуқ ва камчиликлари билан танишди ва иш фаолиятидаги камчиликлари бўйича тегишли хулоса чиқарди. Ўқувчилар сўровномада мураббийнинг дўстона муносабати ва ҳар бир ўқувчига нисбатан ҳолис ёндашувини мураббий учун энг муҳим жиҳатлардан бири сифатида белгилайди.

Тажрибалар шуни кўрсатадики синф ўқувчиларининг ютуқ, камчиликларига мураббийнинг ўз вақтида, муносиб ёндашуви муҳим аҳамиятга эга.

Сўровномалар орқали фан ўқитувчиларининг дарс жараёнидаги камчиликларини ҳам аниқланди. 94 % ўқувчилар дарсни асосан анъанавий тарзда ўтказадиган, ўқувчилар ютуқларини муносиб рағбатлантирмайдиган ўқитувчиларга нисбатан салбий фикр билдирди. Дарс анализлари сўровнома натижалари ўқитувчиларнинг дарс жараёнини ноанъанавий усулда ташкил қилинишини самарадор эканлиги аниқланди. Синф ўқувчиларининг қизиқишлари ва касб йўналганлигини аниқлаш мақсадида “Менинг юксак орзум, менинг қизиқишларим” мавзусида олинган иншо натижаларига кўра 90% ўқувчи ўқитувчи, шифокор, ҳарбий, ҳуқуқшунос каби касбларни танлаганлигини ёзади. Хўш нима сабабдан ўқувчилар асосан мана шу касбларни танлашади? Бунинг асосий сабаби сифатида ўқувчиларда касб индикаторлари ҳақида етарли маълумот йўқлиги аниқланди. Статистик маълумотларга кўра Ўзбекистонда ҳар йили ярим миллиондан ортиқ битирувчилар ишга жойлашиш бўйича кўмакга муҳтож. Шунингдек, ишчи кучининг талаб ва таклиф бўйича номутаносиблиги кузатилади. Бундан келиб чиқадики ёшларимизни касбга йўналтириш чора - тадбирларини ишлаб чиқишимиз лозим. Лойиҳада олий таълим мутахассислари томонидан умумтаълим мактабларида Ўзбекистонда мавжуд, талаб юқори даражада бўлган касб индикаторлари бўйича семинарлар ташкил қилиш кўзда тутилди. Ўзлаштириш даражаси паст бўлган ўқувчилар аълочи ўқувчилар етакчилигидаги интегратив гуруҳларга бирлаштирилди.

Ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига масъулият билан ёндашувини аниқлаш мақсадида ўтказилган сўровнома натижасига кўра 70% ўқувчи ота-онасининг доимий иш билан бандлиги ва фарзандининг ўзлаштириш даражаси, тарбияси ҳақида ойда бир марта синф мураббийи билан боғланиши орқалигина маълумотга эга бўлишини қайд этди. Асосан ота-онаси томонидан назорат қилиниши суст бўлган ўқувчиларнинг тарбияси ва ўзлаштириш даражаси пастлиги аниқланди. Синф мураббийи ва ота-она ҳамкорлигини мустақамлаш мақсадида электрон журнал йўлга қўйилди. Электрон журнални жорий қилинишининг афзаллиги шундаки, ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси бўйича ота-оналарнинг ҳар куни бохабар бўлиб бориши ҳар иккала томоннинг маъсулиятли бўлишини таъминлайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда замонавий илм-фан тараққиётига катта эътибор берилиб, мактаб ҳаётини шакллантиришнинг мақсадли шаклланиши зарурлиги эътироф қилинмоқда.

Адабиётлар:

1. Ш.М.Мирзиев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент: Ўзбекистон. 2018. 2-жилд. 446-447 бет.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон мафтаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Т.: 2017 166-б.
3. Г.И.Мухамедов, У.Н.Хўжамқулов Педагогик таълим инновацион кластери: Таъриф, тавсиф, тасниф. Чирчиқ: Университет. 2019. 17-б. 25-б
4. Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем//Взаимодействие образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона: Матер. X. Международ. образовательного форума (Белгород. 24-26 октябрь. 2006г.): в 2ч./БелГУ, МПГУ, МАНПО; отв. ред. Т.М. Давыденко, Т.И. Шамова. Белгород: Издательство БелГУ, 2006. Ч. I. С. 24-29.
5. А.А. Исмаилов. Таълим тизимида “Таълим кластери” ни жорий этиш. “Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим: Муоммо ва ечимлар” халқаро илмий-амалий анжуман илмий ишлар тўплами. том I. 21-24-май. Чирчиқ. 246-б.

6. Анисцина Н.Н. Инновационный научно-образовательный кластер как способ организации инновационной деятельности в вузе// Креативная экономика. 2010. №6(6). с.17.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада таълим ва тарбия сифатини оширишда кластер ёндашувнинг афзалликлари, умумтаълим мактабларида олий таълим билан ҳамкорликда гуруҳ мураббийи фаолиятининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи педагогик таълим инновацион кластери асосида янги “Инноватор мураббий” лойиҳасининг амалиётда синовдан ўтказилган самарадор усуллари ҳақидаги маълумотлар ва умумтаълим мактаб мураббийларига тақлиф ва тавсиялар келтирилиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье исследуется деятельность классных руководителей по повышению качества образования и профессиональной подготовки. Проанализированы результаты реализации проекта по инновационному подходу к деятельности классного руководителя, его совершенствованию через педагогический образовательный кластер. Вносятся также предложены и рекомендации для классных руководителей.

SUMMARY

This article examines the activities of classroom teachers to improve the quality of education and training. The results of the project implementation on an innovative approach to the activities of the class teacher, its improvement through the pedagogical educational cluster are analyzed. There are also suggestions and recommendations for classroom teachers.

КРЕАТИВЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Тилакова М.А.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси., п.ф.д.(PhD)

Эшманова Н.Н.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

Таянч сўзлар: креатив, тарихий, маданий, ёдгорлик, ижодий потенциал, қобилият, механизм, тасаввур, мативация, шахсий фаоллик.

Ключевые слова: креатив, развития, личности, совершенствования, развитие творческих, продуктивно-полезного социального становления.

Key words: original, creative, initiative, constructive, innovative, education, development, basic, quality, level, thinking.

Мамлакатимизда таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш, кадрлар тайёрлаш тизими мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда, такомиллаштиришга эътибор қаратилган. Креатив фикрлайдиган ўқувчи-ёшлар салоҳияти ва иқтидорини ривожлантириш, модификациялашган таълим мазмунига замонавий технология ва инновацияларни киритиш лозимлиги таъкидланган.

Замонавий ўқувчи шахсини маънавий, интеллектуал ва ижодий жиҳатдан ривожлантириш муаммоси долзарб аҳамиятга эга ижтимоий-педагогик ва устувор масала сифатида креативлик, креатив қобилиятлар, интеллект, интеллектуал фаолият, ижод, ижодкорлик, интеллектуал ижодкорлик, қобилиятлар, интеллектуал-ижодий қобилиятлар, ижодий тасаввур, интеллектуал-ижодий жараён, фаолият каби тушунчаларни ўрганеди.

Ижодий тасаввур – инсоннинг ўз онгида образлар, тимсоллар, ғоя объектларини тўсатдан гавдалантира олиш ёки атайлаб вужудга келтириш лаёқати, маҳсулдор тафаккур юртишининг узвий компонентиدير. Қадимий меъморий ёдгорликни идрок қилишда ижодий тасаввурга ижодий фаолият натижасида образнинг тасаввур бўйича яратилиши сифатида қаралади (тафаккур, хотира ва идрок уйғунлигида). Бу тасаввурнинг бутунлай ўзгартирилиши, мавжуд объект асосида янги образлар яратилиши, “ҳақиқатда мавжуд борликнинг янги, ўрганилмаган, тасодифий уйғунликда ва алоқада акс эттириш”дир. Образнинг тасаввур бўйича яратилиши турли шаклларда намоён бўлади: бирикмайдиганни бирлаштириш, гиперболизация, диққатни қайсидир жиҳатга нисбатан кучайтириш, жадваллаштириш, турларга бўлиш, аҳамиятлисини ажратиб кўрсатиш.

Тасаввур: сушт – нореал; фаол – ижодий яратувчи, реал-амалга ошириладиган, орзу ва ҳаёл (фаолият учун мотив) бўлиши мумкин. Қадимий меъморчилик санъатини интеллектуал-ижодий идрок қилишда ижодий тасаввур: архитектура тимсолининг ижодий негизда тубдан қайта тасаввур этилиши, меъморий ёдгорлик образининг ижодий яратилиши, қадимий меъморчилик санъатининг эстетик “ҳис этилиши”дир. Бу, гўзаллик туйғуси, ижодий тафаккур юртиш қобилияти, предмет тўғрисидаги маълум билимларнинг мавжудлиги билан боғлиқ конструктив-ижодий фаолият саналади. Ижодий ҳамда қайта тикланадиган тасаввурни ўзаро фарқлаш лозим: тикланадиган тасаввур—бу предмет образи (тимсоли)нинг расми ёки чизмаси бўйича тиклаш жараёнидир; ижодий тасаввур эса янги образларни мустақил, ҳаттоки, маълум композициядаги тимсоллар тизими асосида яратишдан иборат. Шунга кўра, Л.С.Выготский тасаввурнинг тажриба ва воқелик билан бевосита боғлиқ бўлган қуйидаги тўрт шаклини ажратиб кўрсатган:

1. Ижодий фаолият инсоннинг аввалги тажрибасининг бойлиги ва ранг-баранглигига тўғридан-тўғри боғлиқ. Инсон тажрибаси қанча бой бўлса, тасаввур материали шу қадар кўп ва ранг-баранг бўлади.

2. Тасаввур тажрибани кенгайтириш воситаси. У ўзгалар тажрибаси ёки ижтимоий тажриба туфайли вужудга келиб, воқелик билан алоқанинг энг олий шаклидир.

3. Икки ёқлама намоён бўладиган эмоционал алоқа:

а) тасаввур эмоционал омилга – туйғуларнинг ички мантқиқига таянади. Бу тасаввурнинг субъектив ички инъикосидир;

б) тасаввур туйғуларга таъсир кўрсатиб, бу орқали “тасаввурнинг эмоционал ҳаққонийлиги қонуни” намоён бўлади.

4. Тасаввур воқеликка кўчиб, бошқа нарсаларга таъсир қила бошлаганида ҳақиқатга айланади.

Бадий йўналганликнинг мазмундор шаклини яратувчи, шахсда эмоционал сезгирлик, иродавийлик, шоирона романтикага мойиллик, ижодий тафаккур, идрок қилиш фаоллиги, қадриятли йўналганлик каби фазилатларни шакллантирадиган бадий-ижодий тасаввур унда креативликни ривожлантиришнинг муҳим омили саналади. Ижодий тасаввур тимсолли тасаввур, тимсолни қайтадан реконструкциялаш, тубдан ўзгартириш, тўлдириш, тимсолни комбинациялаш, янги вазиятларга кириштиш, ретроспектив ўринга қўйиш, умумлаштирилган ҳолда ҳис этиш, қисмларини бир бутун ҳолатда нарсага бирлаштириш, янги тимсолни яратиш, янги ғояни вужудга келтириш, янги ғояни амалга ошириш режасини тузиш воситасида ривожланади. Юқоридагиларга асосланиб таъкидлаш жоизки, шахсда креатив қобилиятни ривожлантиришнинг асоси ҳисобланган интеллектуал-ижодий жараён идрок қилиш асосидаги фаол ижодий тафаккур ҳисобланади. Шахснинг эмоционал-иродавий хусусият-

лари унинг интеллектуал-ижодий қобилиятларига боғлиқ.

Хотира (у фаолият талабларига мувофиқ равишда ўзига хос, специфик кўринишда бўлади), эмоционаллик, яъни ҳис-туйғуга берилувчанлик (бу хусусият шахснинг фаоллигини оширади) қобилиятни эса ёрдамчи хусусиятлар деб ҳисоблаш мумкин. Биз ушбу тадқиқот ишимизда “Ўзбекистон тарихий-маданий ёдгорликларини креатив ўрганиш” мавзусидаги синфдан ташқари машғулот жараёнида ўқувчиларнинг мужас-самланган ахборотларни англашга қаратилган интеллектуал-ижодий фаолиятига таяниб, уларда креатив-ижодий қобилиятларни ривожлантиришга ҳаракат қилдик. Тадқиқот жараёнида ўқувчиларнинг эмоционал-иродавий хусусиятлари, уларнинг қизиқиши, истаги, эҳтиёжи мотивациявий омил сифатида фаоллаштирилди. Ушбу жараён самарадорлигига ўқувчи креатив қобилиятини ривожлантириш механизмларини ҳар тарафлама такомиллаштириш орқали эришилди.

Механизм – табиат қонунларига кўра амал қиладиган ҳодиса ёки ҳаракатлар тизими, шунингдек, унинг амалга ошишига кўмаклашувчи қурилма ёхуд асбоблардир. Ўқувчиларда креативлик қобилиятини ривожлантириш жараёнини амалга оширишга қаратилган психологик-педагогик механизмларни фаоллаштиришни талаб этади.

Бундай психологик-педагогик механизмлар қуйидагилардан иборат:

мотивацион механизм – мотивсиз, хоҳиш-истаксиз қобилиятлар юзага чиқмайди; операцион механизм – операция (усуллар) ёрдамида қобилиятлар намоён бўлади; функционал (жараёнли) механизм – руҳий жараёнлар сифати орқали қобилиятларнинг операцион механизмлари амалга ошади;

Қобилиятларни ривожлантириш механизмлари унинг даражаларини ҳам назарда тутишни талаб этади.

Қобилият даражалари икки хил бўлиб, булар:

репродуктив даража – билимларни ўзлаштиришда юқори лаёқатга эга бўлиш, тегишли кўникма ва малакаларни эгаллаш;

креатив даража – билим, кўникма ва малакаларнинг бетакрор, янги даражасини таъминлашдир.

Қобилиятнинг вужудга келишини белгилаб берувчи механизмлар қуйидаги босқичларда такомиллашиб боради:

1) инсон хос туғма лаёқат белгилари (алоҳида табиий индивидуал нерв тизими, мия ва анализаторларнинг анатомик-физиологик хусусиятлари) билан дунёга келади, мазкур лаёқат белгилари туғридан-туғри қобилият саналмаса-да, уларнинг қулай шарт-шароитлар орқали тарбиялаб, ривожлантириб борилиши истиқболда иқтидорли ижодкор шахснинг шаклланишида муҳим пойдевор вазифасини ўтайди;

2) мойиллик – боланинг муайян фаолият турига интилиши ва қизиқишларида намоён бўлади, иқтидорли болаларда ўзлари мойил бўлган бирор фаолият турига нисбатан ўта кучли интилиш кузатилади. Улар ўзлари қизиққан фаолият тури билан соатлаб, чалғимай, чарчамай шуғуллана оладилар. Болалар учун бундай фаолият



ҳам меҳнат, ҳам ўйин вазифасини ўтайди. Уларнинг қизиқишлари, интилишлари, ҳис-туйғулари ўзлари учун сеvimли бўлган машғулот жабҳасига қаратилади;

3) қулай ижтимоий таъсир. Ҳар бир бола ривож-

ланиш жараёнларида бирор таъсирга кучли берилиш ҳолатини бошдан кечиради, бирор фаолият турини ўзлаштиришга кучли мойилликни ҳис қилади (ўзлаштириш учун сензитив (кулай) даврлар узоқ ёки қисқа муддатли бўлиши мумкин). Ушбу жараёнда фаолиятни ўзлаштириш шарт-шароитларини ҳам назарда тутишга тўғри келади. Масалан, бола муайян муддатда мусиқага, расмга ёки бошқа фаолият турига кучли мойилликни намоён этиши мумкин, айни дамда кўрсатилган таъсир унда ушбу фаолият турига нисбатан қобилиятни кучайтиришга хизмат қилиши мумкин. Таълимнинг мутаносиб анъанавий, инновацион, ноанъанавий, муаллифлик методларини уйғунликда қўллаш орқали VIII-IX синф ўқувчиларида креатив қобилиятни ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга эришилади;

4) шахсий фаоллик. Боланинг ҳиссий-эмоционал ҳолатида-ҳоҳиш-истаклари, меҳнатга мойиллиги, ютуқлардан завқланиши, иродавий хусусиятлари ва мақсад сари интилиши кабиларда намоён бўлади.

Бу жараёнда мотивация, релаксация, ўқувчиларда ижодий изланиш мавжудлигини рағбатлантириш каби усулларни қўллаб, уларнинг шахсий фаоллигини оширишга, меъморий ёдгорликларнинг бадий ва эстетик хусусиятларини англашга қаратилган синфдан ташқари машғулотидаги интеллектуал-ижодий фаолиятни жараён сифатида баҳолаб, ўқувчи шахсида ўқув ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ҳамда унинг фаол, англашган-мотивацион, аниқ бир мақсадга йўналтирилган, эҳтиёжларига асосланган, методик, натижалли-баъшоратланган, интеллектуал-ижодий мулоқотларини таълимнинг амалий ва назарий шакллари, инновацион дидактик методларни қўллаб такомиллаштиришга ҳаракат қилиш лозим. VIII-IX синф ўқувчиларида креатив қобилиятни ривожлантириш уларнинг психологик ёши бўйича тавсифи, жумладан, суҳбат, анкета, тест, саволнома ва бошқа тегишли диагностик воситалар орқали ўқувчидаги мавжуд креативлик қобилиятини тегишлича ташхислаш, унда мавжуд бўлган ва ривожлана бошлаган креатив қобилиятни, жумладан, фикрлаш ва ижод қилиш билан боғлиқ тафаккур даражасини аниқланиши зарур.

Адабиётлар:

1. Национальная программа по подготовке кадров / Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. – Т.: Шарк, 1997. – 32-61 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халкимиз билан бирга курагимиз. – Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш. Бугун маърифатга эhtiбор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Электрон ресурс: <https://www.gazeta.uz/2016/10/19/ustuvor/>. Мурожаат номаси: 05.09.2019.
4. Философский словарь / Под ред. И.Т.Фролова. – М.: Политлит, 600 б.
5. Психологический словарь. / Под ред. В.В.Давыдова, А.В.Запорожца, Б.Ф.Ломова и др. – М.: Педагогика, 448 б.
6. Выготский Л.С. Педагогическая психология. – М., «Воспитание воображения». – 186-190 б; «Воспитание мышления». – 207-214 б.

РЕЗЮМЕ

Замонавий ўқувчи шахсини маънавий, интеллектуал ва ижодий жиҳатдан ривожлантириш, долзарб аҳамиятга эга ижтимоий-педагогик ва устувор масала, креативлик, креатив қобилиятлар, интеллект, интеллектуал фаолият, ижод, ижодкорлик, интеллектуал ижодкорлик, қобилиятлар, интеллектуал-ижодий қобилиятлар, ижодий тасаввур, интеллектуал-ижодий жараён, механизм – табиат қонунларига кўра амал қиладиган ҳодиса ёки ҳаракатлар тизими, амалга ошишига кўмаклашувчи қурилма ёхуд асбоблар.

РЕЗЮМЕ

Сегодня креативность – важный критерий личности, фактор ее целостного развития. Поэтому в государственной образовательной политике креативности – активному творчеству

на интеллектуальном уровне, естественно, на познавательной основе, в настоящее время придается особенное внимание.

В образовательной политике Узбекистана среди развития основных качеств и способностей обучающихся выделены творческие – творческий потенциал личности. С особенным вниманием к интеллектуально-творческому мышлению. Что вполне правомерно, поскольку сегодня требуется новое мышление – смелое, оригинальное, творческое, инициативное, конструктивное, инновационно-новаторское.

SUMMARY

Today creativity is the important criterion of the person, the factor of his complete development. Therefore in the state educational policy of creativity - at intellectual level, naturally, on an informative basis, the especial attention now is given to active creativity.

In the educational policy of Uzbekistan among development of the basic qualities and abilities trained are allocated creative - potential of the person with special attention to intellectual-creative thinking. That is quite lawful, as the new thinking - courageous, original, creative, initiative, constructive, is innovative-innovative today is required.

—•••••—

“МАКТАБ-ЛАБОРАТОРИЯ” ИННОВАЦИОН ТАЖРИБА-СИНОВ МАЙДОНЧАЛАРИДА “ИҚТИДОР” ЛОЙИХАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Тоштемурова С.А.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

Таянч сўзлар: таълим сифати, педагогик таълим инновацион кластери, “Мактаб-лаборатория”, иқтидор, иқтидорли бола, қобилият эгалари, лойиҳа, тажриба, таҳлил.

Ключевые слова: качество образования, инновационный кластер педагогического образования, «Школа-лаборатория», талант, одаренный ребенок обладатели квалификации, проект, опыт, анализ.

Key words: quality of education, innovative cluster of pedagogical education, «School-laboratory», talent, gifted child, qualification holders, project, experience, analysis.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг айнан биз юкорида кўриб чиқаётган мавзуга бағишланган 4.5-бандига мувофиқ мамлакатимизда “.....биринчи навбатда иқтидорли, юксак истъдод сохибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилади.

Бугунги кунда иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва зарур йўналишлар бўйича тавсиялар бериш “Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик - педагогик Республика ташхис маркази”га юклатилган. Улар умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф ўқувчиларини махсус тайёрланган тестлар ёрдамида педагогик-психологик ташхис қиладилар, бошқача қилиб айтганда, ўқувчиларнинг қобилиятларига қараб келгусида қандай йўналишда ўқишни давом эттириши мақсадга мувофиқ эканлигини аниқлаб берадилар. Бу марказнинг асосий мақсади ўқувчиларнинг шароитларини яхшилашдан иборат. Кўйилган вазифаларга эришиш иқтидорнинг ҳар хил аспектларини ўрганиш учун зарурий психологик-педагогик таъминотни яратиш ва ижтимоий-педагогик экспериментларни ўтказишни тақозо этади. Лекин ўқувчилар

қобилиятлари ва иқтидорини аниқлаш борасида қўлланилаётган тестлар савияси ва ўтказиш усулларининг талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги, ота-оналарнинг замон талабларини тушуниб етмаётганлиги каби сабабларга кўра бу борада олиб борилаётган ишларнинг натижаларини қўнғилдагидек деб бўлмайди. Шунинг учун ҳозирги кунда, биринчи навбатда ўқувчиларни иқтидорига қараб келажакда қандай йўналишда шуғулланиши мақсадга мувофиқлигини етарлича аниқликда башорат қилиш ва уларнинг иқтидорини ривожлантириш имконини берувчи педагогик шарт-шароитларни яратиш зарур. Шунингдек, уларни академик лицейларда ўқитиш учун иқтидорига мос махсус дастур, ҳамда ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш ва бу йўналишни ривожлантиришга эътиборни кучайтириш керак. Юқоридаги фикр-мулоҳазалар танланган тадқиқот муаммосининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот объекти. Педагогик таълим инновацион кластерини амалга оширишнинг энг асосий шarti ва шакли сифатида Тошкент вилояти Чирчиқ ХТБга қарашли 6- ва 21-умумий ўрта таълим мактабларида ташкил қилинган “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларида фаолият олиб бораётган “Иқтидор” лойиҳа йўналиши негизида 5-11синф ўқувчилари таркибидан йўналишлар бўйича иқтидорини аниқлаш.

Тадқиқот предмети. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-11 синф ўқувчилари орасидан йўналишлар бўйича иқтидорларини аниқлаш ҳамда уларни аниқлашнинг воситалари, шакли, босқичлари ва методлари.

Тадқиқот методлари:

- мавзуга онд адабиётлар ва илмий манбалардаги иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва улардаги иқтидорни ривожлантиришга бағишланган тадқиқот усулларини, илғор тажриба намуналарини ўрганиб чиқиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- умумий ўрта таълим, ўрта махсус таълимнинг фанлардан Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари, дарсликлари, ўқув қўлланмаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- ўқитувчилар, ўқувчилар ва талабалар билан суҳбатлар, сўровномалар ўтказиш ва уларнинг натижаларини умумлаштириш;
- педагогик тажриба-синов ишларини олиб бориш ва уларнинг натижаларини сифат кўрсаткичлари асосида таҳлил қилиш.

Мавзу бўйича манбалар таҳлили. Иқтидорли ўқувчилар муаммоси билан хориз ва республикамизнинг қатор психолог ва педагог олимлари А.Н.Колмогоров, Б.В.Гнеденко, А.М.Матюшкин, В.А.Крутецкий, В.Л.Юркевич, И.Я.Каплунович, Н.С.Лейтес, В.И.Панов, Дж. Рензулли, С.Л.Рубинштейн, А.И.Савенков, М.А.Холодная, В.Д.Хадриков ва У. Юлдашев, Р. Бокиев, Т.Т. Азларов, З.Йўлдашев, Ф. Зокирова, А. Абдуқодиров, Б. Болтаев ва бошқалар ишлаганлар.

А.М.Матюшкин иқтидорнинг структуравий элементларини: қўйилган масалаларнинг ечимларини тақлиф этишдаги оригиналлик каби элементларга ажратади. У иқтидорни умумий ва махсус қобилиятлар пайдо бўлиши сифатида эмас, балки ижодий ривожланиш деб қарайди ва куйидаги 5 та структуравий компонентни ажратиб кўрсатади:

а) идрок мотивациясининг доминантлиги;

б) янгиликни ҳис этиш, муаммони кўриш ва ҳал этишда ифодаланадиган изланувчанлик ва ижодий фаоллик;

в) оригинал ечимларга эришиш имконияти;

г) фахрланиш ва башорат қилиш имконияти;

д) юқори эстетик, интеллектуал баҳолашни таъминловчи идеал эталонларни яратиш қобилияти. Б.М.Теплов қобилиятлар ва иқтидорга таъриф бериб иқтидор ҳақидаги изланишларни айнан қобилиятлардан бошлаш лозимлигини таъкидлайди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Б.М.Теплов иқтидор деганда “у ёки бу фаолиятни амалга оширишда камроқ ёки кўпроқ ютуқларга эришишига боғлиқ бўлган қобилиятларнинг ўзига хос сифатий бирлашмаларини” тушунади.

Академик С.Ҳ.Сирожиддинов ўқувчилардаги топқирлик қобилияти, масалалар ечишда, айниқса олимпиада масалаларини ечишда намоён бўлиши ҳақида тўхталган. Ўқувчилардаги иқтидорни ривожлантиришнинг йўлларида бири, уларни алоҳида мактабларда, махсус дастурлар асосида ўқитиш деб қараган.

Л.Д. Кудрявцев ўқув жараёни муваффақиятли бўлиши учун ўқувчига ўз кучига бўлган ишончни сингдириш ва зарур ҳолларда ёрдам бериш, ўқувчиларнинг ўзлигини намоён қилишга имконият ва шарт-шароитлар яратиш лозим деган ғояни илгари сурган. Мазкур тадқиқотда, ўқувчиларнинг информатикадан қобилиятларини классификациялаш мезонлари ва шу асосда ўқувчиларнинг информатикадан иқтидорини аниқлаш, ўқувчиларнинг информатикада иқтидорини ривожланишини таъминловчи шарт-шароитлар, иқтидорни ривожлантиришга йўналтирилган махсус кластерли дастурларнинг ва шунга мос ўқитиш методларининг яратилиши информатикадан иқтидор ва уни ривожлантириш йўл йўриқлари ҳақида етарли ва тўлиқ тасаввурга эришишга муваффақ бўлинди.

Иқтидорли ўқувчилар мақсадли ҳаётга йўллашда таълим муассасаларининг вазифалари бўйича маҳаллий тадқиқотчи М.М.Абдуллаева ўз тажрибаларида тўхталиб, таълим муассасаларнинг вазифаларини қуйидагилардан иборат деб таъкидлайди “...- иқтидорли ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳияти, чуқур билим олиши ва қобилиятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш; - малакали ўқитувчиларни иқтидорли ўқувчилар билан индивидуал (якка тартибда) ишлашга сафарбар қилиш; - илм-фан тараққиётининг устувор йўналишлари бўйича илмий жамият ишларига иқтидорли ўқувчиларни кенг жалб этиш; - иқтидорли ўқувчилар билан ишлашда мактабда иқтидорли ўқувчилар ҳақидаги маълумотлар банки ва уларни доимий ташхислаш мониторингини шакллантириш; - улар билан ишлашнинг илғор педагогик технологияларини аниқлаш; - олий таълим муассасалари, ўрта-махсус касб-хунар таълими тизимида фаолият юритаётган етук мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш.

Мақоланинг илмий янгилigi. Жамиятнинг ҳозирги ҳолати ички дунёга ва якка шахснинг ноёб имкониятларига эътиборнинг кучайиши билан тавсифланади. Шу муносабат билан, инсоннинг ички имкониятларини, унинг қобилият даражасини, болаликдан бошлаб аниқлаш ва ривожлантириш муаммоси биринчи ўринга чиқади.

Иқтидорли болалар бизнинг мулкимиз. Қобилиятли болаларни аниқлаш ва улар билан ишлаш таълим муассасасининг долзарб вазифасидир.

Таълимни бошқаришда маҳаллий ҳудудларда инновацион жараёнларнинг татбиқ этилмаганлиги, шунингдек, минтақада таълим кластери субъектлар ва объектлар ўртасидаги ҳамкорликни кенг йўлга қўйилмаганлиги ва бунинг тартибга солиш, таълим кластеридаги барча ижтимоий гуруҳлар фаолиятини ҳисобга олган ҳолда мақсадли дастурлар яратиш зарурати минтақада таълим кластерининг барча йўналишларида инновацияларни жорий этишнинг муҳимлигини кўрсатади. Шу ўринда тадқиқотимизнинг илмий янгилigi сифатида миллий педагогикамизга янги тушунча сифатида кириб келган “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларида амалга оширилаётган “Иқтидор” лойиҳа йўналиши фаолиятини

амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишдан иборатдир. Шу ўринда “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари тавсифига тўқталиб ўтсак, педагогик таълим инновацион кластерини амалга оширишнинг энг асосий шарт ва шакли сифатида намоён бўлган “Мактаб-лаборатория” майдончалари кластер субъекти бўлиб, таълим турларининг илмий, услубий ва таълимий фаолиятини ривожлантириш мақсадига қаратилган инновацион лойиҳалар бўйича тажриба-синов майдончаларидир.

“Иқтидор” лойиҳа йўналиши иштирокчиларини илмий ва услубий адабиётларда таъкидланганидек, бир-бирларидан, биринчи навбатда, ўрганиш қобилиятлари билан фарқ қилади.

Шу ўринда иқтидор ўзи нима деган саволга назарий манбалар таҳлили асосида изоҳ берсак:

Иқтидор - бу ҳаёт давомида ривожланиб борадиган психиканинг тизимли сифати, бу одамнинг бошқа одамлар билан солиштирганда бир ёки бир нечта фаолият турларида юқори (гайриоддий, фавқулодда) натижаларга эришиш имкониятини белгилайди.

Психологик луғатларда иқтидор тушунчаси куйидагича таърифланади:

1) иқтидор бу – фаолиятнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлайдиган қобилиятларнинг ўзига хос уйғунлашувидир;

2) иқтидор бу – инсоннинг имкониятлари доираси, фаолиятлари даражаси ва ўзига хослигини белгилайдиган умумий қобилиятлар;

3) иқтидор бу – ақлий потенциал. Таълим олиш қобилияти ва билиш имкониятларининг бир бутун индивидуал тавсифи;

4) иқтидор бу – табиат томонидан инъом этилган қобилиятлар, қобилиятлар табиий асосларининг ўзига хослиги ва уларнинг намоён бўлиши даражалари;

5) иқтидор бу – истеъдодлилиқ, фаолиятда юқори натижаларга эришиш учун ички имконият ва шароитларнинг мавжудлиги.

Ушбу тавсифлардан келиб чиққан ҳолда, шунини таъкидлаш мумкинки, иқтидор асосида умумий интеллектуал ва инсоннинг билиш имкониятларини белгилайдиган, табиат томонидан инъом этилган қобилиятлар, бирор бир фаолиятда (масалан, таълим, ижодий, касбий, илмий) муваффақиятга эришишни таъминлайдиган махсус қобилиятлар ётади.

Иқтидорли болалар когнитив(идрок билан боғлиқ билим)даги ноаникликни осонликча энгишади, бироқ қийинчиликлар уларни ортга чекинтирмайди. Улар мураккаб ва узоқ муддатли вазифаларни бажаришдан завқ олишади, уларга тайёр жавоб беришганида бунга чидай олмайдилар.

Иқтидорли ўқувчиларни ўрганиш қобилияти - бу унинг кўплаб шахсий фазилатлари ва қобилиятларига боғлиқ бўлган мураккаб таълим. Биринчидан, интеллектуал қобилиятлардан (таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштириш, синтез қилиш, муҳим нарсаларни ажратиб кўрсатиш), таълим муаммоларини кўриш ва уларни ҳал қилиш қобилияти), шунингдек когнитив қизиқиш ва мотивация даражаси, қатъиятлилиқ, фикрлашнинг мослашувчанлиги, ўзини-ўзи ташкил этиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, мақсадга эришишда барқарорлик ва бошқалар.

Ўрганиш қобилияти чуқур фарқлаш, айниқса когнитив мустақиллик нуқтаи назаридан, иқтидорли боланинг индивидуал шахсияти сифатида ўрганиш таълимдаги ҳаракатнинг турлича бўлишини аниқлайди. Демак, ўқувчининг қобилияти унинг ўқши суръати билан белгиланади ва бирор бир фаолиятда муваффақиятга эришишни таъминлайдиган махсус қобилиятлар ётади.

Умумий қобилият эгалари - юқори интеллектуал имкониятларга эга бўлиб, муаммонинг ёки бирон бир масаланинг ечимини тезда топиши, фаолиятга ижодий ёндашиши билан ажралиб туради.

Махсус қобилият эгалари эса – бирон-бир аниқ (масалан, математика, мусиқа, расм чизиш, шахмат ўйнаш, спорт) фаолият турига қобилиятли бўлган ва мана шу фаолият билан шуғулланишни афзал кўрадиган ўқувчилардир.

Иқтидорли ўқувчилар юқоридаги умумий ва махсус қобилиятларни ўзида мужассам этган болалардир. Улар бошқа болалардан қуйидаги белгилари билан ажралиб турадилар:

- кизиқувчанлиги;
- доимо турли саволларга жавоб ахтаришлиги;
- нутки;
- тафаккури, хотиранинг тез ривожланиши;
- эрта ёшданок мусиқа, расм чизиш, китоб ўқиш, компьютер ва компьютер ўйинларига, математикага қизиқиши;
- юқори даражадаги билиш фаоллиги ва ўқув фаолияти;
- замонавий компьютер технологиясида мақсадга интилувчанлик ва оригиналлик;
- тафаккурнинг унумдорлиги.

Умумтаълим мактабларида мавжуд бўлаган “Мактаб-лаборатория” тажриба-синов майдончаларида ташкил этилган “Иқтидор” лойиҳа гуруҳи ўз фаолиятини тасдиқланган дастур асосида тартибга келтиради.

Шу ўринда фаолият тартиби учун дастурни ишлаб чиқишнинг долзарб аҳамиятини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, таълимни модернизация қилиш концепцияси асосида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлларини топиш масаласи кескин кўтарилди. Бу кейинчалик ижтимоий жараённинг етакчи ғоялари ташувчиси бўлганларнинг интеллектуал даражаси ўсган тақдирдагина амалга ошиши мумкин. Худди шу таълимдаги етакчи инновацион ғояларнинг самараси ўларок, Чирчиқ давлат педагогика институтини кенг жамоатчиликка таълимни модернизация қилишнинг илмий, назарий ва амалий концепциясини белгилаб берувчи, институтнинг асосий стратегик тадқиқот объекти бўлган Педагогик таълим инновацион кластерини тақдим қилди. Педагогик таълим инновацион кластери субъекти ҳисобланган “Мактаб-лаборатория” тажриба-синов майдончалари - инновацион тажриба майдончаларида амалга оширилдиган “Иқтидор” лойиҳа гуруҳинининг фаолиятини такомиллаштиришга асосланган.

“Иқтидор” лойиҳасининг мақсади қуйидагилардан иборат:

- мактабнинг оптимал тузилиши ва узлуксиз таълим орқали иқтидорли ўқувчиларнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратиш;
- иқтидорли ўқувчиларни шахс, жамият ва давлат манфаатларига мос равишда аниқлаш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун қулай шароитлар яратиш;
- уларнинг шахсий, ижтимоий ўзини ўзи англаши ва касбий ўзини ўзи белгилашини таъминлаш.

Лойиҳанинг вазифалари:

- иқтидорли болаларни аниқлаш ва уларга ҳамроҳлик қилиш тизимини такомиллаштириш, уларни махсус қўллаб-қувватлаш, иқтидорли болаларга психологик ёрдам кўрсатиш учун психологик маслаҳат хизматини ташкил этиш;

- мустақил фикрлаш, ташаббускорлик ва ижодкорликни ривожлантиришга хисса қўшадиган турли хил усул ва услубларни танлаб олиш;
- иктидорли болалар саломатлигини мустаҳкамлаш учун шароитлар яратиш;
- иктидорли ўқувчиларнинг туман, вилоят танловлари, илмий анжуманлар, ижодий кўргазмалар, турли танловларда иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш.

Лойиҳани амалга оширишдаги субъектлар: умумий ўрта таълим раҳбарлари, жумладан, мактаб директори ва унинг ўринбосарлари, услубий бирлашмалар, синф мураббийси, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, ота-оналар ҳамда барча ўқитувчи-мураббийлар, олий таълим муассасаси Педагогик таълим инновацион кластери ишчи гуруҳи аъзолари, илмий-изланувчилар.

Лойиҳани сифатли амалга оширишда умумий ўрта таълим мактаби ва “Мактаб-лаборатория” тажриба майдончасининг вазифалари:

- Иктидорли ўқувчилар билан ишлаш бўйича йўриқнома;
- Иктидорли ўқувчилар билан ишлашнинг йиллик режаси ва жадвали;
- Иктидорли ўқувчиларнинг дастлабки ва тажриба сўнгги кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида эксперт гуруҳини ташкил этиш;
- Эксперт гуруҳи таҳлилларини ўрганиб чиқиш ва ишни тўғри ташкил қилиш;
- Иктидорли ўқувчилар билан ишлаш самарадорлигини оширишга оид ҳамкорликдаги буйруқларни тайёрлаш ва ижросини таъминлаш;
- Ойлик ҳисоботлар;
- Услубий бирлашмалар бўйича иктидорли ўқувчилар рўйхати;
- Ўқитувчилар ва амалиётчиларнинг иктидорли ўқувчиларга берган тавсиялари ва унга илова қилган ҳужжатлар;
- Конференциялар, фан олимпиадалари, танловлар, мусобақалар ўтказилиши ва натижаларига оид ҳужжатлар ва ҳокозо.

Иктидорли ўқувчилар билан ишлаш шартлари:

- 1) доимий равишда уларнинг билишга бўлган қизиқишларини йўналтириш;
- 2) билиш жараёнига ижодий тус бериш;
- 3) ўқувчи энг юқори натижага эришиши мумкин бўлган йўналишни танлашга қўмаклашиш.

Иктидорли ўқувчилар билан ишлаш шакллари: иктидорли талабалар билан гуруҳ машғулотлари; имкониятлар; фан доиралари; қизиқиш уйғунлиги; расмлар; ихтиёрий курслар; олимпиадаларда иштирок этиш; индивидуал режалар устида ишлаш; ихтисослаштирилган синфлардаги машғулотлар; масофавий марафонлар.

Иктидорли ўқувчилар билан ишлашда ўқитувчилар фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- иктидорли ўқувчиларни мақсадли тайёрлаш дастурини яратиш ва уни амалга оширишга раҳбарлик қилиш;
- шахсни ижодий фаолият субъекти сифатида баркамол ривожлантириш мақсадида шахсга йўналтирилган педагогик ёндашувни амалга ошириш;
- таълимнинг юқори даражасига эга бўлган болаларнинг ижодий потенциални эрта аниқлаш ва очиб беришни таъминлайдиган психологик-педагогик тадқиқотлар асосида ривожланиш ва ривожлантириш тизимини яратиш;
- шахсни шакллантириш жараёнларига психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш омилларини ўрганиш, ўқувчиларнинг билим қобилиятларини самарали амалга ошириш;

- ўқув жараёнига барча ўқув фанларини асосий ўқув режаси тизимида уйғунлаштириш ғоясини киритиш, бу когнитив мотивациянинг доминант ролини таъминлаш, шахснинг ижодий ўзини ўзи идрок этишининг барча турлари ва шаклларини фаоллаштириш;
- иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш бўйича етакчи хорижий давлатлардаги илғор тажрибаларни билиш ва уларни ўз фаолиятида қўллаш;
- ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларининг ривожланишини бошқариш;
- мақсадли дастурни муваффақиятли бажараётган иқтидорли ўқувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш.

Ўқоридаги “Иқтидор” йўналиши лойиҳасини амалиётга жорий этиш асносида ушбу лойиҳани кенг жамоатчиликка тақдим қилаётган Чирчиқ давлат педагогика институтининг Педагогик таълим инновацион кластери доирасида тадқиқот олиб бораётган ёш изланувчилари ўз илмий тадқиқотларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлиги томонидан патентлаштирилган лойиҳалари билан бу каби самарали тажриба-синов ишларини оммалаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Адабиётлар:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. 11-12-сон, 295-модда.
2. Абдуллаева М.М., Умумий ўрта таълим муассасаларида иқтидорли болаларни эрта аниқлаш ва ривожлантиришнинг самарали шакл ва методлари // Замонавий таълим., 2015. 12-сон, 34-бет.
3. Тоштемирова С.А. Кластер ёндашуви асосида минтақавий таълим тизимини бошқариш // Наманган давлат университети илмий ахборотномаси № 11. 2019. -Б 364.
4. Хўжамқулов У.Н. Мактаб-лаборатория // Услубий қўлланма. Чирчиқ, Университет, 2019. –Б 26.
5. Мухамедов Ғ.И, Хўжамқулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластери: таъриф, тавсиф, тасниф Чирчиқ, Университет, 2019. –Б. 197.
6. Мухамедов Ғ.И, Хўжамқулов У.Н., Тоштемирова С.А. Педагогик таълим инновацион кластери, Т.: Университет, 2020. –Б. 201.
7. Чирчиқ давлат педагогика институти Педагогик таълим инновацион кластери Мактаб-лабораторияларда “Иқтидор” йўналиши лойиҳа дастури, Чирчиқ, 2019. –Б. 12-13.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактабларида ташкил қилинган “Мактаб-лаборатория” инновацион тажриба-синов майдончалари ва уларда иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, иқтидорини рўёбга чиқаришнинг мақсад ва вазифалари ҳамда ташкил этиш механизмлари ҳақида илмий-назарий асослар келтириб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены научно-теоретические основы создания инновационных экспериментально-испытательных площадок «Школа-лаборатория», организованных в общеобразовательных школах департамента народного образования города Чирчиқ Ташкентской области и определения учащихся с ограниченными возможностями здоровья, цели и задачи реализации и организации работы учащихся.

SUMMARY

The article deals with the scientific and theoretical basis for creating innovative experimental testing areas «School-laboratory», organized in secondary schools of the department of public education of the city of Chirchik, Tashkent region, and determining students with disabilities, goals and objectives of the implementation and organization of students' work.

“МАКТАБ - ЛАБОРАТОРИЯ” ИННОВАЦИОН ТАЖРИБА МАЙДОНЧАСИ

Ходжамқулов У.Н.

ТВЧДПИ доценти, филология фанлари номзоди

Таянч сўзлар: интеграция, таълим инновацияси, “Мактаб-лаборатория”, педагогик инкубатор, тажриба майдончаси.

Ключевые слова: интеграция, инновации в образовании, «школа-лаборатория», педагогический инкубатор, экспериментальная площадка.

Key words: integration, innovations in education, «school-laboratory», pedagogical incubator, experimental platform.

Инновацияларни таълим жараёнига татбиқ этиш тизимдаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Бунинг учун тизимнинг инновацион муҳити ва унинг шакллари такомиллаштириш, инновацион марказлар фаолиятини яхшилаш лозим бўлади. Бу борадаги технологиялар ва объектив қонуниятларни тараққиёт нуқтаи назаридан таҳлил қилиш устувор вазифалардан ҳисобланади. Ҳар қандай инновациялар билимлар интеграциялашувининг маҳсули бўлиб, пировардида таълим, фан ва ишлаб чиқариш жараёнларида ўз инъикосини топади. Бу эса жамиятни янгиликка, фаровонликка ва иқтисодий ривожланган даражага олиб чиқишнинг омилли ҳисобланади. Инновацион жараёнлар муайян фаолиятни ташкил қилиш, бошқариш, жамоанинг умумий савияси ва қизиқишлари, миллатнинг менталитети, давлатнинг алоқадор соҳалар бўйича олиб бораётган сиёсати, илм-фан ютуқлари ва таълим тизими салоҳияти, инсон капитали каби бир қанча омилларга боғлиқ равишда кечади.

Таълимда инновациялар назария ва амалиёт уйғунлашувининг сон ва сифат ўзгаришларига олиб келувчи, муайян мақсадга йўналтирилган таълим билан боғлиқ субъектларнинг фаолият тизими кўринишида кечади. Ҳар қандай инновациялар ташаббуслар маҳсули бўлиб, у таълим сифати ва мазмунини ривожлантиришга қаратилган бўлади. Умуман, инновациялар ривожлантириш тамойилига асосланиши зарур. Шу маънода таълим инновацияси тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: таълим тизими билан боғлиқ бўлган муаммоларни ривожлантириш тамойилига асосан ҳал қилишга қаратилган янгича шакл ва методлар, ёндашув ва технологик жараёнларни тизимли қўллаш орқали сифат ўзгаришларига эришиш билан боғлиқ жараён.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан кейин таълим тизимида амалга оширилган энг жиддий инновацион лойиҳалар сифатида педагогик технологиялар ва интерфаол методлар асосида дарс машғулотларини ташкил қилиш билан боғлиқ ишларни кўрсатишимиз мумкин. Афсуски, таълимда фаолият йўналиши, киритилган ўзгаришларнинг тавсифи ва келиб чиқиш манбаига кўра бошқа йирик инновацион жараёнларни кўрсата олмаймиз.

Бизнинг назаримизда, таълим тизимида кластер моделининг татбиқ қилиниши инновация шакллариининг барчасига алоқадор фаолият механизмларини ҳаракатга келтиради. Кластер таълим тизимидаги бошқарув тизими, таълим субъектлари ўртасидаги интеграция жараёнлари, илмий тадқиқот соҳалари ва таълим воситаларини ишлаб чиқиш каби энг муҳим йўналишларни қамраб олади ва уларга замонавий ёндашувларни татбиқ этишни таказо қилади. Демак, бутун тизимга алоқадорлиги ва кенг қамровлилиги, узоқ муддатга мўлжалланганлиги, фаолиятга нисбатан ёндашувнинг янгиланганлиги каби хусусиятлари билан педагогик таълим кластери моделини соҳага тааллуқли инновация сифатида қараш мумкин.

Чирчиқ давлат педагогика институти томонидан инновацион лойиҳа сифатида ташкил қилинган “Мақтаб-лаборатория” тажриба майдончалари педагогик таълим инновацион кластерининг субъекти ҳисобланади.

Лойиҳанинг мазмун-моҳияти ва илмий-назарий ҳамда амалий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда “Мақтаб-лаборатория” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: “Мақтаб-лаборатория” – педагогик таълим инновацион кластерининг субъекти бўлиб, таълим турларининг илмий, услубий ва таълимий фаолиятини ривожлантириш мақсадига қаратилган инновацион лойиҳалар бўйича тажриба-синов майдончаларидир.

Педагогик таълим инновацион кластери бир гуруҳ таълим субъектларининг инновацион маҳсулотни яратишга ва унинг рақобатбардошлигини оширишга имкон берадиган янги тизим бўлиб, у соҳанинг миллий ва минтақавий даражада ривожланиши учун кучли рағбат беради. Шунга қўра кластер ёндашуви фан ва таълимни, пировардида амалиётда жамиятни ривожлантириш учун янги имкониятларни излаш ва амалга ошириш имкониятини яратади. Кластер доирасида бир нечта субъектларни ўзаро интеграциялаш жараёни мураккаб, кўптармоқли илмий-амалий жараёндир. Ўзаро боғлиқ бир нечта фаолият турларини умумий мақсад атрофида бирлаштириш аниқ ҳисоб-китобларни ва илмий ечимларни, натижаси кафолатланган лойиҳаларни талаб қилади ва шундагина кластер субъектларининг ишончини қозонади. Шундай экан, педагогик таълим инновацион кластери доирасидаги илмий-педагогик лойиҳаларни амалда синаб кўриш муайян тажриба-майдончалари бўлишини талаб этади. “Мақтаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари бу борада асосий бўғинлардан бири бўлиб хизмат қилади ва педагогик инкубатор вазифасини бажаради.

“Мақтаб-лаборатория” лойиҳаси миллий педагогикамизда янги тушунча. Бу тушунчанинг илмий истеъмолга олиб кирилиши Чирчиқ давлат педагогика институтининг фаолияти билан боғлиқ. Педагогик таълим инновацион кластери институтнинг стратегик тадқиқот йўналиши бўлиб, “Мақтаб-лаборатория” унинг ядроси ҳисобланади. “Мақтаб-лаборатория”лар илмий-педагогик инновацион лойиҳаларни яратиш ва тажриба-синовдан ўтказиш билан боғлиқ вазифаларни бажаради.

“Мақтаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончаларининг мақсади узлуксиз таълим жараёнида таълим турлари ўртасидаги илмий, услубий ва таълим воситаларини ривожлантириш, педагогик таълим инновацион кластерини амалиётга таъбиқ этиш билан боғлиқ илмий-педагогик лойиҳаларни тажриба-синовдан ўтказишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун “Мақтаб-лаборатория” инновацион тажриба майдончалари қуйидаги йўналишларда фаолият олиб боради:

- тажриба-инновацион йўналиш; илмий-услубий йўналиш; илмий тадқиқот йўналиши; ахборот-таҳлилий йўналиш.

Ҳар бир йўналиш ўзининг муайян вазифаларига эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1) таълимнинг янгиланган мазмунини амалиётга таъбиқ қилиш ва апробациядан ўтказиш; касбгача ва касбий педагогик тайёрлов бўйича таълим ва тарбиянинг инновацион усуллари, шакллари ва технологиялари бўйича инновацион лойиҳалар ишлаб чиқиш, апробация қилиш ва таъбиқ этиш – тажриба-инновацион йўналишда;

2) педагогларнинг инновацион фаолиятида илмий-услубий ёрдам кўрсатиш; конференциялар, семинарлар, мастер-класслар, очик машғулотлар, стажировкалар, гуруҳ ва индивидуал маслаҳатлар ташкил этиш орқали педагогик кадрларни касбий маҳоратини ошириш ва “Мақтаб-лаборатория”да тўпланган инновацион усуллари тарқатиш – илмий-услубий йўналишда;

3) психологик-педагогик тадқиқотларни таълим амалиётларида қўллаш ва экспертиза қилиш, педагогик таълимни ривожлантириш дастурларини амалга оширишда самарадорликни тадқиқ қилиш – илмий тадқиқот йўналишида;

4) касбгача ва касбий-педагогик тайёрлашнинг илғор усулларини ўрганиши ва умумлаштириши; таълимга оид ахборот ресурсларини яратиш, жамлаш ва янгилаб бориш; оммавий ахборот воситаларида педагогик таълимнинг жозибадорлигини оширувчи ва унинг мавқеини кўтарувчи реклама маҳсулотлари, мақолалар ҳамда видеороликлар тайёрлаш – ахборот-таҳлилий йўналишда.

“Мактаб-лаборатория” тажриба майдончаларини ташкил қилиш институт ташаббуси билан амалга оширилган бўлсада, унинг фаолиятида умумтаълим мактаб ўқитувчиларининг фаоллиги катта роль ўйнайди. Тақдим қилинаётган илмий-педагогик лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш ва унинг натижадорлигини таъминлаш мактаб ўқитувчиларининг профессионал салоҳияти ва масъулиятига боғлиқ.

“Мактаб-лаборатория”да ўқитувчининг тажриба-синов ишлари натижаси сифатида адабиётларга шарҳ, илғор ва инновацион тажрибаларни тақдим этишни, ўқитувчиларнинг очиқ ёки тажриба дарсларини, янги авлод дидактик материаллар банкини тузишни, ўқувчиларнинг ривожланишида педагогик натижалар ташҳисини, ўқитувчиларнинг ўқув ва ўқув-методик қўлланмаларини, тўпламларда нашр қилинган илмий мақолаларни, ўқитувчиларнинг “Йил ўқитувчиси” танловларидаги иштирокини айтиб ўтиш мумкин.

“Мактаб-лаборатория” доирасида раҳбар ва ўқитувчилар таркибидан бир неча йўналишларда лойиҳа гуруҳларини тузиш унинг фаолиятини тизимли ва кўп тармоқли бўлишини таъминлайди. Мавжуд муаммоларни ўрганиш натижасида Тошкент вилоятида ташкил қилинган “Мактаб-лаборатория”ларида куйидаги йўналишларда лойиҳа гуруҳларини тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди:

- “Бошқарув лаборатория” лойиҳа гуруҳи – бир нечта инновацион тажриба-синов оқимлари шароитида инновацияларни бошқариш самарадорлигини аниқлашнинг мезонларини белгиловчи ресурсларни ишлаб чиқиш;
- “Инновацион бошланғич мактаб” лойиҳа гуруҳи – бошланғич таълимда ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш жараёнининг инсонпарварлик ғоясига асосланувчи педагогика модели лойиҳасини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш; янги авлод стандартларини амалга ошириш;
- “Иктидор” лойиҳа гуруҳи – иктидорли болаларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш бўйича ахборот ресурсларини ишлаб чиқиш; иктидорли ўқувчиларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш ва уни рўёбга чиқаришга қўмаклашиш муҳитини яратиш;
- “Инноватор ўқитувчи” лойиҳа гуруҳи – инновацион жараёнларни таълим тизимига фаол татбиқ этиш муҳитини ва ахборот таъминотини яратиш, ўқитувчиларнинг инновацион лойиҳаларга рағбатлантириш ҳамда уни қўллаб-қувватлаш.
- “Таълим сифатини бошқариш тизимининг ахборот таъминоти” лойиҳа гуруҳи – таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш бўйича услубий тавсиялар, лойиҳалар, илмий-педагогик адабиётлар билан таъминлаш, таълим сифатини кўтариш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш;
- “Мактаб биродарлиги” лойиҳа гуруҳи – “Мактаб биродарлиги” ўқувчилар ҳамжамияти фаолияти доирасида болалар ва ёшларнинг самарали ижтимоийлашуви учун педагогик-психологик шарт-шароитларни яратиш.

Умуман олганда, “Мактаб-лаборатория” тажриба майдончалари педагогик таълим инновацион кластерини амалиётга татбиқ этиш шакли сифатида таълим турлари ўртасидаги интеграция муносабатларини таъминлаш, умумтаълим мактаблари фаоли-

ятини инновацион жараёнларга тортиш, таълим ва тарбия уйғунлиги борасида самарадорликка эришиш, таълим сифатини бошқариш ва яхшилаш, иқтидорли ўқувчиларни юзага чиқариш, ўқитувчилар фаолиятини назорат қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ сифат кўрсаткичларига эришиш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Ягодина Н.В. К вопросам теории кластера // Социально-экономические системы: современное видение и подходы. Материалы четвертой международной научно-практической конференции. –Омск: Изд-во «СИБИТ», 2009. –С.194
2. Абдурахманов О.К. Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси. –Т.: “Фан ва технология”. 2014.
3. Ашихмина Я.Г. Интеграционные проекты в современной России: виды и характеристики//Научный ежегодник института философии и права УрОПАН. – 2010. –Вып. 10.
4. Беспалова Л. Что такое кластер? URL: <http://siok.rightside.ru/siok/2009-12-01-06-24-41>. Загл. с экрана.
5. Гордеева А.Н., Пучкова М.В. Правовое обеспечение интеграции науки и образования// Закон. 2006, №4.
6. Портер М. Конкуренция. – СПб. –М. – Киев: Издат. дом «Вильямс», 2001.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси таъминлаш омиллари, “Мактаб-лаборатория” тушунчасининг мазмуни, мақсад ва вазифалари, фаолият йўналишлари тадқиқ қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье исследованы факторы обеспечения интеграции образования, науки и производства, содержание понятия “школа-лаборатория”, цели и задачи, направления деятельности.

SUMMARY

This article investigates the factors of integration of education, science and production, the content of the concept of “school-laboratory”, goals and objectives, activities.

ТАЪЛИМ СИФАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Тоштемирова С.А.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ўқитувчиси

Таянч сўзлар: узвийлик, алоқадорлик, таълим сифати, инновацион ғоялар, кластер, таълим кластери, “Мактаб-лаборатория”, узлуксиз таълим ғояси.

Ключевые слова: системность, коммуникация, качество образования, инновационные идеи, кластер, кластер образования, “Школа-лаборатория”, идея непрерывного образования.

Key words: system, communication, quality of education, innovative ideas, cluster, cluster of education, “School-laboratory”, idea of continuous education.

Интеллектуал салоҳияти юқори бўлган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвийлик ва алоқадорлик мустаҳкам йўлга қўйилса, бу йўналишда малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда мамлакат иқтисодийетида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мумкин бўлади. Айниқса узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришда янги механизмларнинг яратилиши бугунги глобаллашув жараёнларининг ҳаётий заруратига айланди ва бу ўз навбатида таълим сифати самарадорлигини ошириш, уни

модернизация қилишни тақозо этади.

Таълим сифатини ошириш муаммоси ислоҳ қилинаётган умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг интеллектуал ва ахлоқий тайёргарлигига қўйиладиган талаблар ортиб бораётганлиги, таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги билан боғлиқ ўзгаришлар, таълим хизматлари бозорида жиддий рақобат энг муҳим масалалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг асосий мақсадларидан бири таълим тизимини такомиллаштиришни илмий-педагогик жиҳатдан асослаш, таълим сифати самарадорлигини оширишда янгича инновацион ғояларни ишлаб чиқиш ва унинг назарий-амалий асослардан келиб чиққан ҳолда, амалиётга татбиқ этиш ҳамда мавзу юзасидан умумий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий вазифаси - глобаллашув жараёнларида мамлакатимиз таълим тизимида янги инновацион ғояларнинг аҳамиятини, узлуксиз таълим тизими сифатини такомиллаштиришнинг долзарблигини асослаш ҳамда уларни таълим тизимида татбиқ этиш сифат самарадорлигини оширишда муҳим восита эканлигини белгилаб бериш.

Тадқиқот бўйича манбалар таҳлили. Таълим тизимини замонавийлаштириш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда унинг асосий тамойиллари, ғоялари, услубий ёндашувлари ва кўрсатмалари бўйича бир қатор хорижий олимлар, жумладан, А.М.Новиков, С.А.Смирнов, М.В.Горемыко, Г.М.Коджаспирова ўз тадқиқотларида тўхталиб ўтган.

Шунинг билан бир қаторда тадқиқот мавзуси маҳаллий тадқиқотчилар томонидан ҳам тадқиқ этилган бўлиб, мамлакатимизда У.Ш.Бегимкулов, О.Мусурмонова, М.С.Мустафаева, Б.Р.Адилов, Р.Ш.Ахлиддинов, Ю.Н.Абдуллаев, М.Х.Махмудов, Р.Ишмухаммедов, Л.В.Голиш кабилар ўзларининг илмий изланишларида таълимни ижодий ташкил этиш, умумий ўрта таълимни такомиллаштириш, таълим сифати самарадорлигини ошириш хусусиятлар бўйича изланишлар олиб борган.

Таълимга нисбатан эса кластер модели таълим-фан-ишлаб чиқариш тизимида инновацияларни қўллаб-қувватлашни шакллантириш воситаси[2], рақобатбардош самарадорликка эришишдан манфаатдор бўлган соҳа(таълим, иқтисодиёт ва б.)лар бирлашишининг ташкилий шаклларини кучайтириш механизми[3]дир.

Педагогик таълим инновацион кластери бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар доирасида таълим тизимига кластер моделининг татбиқ қилиниши таълим инновацияси билан боғлиқ шаклларнинг барчасига алоқадор фаолият механизмларини ҳаракатга келтириши белгилаб берилди. Кластер таълим тизимидаги бошқарув тизими, таълим субъектлари ўртасидаги интеграция жараёнлари, илмий-тадқиқот соҳалари ва таълим воситаларини ишлаб чиқиш каби энг муҳим йўналишларни қамраб олади ва уларга замонавий ёндашувларни татбиқ этишни тақозо этади.

Биз кластерга берилган изоҳлардан келиб чиқиб, педагогик таълим ривожланишининг кластер модели таълим бериш, янгича ўқув адабиётларини яратиш, педагог кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, таълим ва тарбия узвийлиги билан боғлиқ умумий йўналишларда фаолият олиб бориш, айна вақтда бу умумий йўналишлар орқали таълимни бошқариш ва ташкиллаштириш, таълим турлари ва йўналишлари, узвийлик ва интеграцияни таъминлаш, ўқитиш методлари ва воситалари каби

йўналишларда хусусийлашиш жараёнларини олиб бориш муҳим эканлигини эътироф этишимиз мумкин.

Тошкент вилоятида педагогик таълим инновацион кластери доирасида “Мактаб-лаборатория” майдончалари ташкил қилинган бўлиб, унда минтақанинг умумий ўрта таълим фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича бир қатор тажрибасинов амалиётлари амалга оширилмоқда.

Кластер моделини таълим тизимига татбиқ этиш жараёнларида, биринчи навбатда, хорижий тадқиқотларнинг натижалари ҳам чуқур таҳлил қилиниб, минтақавий менталитетимизга мослаштирилган ҳолда самарали усул ва воситалардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим сифати самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи бир қатор инновацион лойиҳаларда илғор ғояларнинг аҳамияти белгилаб берилмоқда.

Таълимни ривожлантиришнинг инсонпарварлаштириш, демократлаштириш, фаоллаштириш каби илғор ғоялари қатори узлуксиз таълим ғояси ҳам катта аҳамиятга эга бўлган янгича ёндашувлардан биридир. Ушбу ғоя, бир томондан, - таълим сифатини оширишнинг шартли ҳисобланса, иккинчи томондан, - таълим тизимини яхлит тизим сифатида қуришда замонавий ижтимоий мойилликларни акс эттирадиган энг муҳим ижтимоий-педагогик тамойил ҳисобланади.

Аввало, шунга эътиборга олиш керакки, анъанавий равишда ўрганилаётган илмий атамда узлуксизликка доимий таълим жараёни сифатида қараймиз–бугунги глобаллашув шароитидаги замонавий жамиятда эса, биз узлуксиз таълим ғоясини ҳаётнинг тез ўзгариб бориши муносабати билан инсоннинг бутун ҳаёти давомида ўз устида ишлаш, ривожланиш сари йўналтирилган ғоясини назарда тутамиз.

Аксарият тадқиқотчилар узлуксиз таълимни –тўла-тўқис қамраб олувчи, суръат ва йўналишга қараб индивидуаллашган, ҳар бир кишига таълим олиш учун ўз дастурини амалга ошириш имкониятини тақдим этувчи маориф феномени сифатида белгилайдилар.

Бундан келиб чиқиб, бугунги кунда ҳар бир инсон ва жамиятдан узлуксиз ўқув жараёнига замонамизнинг асосий вазифаси сифатида қараш талаб қилинади.

Узлуксиз таълим тузилиши,тадқиқотчи Г.М.Қоджаспирова фикрига кўра, ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган тўртта йўналишдан иборат:

- биринчи йўналиш - таълим тизимидаги анъанавий алоқаларни янада такомиллаштиришга қаратилган;
- иккинчи йўналиш - таълим ва ундаги иштирокчиларни ўз устида ишлашнинг ижтимоий шакллари фаол ривожлантириш жараёнини акс эттиради;
- учинчи йўналиш - касбга йўналтириш ва касб танлашнинг ягона ижтимоий тизимини яратиш ва такомиллаштириш зарурати билан белгиланади;
- тўртинчи йўналиш – етук мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган узлуксиз таълим ва ўз-ўзини тарбиялашни янада ривожлантириш билан боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтади.

Рус тадқиқотчиси А.М.Новикова сарларида, “узлуксиз таълим” тушунчасининг батафсил мазмун-моҳиятини учратиш мумкин, унга кўра, “бу вазиятда узлуксиз

шахс, инсон доимий равишда, танаффусларсиз таълим олади. Бу ҳолда, муаллиф, шахснинг таълим мақолидаги ҳаракатининг учта йўналишини тахмин қилади:

- “олдинга ҳаракат йўналиши”га – узлуксиз ҳолдаги ўз устида ишлаш, малака ошириш сифатида қаралади;
- “юқорига қараб ҳаракатланиш йўналиши” га – таълимда имкон қадар янги даражаларга қўтарилишсифатида қаралади;
- “горизонтал, ёнма-ён ҳаракат йўналиши”га - таълимни узлуксизлигини таъминлаш муҳим ўзгариш сифатида қаралиб, бунда барча таълим хизматлари, воситалари ва иштирокчиларининг ёнма-ён интеграллашган ҳолда ривожланиш хусусиятлари белгилаб берилади.

Шу ўринда таълимнинг узлуксизлиги қуйидагича тоифалашимиз мумкин бўлади:

- ўқув жараёни, бу ҳолда, ўқув жараёнидаги узлуксизлик, изчиллик, тизимлилик ҳисобга олиниб, шахс – таълим жараёнининг барча босқичларида ўқув жараёнига жалб этилганликни ўзига хос хусусияти сифатида хизмат қилади.
- таълимнинг ташкилий тузилмаси, бу ҳолда, таълим хизматлари мақолини ташкил этувчи, таълим дастурларининг узвий боғлиқлиги ва давомийлигини таъминловчи, жамиятда ва ҳар бир алоҳида минтақада юзага келадиган кўплаб таълим эҳтиёжларини қондира олувчи, таълим муассасалари тармоғининг ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги номенклатураси - узлуксизлик орқали тавсифланади.

Бу ўринда “таълимнинг узлуксизлиги - шахснинг таълим соҳасидаги кўп ўлчовли ҳаракатланишини ва унинг ҳаракатланиши учун макбул шарт-шароитларни яратишни таъминлаши керак” деган фикрига тўлиқ қўшиламыз.

Юқоридаги илмий-назарий маълумотлардан келиб чиқиб, узлуксиз таълим муаммоси билан боғлиқ тадқиқотлар доирасида, янги ва анча мураккаб бўлган ушбу ғоянинг асосий тамойилларини қисқача баён қиламыз ва ушбу тамойиллар таркибини, уларни амалга ошириш шартлари орқали тақдим этамыз:

1. Мустаҳкам асослилик тамойили, бунда инсон унинг учун мумкин бўлган барча йўналишлар бўйича таълим соҳасидаги ва ундан кейинги фаолиятда муваффақиятли ҳаракатланиши учун мустаҳкам асос, замин яратиши керак бўладиган талабларни бажариш орқали қўриб чиқилади;

2. Кўп босқичлилик тамойили, кўп даражали ўқув дастурларини жорий этиш орқали амалга оширилади;

3. Тўлдирувчилик тамойили, асосий ва олий ўқув юртидан кейинги таълимни тўлдириш (бир-бирини тўлдирувчи), мутахассисни муайян иш жойида ишлаш учун қўшимча тайёрлаш ва малакасини ошириш шартларини ўз ичига олади; шахснинг ўзини англашни шакллантириш; фан, техника ва технология янгиликлари билан доимий танишиб бориш (ўзлаштириш);

4. Мувофиқлаштирувчанлик тамойили, таълим дастурларининг ҳаракатчанлиги, турли йўналиш, даража ва босқичлардаги ўқув дастурларининг таркибини бир-бирига мувофиқлаштирган ҳолда “туташтириш” технологиясини яратишни англади;

5. Узвийлик тамойили, таълим дастурларининг узвийлиги, барча турдаги ўзаро боғланган таълим стандартлари ва таълим дастурлари орқали амалга оширилади;

6. Бирлаштирувчанлик тамойили, таълим тузилмаларининг интеграцияси, таълимнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини ўқув муассасаларидан ўқув дастурларига ўтказиш орқали тақдим этилади; интеграциялашган ўқув муассасаларини ривожлантириш (кўп босқичли, кўп тармоқли, кўп вазидали), ягона Республика таълим маконини яратиш орқали амалга оширилади;

7. Ривожлантирувчанлик тамойили, ташкилий шаклларнинг мослашувчанлиги - бу кундузги, сиртки ва кечки таълим шакллари, очик таълим (ўқитиш), ташки тадқиқотлар ва бошқаларни ривожлантириш орқали эришилади.

Кўриниб турибдики, узлуксиз таълим ғояси ўрганиш сифатида эмас, балки, таълим ва шу билан боғлиқ фаолият жараёнида шахснинг ривожланиши сифатида тушунилмоқда. Олинган маълумотлар бизга ушбу ғоянинг кўп қиррали моҳиятини чуқурроқ ва тўлиқ англашга, таълимни узлуксиз ривожланиш ва ўз-ўзини ривожлантириш сифатида тушунишга имкон беради.

Шундай қилиб, таълимни ривожлантириш назариясининг юқорида келтирилган тамойиллари таҳлили унинг сифати ва хусусиятларини замонавий жамиятда ушбу муаммони жамоат талабларига, муайян ҳудудларнинг манфаатларига ва таълим эҳтиёжларига қаратилган минтақавий, шаҳар ва умумий ўрта таълим тизими даражасида ҳал қилинишини тақлиф қилади деган хулосага келамиз. Шунинг учун таълим сифатини ошириш ва уни ташкил этиш таълим тизимида барқарор ва изчил ривожланиш, интеллектуал ва моддий ресурсларни жалб қилиш қобилятини белгилловчи янгича ёндашувларни татбиқ этишни талаб қилади.

Бугунги кунда Чирчиқ давлат педагогика институти ва Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил қилинган таълим кластерлари доирасидаги амалиётларда таълим сифатини такомиллаштириш ва уни демократлаштиришнинг юқорида эътироф этилган тамойиллари татбиқ этиш тақлифлари берилмоқда.

Таълим сифати самарадорлигини ошириш ва инновацион илғор ғояларни таълим тизимидаги заруратидан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

- барча таълимни ривожланиш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда минтақадаги умумий таълим сифати самарадорлигини оширишда зарур бўлган фаолият таркиби вазият ва шароитлар уйғунлигини таъминлайдиган, таълимда самарали бошқарувни белгилайдиган кластер муҳитини яратиш билан ҳудудий тизимлар ва умумий таълим муассасаларини гуруҳлаштириш орқали мониторинг ишлари, таълимга янгича ёндашувлар, минтақада умумий таълим сифатини бошқариш моделини ишлаб чиқиш зарурий шартлардан бири ҳисобланади.
- таълим сифатини оширишга хизмат қиладиган инновацион лойиҳалар, илғор ғояларнинг татбиқ этилиши, давлат ва жамиятни ўзаро боғлиқликда инсонпарварлик, узлуксизлик, тараққиёт ва демократлаштириш ғояларига асосланган замонавий таълимнинг янгиланиши ва ривожланишини белгилаб беради.
- таълим тизимида узлуксизлик ғоясининг назарий асосларини таҳлил қилиш ва амалиётдаги тажриба-синов ишларида татбиқ қилиш орқали минтақанинг умумий таълим сифат самарадорлигининг асосий хусусиятларини ҳар томонлама янгилаш ва ривожлантиришни амалга ошириш имконияти яратилади.

- таълим сифатини такомиллаштиришда кластер ёндашуви давлат таълим мазмунини янгидан ташкил қилиб, таълим кластери субъектлари ўртасидаги муносабатларни демократлаштириш гоёси орқали ривожланиш ва самарадорлик мезонлари билан қараш имконини беради.
- кластер таълимга нисбатан инновацион ёндашув сифатида худуддаги инсон ресурслари, ташкилотлар ва технологияларни бирлаштирувчи кучли механизмни юзага келтиради.

Узлуксиз таълим тизимида ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий соҳаларнинг, хусусан, фан, таълим-тарбия ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси мукамал тарзда амалга оширилмас экан, таълим сифати ва унинг натижавийлиги барқамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш бобидаги стратегик мақсадга эришиб бўлмайди.

Адабиётлар:

1. Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, -1980, -P.79
2. Осечкина Л.И. Кластерный подход как условие повышения эффективности деятельности вуза / Л.И.Осечкина// Высшее образование в России. -2012. -№8-9. –С.75
3. Шамова Т.И. Кластерный подход к развитию образовательных систем// Взаимодействия образовательных учреждений и институтов социума в обеспечении эффективности, доступности и качества образования региона: Материалы Международного образовательного форума (Белгород. 24–26 окт. 2006г.): в 2 ч. / БелГУ, МПГУ, МАНПО; отв. ред. Г.М. Давыденко, Т.И. Шамова. Белгород: Издательство БелГУ, -2006. Ч. 1. -С.25
4. Мухамедов Ф.И., Хўжамқулов У.Н., Тоштемирова С.А., 2020, Педагогик таълим инновацион кластери, Тошкент, Университет, -Б. 38.
5. Ходжамқулов У.Н. Таълим кластери инновация сифатида// Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар. Халқаро илмий-амалий анжуман илмий ишлар тўплами. Том II/Чирчиқ, 2019 й. –Б. 349.
6. Третьяков П.И., Мартынов Е.Г. Профессиональное образовательное учреждение: управление образованием по результатам: Практика педагогического менеджмента. - М.:Новая школа, 2001. - 368с.
7. Коджаспирова Г.М. Культура профессионального самообразования педагога. Пособие / Под ред. д-ра психол. наук, акад. Ю.М. Забродина.—М., 1994.—С. 45.
8. Горемыко М.В. Управление качеством общего образования региона на основе кластерного подхода: дисс.канд. пед.наук. – М, 2010, - С. 33-34.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада таълим сифати самарадорлигини ошириш, унинг таркиби ва мазмунини такомиллаштиришга тўхталиб ўтилган бўлиб, инновацион янгича ёндашув сифатида қаралаётган педагогик таълим кластерининг муваффақиятли фаолият механизмига таъсир қилувчи узлуксизлик гоёси бўйича илмий-назарий мулоҳазалар келтирилиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье изложены научно-теоретические соображения по идее преемственности, влияющей на успешное функционирование педагогического образовательного кластера, которая рассматривается как новый подход к инновациям, направленный на повышение эффективности качества образования, совершенствование его состава и содержания.

SUMMARY

This article presents scientific and theoretical considerations on the idea of continuity that affects the successful functioning of the pedagogical educational cluster, which is considered as a new approach to innovation aimed at improving the effectiveness of the quality of education, improving its composition and content.

ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНДА ЗИДДИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ҲАЛ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Умарова З.А.

Тошкент вилояти ЧДПИ, “Бошланғич таълим” кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: низо, зиддиятли вазият, ўқитувчи, педагогик зиддият, ота-она, можаро, можаро ҳолати, конфликтологик парадигма, муаммо.

Ключевые слова: конфликт, конфликтные ситуации, преподаватель, педагогическая конфликтология, родители, конфликтный статус, конфликтная парадигма, проблема.

Key words: conflict, conflict situations, teacher, pedagogical conflictology, parents, conflict status, conflict paradigm, problem.

Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати эса қадимдан ота-боболаримиз томонларидан шаклланиб келган асл миллий ва диний қадриятларимизни бугунги кундаги аҳамияти нечоғлик муҳим эканлигини кўрсатиб бермоқда.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ёшлар тарбияси бутун миллат олдидаги улкан масъулиятли вазифа эканлигини таъкидлаб: “Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан оғох бўлиб турмасак, уларни илму хунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас”, дея таъкидлайдилар.

Шундай экан, сўнгги вақтларда замонавий жамиятлардаги инсонга бўлган турли илмий-техник, маънавий, иқтисодий таъсирларнинг хаддан зиёд ортиб бориши, замонавий жамиятларда яшаш тарзининг мураккаблик томон ортиб бораётганлиги одамлар тўқнаш келиши мумкин бўлган турли конфликтли вазиятларни ҳам оширмоқда.

Инсон ўз ҳаётида болалик давриданок бошқа инсонлар билан турли ижтимоий муносабатларга киришади. Инсон ҳаёти бошқалар билан бўладиган турли муносабатларнинг узлуksизлигидан иборат бўлган жараёндир. Ана шу муносабатлар эса ҳар доим ҳам бир текис, силлиқ ва тинч давом этавермайди. Ҳаётнинг бир текис давом этишини турли низо ва зиддиятлар бузиб туради. Биз уларни конфликтлар деб атаيمиз.

Конфликт ҳар бир инсон ҳаётига алоқадор бўлган ўзига хос жараён бўлиб, ҳеч бир инсон ўзини комил ишонч билан конфликтли вазиятлардан муҳофаза қилинганман деб айта олмайди. Конфликтлар инсон ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланади, чунки ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида конфликтлар билан тўқнаш келади. Конфликтлар табиий ҳодиса бўлиб, конфликт билан тўғри муносабат ўрнатиш инсон тарбияси, унинг шаклланишининг зарурий талабларидан биридир.

Ақлли одамлар икки мунозарачининг фикрига қўра, ақлли бўлган одамни айблашади. Бу можаролардан қочиш керак дегани эмас. Ўз вақтида ҳал этилмаган можаро, шунингдек ўз вақтида даволанмаган касаллик маълум вақтдан кейин жиддий асоратларни келтириб чиқариши мумкин, шунинг учун зиддиятларни ўз вақтида очиб, «касаллик» нинг тўғри ташхисини қўйиш ва «тузалиш» йўлларини топиш керак. Ўқитувчининг ўрни, айниқса, педагогик жараён давомида «ўқитувчи-ўқувчи-ота-оналар» қарама-қарши учбурчаги шаклланган ҳолларда жуда катта ҳисобланади. Бундай ҳолда, қуйидаги зиддиятли ҳолатлар пайдо бўлиши мумкин:

Ўқитувчи, ота-оналар билан биргаликда ўқувчига қарши ҳаракат қилади;

- ота-оналар ўқувчи ва ўқитувчи билан;
- ўқувчи билан ўқитувчи - ота-оналарга қарши;
- ҳамма нарса - барчага ва барчага ўзи қарши.
- Агар низо ўз вақтида ҳал этилмаса, унда янги иштирокчилар, масалан, низо ҳакамининг ўрнини эгаллаши ёки томонлардан бирини қўллаб-қувватлаши мумкин бўлган таълим муассасаси маъмурияти жалб қилиниши мумкин, кейин можароларни ривожлантиришнинг мумкин бўлган ҳолатлари сони сезиларли даражада ошади.

Қарама-қаршилик ривожланишининг ҳар қандай вариантыда ўқитувчининг вазифаси - томонларнинг муҳолифатини ўзаро таъсирга, ҳалокатли тўқнашувни конструктивга айлантириш.

Бунинг учун бир қатор кетма-кет усулларни бажариш керак:

- тажовузга тажовуз билан жавоб бермаслик;
- Рақибни сўз ёки имо-ишора ёки кўриниш билан ҳақоратламанг ва камситманг;
- Рақибга гаплашиш, унинг даъволарини диққат билан тинглаш имкониётини бериш;
- рақиб дуч келган қийинчиликлар муносабати билан ўз тушунчангизни ва қийинлигингизни билдиришга ҳаракат қилинг;
- шошилинч хулосалар қилманг, шошилинч маслаҳат берманг - вазият ҳар доимгидай кўринишда бўлганидан кўра мураккаброк;
- рақибингизни тинч муҳитда дуч келган муаммоларни муҳокама қилишга таклиф қилинг. Агар вазиятлар имкон берса, унда олинган маълумот ҳақида яхшироқ ўйлаб кўриш учун вақт сўранг. Тўхтаб туриш ҳиссий стрессни енгиллаштиришга ҳам ёрдам беради.

Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотида нафақат нутқнинг мазмуни, балки юз ифодалари, оҳанг, нутқ интонациялари ҳам муҳимдир, агар мутахассисларнинг фикрига кўра катталар билан мулоқотда интонация 40% маълумотни ўз ичига олса, у ҳолда, бола билан алоқа қилганда, интонация таъсири кучаяди. Бола интонация орқали катталарнинг унга бўлган муносабатини ҳайратланарли даражада аниқ билади, у «ҳиссий эшитиш» га эга, нафақат айтилган сўзларнинг мазмунини, маъносини, балки унга катталарнинг муносабатини ҳам тушунади.

Агар юқоридаги ҳаракатлар натижасида сиз рақибингизни унга душман эмаслигингизга ва тенг ҳамкорликка тайёр эканлигингизга ишонтира олган бўлсангиз, унда низони ҳал қилишнинг кейинги босқичига ўтишингиз мумкин.

1. Мулоқот.

Буни ҳам мақсад, ҳам восита сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Биринчи босқичда диалог - бу рақиблар ўртасида алоқани ўрнатиш усули. Иккинчи босқич - мунозарали масалаларни муҳокама қилиш ва низони ҳал қилишнинг ўзаро мақбул йўллари топиш воситаси.

Барчамиз монологларга, айниқса педагогик жараёнга ўрганиб қолганмиз. Уларнинг ҳар бири ўз фикрини билдиришга интилади, лекин айни пайтда, қоида тарикасида, бошқасини эшитмайди. Мулоқотда асосий нарса нафақат гапириш ва тинглаш, балки эшитишдир.

Ўқитувчи ва ўқувчининг мавқеини яқинлаштириш, ўзаро тушуниш баъзи ўқитувчилар томонидан фойдаланилмайдиган баъзи усулларга ёрдам беради, яъни агар сиз ундан ғазабланган бўлсангиз ҳам, ўқувчини исми билан аташга ҳаракат қилинг.

Мулоқот пайтида баъзи қоидаларга риоя қилиш муҳим:

- рақибга нисбатан хушмуомалалик, тўғри муносабат. Бу «тенгдошлар» билан суҳбат бўлиши керак;
- кераксиз равишда аралашманг, аввал содир бўлган воқеани билинг, кейин гапиринг;
- нуқтаи назарингизни бузманг, биргаликда ҳақиқатни изланг;
- ўз ҳолатингизни ҳимоя қилинг, тоифага кирманг, ўзингизга қандай муносабат билдиришини билинг;
- ўзингизнинг далилларингизда миш-мишлар ва бошқа одамларнинг фикрларига эмас, балки далилларга таянинг;
- саволларни тўғри беришга ҳаракат қилинг, улар ҳақиқатни излашнинг асосий калитидир;
- Муаммони ҳал қилиш учун тайёр «рецептлар» ни берманг, мантиқий мантиқни яратишга ҳаракат қилинг, шунда рақиб ўзи керакли счимларни топиши керак.

Мулоқот пайтида рақиблар бир-бирларининг муносабатлари, ҳолатлари, ниятлари, мақсадларини аниқлайдилар. Улар кўпроқ маълумотга эга бўладилар ва ҳозирги можароли вазиятни яхшироқ намоёиш этадилар. Агар низонинг аниқ манбалари ва сабабларини аниқлаш имкони бўлса, биз можароларни ҳал қилишнинг яқуний босқичига ўтаемиз.

2. Ўзаро таъсир ўтказиш.

Аслида, бу босқич идрок қилишни ҳам, диалогни ҳам, қўшма алоқа фаолиятининг бошқа турларини ҳам ўз ичига олади. Аммо бу ерда ўзаро таъсирлашув барча рақибларнинг можарони ҳал қилишга қаратилган биргаликдаги фаолиятини англади.

Шундай қилиб, можарони идрок этишнинг старлилиги, муаммоларни ҳар томонлама муҳокама қилишга тайёрлик, ўзаро ишонч муҳитини яратиш ва мавжуд муаммоларни ҳал қилишда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар бузғунчи можарони конструктивга, кечаги муҳолифларнинг ходимларга айланишига ёрдам беради. Бундан ташқари, муваффақиятли ҳал қилинган низо жамоадаги психологик иқлимни яхшилашга, ўзаро тушунишни ривожлантиришга ёрдам беради. Можароларни ҳал қилиш жараёнида тўпланган тажрибадан бошқа зиддиятли вазиятларда муваффақиятли фойдаланиш мумкин.

Педагогик зиддиятларнинг келиб чиқишини олдиндан сезиш можароли вазиятнинг салбий ривожланишининг олдини олишга ва уни ижобий ҳолатга айлантиришга имкон беради. Можароларни бошқариш ва низоларни ҳал этиш технологияларини яхши бошқариш ўқитувчиларга қарама-қарши низоларни яратишга имкон беради. Масалан, ўқитувчи ўқув гуруҳида академик кўрсаткичлар ёки интизом бўйича низо келтириб чиқариши мумкин бўлган вазиятда ўз билимларини можароли вазиятни ҳал қилишга жалб қилиб, уларнинг фаолиятини фаоллаштиради ва керакли натижаларга эришади.

3. Жазо. Низоларни ҳал қилишда ўқитувчилар жазони таъсир қилишнинг асосий воситаларидан бири деб билишади. Улар бу ҳаракатнинг такрорланишига, бу ўқувчини кўркитишига олиб келади деб ишонишади. Жазо алоҳида можарони ҳал

қилиши ва йўқ қилиши ва янги мождарларни келтириб чиқармаслиги керак, чунки уларни ҳал қилиш анча қийин бўлади - натижада мождарлар узоқ давом этади, кенгайиб боради.

Сўнги пайтларда тез-тез қўлланиладиган жазо усулларидан бири бу ота-оналарга эътироз билдириш ва ўқувчининг барча нотўғри ишлари учун ҳақорат қилишдир.

Педагогик мождаро табиий ижтимоий ҳодиса бўлиб, у ўқитувчининг низоларни бошқариш бўйича тайёргарлиги сустиги туфайли ўқув жараёнини ташкил этишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Биз мождарлар юзага келганда ҳисобга олиниши керак бўлган объектив ва субъектив сабабларни кўриб чиқдик. Ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасидаги зиддиятларнинг сабабларини турлича аниқлаётгани аниқланди.

Кичик мактаб ўқувчиларининг ҳис-туйғулари жуда ёркин, аммо шу билан бирга улар тезда ўчирилади, аммо ўқитувчининг салбий таъсири доимо психикага таъсир қилади ва уларнинг хотирасида қолади. Бундай ҳолатларнинг бир нечта турлари мавжуд: улар нафақат ўқув жараёни билан, балки ўқувчилар билан мулоқот жараёнида ўқитувчининг хулқ-атвори билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Айрим вазиятларга боғлиқ ҳолда, зиддиятли вазиятни эҳтиёткорлик билан ярата олиш жуда муҳимдир. Мождарларни ҳал қилиш жараёнида эргашиш, мождаронинг бошқа томонини ҳурмат қилишни ўрганиш учун ижобий намуна бўлиши керак - охир оқибат, болалар онгсиз равишда катталар яъни ота-оналар ва ўқитувчилар хатти-ҳаракатларидан нусха олади. Ўқитувчи, шунингдек, мождаронинг томонларини хафа қилмаслиги учун мождарони қандай ҳал қилишни ўргатиши керак, бу вазиятда фақат чинакам билимли ўқитувчи инсоний кадриятларни билладиган ва ҳақиқатан ҳам у учун кадрли бўлган ҳақиқий инсонни тарбиялай олади.

Адабиётлар:

1. Ш.М. Мирзиёев. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжихат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. – Т.: Ўзбекистон, 2017- Б 21
2. М.Аҳмедова Педагогик конфликтология, Т.2014 йил.
3. Андреева Г.М. Ижтимоий психология. Олий таълим учун дарслик. – М.: Аспект Пресс, 2003. – 364-бет, 376-бет.
4. Андреева Г.М. Ижтимоий психология. Олий таълим учун дарслик. – М.: Аспект Пресс, 2003. –376-бет.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактабда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида вужудга келадиган педагогик зиддиятли вазиятлар ва мождарларнинг келиб чиқиш сабаблари келтирилган. Зиддиятли вазиятларга педагогик ёндошган ҳолда бартараф этиш йўллари қиёсий таҳлил қилиниб, илмий асослаб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье изложены педагогические конфликты и конфликты, возникающие между учителями и учениками в школах. Педагогический подход к конфликтным ситуациям проанализирован и научно обоснован в сравнительном анализе.

SUMMARY

The article outlines pedagogical conflicts and conflicts that arise between teachers and students in schools. The pedagogical approach to conflict situations is analyzed and scientifically substantiated in a comparative analysis.

ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ МУАММОЛАРИ

Мусурманов Р.

*п.ф.н., ТВЧДПИ “Педагогика” факултети, “Педагогика ва менежмент”**кафедраси доценти*

Қодирова Х.А.

*ТВЧДПИ “Педагогика” факултети, “Педагогика ва менежмент”**кафедраси ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: фарзанд тарбияси, оила, ота-она, одоб-ахлоқ, меҳр-муҳаббат, аҳдига вафо.

Ключевые слова: воспитание детей, семья, родители, этика, нравственность, любовь и забота, умение держать слово.

Key words: parenting, family, parents, ethics, morality, love and care, ability to keep the word.

Маълумки, инсон одоби ва ахлоқи унинг зийнати ҳисобланади. Барча гўзал инсоний фазилатли кишилар жамиятнинг кўрки, маънавий- ижтимоий ҳаётимизнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Ана шундай ижобий хислатлардан бири – инсоннинг ўз аҳдига вафо қилмоқлигидир. Шунинг учун ҳам инсоният яралгандан бери аҳдига вафо қилиб келаётган инсонлар мард, лафзи ҳалол, сўзида турадиган, гапи билан иши мос келадиган инсонлар сифатида улуғланиб келади.

Инсон ижобий фазилатларининг энг муҳимларидан бири бўлган аҳдига вафо қилмоқлик хислати ҳаётда шу қадар аҳамиятлики, бунда инсонлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, ҳурмат, содиқлик ва садоқат, Ватан, миллат, она табиатга бўлган эъзозу-эътибор, моддий-маънавий бойликларни сақлаш, асраш, кўпайтириш ҳамда улардан тежамкорлик билан фойдаланиш каби жамият ҳаётини гуркираб ўсишига хизмат қиладиган омиллар йиғиндиси мужассамлашган. Борингки, ана шу бор-йўғи учта товуш бирикмасидан иборат бўлган АХД сўзининг мазмун-моҳияти инсон гўзал фазилатларини намоён этувчи хусусиятга эга.

Агар жамиятда ана шундай гўзал фазилатли шахслар кўпайса ўша жамият гуллаб-яшнайдди. Савол туғиладикки, аҳдига вафо қилмоқлик фазилати қандай шаклланади? Жавоб эса оддий, “Қуш уясида кўрганини қиладди”, яъни шахсдаги ҳар қандай ижобий ва салбий фазилатларнинг манба-ўчоғи оила ҳисобланади. Олимларнинг эътироф этишларича, оилада тарбияланаётган бола онгининг етмиш фоизи беш ёшгача шаклланиб улгуради. Қолган қисмини у таълим-тарбия муассасаларида эгаллайди.

Келинг, биз оилада, ота-она бағрида ўсиб-улғаяётган бола тақдири, унинг келажаги ҳақида фикрлашайлик. Маълумки, ота ўғил учун, она қиз бола учун ҳар томонлама намуна ҳисобланади. Айтийлик, оилада отанинг ўрни, кадр-қиммати, салоҳияти юкори. Оилавий тартиб-интизомни маънавий-маърифатли ота назорат қиладди. Ҳар бир айтилган сўзга амал қилинади, ваъдага вафо қилинади. Агар ота ҳали мактаб ёшига етмаган ўғли ёки қизига бирор ўйинчоқни олиб бериш, ёхуд фарзандларини сайр-саёҳатларга олиб чиқишни ваъда қилса, уни албатта бажаради. Ўзининг бу ҳаракати билан ота фарзандларига ўрнак-намуна бўла олади. Фарзандларида ҳам худди шундай ижобий сифатлар камол топиб бораверади.

Энди шу ҳолатнинг акси бўлсачи, унда нима бўлади? Афсуски, оилада фарзанд тарбиясида йўл қўйилаётган хатонинг энг даҳшатлиси ҳам ана шунда. Фикри-

мизни тасдиқлаш мақсадида юқорида келтирилган “Куш уясида кўрганини қилади” мақолимизни яна бир бор эслашга тўғри келади. Хотирингиз жам бўлсинки, оилада ёлгончилик, ваъдавотлик, аҳдига вафо қилмаслик ҳукм сураётган бўлса, ўша оилада вояга етиб келаётган боладан сиз ўзгача ижобий сифатларни кутишингизга ҳожат йўқ. Тўғри, моддий таъминланганлик жиҳатидан турли-туман оилалар бор. Фарзандингиз истаган нарсани ўша заҳоти олиб бора олмаслик мумкин. Бунинг учун имкониятингизга мурожаат қилинг ва фарзандингизга тушунтиринг. Унинг хоҳиш-истаганини қондириш муддатини билдириб, айни пайтдаги шароитингизни тушунтиринг ва албатта ўша қилган ваъдангизни устидан чиқинг. Бу билан сиз нафақат виждонингиз олдида хижолат чекмайсиз, балки фарзандингизда ҳам ўзингиздаги ижобий сифатларни камол топтириб борасиз. Ота-она сифатида фарзандларингиз олдида обрў-эътиборингиз ошиб боради, уларнинг сизга нисбатан меҳр-муҳаббати жўшиб, кадр топиб борасиз. Улар ўсиб-улгайиб, камолга етганда сиз уларга қанчалик эътиборли бўлган бўлсангиз, улар ҳам ўз навбатида сизга нисбатан яна кўпроқ эътиборли бўладилар. Баъзида ёши бир жойга бориб қолган инсонлар фарзандларидан нолиб қолсалар, беихтиёр “сиз унга болалигида меҳр берганмидингиз”, дегинг келади.

Кимдир айтмоқчи бўлар, сизга айтиш осон-да, амалга ошириш қийин, деб. Ҳа, жуда тўғри. Ҳеч ким фарзанду-аржумандларини ёмон инсонлар бўлишини хохламайди. Бу ҳақиқат, исбот талаб қилмайдиган аксиома. Аммо, жуда кўпчилик ота-оналар кундалик турмушда ўзларининг фарзанд тарбияси соҳасидаги фаолиятларини назорат қилиш малакасига эга эмаслар. Оилавий тарбияда йўл қўйилаётган ҳамма хато-камчиликлар ана шундан келиб чиқмоқда ва гуркираб давом этмоқда. Ушбу сатрларни ўқиган бўлсангиз ўзингизни бир силкитиб ташланганда оилангиздаги ўз хатти-ҳаракатларингизни танқидий таҳлилдан ўтказинг. Агар сиз масалага жиддий ёндашиб, фаолиятингизга объектив баҳо беролсангиз, болангиз одоб-ахлоқидаги нуқсонларнинг келиб чиқишида ўзингиз айбдор эканлигингизга амон келтирасиз. Чунки, сиз унинг олдида бебурдликка йўл қўйгансиз. Унинг талаб ва истаклар, эҳтиёжларига бефарқ бўлгансиз. Бола бечора ўз ёғига ўзи ёғриб, охир-оқибат сизга дардини айтмай қўйган, барибир ота-онам мени хоҳиш-истакларимни инобатга олмайди, деб дардини ичига ютиб, қайсарлик ва ўжарликни ўзининг ҳимоявий курулига айлангирган. Агар ота-она бола ҳуқуқларини поймол қилмаганида, унга паст назар билан қарамаганида юқоридаги ҳолат келиб чиқмаган бўлур эди. Сиз ота-она сифатида шундай йўл тутингки, фарзандингиз сизни чин дилидан севсин, ҳар доим сизга интилиб, ўрнак олиб яшашни ўргансин, ота-онаси билан фахрланиш тўғриси ҳис қилсин. У сизни фақат моддий таъминотчи сифатида эмас, балки ўзининг борлиғи, шоҳи-жаҳони, деб соғиниб улғайсин. Ана шундагина атрофдагиларни ҳаваси келадиган сизнинг намунавий оилангизда камол топган дилбандингиз қалбида сизга нисбатан чексиз меҳр-муҳаббат, умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳисси камол топади. Бу борада ота-боболаримизнинг узоқ ўтмишдаги тажрибаларидан фойдаланиш масалага янада ойдинлик киратади.

Шуни билингки, бола оиланинг тенг ҳуқуқли аъзоси, унинг ҳуқуқлари поймол этилмаслиги, у эркин, ўринсиз таъна-дашномларсиз ўсиб-улгайиши зарур. Оилада асло адолатсизликка йўл қўйманг. Мабодо, фарзандингиз бирор нотўғри хатти-ҳаракатлар, одобсизлик қилиб қўйган бўлса, аввал унинг сабабларини аниқлашга ҳаракат қилинг, жазолашга ошиқманг. Унинг ноҳўяли хатта-ҳаракатларига ўзи сабабчи бўлиб, атайлаб қилган бўлсагина жазоланг. Жазо асло танга зарар етказадиган бўлиши мумкин эмас. Халқимизда “Сўксанг бети қотади, урсанг эти қотади” деган ҳикमत бор. Сиз болангизга тан жазосини бериб ҳеч қачон уни тўғри йўлга соллолмайсиз. Ўғил болалар

билан ота, қизлар билан она фикрдош-сирдош бўлишлари, бола кўнглидаги хоҳиш-истакларини ҳеч тортинмай изҳор этишга ўргатинг. Оилада шундай маънавий муҳит яратиш лозимки, ҳамма ўз эрк-хуқуқи доирасида фаолият олиб борсин. Ҳеч қачон бола фикрини бўғмаслик, унинг фикрлари нотўғри бўлган тақдирда ҳам охиригача тинглаш ва ётиғи билан тушунтиришдан эринмаслик керак. Ана шундагина ҳар бир оиладан юксак маънавиятли, иродаси бутун, замонавий баркамол шахс камол топади.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасавурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ваъзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир”, деб ёзади “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарида.

Юқоридаги тавсияларга амал қилиш оилада фарзанд тарбиясини тўғри ташкил этиш учун хизмат қилишига ишонамиз. Чунки кўп йиллик илмий изланишлар ва ҳаётий тажрибаларимиз ана шундай хулосаларни чиқаришимизга асос бўлди.

Адабиётлар

1. Ислом Каримов “Юксак маънавият – энгилмас куч” Т.: “Маънавият” – 2008. 52- Б.
2. Мусурмонов Р. “Одобли бола -элга манзур” Т.: “Қотрол-Камолот” 2000.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада оилада фарзанд тарбиясининг муҳим жиҳатлари ёритилиб, ота-оналар учун тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещены важные аспекты воспитания ребенка в семье.

SUMMARY

The article highlights the important aspects of raising a child in the family.

ЁШЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ҲИСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Жуманова Ф.У.

*ТЧДПИ “Педагогика ва менежмент” кафедраси мудири,
педагогика фанлари номзоди*

Таянч сўзлар: Ватан, Чамбил эли, муҳаббат, она-юрт, гоҳо торайган, гоҳо кенгайган маскан, манзил тасаввур серўт яйловни, Ўзбекистонни мўъжизалар диёри, жаннатдек мамлакатдир.

Ключевые слова: Родина, страна Чимбил, любовь, родина-мать, иногда сокращается, а иногда расширяется, место это живописное пастбище, Узбекистан- страна чудес, райская страна.

Key words: Homeland, love, motherland, sometimes shrinking and sometimes enlarged, gorgeous pasture, Uzbekistan is a land of wonders, like paradise.

Ватан атамаси аслида арабча сўзи бўлиб, она-юрт маъносини билдиради. Ватан тушунчаси кенг маънода ва тор маънода ҳам қўлланилади. Халқ вакиллари жамул-жам яшаб турган, уларнинг аждождлари азал-азалдан истикомат қилган ҳудуд назарда тутилса, бу кенг маънодаги тушунча. Киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ

назарда тутилса, бу тор маънодаги тушунча. Ҳазрати Алишер Навоий Ватан тушунчасини она-юрт, ўрин, туғилиб ўсган жой, маскан, манзил маъноларида ишлатганлар. Шунингдек, Ватан каллимаси бадий адабиётда кўча маънода кўнгил мулкининг маскани тарзида ҳам қўлланилади.

Ватан тушунчаси тарих давомида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт муносабати билан ўзгариб, кенгайиб, ривожланиб, бойиб келган. Масалан, ибтидоий жамоа тузуми шароитида муайян қабила яшаган жой ўша қабиланинг Ватани саналган. Жондош ва тилдош қабилаларнинг узвий иттифоқидан элат пайдо бўлган, элат яшаган ҳудуд эл деб аталган. Масалан, ўзбек халқ достонларида Чамбил эли ибораси кўп учрайди. Муайян ҳудуд доирасида марказий бошқарувнинг пайдо бўлиши билан Ватан тушунчаси элат, яъни халқ ва давлат тушунчаларини ўзига қамраб олган.

Ўзбекистон Республикаси ўзбек миллатининг Ватани. Бу ўринда давлат ва Ватан айни бир маънони ифодалайди, яъни Ўзбекистон Республикаси деганимизда Ватанимизни тушунамиз. Ватан деганда Ўзбекистон Республикасини идрок этамиз.

Ватан тушунчасининг қамрови турли тарихий даврларда турлича бўлган, ҳудуди ҳам ҳажман ўзгариб турган: гоҳо торайган, гоҳо кенгайган, лекин бу ўзгаришлар нисбийдир.

Қадим маданий ва тараққий ўлкалардан бири кўҳна Хуросондир. Азал-азалдан бу дёвда туркий ва форсий халқлар яшаб келишган ва ҳозир ҳам турмуш кечирмоқдалар. Айниқса, теурийлар давридаги, хусусан, Шохрух Мирзо ва Султон Хусайн Бойқаро замонидаги Хуросонни билмай, ўрганмай, кўз олдимиғза келтирмай туриб, ўзбек халқини, унинг салоҳияти ва тарихини яхлит тасаввур қилиб бўлмайди. Сўз султони, яъни малик ул-калом Лутфий, Хожа Аҳмад Яссавий авлодларидан мавлоно Отойи, ўзбек халқининг даҳо шоири ва мутафаккири Алишер Навоий, атоқли мусаввир Камолиддин Бехзод каби буюк зотлар шу тупроқда дунёга келганлар. Тарих тақозоси билан эндиликда тарихий Хуросон ҳудуди уч мустақил давлат - Эрон, Афғонистон ва Туркменистон давлати таркибидан.

Афғонистоннинг шимолий вилоятларида 3 миллиондан ортиқ ўзбек яшайди. У жойлар бизлар учун тарихий Ватан ҳисобланса, афғонистонлик ўзбеклар учун ҳам тарихий, ҳам асл Ватандир.

Ҳозир Туркияда 3 миллиондан ортиқ, Саудия Арабистонида 700 мингга яқин ўзбеклар яшамоқда. Улардан Туркистондан бош олиб кетганлари Туркистонни, Афғонистондан ҳижрат қилганлари Афғонистонни ўзларининг тарихий Ватанлари деб биладилар, ҳамиша шу ёқларга қалбан интиладилар.

Тарихий Ватан тушунчасига янада аниқлик киритиш мақсадида энди бошқа қитъа ва минтақалар, ўзга халқларга онд мисоллар келтираамиз.

АҚШда яшаётган негрлар учун Африканинг ўзи ёки аждоди туғилиб ўсган бирор мамлақати, япон учун Япония, немис учун Олмония, хинд учун Ҳиндистон тарихий Ватан ҳисобланади. АҚШлик ўзбеклар ота-боболарининг Юрти бўлмиш Туркистонни тарихий Ватанимиз деб билишади. Асримиз 30 йилларининг бошларида Украинанинг Херсон, Николаев, Одесса вилоятларига “кулоқ” деб сургун қилинган ўзбек деҳқонлари ва уларнинг авлодлари Ўзбекистонни тарихий Ватанимиз деб билдилар. 1941-1945 йиллардаги уруш даврида Ўзбекистонга кўчириб келтирилган украинлар ҳамда уларнинг фарзанду неваралари Украинани тарихий Ватанимиз дейдилар. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда тенг ҳуқуқли фуқаро сифатида истиқомат қилаётган арман учун Арманистон, гуржи учун Гуржистон, рус учун Россия, корейс учун Корея Халқ Демократик Республикаси ёки Корея Республикаси тарихий Ватан экани табиий ҳол. Чунки ҳар бир одам ўз Ватани тупроғининг бир зарраси. Бу зарра

асрлар давомида шаклланади ва яна асрлар бўйи одам қон томирларида қолаверади, наслдан-наслга ўтаверади.

Маълумки, Туркманистонда ярим миллион, Қозоғистонда 600 мингдан ортиқ, Қирғизистонда 800 мингга яқин ўзбек яшайди. Тожикистон фуқароларининг 25 фоизга яқинини ўзбеклар ташкил этади. Бу мустақил ва суверен республикалар у ердаги ўзбеклар учун ҳам тарихий, ҳам асл Ватан мақомида.

Ҳар бир одам, яхлит олганда бутун халқ, ўз Ватанини чуқур билса, теран томирлари қаерларга бориб етиши ва туташганини яхши англаса, бугунини теранроқ ҳис этади ва қадрига этади, келажagini ёрқин кўра биледи. Тарих мисоли дарахтнинг ўқилдизи. Пойдеворсиз иморат бўлмаганидек, ўқилдизсиз дарахт юксакликка бўй чўза олмайди, бўронларга дош беролмайди.

Ҳамма ҳам Ватан нима эканини ҳис эта оладими? Биров учун Ватан бу уй-жой, бола-чақа, бошқаларга эса тўқин-сочин яшаш учун қулай жой, ундайлар учун қаерда яшаш осон бўлса, ўша ер Ватан. Бутун ер юзини Ватаним деб билувчи кимсалар ҳам бор, албатта. Уларни одатда космополитлар деб атайдилар. Оддий халқ ибораси билан айтсак, уларни беватанлар ҳам дейиш мумкин. Тарихий Ватанини, аждодлари хотирасини унутиб юборган кимсалар, ўзлари ҳозирда яшаб турган мамлакатларига ҳам садоқатли фуқаролар бўлолмайдилар. Чунки ҳақиқий фуқаро бўлиш учун, энг аввало, чин инсон бўла олиш шарт. Ўтмишини унутганининг келажаги ҳам бўлмайди. Одам хотираси билан одам, хотира мавжудотлар орасида фақат одамга хос фазилат. Тарихий Ватанини эслаш, кўмсаш инсоннинг маънавиятини белгиловчи асосий омиллардан. Тарихий Ватанини ёдидан чиқарган одам яшаб турган жойининг ҳам қадрига етмайди. Бу Юрт бошига бирор нохушлик тушса, дарҳол у ерни тарқ этиб, бошқа қулайроқ ерга кета қолади, тирикчилик учун қулайроқ жойни танлайди.

Ватан ҳисси - муқаддас туйғу. Биз қалам аҳли сифатида ўзбек халқини озми-кўпми биламиз ва унинг фазилатини бўрттиришга мойил ҳам эмасмиз, лекин иймонимиз қомил ва ишонамизки, ана шу халқ рўйи заминнинг маънавий оламига ўзига хос ва теран, жумлаи жаҳон учун муҳим бўлган муайян нарсаларни бергани аниқ. Шулардан биринчиси Ўзбекистон. Ўзбекистонни ўзбек халқи ўз меҳнати, ақл-идроқи билан яратган! Ўзбекистонни мўъжизалар диёри, жаннатдек мамлакат дейдилар. Бу гўзал Ватан осмондан таппа-тайёр ҳолда ўзича ерга тушиб қолмаган. У тинимсиз ва фидокорона меҳнат билан, хаш даҳоси билан бунёд этилган.

Қадимшунос аллома - академик Яҳё Гуломовнинг тадқиқотиغا кўра бундан уч минг йиллар илгари аждодларимиз Чирчиқ дарёсини тўғон билан тўсиб, кетмон билан ариқ қазиб, Тошкентга сув олиб келганлар, воҳани обод қилганлар. Бу одам меҳнати билан қазилган катта ариқ Бўзсув. Ҳозирги кунда Бўзсувни, унинг ирмоқ ва тармоқлари бўлмиш Қорасув, Золарик, Салор, Кайковус, Анҳор, Қичкирик, Қорақамиш ва шу қабиларни кўпчилик сунъий суғориш шаҳобчалари - каналлар эканини тасаввур ҳам қилмаса, ажаб эмас. Бундай мисолларни Самарқанду Бухородан, Қашқадарё-ю Сурхондарёдан, Сирдарё-ю Жиззахдан, Хоразму Қорақалпоғистондан кўплаб келтириш мумкин. Катта Фарғона канали қазилишининг ўзи бир дoston!

Ҳа, Ватан ҳисси - шу Ватаннинг эгаси бўлмиш халқни билишдан, унинг қадрига етишдан, нималарга қодир бўлганини тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади. Ватан ва халқ эгизак, муштарак тушунча. Бирини ҳис этиш учун иккинчисини билмоқ керак.

Ватан ҳисси - бу Ватанни ҳимоя қилиб, Ватан дея фидо бўлган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Солиҳбек додхо, мулла Алимкул додхо сингари юзлаб шерюракларни эслаш лозим. Томирида охириги томчи қони қолгунча душманга қарши

курашган Жалололидин Мангуберди, Темур Малик, Абдумалик Тўра, Қурбонжон додхо, Шермухаммадбек, Мадаминбек, Иброҳимбек, Намоз ботир сингарни бўйсунмас баҳодирларнинг номларини ёдга олиш ва уларнинг Ватан олдида тўрган қаҳромонларини ёшларимизга тушинтириш энг аҳамиятли вазифалардан саналади.

Адабиётлар:

- 1 Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қаътият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз - Тошкент: “Ўзбекистон” 2017.-592 б
2. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Т.: Маънавият 2008 й.
3. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд- ахлоқ. -Т.:Ўқитувчи 1992.
4. ИброҳимовА. (муаллифдош). Ватан туйғуси. -Т.: 1997.
5. Кайковус. Қобуснома.-Т.: Ўқитувчи.2011.
6. Маҳкамов У . Ахлоқ-одоб сабоқлари. -Т.: Фан,1994.
- 7.Х удойқулов Х. Ж. “Педагогика-психология”. –Т.: Джйс-прес. 2011.
8. Худойқулов Х. Ж. Одоб-ахлоқ ва тарбия дурдоналари. –Т.: ТТЙМИ. 2010.
9. Худойқулов Х.Ж.ва бошқалар. “Миллий гурур-маънавий комиллик мезони. ”. –Т.: Джйс-прес. 2011

РЕЗЮМЕ

Мақолада ёшларни ватанпарварлик ҳиссларни шакллантиришда илмий меросидан фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш ўз аксини топган.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрыта технология формирования чувства патриотизма у молодежи с помощью научного наследия

SUMMARY

The article describes the improvement of technology for the use of scientific heritage of young people in the formation of patriotic feelings.

ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ХАРИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Шернаев А.Ў.

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Табиий фанлар
факультети ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: таълим, тарбия, педагогика, ўқувчи, ўқитувчи, харита, тушунча, технология, малака, кўникма, тасаввур, таққослаш, солиштириш, такомиллаштириш, ривожлантириш, рельеф, денгиз.

Ключевые слова: образования, обучение, педагогический, читатель, учитель, карта, концепция, технология, квалификация, способность, воображение, сравнить, сравнивать, улучшение, развитие, рельеф, море.

Key words: education, upbringing, pedagogy, the reader, teacher, the map, understanding, technology, qualification, aptitude, imagination, comparison, to compare, improvement, development, release, the sea.

Бугунги кунда таълим тизимига илғор педагогик технологияларни жорий этишга катта эътибор берилмоқда. География фанини ўрганишда хариталар катта аҳамиятга эга бўлиб, ўз навбатида барча географик тадқиқотлар ҳам хариталар воситасида амалга оширилади. Харита география ўрганадиган барча предмет ва ҳодисалар ҳақида ҳикоя қилади, хариталар географик маълумотларни тез, аниқ ва лўнда қилиб ҳикоя

қилишда география дарсликларига тенглаштирилади. География соҳасида олиб бориладиган ҳар қандай тадқиқотлар ҳамхариталар билан боғлиқ равишда бажарилади.

Харита – география дарсларида билим олишнинг асосий манбаидир. Шундай экан ҳар бир ўқувчи харитани ўқий олиши лозим. Агар ўқувчи харитага қараб ўрганилмаган денгиз ёки дарё ҳақида гапира олса, тоғларнинг баландлиги ва йўналишини аниқлай олса, маълум бир жойнинг ер юзасини ёки иқлимини таърифлай олса, бу ўқувчи харитани билади, дейиш мумкин. Харитадан тўғри фойдалана олишни ўрганиш учун география ўқитувчиси ўқувчиларни ҳар қайси янги харита билан қуйидагича таништириб бориши лозим:

- хаританинг тури, ундан қандай мақсадда фойдаланиш ва унинг шартли белгиларини тушунтириши;
- ўқувчилар эътиборини харита масштабига жалб этиши;
- харитадаги жойни кўз билан чамалаб ўлчаётганлиги учун “ўлчов” сифатида хизмат қиладиган “мўлжал”ларни кўрсатиб ўтиши (масалан, Қора денгиз, Каспий денгизи ва Сахалин оролининг бўйи 1000 км. Байкал ва Танганика қўлларининг бўйи 600 км);
- харита проекциясининг хусусиятини кўрсатиб ўтиш.

Бундан ташқари, ўқитувчи ўқувчилар эътиборини градус тўрнининг ҳолати, меридиан ва параллелларининг қандай ўтказилганлигига, кенглик ва узунликни белгиланган ўрнига, экватор, бош меридиан, қутбий ва тропик доираларга жалб қилиши лозим.

География ўқитувчисининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларга харитани тушуниш ва ўқий олишни ўргатишдир. Харитани билишнинг маъноси шуки, ўқувчилар ундаги шартли белгиларга тушунишлари ва шу шартли белгилар орқали кўрсатишган предмет ва ҳодисаларнинг образларини кўз олдиларига келтира олишлари, харитага қараганларида улар онгида дарёлар, тоғ тизмалари ва музликларнинг манзаралари ҳосил бўлиши керак. Харитани билиш учун жойда ориентирлашни, горизонт томонлари йўналишларини қоғозда тасвирлашни, масштаб билан ишлашни, жой режасини ўқишни ва чизишни билиш керак. Ундан кейин эса ўқувчилар глобус ва хариталарда географик кенглик ва узунликларни аниқлаш, турли мазмундаги (табиий, иқлим, тупроқ, ўсимлик, аҳоли ва бошқа) хариталарни ўқишни, хаританинг асосий афзал ва камчилик томонларини аниқлашни билиши лозим. Ўқувчилар харитани билсалар шартли белгилар ва ёзувлар асосида худудни тасвирлашга ўрганадилар. Шу билан бирга, ўқувчилар харитани шарҳлашга ҳамда ўзаро алоқа ва муносабатларни очиб беришга ҳамда харитада бевосита кўрсатилмаган нарсаларни ҳам айтиб бера олишга ўрганадилар.

Харитани ўқиш кўникмаси географиянинг барча курслари давомида географик материалларни ўрганиш билан бирга шаклланади. Харитани махсус машқлар ёрдамида ҳам, географик материални ўрганиш жараёнида ҳам ўқишга ўргатиб борилади. Харитани ўқишдан аввал харитани тушуниш керак. Харитани тушуниш учун эса хаританинг шартли белгиларини билиш зарур. Аммо ўқувчига харита шартли белгилар ўргатилсаю, харитани ўқишга оид машқлар ўтказилмаса, у самарали натижа бермайди. Ўқувчилар жойдаги предметларни тахминан тасаввур қила олишлари керак. Агар ўқувчилар кўз билан чамалай олса ва уни тушуниб етган бўлсаларгина топографик хаританинг шартли белгиларини, қолаверса, бошқа географик хариталарни яхши тасаввур қила оладилар. Харитани ўқий олиш соддадан мураккабга томон олиб борилади. 6-синф ўқувчилари оддий саволларга жавоб беришлари мумкин. Масалан, Евросиёда рельефнинг қандай шакллари учрайди, деган саволга, ўқувчилар харитага қараб, Евросиёдаги муҳим тоғ ва текисликларни кўрсатиб бериш билан кифояланадилар. Бундай иш 7-синфда анча мураккаблаша боради. Харитани ўқиш мураккаблаш-

ган сайин ўқувчиларнинг билими ҳам чуқурлашиб боради. Масалан, Ўрта Осиё ер юзасини қандай тасвирлаш мумкин? Ўзбекистоннинг шарқда рельефнинг қандай шаклини кўриш мумкин? Помирдан шимол ва шарқда қандай тоғ тизмалари жойлашган? Помирдан шарқда, у билан деярли бир кенгликда қандай тоғ жойлашган, унинг номи нима? Тяньшан тоғлари қайси йўналишда жойлашган ва унинг узунлигини аниқланг ва ҳ.к.

Ўқувчилар кейинчалик харитада берилмаган айрим маълумотларни ҳам билиб олишга интиладилар. Харитани ўқиш асосида тегишли хулоса ва яқунлар чиқара олишлари учун ўқувчиларга бериладиган саволлар назарий билимларга асосланувчи, ҳодиса сабабларини аниқловчи саволлар бўлиши керак. Масалан: Ҳимолай тоғларининг жанубда ёгин нима учун жуда кўп-у, шимолида кам? Қорақум билан Қизилқумнинг чўл бўлишига сабаб нима? деган саволлар. Ўқувчиларнинг харитадан оладиган билимлари маълум бир тартиб, режа асосида (масалан, жойнинг географик ўрни қуйидаги тартибда: жойнинг номи, у жойлашган материк, унинг географик кенлиги ва узунлиги, денгиз ва курукликдаги чегаралари, географик ўрнининг қулай ва ноқулайлиги) бўлиши керак.

Харитани ўқиш кўникмаларини такомиллаштиришда харита бўйлаб “саёҳат”нинг аҳамияти катта. Ўқувчиларни “саёҳат” маршрутлари билан таништириш керак. Харитада қилинадиган “саёҳат” билан ўқувчилар харитани жонлантирадилар, харитадаги объектларни ўзлари ўша жойларда бўлгандек ҳикоя қилиб берадилар. Евросиё мавзусига оид бир неча «саёҳат» маршрутларини кўриб чиқайлик.

- 1- маршрут. Лондондан Евросиёнинг жанубий қирғоқлари бўйлаб кемада Владивостоккача саёҳат.
- 2- маршрут. Тошкент – Кобул – Дехли (автомашинада) – Калькутта (поездда) – Жакарта (кемада) саёҳати.
- 3- маршрут. Тошкент кенглиги бўйлаб Евросиёнинг ғарбий чеккасидан шарқий чеккасигача самолётда саёҳат.

Бу саёҳатларда ўқувчилар Евросиёнинг турли мазмундаги хариталари, расмлар, гебарийлардан фойдаланадилар. Биринчи маршрутда ўқувчилар қандай океан, денгиз, бўғоқ орқали, қайси яриморол ва ороллар ёнидан ўтганликлари ҳақида денгизларнинг музлаш ёки музламаслик сабаблари ҳақида сўзлаб берадилар. Иккинчи ва учинчи маршрутларда йўлда учраган ҳар бир жойнинг ер юзаси, денгизлар, иқлимнинг ўзига хос хусусияти, дарё ва уларнинг хусусияти, ўсимлиг ва ҳайвонот олами, аҳолиси ҳақида, шунингдек саёҳат учун қулай вақт ва йўлда учрайдиган қийинчиликлар ҳақида гапириб берадилар. “Саёҳат” вақтида ҳар бир жойнинг табиий шароитини ўз ўлкасининг табиий шароити билан таққослаб берадилар. Бир маршрутга 2-3 ўқувчи (маршрутни бир неча қисмга бўлиб) жавоб бериши мумкин. Харита бўйлаб қилинган саёҳат ўрганилган материални мустаҳкамлаш ва такрорлаш мақсадида ташкил этилиши мумкин.

Ўқувчилар онгида географик тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилишда таққослаш усули катта аҳамият касб этади. Турли мазмундаги хариталарни таққослаш билан ўқувчилар бирон жойнинг географик хусусиятини аниқлайдилар, табиатнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тегишли хулосалар чиқарадилар ва бирбирига боғлиқ бўлган оддий географик қонуниятларни аниқлайдилар. Хариталарнинг бир бирига солиштириш усули ўқувчиларнинг хариталарни кунт билан ўқишларига, улардан кўпроқ маълумот олишларига ёрдам беради. Австралия, Жанубий Америка, Шимолий Америка ва Евросиёнинг табиий географик шароитларини ўрганишда ўқувчилар меридионал йўналишда жойлашган табиат зоналарига дуч келадилар. Масалан, ўқувчиларга Шимолий Америкадаги зоналарнинг жойлашиш хусусиятларини ва унинг сабаблар-

рини аниқлаш учун умумгеографик, иқлим ва ўсимлик хариталарини бир-бирига таққослаш вазифаси топширилади. Ўқувчилар хариталарни таҳлил қилиб океан ва денгиз оқимлари ҳамда рельефнинг иқлим шароитига таъсирини ва шунга мувофиқ ҳолда зоналарнинг жойлашишини аниқлайдилар.

Шундай қилиб, турли мазмундаги хариталарни солиштириш ўқувчиларга Шимол-Американинг географик ўрни ва ер юзасининг хусусияти табиат зоналарининг меридионал ҳолда жойланишига сабабчи бўлган, деган хулоса чиқаришга имкон беради. Таққослаш усулида харитани таҳлил қилишга ўргатиш муайян бир тартиб билан олиб борилади.

Ўқувчиларга иккита харитани бир-бири билан солиштириш ва табиат элементлари ўртасидаги ўзаро боғланишларини аниқлаш тавсия этилади. Масалан, Африканинг (6-синф) умумий тавсифида умумгеографик ва иқлим хариталаридан иқлим билан рельеф ўртасидаги, иқлим шароити билан дарё режими ўртасидаги ўзаро боғланишни аниқлаш вазифаси топширилади. Евросийнинг табиий географик ўлкаларига географик тавсиф беришда ўқувчилар бир қанча харитани масалан, умумгеографик, иқлим, табиат зоналари, аҳоли ва сиёсий хариталарни таққослайдилар, улар табиатнинг асосий элементлари, аҳоли фаолиятининг айрим томонлари ўртасидаги боғланишларини аниқлайдилар.

География соҳасида олиб бориладиган ҳар қандай тадқиқотлар ҳамхариталар билан боғлиқ равишда бажарилади. Харита – география дарсларида билим олишнинг асосий манбаидир. Шундай экан ҳар бир ўқувчи харитани ўқий олиши лозим. Агар ўқувчи харитага қараб ўрганилмаган денгиз ёки дарё ҳақида гапира олса, тоғларнинг баландлиги ва йўналишини аниқлай олса, маълум бир жойнинг ер юзасини ёки иқлимни таърифлай олса, бу ўқувчи харитани билади, дейиш мумкин. Харитани ўқишдан аввал харитани тушуниш керак. Харитани тушуниш учун эса хаританинг шартли белгиларни билиш зарур. Аммо ўқувчига харита шартли белгилар ўргатилсаю, харитани ўқишга оид машқлар ўтказилмаса, у самарали натижа бермайди. Хариталарни одатда суҳбат йўли билан таққосланади, масалан, ўқитувчи ўқувчиларга савол беради, ўқувчилар саволларга хариталар асосида жавоб бериш билан фактик маълумотларни аниқлайдилар ва бу хариталарни бир-бирига солиштириб тегишли хулосалар чиқарадилар.

Адабиётлар:

1. Kartel L.N. Tabiiy geografiyadan didaktik materiallar. Toshkent: «O'qituvchi», 1991.
2. Баҳромов Қ. География ўқитиш методикаси. Бухоро, 2007.
3. Вахобов Ҳ. География таълими методикаси, «Тошкент» 2007.
4. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълима инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: «Истеъдод» жамғармаси, 2008. – 180 б.
5. Курбонниёзов Р. География ўқитиш методикаси «Урганч» 2001.

РЕЗЮМЕ

Бугунги кунда География таълимида хариталар билан ишлаш муҳим рол ўйнайди. Мақолада география дарслари самарадорлигини оширишда харита билан ишлашнинг аҳамияти ва педагогик технологиялари хусусида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В настоящее время большое внимание уделяется внедрению передовых образовательных технологий в систему образования. Карты играют важную роль в изучении географии, и, в свою очередь, все географические исследования выполняются с помощью карт.

SUMMARY

At present time a great attention is paid to the introduction of advanced educational technologies in the educational system. Maps play an important role in the study of geography, and in turn, all geographical researches are fulfilled through maps.

АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СИФАТИДА

Эрназарова Г.О.

ЧДПИ, п.ф.д.

Таянч сўзлар: акмеологик ёндашув, акмеологик муҳит, акмеологик режим, педагогнинг акмеологик позицияси, ижодкорлик, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини бошқариш.

Ключевые слова: акмеологическое подход, акмеологическая среда, акмеологический режим, акмеологическая позиция педагога, творчество, саморазвития, самоуправления.

Key words: acmeological approach, acmeological environment, acmeological mode, acmeological role of the teacher, creativity, self-development, self-government.

Маълумки, педагогика ва фалсафа фанлари инсоннинг ижтимоий ривожланиши ҳақида барча таълим муассасаларининг бир бутун ижтимоий буюртмага асосланиши ҳақида маълумот беради. Таълим муассасаларининг мақсади шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган.

Инсоннинг шахс, индивид, фаолият субъекти сифатида шаклланишида муҳим ижобий ҳолатларни белгилаш мумкин:

- ёш авлоднинг жисмоний соғломлиги таъминланади;
- таълим орқали ҳар бир инсонга табиат, жамият, инсон ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ҳақидаги билимлар берилади, ушбу билимларни амалиётда бутун умри давомида қўллаш кўникма ва малакалари шакллантирилади;
- тарбия орқали ёшларда ўз-ўзига, жамиятга, ўз юртига, меҳнатга, бошқа инсонларга бўлган муносабатлари, миллий ғоя ва мафкура, ифтихор туйғулари, комил инсон сифати шакллантирилади. Таълимда шахс менталитети, интеллекти ва тафакқурини ривожлантириш билан долзарб таълим сифати муаммосини ечиш мумкин.

Бугунги кунда фалсафа, социология, психология, педагогикада шахсни ривожлантириш ва тарбия тизимини такомиллаштириш, таълим жараёнини ривожлантириш шакли, янги самарали ўқитиш методлари, шакл, воситалари ҳақида кўп фикр юритилмоқда. Бу ўринда педагоглар акмеологияга – инсонни ўз тараққиёти динамикасида, такомил ҳамда ҳаёт фаолиятининг турли босқичларида ўзидаги энг кучли қобилиятларини намоён қилишнинг комплекс масалаларини ўрганадиган фан тармоғи, сифатида эътибор қаратади.

Акмеология атамаси, эврилогия (П.Энгельмейер), эргонология (В.Мясищев), рефлексология (В.Бехтерев) каби соҳалар сингари илмий-амалий билимларга эга бўлиб, ўтган асрнинг 20-йилларида пайдо бўлган.

Акмеизм сифатида Н.Гумилев, С.Городецкий, А.Ахматова ва бошқаларнинг асарларида XX аср бошларида ижтимоий-маданий акмеология пайдо бўлган эди. Ижодий фаолият ёш даврлари қонуниятлари томонидан ва Ф.Гальтон ва В.Освальдларнинг турли психобиологик омиллар маҳсулдорлиги билан боғлиқлигини ўрганишга оид табиий-илмий тадқиқотлари акмеологиянинг келиб чиқишига олиб келган.

Б.Г.Ананьевнинг фикрича, акмеологиянинг илмий асоси, инсоннинг ривожланишида индивид, шахс, индивидуаллик ва субъектнинг ҳаёт фаолияти ҳақидаги фанлар интеграциясидан ташкил топган.

Акмеологияда одам касбий фаолият ва ўз ҳаётини ўзи белгилаш, ўз-ўзини ривожлантириш ва ижодкорлик қобилияти, инсон ҳаёт фаолиятида субъект сифатида қараб чиқилади.

Ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини бошқариш асосида инсоннинг янги муваффақиятларга эришиш эҳтиёжи, такомиллашиш, фаол ҳаёт тарафдори бўлиш, эзгу фикрлаш ўз имкониятларига ишониш, ҳаёт мазмунини тушуниш ётади. Шахснинг ривожланиши унинг она бағри, мактабгача болалик даври, бошланғич синф, ўсмирлик ва ўспиринлик давридаги шарт-шароитлар билан узвий боғлиқ. Ушбу даврларда унинг саломатлиги қандай бўлиши, нималар у учун қадрли бўлиши, унинг хусусий баҳолаши, инсонларга ва меҳнатга муносабати, ҳатти-ҳаракатлари ва бошқалар унинг келажакда қандай сифатдаги касб эгаси бўлишини аниқлаб боради.

Ўрта маъсус, касб-хунар таълимида махсусдор ижтимоий-педагогик тизимда таълим берувчи ва таълим олувчининг яхлит ва муносиб ривожланишини таъминлаш мақсадида, касб-хунар таълимига акмеологик ёндашувни қўллаш асосида таълим сифатини ошириш мақсади кўйилди.

Илмий изланишнинг асосий объекти ўрта махсус, касб-хунар таълими акмеологикаси инсонни яхлит ривожлантирувчи сиҳисобланади.

Инсоннинг илк ўспиринлик даврида яхлит ривожланишнинг интеграл сифат кўрсаткичлари сифатида касб-хунар коллежининг битирувчисини онтогенез ва социогенез жараёнлари ўзаро таъсир шарт-шароитлари ижтимоий етукликка эришишига олиб келади.

Акмеологик ёндашув эса куйидагилардан ташкил топган:

- илк ўспиринлик давридаги коллеж ўқувчисининг борлиқ билан муносабати ва яхлит феномен сифатида ҳаққоний алоқаларини ўрганиш;
- ҳар бир ўқувчини ҳаётий чуққиларга эришишини мўлжаллашда, шахснинг ўзини шахсий сифатларни такомиллаштиришга, муваффақиятга, маданий ривожланиш етуклигига ва ўз-ўзини ривожлантириш жараёнидаги сифатлар, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини англаш асосида маънавий-ахлоқий сифатларга эришишга интилиши;
- яратувчилик, ижодкорлик фаолиятини ташкил этишда, қизиқарли ва махсусдор, ҳар бир ўқувчининг қобилиятини очиб берувчи ва унинг муваффақиятларини таъминловчи, ижтимоий тан олинмиш, ўз етуклигини ҳис этиш, ижодий гуруҳларда коммуникатив ҳамкорлик қила олишни ташкил этиш ва бошқалар.

Акмеологик ёндашувдан фойдаланиш:

- таълим олувчиларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш ва сақлаш, касбни муваффақиятли эгаллашга эришиш, ижтимоий ва меҳнат фаолиятига тайёрланиш ривожини, таълим ва тарбия масалаларини муваффақиятли ҳал этиш;
- қайта фикрлаш, ижодий тафаккур қилиш, таълим ички эҳтиёжга айланиши, барча субъектларда таълим тизимлаштирилган билиш мотивлари бўлиши, касб-хунар коллежини функционалликдан ривожланишга ўтишида таълим сифатининг ошиши имконини беради.

Ўрта махсус касб-хунар таълимида акмеологик ёндашувни самарали амалга ошириш, таълим жараёни иштирокчиларидан барча жараёнларни ўзаро алоқадорликда кўриб чиқишни талаб этади. Шунингдек, муаммоларни кўриш ва уларни ўз вақтида ечишни; доимий ўз-ўзини такомиллаштиришдан тўхтамасликка эришиш имконини беради.

Акмеологик режимда ривожланаётган касб-хунар коллежи, инсоннинг яхлит маънавий ва маърифий баркамоллигини таъминлаш; битирувчининг касбий фаолиятга ва ҳаётга юқори тайёргарлик даражасини белгилайди. Замоनावий таълим муҳити ўқувчи юқори чуққиларга эришиши, ўз-ўзини такомиллштириши, ривожлантириши мумкин бўлган, акмеологик муҳитни шакллантириш билан тўлдирлиши лозим.

Акмеологик ёндашувдан фойдаланишнинг асосий мақсади - мавжуд ҳар қандай қийинчилик ёки муаммолардан ўқувчининг ўзи мустақил равишда чиқиб кета олсин, унда ижодкорлик шундай ривожлансинки, ҳатто ўзи мустақил равишда якка тадбиркор сифатида фаолият юрита олсин.

Бунга эришиш учун таълим жараёнида акмеологик ёндашувдан фойдаланиш билан биргаликда, педагогик жамоада ижодкорлик ва муваффақиятга эришиш мотивида акмеологик муҳитни шакллантириш устида иш олиб борилиши лозим. Бунинг учун коллежда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ижтимоий ташкилотлар, психолог, гуруҳ мураббийси, ишлаб чиқариш устоси, махсус фан ўқитувчиси томонидан ижодий ишлар олиб борилиши, жумладан, натижалари ҳар семестр якунида умумий ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоасида қўриб чиқилиб, фаоллар муносиб тақдирланиши кўзда тутилган тадбирлар (тўғарақлар, фестиваллар, конкурслар, мусобақалар, марафонлар, ўйинлар, тренинглари), махсус дастур натижалари доимий равишда ишлаб туриши лозим. Бунда ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш, лидерлик, ижодий фаолият, лойиҳалар устида ишлаш каби қобилиятлари шакллантириб борилиши мақсадга мувофиқ.

Бунда педагогнинг акмеологик позицияси муҳим ўрин тутди. Шу ўринда касб-хунар коллежи педагоглари ўртасида “Ўқитувчининг касбий мотивациясини ошириш, таълим жараёнини оптимallasштириш шарт” мавзусида лойиҳа эълон қилиниб, “Ахборотлар билан ишлашнинг замоनावий усуллари”, “Замоनावий педагогнинг инновацион компетентлиги: муаммолар ва уларни ечиш”, “Коллежда ва дарсада акмеологик муҳит” каби мавзуларда семинарлар, тренинг ва маслаҳатлар столи ташкил этилиб, амалга оширилди. Педагогларнинг очик дарслар, илмий изланишлари, “Портфолио”си, методик ғоялари атроғлича ўрганилиб таҳлил этилди.

Касб-хунар коллежлари педагогик жамоаси “Акмеологик ёндашув асосида таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш орқали таълим сифатини ошириш” каби лойиҳалар устида иш олиб бориши тўғри йўл ҳисобланади.

Ушбу лойиҳанинг мақсади: Шахс эҳтиёжлари ва жамият талабларига мос равишда коллежнинг келгуси муваффақиятли фаолияти учун таълим-тарбия тизимини ташкил этиш ривожлантиришнинг умумий стратегиясини аниқлашдан иборат.

Педагогик жамоада ушбу лойиҳа асосида иш олиб борилиши мавжуд муаммоларни ечиш ва таълим сифатини оширишга олиб келади. Бугунги кунда яқин беш йилга мўлжалланган амалга ошириш режаси ишлаб чиқилган бўлиб, “Акмеологик ёндашув асосида коллеж педагогик жамоасини бошқариш” лойиҳаси асосида, акмеологик ёндашув талабини эътиборга олган ҳолда таълим-тарбияни ривожлантириш концепциясини тузиб, унга асосан иш олиб борилиши таълим сифатини ошириш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Бодалев А.А. Акмеология и современные проблемы воспитания. // Акмеология. 2005. №1.
2. Джурасев Р.Х., Толипов Ў.К., Сафарова Р.Ғ, Тўрақулов Х.О., Иноятова М.Э., Диванова М.С. Педагогик атамалар луғати, Тошкент, 2008 йил, -136 Б, 5-7-бетлар.
3. Максимова В.Н. Акмеология: новое качество образования. // Акмеология. 2004. №3.

4. Полетаева Н.М. «Акмеологическая позиция – ядро здоровой личности педагога и школьника» // Акмеология. 2004. №4. с. 29-35.

5. Скуднова О.Ю. К духовному диалогу через образование. // Акмеология, №1, 2004. №3
РЕЗЮМЕ

Мақолада касб-хунар таълимида акмеологик ёндашуви самарали амалга ошириш масалалари, акмеологик ёндашувнинг ташкилий тузилмаси ва ундан фойдаланишнинг аҳамияти, акмеологик ёндашув асосида касб-хунар коллежида таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш, акмеологик ёндашув асосида ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш масалалари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье отображено о задачи, значение применение акмеологического подхода и его организационной структуры, сущность применение акмеологического подхода и его организационной структуры, совершенствование подготовки учащихся к профессиональной деятельности по основы акмеологического подхода, развитие личности в обучение, развитие процесс обучения и воспитания в средно-специальное профессионального колледжа.

SUMMARY

In the article, introduction, tasks and value of acmeological approach and its organizational structures, an entity of acmeological approach and its organization structure, enhancement of training of students for professional activity on bases of acmeological approach, development of the personality in education, development of training activity and education in medium-special professional colleges are explained.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИДА КРЕАТИВЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Якубова М.Ю.

ТВЧДПИ ўқитувчиси

Таянч сўзлар: креативлик, иктидорлилик, механизм, технология, индивид, миллий хунармандчилик, қобилият, тафаккур, мулоқот, инновацион, халқ таълими.

Ключевые слова: креативный, талант, механизм, технология, личность, народные промыслы, умения, мышление, общение, инновация, народное образование.

Key words: creativity, talent, mechanism, technology, personality, crafts, skills, thinking, communication, innovation, public education.

Юртимизда инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юсак маънавият эгалари этиб тарбиялаш, шу мақсадда таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрель “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” тўғрисидаги ПФ-5712-сонли Фармони ва “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5313-сонли Қарорлари умумтаълим мактабларида ўқитиш самарадорлигини ошириш, жумладан, умумтаълим мактабларининг 8-9-синф ўқувчиларида халқ хунармандчилиги асосида ўқувчиларда креатив фикрлаш кўникмасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг амалдаги методлари ва воситаларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Умумтаълим мактабларида ўқитиш жараёнининг вазифаси таълим, тарбия ва ривожланиш бирлигини таъминлашни назарда тутати. Чунки, бугунги кунда таълим

олувчиларнинг қобилияти, онг ва кўникмаларини ўстириш, илмий-амалий билимларини чуқурлаштириш муаммоси бундан ҳам муҳимроқ. Бу хусусиятлар келажакда таълим олувчиларда креативлик қобилиятини ривожлантиришга, ўз касбларига қизиқиш ва масъулиятни ошишига ёрдам беради.

Ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг ижодий ва креативлик қобилиятларини ошириш муаммоси мураккаб ва кўп қиррали. Шунинг учун таълим олувчиларнинг илмий-назарий ва амалий билимларини оширишда уларнинг миллий хунармандчиликка ва ўқув фанларига бўлган қизиқиши ва қобилиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг ижодий ва креативлик қобилиятларини ошириш ва уларнинг амалий кўникма, малакаларини шакллантириш учун таълим жараёнига юқори даражали малакага эга бўлган педагоглар ҳамда қобилиятли ва моҳир мутахассисларни жалб қилиш, уларни ҳам ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияси ва уларнинг ишлаш механизмлари билан таништириш зарур.

Шу нуқтаи назардан, тадқиқот ишимизда қуйидаги вазифаларни бажаришни белгиладик:

1. Педагогик-психологик адабиётларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш асосида умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантиришни такомиллаштириш муаммоси ҳолатини ўрганиш;

2. Халқ хунармандчилиги асосида умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни шакллантиришни такомиллаштириш мазмунини, моделини ишлаб чиқиш;

3. Ўқувчиларда халқ хунармандчилиги асосида креативликни шакллантиришни такомиллаштиришнинг педагогик имкониятларини аниқлаш.

Креативлик (лот., инг. “create ” – яратиш, “creative ” яратувчи, ижодкор) индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти маъносини ифодалайди. Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини, зехни ўткирликни тавсифлайди. Шунингдек, креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида акс этади.

Америкалик психолог П. Торренс фикрича, креативлик:

- муаммо ёки илмий фаразларни илгарисуриш;
- фаразни текшириш ва ўзгартириш;
- қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш;
- муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанликни ифодалайди.

Ўқувчиларда креативликни такомиллаштириш учун, авваломбор, педагоглар креатив сифатларига эга бўлишлари, ўқув ва тарбия жараёнларини ташкил этишга анъанавий ёндашишдан фарқли янги ғояларни яратиш, бир қоллида фикрламаслик, ўзига хослик, ташаббускорлик, ноаниқликка тоқат қилмасликлари лозим.

Бинобарин, креативлик сифатларига эга педагог касбий фаолиятни ташкил этишда ижодий ёндашиш, илғор, талабаларнинг ўқув фаолиятини, шахсий сифатларини ривожлантиришга хизмат қиладиган ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш, илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш, шунингдек, ҳамкасблар билан педагогик ютуқлар хусусида доимий, изчил фикр алмашиш тажрибасига эга бўлишга эътибор қарагади. Педагоглар томонидан ўқувчиларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишларини таъминланиши таълим жараёнида муаммоли вази-

ятларни хал қилишга интилиш, илмий-тадқиқот ишлари ёки илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади.

Ўқувчи ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай шахсда бўлгани каби ўқувчиларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун мактаб таълими жараёнида пойдевор қўйишни ташкил этиш ва изчил ривожлантириб бориш керак.

Бунда ўқувчининг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларда ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Муаммоли масала ва вазиятларни хал қилар экан, ўқувчининг масала ечимини топишга ижодий ёндашиши унда ҳиссий-иродавий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради.

Ўқувчи муаммоли масалаларни бажариш орқали мавжуд билимларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш келади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб-ўрганишга нисбатан эҳтиёж сезади. Ўқувчиларнинг ижодий лойиҳаларни амалга ошириши унда креативлик потенциални янада ривожлантиради.

Замонавий таълим-тарбия барча таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагогларнинг ижодкор бўлишларини тақозо этмоқда, уларнинг анъанавий педагогик фикрлашдан фаркли равишда таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд педагогик муаммоларни ижобий хал қилишга бўлган қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014.
2. Инновацион таълим технологиялари /Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Саностандарт” нашриёти, 2015. –81-б.
3. Турдиева М. Олий таълим муассасалари талабаларида педагогик тафаккурни шакллантириш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2008. –38-42-б.
4. Файзуллаева Н. Педагогик билимлар – ўқитувчи касбий маҳоратининг назарий асоси // Uzluksiz ta'lim ж. – Т.: 2006. 6-сон. –102-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада умумтаълим мактаблари ўқувчиларида креативликни такомиллаштиришнинг зарурлиги масалалари, умумтаълим мактабларида илмий-амалий билимларини чуқурлаштириш таълим-тарбия самарадорлигини сифат босқичига кўтариш фикрлари баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье обсуждается необходимость улучшения творчества у учащихся средних школ и необходимость углубления их научных и практических знаний в средних школах для повышения эффективности образования.

SUMMARY

This article discusses the need to improve creativity in high school students and the need to deepen their scientific and practical knowledge in secondary schools to increase the effectiveness of education.

ФУНКЦИЯ УЧИТЕЛЯ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА В УЗБЕКСКОЙ ШКОЛЕ

Утаев А.Й.

преподаватель кафедры «Педагогика и менеджмента» ЧГПИ

Бурханов А.А.

доцент кафедры «Педагогика и менеджмента» ЧГПИ

Tayanch so'zlar: bola, o'quv samaradorligi, to'liq mavzu, mustaqil ta'lim, o'zbek tili, ma'lum qadriyatlar.

Ключевые слова: ребенок, эффективность воспитания, полноправный субъект, самовоспитание, узбекский язык, определенные ценности.

Key words: child, educational effectiveness, full-fledged subject, self-education, Uzbek language, certain values.

Суть подлинно гуманистического отношения к воспитанию ребенка выражена в тезисе его активности как полноправного субъекта, а не объекта процесса воспитания.

Собственная активность ребенка есть необходимое условие воспитательного процесса на уроках русского языка в узбекской школе, но сама эта активность, формы ее проявления и, главное, уровень осуществления, определяющий ее результативность, должны быть сформированы, созданы у ребенка на основе исторически сложившихся образцов, однако не слепого их воспроизведения, а творческого использования.

Поэтому функцией учителя русского языка в узбекской школе является правильное построение воспитательного процесса. Следовательно, важно так строить педагогический процесс, чтобы учитель руководил деятельностью ребенка, организуя его активное самовоспитание путем совершения самостоятельных и ответственных поступков.

Воспитание на уроках русского языка в узбекской школе представляет собой не приспособление детей, подростков, юношества к наличным формам социального бытия, не подгонку под определенный стандарт. В результате присвоения общественно выработанных форм и способов деятельности происходит дальнейшее развитие — формирование ориентации детей на определенные ценности, самостоятельности в решении сложных нравственных проблем.

Условие эффективности воспитания - самостоятельный выбор или осознанное принятие детьми содержания и целей деятельности.

Воспитывать - это значит направлять развитие субъективного мира человека, с одной стороны, действуя в соответствии с тем нравственным образцом, идеалом, который воплощает требования общества к растущему человеку, а с другой стороны, преследуя цель максимального развития индивидуальных особенностей каждого ребенка. Как указывал Л. С. Выготский, учитель с научной точки зрения - только организатор социальной воспитательной среды, регулятор и контролер ее взаимодействия с каждым учеником.

Управление процессом воспитания на уроках русского языка в узбекской школе, осуществляемое как целенаправленное построение и развитие системы задаваемой многоплановой деятельности ребенка, реализуется педагогами, вводящими детей в «зону ближайшего развития». На определенном этапе развития ребенок может продвигаться дальше не самостоятельно, но под руководством взрослых и в сотрудничестве с более умными «сотоварищами», а уж затем и вполне самостоятельно.

Целенаправленное формирование личности человека предполагает ее проектирование, но не на основе общего для всех людей шаблона, а в соответствии с индивидуальным для каждого человека проектом, учитывающим его конкретные физиологические и психологические особенности.

Основными психологическими качествами, лежащими в основании развитой личности, являются активность, стремление к реализации себя, самоутверждение и сознательное принятие идеалов общества, превращение их в глубоко личные для данного человека ценности, убеждения, потребности.

Основная роль в воспитании подрастающего поколения возложена на школу, где важнейшую воспитательную функцию выполняют учителя. Для результативного осуществления воспитательного процесса учитель русского языка в узбекской школе должен обладать определенными умениями, знаниями и навыками.

Именно на основании имеющихся у учителя умений и формируется авторитет учителя. Учитель должен уметь наладить контакт с классным коллективом. Сложность и вариативность педагогической деятельности учителя требует от него овладения широким спектром умений, которые к тому же всякий раз на уроках русского языка в узбекской школе переструктурируются и творчески используются в зависимости от целей и возникающих педагогических задач.

Это особенно отчетливо просматривается при подготовке и проведении специально организованных воспитательных мероприятий. Воспитательная деятельность учителя требует от него постоянной профессиональной готовности к самосовершенствованию.

Для этих целей в современных условиях, когда требования к деятельности учителя как воспитателя существенно возросли, необходимы систематическая диагностика, самодиагностика, самоанализ как воспитательной деятельности учителя, так и реальных изменений в воспитанности учащихся.

Для самодиагностики и выявления резервных возможностей качества воспитательной работы на уроках русского языка в узбекской школе существует специальная методика. В соответствии с этой методикой учитель на уроках русского языка может повысить эффективность воспитательной работы, найти эффективные управляющие функции, найти новые формы работы с учащимися.

Также к необходимым умениям, которыми должен обладать учитель на уроках русского языка в узбекской школе для результативной воспитательной работы относятся: работа с «трудными», педагогически запущенными детьми; умение организовать классный коллектив, сформировать его как единый организм; умение стимулировать самодеятельность, самоуправление учащихся; понимать и глубоко знать психологию детей и подростков; уметь установить должный контакт и взаимодействие с родителями, другими учителями; умение разрешить конфликты в детском коллективе и другие.

Учителю на уроках русского языка в узбекской школе особенно важно постоянно совершенствовать культуру педагогического общения, опираясь на принцип «Не навреди!» и соответствовать следующим правилам: не высмеивать публично промахи и ошибки учащихся, так как это приводит к их замкнутости; не разрушать веру учащихся в дружбу, в добрые дела и поступки; не упрекать ученика без особой на то необходимости, поскольку это формирует у него чувство вины; не допускать проявления у учащихся чувств агрессивности и вражды; не убивать у учащихся веру в свои силы и способности; не допускать даже малейшей неточности и несправедливости во взаимоотношениях с учащимися; не допускать нетерпимого отношения учащихся к чужой вере и инакомыслию.

Также одним из основных требований к учителю на уроках русского языка в узбекской школе является его умение осуществлять целостный педагогический процесс во взаимодействии с другими учителями и родителями. К тому же учитель должен своим действенным примером указывать школьникам на нормы поведения.

Воспитательный процесс в школе ставит основной своей задачей создание гармонически развитой личности. Одним из положительных результатов успешно проведенного педагогического процесса на уроках русского языка в узбекской школе является дисциплина в классе. Этот результат, в свою очередь, позволяет результативно провести процесс дальнейшего образования и воспитания.

Именно поэтому проблема организации дисциплины на уроках русского языка в узбекской школе, а также проведение специальных мероприятий по обеспечению дисциплины являются основной задачей учителя и коллектива школы в целом.

Дисциплиной считается соблюдение всеми учащимися школы определенных норм поведения, перечень которых приведен в уставе школы. Чаще всего с проблемой недисциплинированности в классе сталкиваются молодые неопытные учителя. Это может быть вызвано тем, что учитель еще не успел заработать авторитет.

При этом учителя могут портить свои уроки неуместными интонациями, бестактностью, своими странностями, вообще всем тем, что выводит класс из делового равновесия. Однако учитель иногда не учитывает, что испортиться может даже самый хороший порядок по объективным причинам - если дети утомились. При этом нужно просто дать детям отдохнуть, изменить характер работы. Или, например, дети отвлечены какими-то событиями, например общешкольными мероприятиями.

Это делает учащихся излишне эмоциональными. Существует также нарушение дисциплины отдельными учащимися. Это явление не такое массовое, как вышеописанные, но способны разрушить рабочую обстановку в классе, т. е. пострадает в результате весь класс.

Причин нарушения порядка на уроке отдельными учащимися может быть очень много. Если попытаться классифицировать их, то получатся две большие группы.

Причины, связанные с общим настроением класса. Отдельные учащиеся острее, чем все другие, воспринимают это настроение и соответственно активнее, иногда болезненнее реагируют.

Причина нарушения связана уже с непосредственной инициативой отдельных учащихся, класс в нормальном состоянии.

В свою очередь в этой группе можно выделить такого рода нарушения дисциплины: нарушения, обусловленные воздействием извне (борьба с этими явлениями потребует серьезной воспитательной работы с родными учащимися):

- 1) нарушения, связанные с качеством урока (он идет нудно, неинтересно, хочется развлечься);
- 2) нарушения, связанные с внутренней жизнью класса (с ними нетрудно справиться, если знать, какие именно события взбудоражили учеников);
- 3) нарушения, проистекающие от ненормальных личных взаимоотношений учителя и ученика (единственный способ борьбы - изменение взаимоотношений).
- 4) причиной нарушения порядка может быть болезненное состояние учащегося (это вызывает раздражительность, грубость, вялость, апатию, потерю внимания).

Все правила поддержания дисциплины на уроке должны быть по конкретным причинам, вызывающим нарушение порядка. Следовательно, для успешного поддержания дисциплины на уроках русского языка в узбекской школе необходимо знать все причины, способные вызвать ее нарушение.

Литература:

1. Закон Республики Узбекистан «О гарантиях прав ребенка». – Т., Шарк, 1992.
2. Каримов И. А. Высокая духовность – непобедимая сила. – Т., Шарк, 2008.
3. Макаренко А.С. Методика организации воспитательного процесса. – М., 1983.
4. Авлаев О.У. Муаммоли таълимнинг психологик асоси. – Т.: 2014 й.

РЕЗЮМЕ

Maqolada o'zbek maktabida rus tili o'qituvchisi vazifasi va o'quv jarayonining to'g'ri tashkil etilishi muhokama qilinadi. Ta'lim berish - bu bir tomondan, shaxsning subyektiv dunyosining rivojlanishiga yo'naltirish, bir tomondan, ushbu axloqiy modelga muvofiq harakat qilish, o'sib borayotgan shaxs uchun jamiyat talablarini o'zida mujassam etgan ideal, boshqa tomondan, har bir bolaning individual xususiyatlarini maksimal darajada rivojlantirish maqsadiga intilish.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы функция учителя русского языка в узбекской школе и правильное построение воспитательного процесса. Воспитывать - это значит направлять развитие субъективно-го мира человека, с одной стороны, действуя в соответствии с тем нравственным образцом, идеалом, который воплощает требования общества к растущему человеку, а с другой стороны, преследуя цель максимального развития индивидуальных особенностей каждого ребенка.

SUMMARY

The article discusses the function of the teacher of the Russian language in the Uzbek school and the correct construction of the educational process. To educate is to direct the development of the subjective world of a person, on the one hand, acting in accordance with that moral model, an ideal that embodies the requirements of society for a growing person, and on the other hand, pursuing the goal of maximizing the development of individual characteristics of each child.

ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЙ КЛАСТЕР - КАК РЕСУРС ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНА

Абдулахатов А.Р.

и. о. доцента. ЧГПИ Ташкентской обл.

Худойбергенов. Ж.С.

преподаватель ЧГПИ Ташкентской обл.

Қурбонова М.Э.

магистрант ЧГПИ Ташкентской обл.

Таянч сўзлар: таълим кластери, минтақанинг ривожланиши, инновацион ривожланиш.

Ключевые слова: образовательный кластер, развитие региона, инновационное развитие.

Key words: educational cluster, regional development, innovative development.

Важным условием динамичного развития Республики Узбекистан является ускоренное внедрение современных инновационных технологий в отрасли экономики, социальную и иную сферу с широким применением достижений науки и техники.

Tavhid - Allohning yagonaligini eʼtirof etish; adl - adolat, Allohning odilligi, yaʼni taqdir; nabuvvat - paygʻambarlik; qiyomat yoki maod – qiyomatning sodir boʻlishi, oxiratning mavjudligi, oʻlganlarning tirilishi kabi qarashlar mohiyatiga koʻra sunniylik yoʻnalishida ustuvor boʻlgan gʻoyalarga mos keladi. Shialikda beshinchi aqida - imomat (imom tomonidan boshqariladigan hokimiyatning mavjud boʻlishi) boʻlib, mazkur gʻoya sunniylik va ushbu yoʻnalish tomonidan eʼtirof etilgan xalifalik hokimiyatining mavjud boʻlishi xususidagi aqidaga zid keladi. Shialik yoʻnalishining tarafdorlari Ali va uning avlodlari sanalgan oʻn ikki imom tomonidan boshqarilgan hokimiyatni tan oladi.

Shialar ham muqaddas shaharlar Makka va Madinaga borib, Ka'bani ziyorat qilsalar-da, Karbalo va Najaf shaharlaridagi shialik imomlari qabrlarini ham muqaddas deb e'tirof etadilar. Shialik asosan Eronda ustuvor bo'lgan e'tiqod hisoblanadi.

Keyinchalik, sunniylik va bir qator progressiv oqimlar doirasida, VIII asr oxiri va IX asr boshlarida so'fiylik ta'limoti paydo bo'ldi. Mazkur oqim butun musulmon mamlakatlari, shu jumladan, Markaziy Osiyo hududida keng tarqaldi.

So'fiylik ta'limoti butun Sharq ma'naviy hayotida komil inson va uni shakllantirish borasidagi g'oyalarning shakllanishida muhim rol o'ynadi. So'fiylik ta'limoti va uning mohiyati xususida qator tadqiqotlar olib borilgan bo'lib, mazkur manbalar so'z yuritilayotgan ta'limotni o'rganishda boy manba bo'lib hisoblanadi. Ayniqsa, Alisher Navoiyning "Nasoyimul muhabbat" asari so'fiylar silsilasi haqida qimmatli merosdir. Mazkur oqim VII-VIII asrda arab mamlakatlarida paydo bo'lib, so'ngra boshqa musulmon mamlakatlari, xususan, Movarounnahrda ham keng yoyildi. Lekin olimlar bu oqimning ba'zi ko'rinishlari islomgacha ham mavjud bo'lganligini ta'kidlaydilar.

So'fiylik nazariyasiga ko'ra, dunyo, mavjud borliq xudoning mujassamlanishi. Xudo barcha ko'rinadigan narsalarda, narsalar esa xudoda mavjud. Borliq-dunyoviy ruh shaklida butun olamga tarqalgan va xudo singari yagonadir. Inson esa ana shu ruhning bir qismi, shu bois ertami-kechmi u bilan qo'shiladi. Amaliy qism axloqiy me'yor va xulq-atvor qoidalarining muayyan tizimidan iborat bo'lib, bu me'yor va qoidalar xudbinlik va shaxsiy manfaatlardan o'zini tiyishni talab etadi. So'fiylik musulmon Sharqi xalqlarining ko'p asrlik ma'naviy hayotining g'oyaviy asosini belgilab bergan ta'limot bo'lib maydonga chiqdi. U ilohiy poklik va insoniy go'zallikni idrok etish yo'li, haq va haqiqatni himoya etish vositasi bo'lib xizmat qildi. So'fiylik asosan uch oqimga mansub:

Birinchi oqim Mansur Xalloy, Fariduddin Attor, Jaloliddin Rumiylar mansub bo'lgan oqim. Ularning ta'lim berishicha, xudo har jihatdan komildir, eng oliy go'zallik, shodlik, baxt uning vaslididir, foni bo'lishidir. Inson o'zini haqiqatga, xudoga nisbatan hech deb bilishi kerak. Inson yashayotgan hayot haqiqiy baxt-saodat bera olmasligi, asl, haqiqiy osudalik, baxt, saodat faqat xudoda, uning vaslida ekanligi, u bilan vahdat tashkil etish, ya'ni, uning vasliga yetish kerakligi xususidagi qarashni ilgari suradilar. Lekin ular taqvoniy riyodan ajratib, oliy haqiqatga intilishni jannat va do'zax haqidagi intilishlardan farq etib borishlari bilan ajralib turadilar. Insonning ichki kechinmalari holatiga ahamiyat berib, chin ixlos va sidqni birinchi o'ringa qo'yadilar. So'fiylar qalbni har qanday xudbinlik, riyo, ta'magirlik, hasham va mol-dunyoga o'chlikdan tozalab borish bilan oliy haqiqat ko'zgasiga aylantirishni, ya'ni, poklikni asosiy maqsad qilib qo'yadilar.

So'fiylar inson ma'naviy-ruhiy komillikka erishish yo'lida quyidagi to'rt bosqichni o'tishi kerak deb hisoblaydilar.

Birinchi bosqich – Shariat. Diniy marosim va shariat aqidalari (taqvolar)ni aynan, izchil bajarish. Chunki shariat-qonun bo'lib, bu qonun vujud va qalbni tarbiyalaydi.

Ikkinchi bosqich – Tariqat. Nafsni tiyish, xushnudlik, xilvat, ma'naviy muhabbatni takomillashtirib, xudo to'g'risida o'ylash, ya'ni, o'zdan kechish, ko'ngilni poklab, ruhni nurlantiruvchi faoliyat shakli.

Uchinchi bosqich – Ma'rifat. Hamma narsa, butun borliqning asosi - xudo ekanini, o'zlikning mohiyati xudoning mohiyati bilan uyg'un ekanligini bilish va anglash. Mazkur holatda odam uchun kibru havo, manmanlik hamda shon-shuhrat be'mani bo'lib ko'rinadi. Shunda u orif, ya'ni, bilimli va xudoni tanigan inson bo'ladi.

To'rtinchi bosqich - Haqiqat. Mazkur bosqichda so'fiy xudoning dargohiga yetishadi, vasliga vosil bo'ladi, u bilan birlashadi, vahdat (tavahhud) tashkil etadi va shu asosida inson foni, ya'ni "anal-haq" bo'la oladi. Mazkur oqim tarafdorlaridan birinchi so'fiy eronlik Abu Yazdit Tayfur al-Bistamiydir (875 yilda vafot etgan). So'fiy Husayn ibn Mansur Halloj esa o'zining xudo bilan "qo'shilganini" isbotlash uchun "Anal-haq" ("Men haqman", "Men

xudoman”) deb da’vo qiladi hamda o’z ta’limotini ilgari suradi. U Qur’oning muqaddasligi va Muhammad Alayhis-salomning payg’ambar ekanligini inkor etishga uringanlikda ayblanib, xurofotchilar tomonidan qatl etildi. Zero, ushbu ta’limot saroy ahli va jaholat bilan yaqinlashgan ba’zi kalom va falsafa ilmi ulamolariga yoqmad, oqibatda qalbni oliy haqiqatga erishish yo’lida poklash maqsadini ilgari surgan ezgu ta’limot bid’at deya baholandi.

So’fiylikning ikkinchi oqimiga mansub bo’lgan so’fiylar birinchi oqim namoyandalari tomonidan ilgari surilgan qarashlarni qabul qilganlar, biroq mazkur qarashlarni islom ta’limotida targ’ib etilgan tartib-qoidalarga moslashtirganlar. Bu oqimning eng mashhur nazariyotchisi Zayniddin binni Muhammad Imom G’azzoliy (1058-1111 yillar) hamda Ahmad Yassaviylar sanaladilar.

Imom G’azzoliy So’fiylik ta’limotining asoschilaridan biri bo’lib, “Hujjat-ul-islam” laqabini olgan. Alloma to’g’risida so’z yuritilganda hatto “qur’on yo’qolib qolsa, uni G’azzoliyning asarlari bo’yicha tiklash mumkin” degan fikrlarni bildirganlar. Imom G’azzoliy tomonidan yaratilgan “Tahofut al-falosifa” (“Faylasuflarni rad etish”), “Kimyo-i saodat” (“Saodat kimyosi”), “Ixtay ulum ad-din” (“Diniy ilmlarni tiriltirish”) kabi islom ilohiyoti tizimining shakllanishiga zamin hozirlagan asarlar alloma faoliyatiga nisbatan shunday yuksak baho berilishiga sabab bo’lgan. Imom G’azzoliy inson kamolga yetishi, ya’ni, xudo “vasli”ga yetishi uchun ma’lum shartlarni bajarib, muayyan yo’lni bosib o’tishi kerak, deydi. Har bir so’fiy islom talablari – qonun-qoidalari, aqidalari hamda qur’oni haqiqat deb bilib, unga tobebo’lishi va ularga so’zsiz amal qilishi yuqorida qayd etilgan yo’lning bosib o’tish shartlaridir deya uqtiradi. Alloma so’fiylik nazariyasining mohiyati xususida so’z yuritib, ular haqiqatni mantiqiy mulohazalar asosida emas, balki ichki kechinmalar vositasida bevosita hissiy tarzda angelaydi, deb ko’rsatadi. So’fiylarning ichki holatini nazariy bilimlarni egallash, suhbatlar tashkil etish, manbalarni o’qish orqali emas, balki ularning turmush tarzini qabul qilish orqaligina anglash mumkin. Mazkur yo’l ko’ngilni his bilan yaratilgan ma’lumotlardan ozod etadi va ana shunda ma’rifat manbai paydo bo’ladi, dunyo ravshan bo’ladi. o’rganish yo’li bilan emas, balki o’zdan chekinish, ma’naviy vujudning qaytadan yaralishi tufayligina oxirgi chegaraga erishish mumkinligi alloma qarashlarining asoslari sifatida namoyon bo’ladi.

So’fiylikning uchinchi oqimi Naqshbandiya ta’limotining yaratilishi bilan bog’liqdir. Mazkur oqim XIII asrning oxirlarida shakllana bordi. XIV-XV asrlarda esa Markaziy Osiyoda ustuvor mavqega ega bo’lgan ta’limotga aylandi. Naqshbandiya tariqati rivojlangunga qadar, Markaziy Osiyoda Ahmad Yassaviy tomonidan asos solingan Yassaviya tariqati hukmron ta’limot edi.

Xulosa qilib aytganda, Islom va uning asosiy ta’limotlaridan biri hisoblanmish So’fiylik, Sharq xalqlarining aqliy, ahloqiy hamda jismoniy xislatlarini shakllantirish, bir so’z bilan aytganda, komil insonni tarbiyalashda muhim manba bo’lib xizmat qiladi.

Adabiyotlar:

1. Xodjeyev B.X. Umumiy pedagogika “Sano standart” Toshkent 2017.
2. Nasafiy. Hoja Ahmad Yassaviy. T., G’ G’ulom nashriyoti, 1993.
3. Sultonmurod Olim. Buyuk Naqshbandiya. Kecha, bugun, ertaga. “Fan va turmush”, 1993.
4. M.X. To’xtaxo’jayeva Pedagogika nazariyasi va tarixi Darslik Toshkent 2007.
5. Djuraev R.X. va boshq. Pedagogik amalar lug’ati. –Toshkent, Fan, 2008.
6. Niyo’zov G’, Axmedova M. Pedagogika tarixidan seminar mashg’ulotlari. – Toshkent: NOSIR, 2011 yil.
7. Ma’naviyat yulduzlari (Markaziy Osiyolik mashhur siymolar, allomalar, adiblar). - Toshkent, 1999yil.

РЕЗЮМЕ

So’fiylik musulmon sharq xalqlarining ko’p asrlik ma’naviy hayotining g’oyaviy asosini belgilab bergan ta’limot. Bunda ilohiy poklik va insoniy go’zallikni idrok etish yo’li, haq va haqiqatni himoya qilish vositasi bo’lib xizmat qilgan. So’fiylik ko’p qirrali oqim bo’lib, har-bir oqim ham inson

takomili muammosiga turlicha yondoshib, uni o'ziga xos yo'l, qarash asosida talqin etgan. So'fiylik ta'limotida komil inson – bu dono, oqil, pok niyatli odamdir. So'fiylar ilohiy poklik, nafasot, e'tiqod va tafakkur insoniyatni balo-qazolardan asraydi, ularni avaylab asraydi deb bilganlar. Aslida esa, komil insonning shakllanishi – bu ularning ideali, orzusi bo'lgan.

РЕЗЮМЕ

Суфизм - это доктрина, определившая идеологическую основу многовековой духовной жизни мусульманских народов Востока. В то же время он служил способом восприятия божественной чистоты и человеческой красоты, средством защиты правды и правдивости. Суфизм - это многогранная школа, и каждая школа имеет свой подход к проблеме человеческого развития, интерпретируя ее на основе своего собственного пути и своей точки зрения. В учении суфизма идеальный человек - это мудрый, умный, чистый человек. Суфии верили, что божественная чистота, утонченность, вера и созерцание защитят человечество от бедствий и защитят их с осторожностью. На самом деле, формирование идеального человека было их идеалом, их мечтой.

SUMMARY

Sufism is a doctrine that defines the ideological basis of the centuries-old spiritual life of Muslim Oriental peoples. The way of perceiving divine purity and human beauty served as a means of protecting Creator (God) and truth. Sufism was a multi-dimensional flow, and every stream had different approach to the problem of man, and interpreted it as a specific way. A perfect person in the doctrine of Sufism is a wise, intelligent, pure-minded man. The Sufis believed that divine purity, grace, belief and thought would save mankind from all adversity and protect them. In fact, the formation of a perfect man was their ideal and dream.

ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДА МИЛЛИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Абдижалилова Ш.А.

ТВЧДПИ “Педагогика ва менежмент” кафедраси доценти

Кадирова Х.А.

ТВЧДПИ “Педагогика ва менежмент” кафедраси ўқитувчиси

Кадирова А.А.

Ўрта Чирчиқ тумани 27-умум таълим мактаби ўқитувчиси

Таянч сўзлар: кексалар, қариндошлар, бева-бечораларга меҳр-оқибат, мурувват эртақлар, мақоллар, маталлар, топишмоқ орқали авлоддан авлодга ўтиб келган тарбиявий тажрибалар, гоёлар, воситалар.

Ключевые слова: старыки, родственники, милосердие вдовам, великодушные сказки, пословицы, загадки и поговорки, воспитательные опыты, идеи, средства, передаваемые из поколения в поколение.

Keywords: old, relatives, mercy to widows, generous tales, proverbs, riddles and sayings, educational experiences, ideas, means passed down from generation to generation.

Юксак маънавий ахлоқий ёшларнинг тарбиялашда халқ педагогикасининг бошқа манбалари қатори дostonларнинг тарбиявий аҳамиятини таълим тарбия жараёнига синдиришимиз лозим.

Халқ дostonларида миллий анъаналар, урф-одатлар, инсоний қадриятлар доим ижобий образлар хатти-ҳаракатлари билан боғлаб тасвирланади, улар тимсолида адолатпарварлик, ростгўйлик, мардлик, инсонга меҳр-муҳаббат билан қараш, ҳалоллик, вафодорлик, турли элатлар ва халқларнинг биродарлиги, дўстлик ва самимият каби хислатлар меҳнат тарбияси, жисмоний камолот, ақлий ва ахлоқий сифат улугланади. Дostonдаги ижобий қахрамонларни халқ ўз донишмандларига айлантиради.

Демак, дostonларда илгари сурилган муҳим ғоялар, ижобий қаҳрамонлар тимсолида мужассамлашган инсоний фазилатлар, миллий қадриятлар ҳозирги ёш авлдон тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, дostonлар турли рамзий образлар орқали ўтмишимиз билан ҳозиримизни бир бири билан чамбарчас боғлаб туради, ёшларга эстетик дид ва завқ бағишлашдан ташқари ахлоқий шуурини ҳам уйғотади.

Ўзбек халқи авлдондан-авлдога ўтиб келган ўзига хос тарбия мактабига эга. Халқ педагогикаси ёш авлдон таълим-табиясида қўлланиб келган усул ва воситалари мавжуд. У ёшларни оилавий ҳаётга тарбиялашда ўзига тамойилларга таянади.

Ўзбек оилаларда оила аъзоларининг бир-бирига, кексалар, қариндошлар, бева-бечораларга меҳр-оқибат, мурувват қўрсатиши лозимлиги фарзандалар онгига сингдириб келиниди. Хусусан, соғлом турмуш тарзи, ҳаромдан ҳазар қилиш, оила шаъни учун кураш, ўз фарзандларини халол меҳнат билан боқиш ҳам болаликдан тарбия методларидан фойдаланилади.

Оила тарбияси ва ёш авлдон оилавий ҳаётга тайёрлаш қатор тадқиқотларда ўз ифодасини топган. Бу борада Б.Қодиров, А.Мунавваров, Н.Сафаров. ва бошқаларнинг тадқиқотларини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

А.Мунавваров ўз тадқиқотларида оилавий тарбия самарадорлигини оширишда халқ педагогикасининг тарбиявий аҳамияти, ўзбек оилаларида тарбия имкониятлари, метод ва усулларини ёритади. Шунингдек, ҳозирги замон ўзбек оилаларида тарбия самарадорлигини ошириш йўллари ва воситаларини тадқиқ этади.

Ғ.Шоумаров оила муносабатларида ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги алоқа, ўзбек оилаларнинг ўзига хос хусиятларини, эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликларнинг асосий сабаблари ва уларни ҳал этиш йўллари, ўсмирларни оилага тайёрлашнинг психологик, жинсий, ахлоқий жиҳатлари, оиладаги ахлоқий-психологик муҳит, қайнона-келин, қайнона-куёв ўртасидаги келишмовчиликлар ва уларни олдини олиш йўллари каби муҳим муаммоларни тадқиқ этган.

М.Иномованинг тадқиқотларида биринчи марта оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш мазҳус тадқиқот объекти сифатида таҳлил этилган.

Истиқлол шарофати билан оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда ислоний ахлоқ-одоб қондалари, унинг тарбиявий салоҳияти, ўзига хос хусусиятлари, воситалари педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Оилада болаларни маънавий- ахлоқий тарбиялашда халқ педагогикаси манбаларнинг миллии ва умуминсоний қадрият сифатидаги ўрни, аҳамиятига алоҳида урғу берилган. Шунинг учун ҳам ўзбек халқ педагогикасининг бой тажрибалари, миллий урф-одағлари, Шарқ мутафаккирларининг фикрлари, ғоялари, таълимотлари мазкур муаммонинг концептуал томонларини таҳлил қилишда бой манба эканлиги таъкидланади.

Олиманинг оила муаммосига бағишланган “Фарзанд-ниҳол, ота-она-боғбон” асарида оилада болани ҳақиқий инсон этиб тарбиялашда учрайдиган муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари таҳлил этилади.

Халқ педагогикасидан фойдаланиб, талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммосини кенг қўламда М.Маҳмудова тадқиқ этди. Унинг “Халқ педагогикаси мазмуни асосида талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш” йўналишидаги тадқиқоти муҳим аҳамиятга эга .

Тадқиқотчининг фикрига кўра, республикамизда никоҳ муносабатлари ёш жиҳатидан бирмунча эрта бошланмоқда. Айниқса, қизларнинг жисмоний, руҳий жиҳатдан оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги натижасида қатор сабий оқибатлар келиб чиқмоқда.

- ажралишлар аксарият эрта қурилган оилаларда содир бўлмайпти;
- фарзанд кўриш ёши жда эрта бошланиб, оралик масофа қисқариб бормоқда.

- Булар 17-20 ёшгача бўлган аёллар саломатлигига ёмон таъсир этмоқда;
- турмуш даражасининг паслиги туфайли кеч оила қуриш ҳоллари кузатилмоқда. Бундан ташқари йигит ва қиз тарбияланган оилаларнинг ўзаро номувофиқлиги қатор келишмовчиликларга сабаб бўлади.
 - кеч ёки эрта оила қуриш ҳолатлари оилаланинг барқарорлигига путур етказмоқда. Шу билан бирга бир қатор ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлашда, асосан, қизларга эътибор барилиб, ўғил болалар назардан четда қолмоқда.

Тадқиқотчи талаба-ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлашда халқ педагогикасидан фойдаланишнинг мазмуни, шакл ва методлари ҳақидаги фикр юритар экан, қуйдагиларга эътибор беради:

- оила-жамият негизи, давлат таянчи, мафқуравий тарбиянинг муҳим ижтимоий омилларидан эканлиги, жамиятда ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги, фаровонлиги ва аҳиллигини таъминлаш;
- ота-она ва фарзанд бурчи, ота-онанинг оила таянчи эканлиги, ота-оналарнинг оила аъзолари-боблар, бувилар, фарзандлар билан муносабати, отанинг оилани моддий жиҳатдан таъминлаши, ота ва онанинг фарзандлар оиладаги бурчини ёритиб бериш ва бошқалар.

Уқорида келтирилган тахлилий материаллар асосида таъкидлаш жоизки, ўзбек миллий педагогик фикр тараққиётида оила муаммоларига бағишланган кенг тадқиқотлар олиб борилмоқда. Оила тарбиясининг турли мавзуларга оид мазкур тадқиқотларга халқимизнинг тарихий кадриятлари, Куръон карим, Ҳадиси шариф қабилар асос қилиб олинган.

Ҳозирги вақтда жаҳон таълими доирасида ҳам тараққийпарвар, ҳам инкирозли сиёсий, мафқуравий, ижтимоий, иқтисодий, экологик, маданий характердаги ҳодисаларнинг ўсиб бориши билан шартланган халма-хил янги таълим пардигмаларини тақлиф этиш ва илмий-педагогик жиҳатдан ишлаб чиқиш содир бўлмоқда.

Маданий-инсонпарвар парадигманинг ўзига хосликлари қуйдагиларда акс этади:

- унинг мақсади-маданиятга рўбару этиш воситасида ҳар томонлама ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантириш;
- ўқув жараёни иштирокчиларининг тутган ўринлари. Бу вазиятда талаба ўз ҳаётини ва касбий нуктаи назари субъекти сифатида юзага чиқади, ўқитувчи эса таълим олувчилар ва маданият орасидаги алоқодорликни таъминловчи бўғин сифатида бошқарувчи, ташкилотчи, талаба фаолиятининг қўмақчиси ролларини бажаради;
- “маданият билан ҳамоҳанг бўлиш” жараёнида шахснинг шаклланиши ва шахсларо инсоний дўстона муносабатларни ҳосил қилиш;
- таълимнинг шакл ва методларини талабаларни ўз-ўзини ривожлантириши, ўз-ўзини реализациялаши, ўз-ўзини англайдиган фаолиятга қизиқишга йўналтирилганлиги;
- олий таълим муассасаларида маданиятларни пухта ўзлаштирган, кенг дунёқарашга эга фуқарони, бутун ҳаёти давомида ўрганишга қобилиятли битирувчиларни тайёрлашни таъминлайдиган, таълим инсониятнинг ижтимоий тажрибаларини, бир хилдаги маданиятни тушуниб етиш омили сифатида қараладиган ижтимоий ва касбий мослашуви жараёнлари билан мустаҳкам алоқадор.

Ўзбекистоннинг жаҳон таълими жараёнига фаол кириб бориши, бозор иқтисодиётига асосланган янги шарт-шароитлар, демократиялаш жараёнлари, ижтимоий ислоҳатларнинг ўсиб бориши таълим соҳасига таъсир этмасдан қолмайди. Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида миллий ва умуинсоний кадриятлар, миллий мада-

нийат ютуқларини ва таълим олувчиларнинг миллий ўзига хасликларини ҳисобга олиш, таълимни демократциялаш, инсонийлаштириш ва инсонпарварлаштиришга асосланган маънавий-ахлоқий ғояларни илгари сурган тенденциялар, шу жумладан маданий-инсонпарварлик ёндашувини ҳисобга олшга кўрсатма берилган. Мазкур ғоялар республикада педагогика соҳаси билан шугулланувчи омиллар томонидан ишлаб чиқилмоқда. Бироқ шуни айтиб ўтиш лозимки, алоҳида илмий мазмуни ва амалий аҳамиятга эга самарали натижаларга қарамасдан, биринчидан маданий-инсонпарварлик ёндашувининг кўплаб томонлари ҳали етарлича очиб берилмаган, иккинчидан ёндашувнинг ўзи педагогик таълимнинг муҳим мақсадларини такомиллаштириш-юқори даражадаги касбий билимга ва ижтимоий мослашувга эга мутахассисларни шакллантиришга йўналтирилган бир бутун педагогик тизим сифатида ишлаб чиқилмаган.

Таълимга маданий-инсонпарварлик ёндашуви манбалари XX асрнинг 50-60-йилларида АҚШда инсонпарварлик психологияси ва педагогикасида оид концепцияларнинг пайдо бўлишига имкон яратади. Бу айниқса, К.Роджерс томонидан ишлаб чиқилган назарияда ўз акасини топган. Унинг моҳияти ўқитувчиларнинг ижобий психологик, ишонга асосланган, ҳамкорлик муҳитини ҳосил қилишлари шароитида шахсий тажриба асосида инсоннинг ривожланиши.

Ҳозирги вақтда инсонпарварлик педагогикаси қуйдаги бугунги кун учун зарур амалий омилларига йўналтирилган:

- шахсни таълим жараёнининг объекти ва субъекти сифтида қабул қилиниши;
- таълимга аҳамиятли ўрганиш сифатида қараш;
- ҳаётий муаммоларни ҳал этиш жараёнида талабаларни ўқитиш ва ривожланишлантириш;
- таълим натижаларини баҳолар билан эмас, шахсий ўзгаришлар билан ўлчаш;
- талабаларнинг индивидуал ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш;
- эрин танлаш, шахсий жавобгарлик ва ташаббускорлик қобилиятларини очиш, ўз-ўзини реализациялаш учун шар-шароитлар яратишдан иборат;

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қаъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз - Тошкент: “Ўзбекистон” 2017.-592 б
2. Т.Мирзаев, О.Сафаров, Д.Ўраева Ўзбек халқ оғзаки ижоди хрестоматияси-Тошкент 2008 йил
3. Муталипова М.Ш. Халқ педагогикаси Тошкент 2015 йил

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларда миллий дунёқарашни шакллантириш, халқ педагогикасидаги оила муаммолари, меҳнат тарбияси муаммосини ва бу борадаги қатор омилларни, маънавий –ахлоқий ҳолатини ўрганиш асосида тарбиявий имкониятларидан унумли фойдаланиш масалалари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье будущие учителя обсудят вопросы формирования национального мировоззрения, проблемы семейного воспитания в отечественной педагогике, проблемы трудовой воспитания и ряд факторов, в том числе эффективное использование образовательных возможностей.

SUMMARY

In this article, future teachers will discuss the formation of a national worldview, the problems of family education in domestic pedagogy, the problems of labor education and a number of factors, including the effective use of educational opportunities.



ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

МАТЕМАТИКА ФАНИ ТЎГАРАКЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

Эшқороев Қ.А., Норқулов А.Ф., Наримбетова З.А.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: математик атмосфера, математик кечалар, софизм, фокуслар.

Ключевые слова: математическая атмосфера, математические ночи, софизм, трюки.

Key words: mathematical atmosphere, mathematical nights, sophism, tricks.

Тўгаракнинг мақсади: Ўқувчилар онгида касб-хунар ва меҳнат қўкмаларини ҳосил қилиш, миллий ва умумбашарий кадрятларга асосланган юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялаш билан ўз Ватани ва халқига бўлган садоқатни ва ҳуқуқий онгини оширишдан иборат.

Тўгаракнинг асосий вазибалари

1. Дастурнинг айрим қисмларини чуқурроқ ўрганиш, ўқувчиларнинг математика фанидан билимларини кенгайтириш.

2. Ўқувчиларнинг индивидуал қизиқишларини ва қобилиятини ўстириш.

3. Мактабда “математик атмосфера” яратиш.

Мактабда “математик” атмосфера ўқитишни ҳамда оммавий характерга эга бўлган тадбирларни ташкил этувчи, дарс машғулотлари билан дарсдан ташқари ишни қўшиб олиб боровчи математика тўгараги ишининг мунтазам ва яхши йўлга қўйилиши билан вужудга келтирилади. Мактабдаги “математик атмосфера”нинг ҳаётийлиги ўқувчиларнинг қизиқувчанлигини, ижодкорлигини вужудга келтириш билан боғлиқдир.

Тўгаракка аъзо бўлиш ихтиёрий. Албатта тўгаракка ўқитувчи раҳбар бўлади, бироқ бу ерда дарс пайтида ишлатиладиган усулларни ҳамма вақт ҳам ишлатиб бўлмайди.

Баъзи бир ўқитувчилар ҳамда математика тўгарагининг раҳбарлари тўгаракка фақат математикага қизиқувчи ўқувчиларнигина жалб қилмоқ керак деб ўйлайдилар. Бундай нуқтаи назар тўғри эмас, чунки педагогик жараён, дарсдан ташқари ишнинг яхши ташкил қилишигина ўқувчида математикага қизиқишни уйғотиш мумкин. Тажриба тўгаракнинг доимий аъзолари сонини 20 кишидан ошириб юбормасликни, аммо тўгарак машғулотларига тўгаракка аъзо бўлмаган ўқувчиларни ҳам таклиф қилиш фойдали эканлигини кўрсатади.

Тўгаракнинг ҳар бир аъзоси маълум бир ишни бажариши, тўгаракнинг фаолиятида актив иштирок этиши лозим. Бошиданок тўгарак аъзолари шу тўгаракнинг ташкилотчилари эканликларини англаб етишлари керак.

Тўгаракнинг бир миёнда ишлаши муваффақият гаровидир. Тўгаракнинг мунтазам ишлашини таъминловчи шартлардан бири машғулотнинг қаътий белгиланган

кунларда ва соатларда ўтказилишидир. Машғулотлар 40-45 дақиқа давом этади. Математика тўғарагининг машғулоти уч қисмга бўлиб ўтиш мумкин.

1. Математика фанининг тарихи ва бугуни ҳақида қизиқарли маълумотлар юзасида баҳс мунозаралар.

2. Қийинроқ ва қизиқарли масалалар ечиш.

3. Оғзаки савол-жавоблар ўтказиш.

Тўғарак ишини ташкиллаштиришда унинг барча аъзолари фаоллигини назарда тутиш билан бирга материалнинг ортиқча бўлиб кетмаслигини назарда тутиш лозим.

Тўғаракнинг иш режаси тўғарак машғулотларининг мазмунинигина акс эттириб қолмай, балки оммавий тадбирларни ҳам ўз ичига олмоғи лозим.

Тўғарак машғулотларида одатда ўқувчиларнинг математикага доир қисқача маърузаларига кўп вақт ажратилади. Маърузалар тайёрлаш ўқувчилар мустақил ишларининг бир формасидир. Ўқитувчи материал танлаши ва маърузачига ёрдам бериши лозим.

Ўқувчи маърузани тайёрлаганда ундан ижодий завқ оладиган қилиб танлаши керак. Маърузани тайёрлаш ва уни ўртоқларига сўзлаб бериш ўқувчида чуқур ҳиссиётлар билан боғлиқ бўлади ва кўпинча бир умрга сақланиб қолади.

Ўқувчининг маърузасида озгина бўлса-да “ўзиники” бўлиши керак, яъни маърузада учрайдиган математик масалаларнинг мустақил ечилиши ёки масалани дастлабки текшириш ва хулосалар бўлиши мумкин. Маърузани ўқишда ҳар хил жадваллар, моделлар ясаш, кроссвордлар тузиш ва бошқа кўргазмалар қуроллар ясаш ва улардан фойдаланиш маърузанинг қизиқарли ўтишига ёрдам беради.

Баъзи савол ва масалаларни мустақил текшириш ва исботлашни ўқувчининг ўзига тавсия қилиш мумкин. Масалан, ўқувчи тақрибий квадрат илдиз чиқариш усулини ўргангач, бу усулни куб илдиз чиқаришга бемалол тадбиқ эта олади. Маъруза мавзуси аниқ бўлиши ва у китобдаги бутун-бутун саҳифани кўчириб олишга эмас, балки энг асосий, керакли нарсани ажратиб олишга ва маърузанинг бутун бўлишига асосланган бўлиши керак. Ўқувчиларнинг маърузалари маълум теореманинг ўзлари томонидан топилган ёки китобдан олинган бошқа бир исботига, уларга номаълум бўлган теореманинг исботига, тарихий маълумотларга ёки мисоллар ечишга, софизмларга, ўқилган математик китобга ва ҳақозоларга доир бўлиши мумкин. Маърузага тайёргарликни режа тузишдан бошлаш керак.

Математика тўғараги машғулотлари мавзусини аниқлашда қуйидаги маълум принципал фикрларга амал қилиш лозим:

1. Танланган мавзулар дастур материали билан бевосита боғлиқ бўлсин. Тўғарак машғулотининг дарсида ўтиладиган машғулотлар билан боғланиши ва мослиги ўқувчилар билим даражаларининг ошишига ҳамда унинг аҳамиятини орттиришга имкон беради. Шунингдек ўқувчиларни тўғарак ишларида қатнашишига жалб этади.

2. Дастур масалаларини бошқачароқ нуктаи назардан ҳал қиладиган мавзулар фойдали ва қизиқарлидир.

3. Тўғарак ишлари режасига фан ҳақида, жумладан, Лобачевский геометрияси ҳақида, топология ҳақида, тарихий масалалар ва ҳақозолар ҳақида тўлиқ тасаввур берадиган мавзуларни киритмоқ керак.

4. Дарсида олинган маълумотларнинг амалда тадбиқ қилинишига бағишланган мавзулар ўқувчилар билимларининг чуқурлашуви ва кенгайишига ёрдам беради.

5. Ниҳоят, ўқитувчи фойдали деб топган математик муоммолар ҳам дарсдан ташқари машғулотнинг мавзуси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

“Ёш математик” тўғарагининг иш режаси

№	Ўтиладиган машғулотларнинг мавзуси	Жами соат	Жумладан	
			Назарий	Амалий
1	Математика тўғарагининг мақсади ва вази­фалари.Тез ҳисоблашнинг баъзи восита ва усул­лари.	2	1	1
2	Айлана ёйининг градус ўчовлари	2		2
3	Бурчакларни ўлчаш			
4	Пифагор теоремасининг ҳар хил исботлари. Математик фокуслар.	2		2
5	Учбурчаклардаги метрик муносабатлар.Синус­лар ва косинуслар теоремасига доир масалалар. Айлана узунлиги.Доира юзи.	2		2
6	Квадрат тенглама илдизини тез топиш.Матема­тика темаларига доир кроссвордлар.Математик софизмлар.	2	1	1
7	Буюк математиклар ҳаётидан. Абу Райҳон Беру­ний, Абу Али Ибн Сино, Ал Хоразмий.	2		2
8	Тўплам. Тўпламлар устида амаллар. Мантикий амаллар. Мавжудлик кванторлари	2		2
9	Ҳақиқий онлар. Натурал,бутун,ратцонал ва ирратсионал сонлар. Чексиз ўнли касрлар. Дав­рий касрлар	2		2
10	Бирҳадлар ва кўпҳадлар. Улар устида амаллар. Ахборотнома масалаларини ечиш	2	1	1
11	Муҳаммад Ал Хоразмийнинг “Ал-жабр- ва Ал-муқобала ҳисоби” китоби ҳақида маълумот	2	1	1
12	Асосий тригонометрик формулалар ёрдамида мисоллар ишлаш. Ахборотнома масалаларини ечиш	2		2
13	Математикадан очиқ тўғарақ машғулот. Мусобақа дарслари	2	1	1
14	Қизикрли масалалар ечиш. Беруний ва Улугбекнинг тригонометрик тенгсизликларни ечиш усуллари ҳақида.	2	1	1
15	Планиметриянинг ривожланиш тарихи. Плани­метриянинг аксиометрик қурилиши	2	1	1
16	Яшашга доир масалалар ечиш	2		2
17	Кесмани тенг иккига бўлиш	2	1	1
18	Кўпёқликлар мавзусига доир масалалар ечиш. Ахборотнома масалаларини ечиш.	2	1	1
19	Айланиш жисмларини текисликда тасвирлаш	2		2

20	Фазовий жисмларнинг ҳажмларини ҳисоблашга доир масалалар ечиш.	2	1	1
21	Математик кечалар ва уларни ташкил этиш	2		2
	Жами:	40	10	30

Адабиётлар:

1. Pogorelov A. Geometriya, 10-sinf. O'qituvchi-2004 y
2. Ya. I. Perelman Qiziqarli algebra "Merius" Toshkent-2013
3. Yo'ldoshev J.G', Usmonov S.A Pedagogik texnologiya asoslari, T "O'qituvchi", 2004 й.

РЕЗЮМЕ

Ҳозирги замон фан ва техника тараққиёти ўқитувчининг ижодкор бўлишини, фаннинг муҳим муоммолари юзасидан эркин фикр юрита олиши, фан ютуқларини талабаларга эткази олиши ва ниҳоят талабаларни ҳам ижобий фикрлаш, тадқиқотчилик ишларини ўргата олиши талаб қилади.

Математикадан дарсдан ташқари ишнинг асосий формаси математика тўғрагидир. Математика тўғраги бўлмаса, дарсдан ташқари ишларнинг ҳеч қайси формаси (Математикадан олимпиада, математик кечалар ва кўрик танловларни) ўтказиш мумкин бўлмайди, чунки асосий математика ишларини ташкил қиладиган активлар тўғрақ аъзоларидан иборат бўлади. Тўғрақ ишини ташкил қилишда ўрта таълим мактабда тўғрақлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида низом асосида иш олиб борилади. Ушбу услубий тавсияномада математика тўғрагининг мақсад, вазифалари, машғулот режаси ишланмаси берилди.

РЕЗЮМЕ

Развитие современной науки и техники требует от учителя творческого подхода, свободного мышления о важных научных проблемах, информирования учащихся о научных достижениях и, наконец, предоставления учащимся позитивного мышления и исследований. Основной формой внеклассной деятельности по математике является математика. Без математического кружка никакие внеклассные мероприятия (олимпиады, математика и экзамены по математике) невозможны, поскольку активы, составляющие базовую математику, являются членами клуба. Обучение организовано на основании положения об организации кружков в школе. В данной методической рекомендации приведены цели, задачи, план урока математического кружка.

SUMMARY

The development of modern science and technology requires the teacher to be creative, to think freely about important scientific problems, to inform students about scientific achievements and, finally, to provide students with positive thinking and research. The main form of extracurricular activities in mathematics is mathematics. Without a math group, no extracurricular activities (olympiads, maths and math exams) are possible, since the assets that make up basic math are members of the club. The training is organized on the basis of the provision on the organization of circles in the school. This methodological recommendation contains goals, objectives, and a lesson plan for a mathematical circle.

БАЪЗИ БИР МИСОЛЛАРНИ АЖОЙИБ ЛИМИТЛАР ЁРДАМИДА НОАНЪАНАВИЙ УСЛУБЛАРДАН ФЙДАЛАНИБ ЕЧИШ УСУЛЛАРИ

Солаева М.Н., Эшқороев Қ.А., Сейтов А.Ж.

Чирчиқ давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: функция, функция лимити, ажойиб лимит, аниқмаслик, кетма-кетлик.

Ключевые слова: функция, предел функции, неординарный предел, неопределенный, последовательность.

Key words: function, function limit, extraordinary limit, indefinite, sequence.

Кирш. Инсоният яратлибдики ҳар бир ихтиронинг яратилишига сабаб ва асослар мавжуд. Шу каби математиканинг барча тушунчаларининг келиб чиқишига асослар мавжуд. Масалан ҳосила мавзусининг келиб чиқишига ҳам сабаблар мавжуд яъни физика фанидан маълумки моддий нуктанинг босиб ўтган йўли вақтга боғлиқ функция сифатида берилган бўлса у ҳолда бу функциянинг ҳосиласи моддий нуктанинг маълум бир ораликдаги оний тезлигини беради. Шу ва шунга ўхшаган мисоллар сабаб ҳосила тушунчаси кириб келган ва ҳосила тушунчасининг ўзи эса функция лимитига чамбарчас боғлиқ тушунчадир. Шунинг учун биз ҳосила мавзусини келтириш мумкин. $\lim_{n \rightarrow \infty} (1 + \frac{1}{n})^n = e$ формула кетма-кетликларнинг лимити учун ажойиб лимит формуласидир. Энди манашу формуланинг исботига тўхталсак, бу формулани исботлаш учун $(1 + \frac{1}{n})^n$

Усуллар ва натижалар. Ушбу мақолада кетма-кетлик ва функцияларнинг лимитларида учрайдиган баъзи бир аниқмасликларни кўриб ўтамиз. Шу кунга қадар $\frac{0}{0}, \frac{\infty}{\infty}, \infty - \infty$ кўринишидаги аниқмасликларни кўриб уларни очишни ўрганган эдик.


Эндиликда эса $\frac{0}{0}$ аниқмасликини ва шу билан бирга 1^∞ кўринишидаги аниқмасликларни ҳам баргараф қилишни ўрганамиз. Буларни ўрганишни кетма-кетликлар мисолида қарайдиган бўлсак, у ҳолда қуйидаги ажойиб лимит формуласини келтириш мумкин. $\lim_{n \rightarrow \infty} (1 + \frac{1}{n})^n = e$ формула кетма-кетликларнинг лимити учун ажойиб лимит формуласидир. Энди манашу формуланинг исботига тўхталсак, бу формулани исботлаш учун $(1 + \frac{1}{n})^n$ кўпхаднинг даражасини Ньютон биномидан фойдаланиб очиб чиқамиз [1,2].

$$(1 + \frac{1}{n})^n = 1^n + C_n^{n-1} \cdot 1^{n-1} \cdot \frac{1}{n} + C_n^{n-2} \cdot 1^{n-2} \cdot \frac{1}{n^2} + C_n^{n-3} \cdot 1^{n-3} \cdot \frac{1}{n^3} + C_n^{n-4} \cdot 1^{n-4} \cdot \frac{1}{n^4} + C_n^{n-5} \cdot 1^{n-5} \cdot \frac{1}{n^5} + C_n^{n-6} \cdot 1^{n-6} \cdot \frac{1}{n^6} + C_n^{n-7} \cdot 1^{n-7} \cdot \frac{1}{n^7} + C_n^{n-8} \cdot 1^{n-8} \cdot \frac{1}{n^8} + C_n^{n-9} \cdot 1^{n-9} \cdot \frac{1}{n^9} + \dots + C_n^1 \cdot 1^1 \cdot \frac{1}{n^{n-1}} + \frac{1}{n^n} = 1 + \frac{n!}{(n-1)! \cdot n} \cdot \frac{1}{n} + \frac{n!}{(n-2)! \cdot 2! \cdot n^2} \cdot \frac{1}{n^2} + \frac{n!}{(n-3)! \cdot 3! \cdot n^3} \cdot \frac{1}{n^3} + \frac{n!}{(n-4)! \cdot 4! \cdot n^4} \cdot \frac{1}{n^4} + \frac{n!}{(n-5)! \cdot 5! \cdot n^5} \cdot \frac{1}{n^5} + \frac{n!}{(n-6)! \cdot 6! \cdot n^6} \cdot \frac{1}{n^6} + \frac{n!}{(n-7)! \cdot 7! \cdot n^7} \cdot \frac{1}{n^7} + \frac{n!}{(n-8)! \cdot 8! \cdot n^8} \cdot \frac{1}{n^8} + \frac{n!}{(n-9)! \cdot 9! \cdot n^9} \cdot \frac{1}{n^9} + \dots + \frac{n!}{(n-1)! \cdot n^{n-1}} \cdot \frac{1}{n} + \frac{1}{n^n} = 1 + n \cdot \frac{1}{n} + \frac{n(n-1)}{2} \cdot \frac{1}{n^2} + \frac{n(n-1)(n-2)}{6} \cdot \frac{1}{n^3} + \frac{n(n-1)(n-2)(n-3)}{24} \cdot \frac{1}{n^4} + \frac{n(n-1)(n-2)(n-3)(n-4)}{120} \cdot \frac{1}{n^5} + \frac{n(n-1)(n-2)(n-3)(n-4)(n-5)}{720} \cdot \frac{1}{n^6} + \frac{n(n-1)(n-2)(n-3)(n-4)(n-5)(n-6)}{5040} \cdot \frac{1}{n^7} + \frac{n(n-1)(n-2)(n-3)(n-4)(n-5)(n-6)(n-7)}{40320} \cdot \frac{1}{n^8} + \frac{n(n-1)(n-2)(n-3)(n-4)(n-5)(n-6)(n-7)(n-9)}{362880} \cdot \frac{1}{n^9} + \dots + \frac{1}{n^n}$$

ушбу ифоданинг охириги тенглигидан $n \rightarrow \infty$ ҳар бир ҳадни лимитини ҳисоблаймиз. $\lim_{n \rightarrow \infty} \frac{n(n-1)}{2} \cdot \frac{1}{n^2} = \lim_{n \rightarrow \infty} \frac{(1 - \frac{1}{n})}{2} = \frac{1}{2}$ кейинги ҳаднинг лимитини ҳисоблаймиз, у ҳолда $\lim_{n \rightarrow \infty} \frac{n(n-1)(n-2)}{6} \cdot \frac{1}{n^3} = \frac{1}{6}$ ва худди шу каби кейинги барча ҳадларнинг лимитлари мос равишда $\frac{1}{24}, \frac{1}{120}, \frac{1}{720}, \frac{1}{5040}, \frac{1}{40320}, \frac{1}{362880}$ га тенг қийматлар қабул қилади. Энди бу қийматлар йиғиндисини ҳисоблаймиз. У ҳолда $1 + 1 + \frac{1}{2} + \frac{1}{6} + \frac{1}{24} + \frac{1}{120} + \frac{1}{720} + \frac{1}{5040} + \frac{1}{40320} + \frac{1}{362880}$ ушбу ифодадан йиғиндининг касрлар қатнашган қисмини алоҳида умумий махраж танлаб ишласак қуйидаги ифода ҳосил бўлади. $2 + \frac{181440+60480+15120+3024+504+72+9+1}{362880} = 2 + \frac{260650}{362880} \approx 2 + 0,7182815 = 2,7182815 \approx$

еъзанлиги келиб чиқади. Ньютон биноми ёйилмасидаги ўнинчи ҳаддан кейинги ҳадларни инобатга олмадик сабаби ўнинчи ҳаддан кейинги барча ифоданинг тахминий қиймати 0,0000028 ва бундан кичик қийматларга тенглиги ва ифоданинг абсолют ҳатоллиги 0,000003 дан ошмаганлиги учун ёйилмани ўнинчи ҳадигача бўлган қисмини қараймиз. Бу эса юқоридаги лимит ҳақиқатда есонига яқинлашишини билдиради. Бу ажойиб лимит функциялар учун ҳам ўринли бўлади ва бунинг исботи мактаб ўқувчисига қийинчилик

туғдирганлиги учун функцияларнинг ажойиб лимитларини исботини кўрсатиб бериш шарт эмас. Энди эса кейинги ажойиб лимит яъни функцияларнинг биринчи ажойиб лимити хақида тушунча берамиз ва исботини келтираемиз. Аслини олиб қараганда мактаб ўқувчиларига одатда бирор теорема, хосса ёки формулалар исботисиз бериледи ва ёдлаш талаб қилинади. Бу эса методикада энг катта хатоликдир сабаби ўқувчи формулани келиб чиқишини билмаса, туб моҳиятини тушунмасамисол ва масалаларни ечишни яхши тушуна олмайди. Шунинг учун функцияларнинг биринчи ажойиб лимитини исботи билан киритиб кетамиз. Яъни биринчи ажойиб лимит $\lim_{x \rightarrow 0} \frac{\sin x}{x} = 1$ ушбу тенгликни исботлаймиз. Бунинг учун координаталар системасида маркази *O* нуктада бўлган ва радиуси бирга тенг бўлган бирлик айлана чизамиз ва марказий бурчаги *x* га тенг бўлган ёйни қараймиз.



Шаклдан куйидагиларга эга бўламиз. $S_1 = \Delta MOA$, $S_2 = MOA$ сектор, $S_3 = \Delta LOA$ учбурчак ва секторларнинг юзалари бўлса у ҳолда куйидаги тенгсизликлар ҳосил бўлади. $S_1 < S_2 < S_3$ энди юзаларни ҳисоблаймиз $S_1 = \frac{1}{2} OA \cdot MK = \frac{1}{2} \cdot 1 \cdot \sin x = \frac{1}{2} \cdot \sin x$, $S_2 = \frac{1}{2} \cdot OA \cdot \widehat{MA} = \frac{1}{2} \cdot 1 \cdot x = \frac{1}{2} x$, $S_3 = \frac{1}{2} \cdot OA \cdot LA = \frac{1}{2} \cdot 1 \cdot tg x = \frac{1}{2} tg x$, $\frac{1}{2} \sin x < \frac{1}{2} < \frac{1}{2} tg x$ эканлиги келиб чиқади. Тенгсизликни $\sin x > 0$ га бўламиз. Бундан эса $1 < \frac{x}{\sin x} < \frac{1}{\cos x}$ ёки $\cos x < \frac{\sin x}{x} < 1$. Энди $x < 0$ бўлсин. $\frac{\sin(-x)}{-x} = \frac{\sin x}{x}$, $\cos(-x) = \cos x$ эканлигидан $x < 0$ да ҳам $\cos x < \frac{\sin x}{x} < 1$ тенгсизлик ўринали бўлади ва тенгсизлиكنинг икки четки ҳадлари 1 га интилганлиги учун ўртадаги ҳад ҳам 1 га интилади. Бундан эса $\lim_{x \rightarrow 0} \frac{\sin x}{x} = 1$ эканлиги келиб чиқади.

Исботланган иккита ажойиб лимитларга оид мисолларни кўриб чиқамиз.

Мисол: $\lim_{n \rightarrow \infty} \left(\frac{2n+1}{2n-1}\right)^{3n-4}$ кетма-кетлик лимитини ҳисобланг.

$$\begin{aligned} \lim_{n \rightarrow \infty} \left(\frac{2n+1}{2n-1}\right)^{3n-4} &= \lim_{n \rightarrow \infty} \left(\frac{2n-1+2}{2n-1}\right)^{3n-4} \\ &= \lim_{n \rightarrow \infty} \left(1 + \frac{2}{2n-1}\right)^{3n-4} \\ &= \lim_{n \rightarrow \infty} \left(1 + \frac{2}{2n-1}\right)^{\frac{2n-1}{2} \cdot \frac{2}{2n-1} \cdot (3n-4)} \lim_{n \rightarrow \infty} e^{\frac{2(3n-4)}{2n-1}} = \lim_{n \rightarrow \infty} e^{2 \cdot \frac{6-n}{2} \cdot \frac{1}{n}} = e^3 \end{aligned}$$

Мисол: $\lim_{n \rightarrow \infty} \left(\frac{n^2-1}{n^2+1}\right)^{3n-2}$ кетма-кетлик лимитини ҳисобланг.

Ечиш: Бу лимитни ҳам кетма-кетлик учун ажойиб лимит кўринишига келтирамиз, яъни

$\lim_{n \rightarrow \infty} \left(\frac{n^2-1}{n^2+1}\right)^{3n-n^2} = \lim_{n \rightarrow \infty} \left(1 - \frac{2}{n^2+1}\right)^{3n-n^2}$ кейинги ифодада кавсни ичидаги ифодани йиғиндига келтириш керак сабаби формула йиғинди бўлган ҳолда берилган.

$$\begin{aligned} \lim_{n \rightarrow \infty} \left(\frac{n^2-1}{n^2+1}\right)^{3n-n^2} &= \lim_{n \rightarrow \infty} \left(1 - \frac{2}{n^2+1}\right)^{3n-n^2} \\ &= \lim_{n \rightarrow \infty} \left(1 + \left(-\frac{2}{n^2+1}\right)\right)^{3n-n^2} \\ &= \lim_{n \rightarrow \infty} \left(1 + \left(-\frac{2}{n^2+1}\right)\right)^{\frac{n^2+1}{2} \cdot \left(-\frac{2}{n^2+1}\right)^{3n-n^2}} = \lim_{n \rightarrow \infty} e^{\frac{3n-n^2}{n^2+1}} = \lim_{n \rightarrow \infty} e^{\frac{1 - \frac{3}{n}}{1 + \frac{1}{n^2}}} = e \end{aligned}$$

Кейинги мисолларда функциянинг биринчи ажойиб лимитига оид мисоллар ишлаймиш.

Мисол: $\lim_{x \rightarrow 0} \frac{x - \sin x}{x + \sin x}$ функция лимитини ҳисобланг.

Ечиш: функциянинг биринчи ажойиб лимити $\lim_{x \rightarrow 0} \frac{\sin x}{x} = 1$ кўринишида бўлганлиги учун, юқоридаги мисолни ҳам шу кўринишга келтирамиз. Яъни каср сураг ва махражини

харгументга бўламиз ва : $\lim_{x \rightarrow 0} \frac{x - \sin x}{x + \sin x} = \lim_{x \rightarrow 0} \frac{1 - \frac{\sin x}{x}}{1 + \frac{\sin x}{x}}$ бу тенгликдан эса лимит

ҳисобласак куйидаги кўринишга келади. $\lim_{x \rightarrow 0} \frac{x - \sin x}{x + \sin x} = \lim_{x \rightarrow 0} \frac{1 - \frac{\sin x}{x}}{1 + \frac{\sin x}{x}} = \frac{1-1}{1+1} = \frac{0}{2} = 0$

Мисол: $\lim_{x \rightarrow \pi} \frac{\sin 3x}{\sin 2x}$ функция лимитини ҳисобланг.

Ечиш: Бу функциянинг лимитини топиш учун аргументни нолга интиштириб ажойиб лимитга келтириб ҳисоблаш керак. Бунинг учун $x - \pi = t$ белгилаш киритамиз. Бунда $x \rightarrow \pi$ $t \rightarrow 0$ бўлади ва аргумент $x = t + \pi$ энди топилган ифодаларни юқоридаги тенгликка олиб бориб қўйиб куйидагига эга бўламиз. $\lim_{x \rightarrow \pi} \frac{\sin 3x}{\sin 2x} = \lim_{t \rightarrow 0} \frac{\sin(3\pi + 3x)}{\sin(2\pi + 2x)}$ бу тенгликда келтириш формуласидан фойдалансак у ҳолда тенглик куйидаги кўринишга келади.

$$\lim_{t \rightarrow 0} \frac{-\sin 3t}{\sin 2t} = -\lim_{t \rightarrow 0} \frac{\frac{\sin 3t}{3t} \cdot 3t}{\frac{\sin 2t}{2t} \cdot 2t} = -\frac{3}{2}$$

Мисол: $\lim_{x \rightarrow 0} (\cos 2x)^{1+ctg^2 x}$ функция лимитини ҳисобланг.

Ечиш: функция лимитини ҳисоблашдан олдин тригонометрик функцияларнинг баъзи хоссаларидан фойдаланиб соддалаштирамиз. У ҳолда ифода куйидаги кўринишга келади [3,5].

$$\lim_{x \rightarrow 0} (\cos 2x)^{1+ctg^2 x} = \lim_{x \rightarrow 0} (1 - 2\sin^2 x)^{\frac{1}{\sin^2 x}} = \lim_{x \rightarrow 0} (1 + (-2\sin^2 x))^{\frac{1}{-2\sin^2 x} \cdot (-2)} = e^{-2}$$

Хулоса. Юқоридаги каби мисолларни мактаб ўқувчиларига ўргатишдан мақсад нимадан иборат? Деган саволлар пайдо бўлиши мумкин. Лекин аслида кетма-кетлик ва функцияларнинг лимити функция ҳосиласининг асоси бўлиб ҳисобланади. Яъни функция лимитини тушунмаган ўқувчи функция ҳосиласини таъриф ёрдамида тушунтириб бўлмайди. Чунки функция ҳосиласи лимит билан чамбарчас боғлиқ тушунча бўлиб, функциянинг ҳосиласини лимит таърифисиз беришнинг иложи йўқ. Булардан келиб чиққан ҳолда албатта мактаб ўқувчиларига функция лимити тушунчасини тушунтириш ва

мисоллар ечиш кўникмасини хосил қилишимиз лозим. Лимитларга оид мураккаб мисолларни ҳам ўргатишимиз зарур, сабаби табиий ҳолки ҳар бир мактаб ва синфларда икtidорли, яхши ўзлаштирувчи ўқувчилар мавжуд. Шуларни инобатга олиб нафақат оддий балки функция лимитига оид мураккаб мисолларни ишлатиш лозим.

Адабиётлар:

1. Ш.О.Алимов, Ю.М.Колягин, Ю.В.Сидаров, Н.Е.Федарова, М.И.Шабунин. Алгебра ва анализ асослари: - 10-11 синфлари учун дарсли Тошкент- “Ўқитувчи” . 2001.
2. Ш.А.Алимов, О.Р.Холмухаммедов, М.А.Мирзааҳмедов “Алгебра” умумий ўрта таълим мактабларининг 8- синфи учун дарслик. “Ўқитувчи” нашриёти Тошкент-2011
3. Ш.А.Алимов, О.Р.Холмухаммедов, М.А.Мирзааҳмедов “Алгебра” Умумий ўрта таълим мактабларининг 9- синфи учун дарслик. “Ўқитувчи” нашриёти Тошкент-2002

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада биз кетма- кетлик ва функцияларнинг лимити учун ажойиб лимитларни мактаб ўқувчиларига ўргатишнинг осон ва қулай усуллари кўриб чиқамиз ва исбот қиламиз. Ажойиб лимитларга оид мисоллар ва уларни ечиш усуллари, лимитнинг тадбиқларини кўриб чиқамиз. Ажойиб лимитларни мактаб ўқувчиларига ўргатишдан мақсад шуки функция ҳосиласи жадвалини исботлаб келтириб чиқаришда қўллаймиз. Математикада ҳар бир формуланинг келиб чиқиши исботи мавжуд. Буларни мактаб ўқувчилари билишлари шарт сабаби мактаб ўқувчиларининг олий таълим шароитига тайёрлаш ва олий математика дарсларидаги ҳар бир теорема ва хоссаларнинг исботларини яхши тушуна олишлари учун мактаб шароитида олинган билим базаси етарли бўлиши керак.

РЕЗЮМЕ

Мы в этой статье рассмотрим простые и удобные способов обучит учащихся средних школ замечательные пределы и их доказательства для последовательностей и функций. Рассмотрим примеры и их решение, применение пределов. Основное цел обучение учащихся учеников замечательным пределом состоит из доказательств таблиц производных. В математика существует доказательство каждой формулы. Об этом должны знать каждый ученик средней школы поэтому для подготовки учеников средних школ к условиям высшего образования и хорошо осознали доказательство теорем и их свойств в уроках высшей математики база полученных знаний должно быть достаточным.

SUMMARY

In this article we will look at simple and convenient ways to teach secondary school students wonderful limits and their proofs for sequences and functions. Consider the examples and their solution, the application of limits. The main purpose of teaching students remarkable limits consists of evidence of tables of derivatives. In mathematics, there is proof of every formula. Every high school student should know about this, therefore, to prepare high school students for higher education conditions, they are well aware of the proof of theorems and their properties in higher mathematics lessons, the knowledge base should be sufficient.

НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ВОСИТАСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ МИСОЛИДА)

Халмухамедова М.А.

*Тошкент вилояти, Чирчиқ давлат педагогика институти “Технологик таълим”
кафедраси ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: компетентлик, касбий компетентлик, касбий компетентлик сифатлари, педагогик касбий компетентлик, педагогнинг индивидуал ривожланиш дастури, ўз-ўзини ривожлантириш, педагогнинг ўз устида ишлаши, педагогнинг ўз

устида ишлаш босқичлари, ўз-ўзини баҳолаш, тариқат, тасаввуф, тарки дунёчилик, Хожа, сайри-сулук, диний кадрятлар.

Ключевые слова: компетенция, профессиональная компетенция, педагогическая компетенция, индивидуальная программа развития, саморазвитие, педагогическая работа над собой, этапы работы педагога над собой, самооценка, мистический путь, суфизм, аскетизм, Ходжа, течение, религиозные ценности.

Key words: competence, professional competence, educational qualifications of professional competence, pedagogical program of individual development, self-development, teacher's work on himself, stages of the teacher's work on himself, self-esteem, heritage, mysticism, outlandishness, Hoja, religious values.

Ҳозирги шиддат билан ўзгараётган мамлакатимизда ҳамма соҳалар сингари таълим соҳасида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу ўзгаришларнинг асосий сабаби мамлакатимиз чуқур ислохотлар ва ўзгаришлар йўлидан кетаётганлигидир. Таълим тизимидаги барча ислохотлар келажак авлодни билими, маданиятли, маънавиятли этиб тарбиялашга қаратилгандир. Ушбу ислохотларнинг асосий ижрочиси, барча янгилик ва ислохотларни амалга татбиқ этувчи шахс бу педагогдир. Ушбу вазифаларни бажариш учун педагог энг аввало касбий компетентликка эга бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида асосан Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Қўйилган мақсадларни муваффақиятли амалга оширишда олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларини тайёрлашга ва уларни касбий компетентлигини ошириш катта аҳамият берилмоқда.

Компетентлик педагогнинг маънавий дунёқараши, психологик-педагогик ва ташкилий-технологик салоҳияти, яъни унинг касбий имкониятлари салоҳиятини тасвирлайди. В.П.Топоровскийнинг фикрича, компетентлик педагогнинг бошқарув йўналишидаги тушунчалари даражаси, унинг индивидуал қобилиятлари ва малакаси, ўзини-ўзи ривожлантиришга ва узлуксиз мустақил таълим олишга бўлган мойиллиги, интилишлари, шунингдек, замонавий талаблар асосида таълим жараёнини бошқариш имкониятлари орқали аниқланади.

Ҳар қандай фаолият жараёни шу ишни бажараётган инсондан компетентлик -ни талаб қилади, яъни ушбу фикрни мақол тарзида изоҳласак чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин. Бу ўзбек мақоли ҳам бизнинг халқимиз нақадар ҳар бир ишни бажарганда, исталган фаолиятни олиб борганда ишни мукамал бажаришга катта аҳамият беришини ёрқин ифодасидир. Педагогнинг касбий компетентлигини оширишга жуда кўп факторлар таъсир кўрсатади. Ушбу фаолият педагогнинг бевосита ўқувчи билан бўлган муносабати, билим бериш, тарбия бериш, ўзаро тил топишиш, ўзининг билим ва кўникмаларини ўқувчига етказа олиш ҳусусиятларидан ташкил топади. Педагог ҳамкорликда фаолият кўрсатиш вазиятларга кўра педагогик услубларидан оқилона фойдаланиш кўникмасига эга бўлмоғи лозим. Демак, педагогнинг касбий компетентлиги уларнинг таълим жараёнини илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш йўналишидаги тушунчалари даражаси, ташкилотчилик, тадқиқотчилик, бошқарувчилик, педагогик қобилияти ва кўникмаси, ўзини-ўзи ривожлантиришга ва узлуксиз мустақил таълим олишга бўлган мойиллиги, таълим жараёни фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва такомиллаштириш имкониятлари орқали аниқланади деб айтишимиз мумкин. Булғуси педагог кадрларни тайёрлашда шуларни барчасига аҳамият беришимиз керак. Бу ўринда биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг: “Кадрлар тайёрлашнинг сифати, эркин фикрловчи шахс-фуқарони камол топтириш

эртага синфхоналар ва аудиторияларда кимлар дарс ва сабоқ беришига боғлиқ” деган гаплари жуда ўринлидир.

Олий таълим ривожининг муҳим шарти кадрларни тайёрлаш тизимининг мукамал бўлиши, бу борада фақатгина замонавий ва ғарб олимлари меросидангина эмас, балки ўз юртимиздан чиққан олим ва мутафаккирларининг бой маънавий ва маърифий меросидан фойдаланиш лозимдир.

Юртимиздан чиққан улуғ алломалар, мутафаккирлар, шарқ халқлари тафаккурини асрлар давомида нурафшон этиб, халқимизнинг маънавияти ва маърифатига чуқур таъсир ўтказган Ислом дини кейинги даврларда ҳам ҳеч қачон ўз кўлида мутлак ҳокимиятни тўпламаган, балки доимо ҳукмдорлар ёнида жамиятнинг ахлоқий қонуни ролини ўйнаган, маърифий, тарбиялаш ва меҳр-шавқат, инсонпарварликка даъват қилувчи функцияларни бажарган. Энг биринчи гада эътиқодни, ҳалол турмуш, пок руҳият ва илм асосида комилликни ёқлаган, шунга етакловчи куч бўлган.

2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарорлари, жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган юртимиздан етишиб чиққан мутафаккирларнинг маънавий меросидан ҳозирги замон фан ва таълим, тарбияни ривожлантиришда қўллаш заруриятини туғдирди. Бунда юртимиз ва мусулмон дунёсида жуда катта обрўга эга бўлган Нақшбандия тариқати мисолида эришмоғимиз мумкин.

Диний ва дунёвий билимларни узвий боғлаб, миллий қадриятларимизни унутмаган ҳолда уларни талабаларда касбий компетентликни ривожлантиришга йўналтиришимиз лозимдир.

Нақшбандия тариқати ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмади. Диний қадриятлар ёлғиз диний қондалар, кўрсатмалар, тамойиллардан иборат бўлибгина қолмай, кишилар ўртасида маънавий ахлоқий, сийсий, ҳукисодий, ибрат қуқий ва бошқа муносабатларнинг ҳам ифодасидир. Баҳоуддин Нақшбанд ёш авлоднинг меҳнат тарбиясига тўхталар экан, касб-ҳунар орқали ҳалол луқма топиш лозим эканлигини алоҳида таъкидлаганлар. Нақшбандия тариқатнинг асосий ғояси инсонни юсакликка элтвучи сифатида ақл-идрок ва меҳнат ётади. Баҳоуддин Нақшбанд ўзининг тасаввуф таълимоти билан халқимиз маънавиятини ривожлантириш ва мусулмон халқлари маданиятининг тараққиёти ҳамда ривожига улкан ҳисса қўшган пираларимиздан биридир.

Шундан келиб чиқиб, биз нақшбандия тариқати илмий меросини олий таълим муассасалари талабаларида кенг тарғиб этиш ва бунинг натижасида бўлғуси педагогларда унинг устоз-шогирд аъаналари, шогирднинг маънавий ва касбий кўникмаларни ошириш учун тинмай ўз устида ишлашга, баркамол шахс сифатида камол топишига ёрдам бериш нуктаи назардан ўрганиш зарурати мавзу долзарблигини белгилайди. Зеро буюк аждодларимиз бой маънавий-маърифий мероси, улкан тажрибаси, қадрият ва аъаналари ҳозирги давр авлодлари учун буюк мактаб вази-фасини ўтамоғи лозим.

Технологик таълим йўналиши талабалари асосан амалий машғулотларда касбий компетенцияга эга бўлмоғи, бунда Нақшбандия тариқати илмий меросидан кенг фойдаланиш лозимлигига бир қанча сабаблар мавжуд. Булар

- Нақшбандия тариқатида бошқа тариқатлар сингари таркидунёчилик эмас балки ҳалол меҳнат, қўл меҳнати билан кун кўриш лозимлиги ўқтирилади;

- Нақшбанднинг фалсафий, ахлоқий-эстетик қарашларини ўрганиш ва алломанинг илгор таълимотини таълим соҳасига, чунончи касбий компетенцияни ривожлантиришга йўналтириш мумкиндир;
- Нақшбанд ва нақшбандия тариқати аҳлининг бунёдкор қалби ва эзгу амали талабаларда касбий компетенцияни тарбиялашда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қила олади;
- Нақшбандия тариқати намоёндаларининг барча соҳада мукамалликка интилиши талабаларда касбий компетенцияни ривожлантиришга намуна бўла олади;

Қадимда дунёвий илм вакиллари диний билимлардан хабардор бўлганидек, диний илмлардан воқиф инсонлар дунёвий илмлардан хабардор бўлганлар. Диний илимлар ҳам дунёвий илимлар билан бирга ривож топди. Калом, ҳадис, фикҳ, тавсир, тасаввуф уларнинг асосийларидир.

Технологик таълим талабаларида компетентлик технология соҳасида билим ва амалий тажрибаларнинг йиғиндиси ёки аниқ иш жойи, ёки бажарилаётган ишнинг ўзгариб турадиган талабларига мос таъсир қилишга имкон берадиган умумий ва касбий тайёргарлик даражасидир.

Касбий компетентлик- касбий фаолиятга оид масалаларни ҳал этишда билим ва кўникмаларни амалий тажрибада самарали қўллай олиш қобилиятидир.

Касбий компетентликка эришиш йўлари турлича. Бунда инсон биринчи ўринда ўз касби фаолиятдан келиб чиқиб чуқур билимларга эга бўлиши лозим. Бунга эришмоқ учун талабага ОТМ профессор-ўқитувчилари томонидан берилган билимлар етарли бўлмайди. Талаба билим доирасини кенгайтириш учун мустақил ўқиши, билим олиши лозимдир. Ушбу билимларни биз ихтисослик билимлар сирасига киритсак бўлади.

Компетенция – бу кутилган натижага олиб келувчи фаолият белгисидир. У билим маҳсули бўлиб, мутахассис томонидан уни амалиётда қўллай олиш қобилиятидир. Компетенциянинг билимдан фарқи шундаки, вазифани амалий бажармасдан туриб, уни аниқлаб ҳам, баҳолаб ҳам бўлмайди.

Масалан технологик таълим йўналиши талабалари педагогик назарияни мукамал билишлари билан бир қаторда ўзлари келажакда мактабда дарс берадиган фани технология фанидан чуқур билимга эга бўлишлари лозим. Технология фанида асосан назарий билимлар билан бир қаторда амалий кўникмаларга эга бўлиш лозим. Масалан фартуқни бичиб тикиш. Бунда ўқитувчи ушбу фартуқни бичиш ва тикишда мукамал малака ва кўникмага эга бўлиши керак. Шундагина уни компетентлигини кўришимиз мумкин. Чунки ўқитувчи фартуқ тикишни фақатгина гапириб тушунтирмасдан, балки уни тикиб кўрсатади. Бу билан биз бўлажак технология фани ўқитувчисини масалан тарих ёки адабиёт ўқитувчисидан фарқини кўришимиз мумкин.

Малака компетентликнинг муҳим мезони бўлиб, у турли ҳолатларда, шу қатори муаммоли вазиятларда ҳам бир неча бор қўллаш натижасида намоён бўлади. Малакага эришмоқ учун бўлгуси технология фани ўқитувчиси ОТМда амалий машғулотларда олган билимларини дардан сўнг қўшимча бажариш натижасида ривожлантириши лозим.

Ушбу малака ва кўникмаларни ривожлантириш борасида тадқиқотларимиз Нақшбандия тариқати илмий меросидан фойдаланишимиз лозимлигини кўрсатади.

Тасаввуф, суфийлар деганда биз кўп ҳолларда таркидунё қилган, дунё лаззатларидан воз кечиб ўзини фақат Аллоҳга бағишлаган инсонларни кўз олдимишга келтирамиз. Лекин Нақшбандия тариқатининг бошқа тариқатлардан фарқи шундаки,

у “Дил-ба ёр-у, даст-ба кор” – (“Кўнгил Аллоҳда бўлсин-у, қўл иш билан банд бўлаверсин”) шиори орқали тарки дунёчилиқни эмас, балки ҳалол меҳнат билан ризқ топишни, лекин бунда қалбида Аллоҳ бўлишини тараннум этади. Ушбу шиор Нақшбандийнинг асл моҳиятини кўрсатади. Нақшбандия тариқатида инсон кўзлаган ниятига эришмоқ учун тинмай меҳнат қилади, ўқийди, ўрганadi, тиним билмайди. Ушбу фазилатларни ҳозирги давр талабаларида шаклантирсак, бизнинг талабаларимиз ҳар томонлама билимли ўз касбининг етук мутахассиси бўлар эдилар. Зеро Нақшбандия тариқатининг асл негизи ўз халқига, касбига, ишонган дилидаги Аллоҳга нисбатан фидоийлигидир. Бунда инсон керак бўлса ўзлигидан кечиб ўзи ишонган ишига бор меҳрини ва ҳаётини бағишлайди. Бу эса устоз, ўқитувчининг асосий ҳислати бўлмоғи лозим. Талаба ҳар қандай соҳани ўрганганда ишни мукаммал бажариши лозимлиги унинг касбий компетентлигини таъминлайди.

Н.А.Муслимов илмий изланишларида касбий компетенцияларнинг бир қанча турларини кўрсатади. Ушбу компетенция турларини ҳар бирини Нақшбандия тариқати мисолида ривожлантириш мумкин.

Хожа Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд ҳазратлари болалик ҳамда камолот чоғларида Саййид Амир Қўлол ҳазратларининг хизматларида бўлдилар. Яъниким уларнинг устози Саййид Амир Қўлол ҳазратлари бўлганлар. Шу билан бирга Хожа Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд ҳазратлари маънавий жиҳатдан Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний раҳматуллоҳ алайҳга боғландилар ва у зотнинг таълим – тарбия ҳамда сайри-сулукка оид барча илмларини жамлаб муҳофаза қилдилар. Бу Хожа Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд ҳазратлари ўзларидан икки аср олдин яшаган Хожа Абдулҳолик Ғиждувонийни ўз устозлари деб билиб уларнинг таълимотларини ўрганиб ривожлантирганларидан далолатдир. Бу борада бўлғуси педагоглар улардан мустақил илм олиш ва аждодларимиз маънавий, маърифий меросидан тўғри фойдаланиш сирларини ўрганмоқлиги лозимлигининг яна бир бора исботидир. Н.А.Муслимовнинг - ўз устида ишлаш компетенциясида Нақшбандия тариқатидан фойдаланишимиз лозимлигининг яққол ифодасидир.

У киши ижтимоий хизматларга ҳам алоҳида эътибор берар эдилар. Бу борада Н.А.Муслимов компетенциянинг турларидан бири - ижтимоий компетенция – ҳамкорликдаги касбий фаолиятни эгаллаш, ўз меҳнати натижаларига ижтимоий жавобгарликда ҳам Нақшбандия меросидан фойдаланишимиз мумкинлигини кўрсатади.

Н.А.Муслимовнинг -мулоқотчанлик компетенцияси – тил билиши, турли хил инсонлар билан мулоқотда бўлиши, жамоада ўзига хос ўринда туришида ҳам Хожа Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд ҳазратларини ўрнатқанида кўрсатишимиз мумкин. Хожа Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд ҳазратлари: «Йўлимиз суҳбат йўлидир. Суҳбатни тарқ этган, йўлни ҳам тарқ этган бўлур», дер эдилар.

Ижтимоий-фойдали меҳнат компетенцияси – жамият ривожидagi иштироки, ижтимоий фойдали меҳнат қилиши, иқтисодий ва ҳуқуқий кўникмаларга эга бўлиши. Бу бир томондан замонавий ҳаётга тўғри келадиган тушунчалар бўлсада

Хожа Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд ҳазратларининг ҳар доим кўчаларни озода тутиш, хайвонларга ем бериш ва уларни даволаш ишлари билан машғул бўлганларини айтишимиз жоиздир.

Умумаданий-миллий ва умуминсоний кадриятларга эга бўлиш компетенцияси – мамлакатнинг ҳаётида иштирок этиши, миллий урф-одатларга ҳурмат, ижтимоий кўникмаларга эга бўлиши, илм фаннинг янгиликларини инсон ҳаётидаги ўрни ва бу маълумотларни тушунтира олиши. Бу компетенция тадқиқотимиз асоси бўлган

Нақшбандия тариқати илмий меросини бўлғуси педагогларда ўргатиш заруратини исботидир.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” Тошкент-2008
2. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш / Монография. – Т.: Фан, 2004.
3. Муслимов Н.А., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси/ Монография. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013.
4. Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф “Тасаввуф ҳақида тасаввур” - Тошкент 2004
5. Тайланова Ш.З. Бўлғуси педагогларда кадрлар тизимини ривожлантиришнинг фалсафий методологик асослари. // Самарқанд давлат университети илмий тадқиқотлар ахборотномаси. – Самарқанд, 2019. - №5. – Б.40-45. (13.00.00; №7).
6. Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. –Т.: «Ёзувчи», 1997.
7. Комилов Н. Тасаввуф. 2-китоб. –Т.: «Ўзбекистон», 2000.
8. Салим С. Бухорий. Дилда ёр. –Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашри., 1992.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бўлажак технологик таълим йўналиши талабаларининг касбий компетентлигини оширишда Нақшбандия тариқати илмий меросидан фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш ўз аксини топган.

РЕЗЮМЕ

В статье отражены способы совершенствования профессиональных навыков у студентов технологического обучения с помощью научного наследия Нақшбандия.

SUMMARY

The article reflects the improvement of the technology of using the scientific heritage of Naqshbandiya to improve the professional competence of future students in the field of technological education.

ANIQ EMAS INTEGRALNI HISOBLASH USULLARI MAVZUSINI O‘QITISHDA KLASTER METODIDAN FOYDALANISH

Radjabov B.SH.

TVChDPI texnika fanlari doktori, professor

Matmurodov A.K, Abdullayev SH. A.

TVChDPI magistirlari

Таянч сўзлар: кластер методи, интеграл, фойдаланиш, усуллар, математика, ўқитиш, функция, ўқитувчи, интерактив тизим.

Ключевые слова: кластерный метод, интеграл, использование, методы, математика, обучение, функция, учитель, интерактивная система.

Key words: cluster method, integral, use, methods, mathematics, learning, function, teacher, interactive system.

“Ta’limto’g’risida”gi va “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi to’g’risida”gi O’zbekiston Respublikasi qonunlariga, 2017-2021- yillarga mo’ljallangan “O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha Harakatlar strategiyasi”, 2018 yil 5 sentabrdagi “Xalq ta’limi tizimiga boshqaruvning yangi tamoyillarini joriy etish chora-tadbirlari to’g’risida”gi PQ-3931-sonli qarori, shuningdek O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 6 apreldagi “Umumiy o’rta va o’rta maxsus, kasb-hunar ta’limining davlat ta’lim standartlarini tasdiqlash to’g’risida”gi 187-sonli qaroriga muvofiq, ta’lim bosqichlarining uzluksizligi va izchilligini ta’minlash, ta’limning

zamonaviy metodologiyasini yaratishni yanada takomillashtirishni taqozo etadi. Bunday muammoni hal etish mavzu bo'yicha uslubiy, didaktik va varitiv yondashuvlarni bir tizimga keltirib, interaktiv tizim orqali mavzuni o'tish tavsiya etiladi. Bu yo'nalishdagi ilmiy izlanishlar shuni ko'rsatadiki, mavzuni tizimli o'rgatishda ta'limning klaster metodidan foydalanish yuqori samara beradi. So'ngi yillarda jaxon miqyosida ta'limning klaster metodi, o'zining mohiyati jihatidan, umumta'lim maktablarida matematika fanini samrasini bermoqda. Respublikamizda bu yo'nalishda pedagogika oliy – o'quv yurtlari bilan bir qatorda ilmiy markazlar, o'qituvchilar malaka oshirish markazlari bilan hamkorlikda izlanishlar olib bormoqdalar. Matematika fanini o'qitishda klaster metodini qo'llash asnosida bu fanning xususiyatidan kelib chiqqan holda uni "loyihalab" o'qitish uslubini o'qituvchi yaxshi bilishi kerak. Umumta'lim maktablarning yuqori sinflarida (10-11 sinflarda) matematik analiz elementlari – funksiya xosilasi, aniqmas integrali va aniq integrali mavzulari o'rganiladi.

Umumta'lim o'rta maktablarning yuqori sinflarida, litsey va kollejlarning 3-kursida va universitet va pedagogika institutlarining tegishli yo'nalishlarida matematik analiz fani doirasida "Aniqmas integralni xisoblash usullari" mavzusi o'rganiladi. O'quvchi va talabalarda aniqmas integralni, boshlang'ich funksiyani topish xosilani hisoblash amaliga teskari amal sifatida bayon etiladi. Bunda o'quvchi yoki talaba integral ostidagi funksiya sodda bo'lgan hollarda xosila jadvalidan foydalangan holda integralni hisoblaydi. Ammo integral ostidagi funksiya murakkab bo'lgan hollarda itegrallash jarayoni murakkablashadi. Ana shunday xolatda o'quvchi va talabaga integral ostidagi funksiya qaysi sinfga tegishli va shu sinfga tegishli ekanligini aniqlash va integrallashda qanday usullardan foydalanishni bilish o'ta muximdir. Ularning amaliy tadbirlari ham qisman bayon etiladi. Bu mavzuga tegishli tushunchalar ta'riflar orqali berilib asosiy xossalari tegishli teoremlar orqali isbotlanadi. Ammo tajriba shuni ko'rsatadiki, aksariyat xollarda o'quvchilar bu mavzularning mazmun-mohiyatiga yetib borishida muammolarga uchraydilar. Buning sabablaridan biri masalan "Aniqmas integral va uni hisoblash usullari" mavzusini o'qituvchi tomonidan bayon etilganda tushuncha va xossalar kompleksining yaxlitligi kuzatilmaydi. Bunday yaxlitlikni ta'minlashda didaktik vositalar formulalar orqali ifodalangani uchun mavzu o'zlashtirilishi murakkablashadi. Bunday muammoni hal etish mavzu bo'yicha uslubiy, didaktik va varitiv yondashuvlarni bir tizimga keltirib, interaktiv tizim orqali mavzuni o'tish tavsiya etiladi. Bu yo'nalishdagi ilmiy izlanishlar shuni ko'rsatadiki, mavzuni tizimli o'rgatishda ta'limning klaster metodidan foydalanish yuqori samara beradi. So'ngi yillarda jahon miqyosida ta'limning klaster metodi, o'zining mohiyati jihatidan, umumta'lim maktablarida matematika fanini samrasini bermoqda. Respublikamizda bu yo'nalishda pedagogika oliy – o'quv yurtlari bilan bir qatorda ilmiy markazlar o'qituvchilar malaka oshirish markazlari bilan hamkorlikda izlanishlar olib bormoqdalar. Matematika fanini o'qitishda klaster metodini qo'llash asnosida bu fanning xususiyatidan kelib chiqqan holda uni "loyihalab" o'qitish uslubini o'qituvchi yaxshi bilishi kerak. Klaster metodi - pedagogik, didaktik strategiyaning muayyan shakli bo'lib, u ta'lim oluvchilarga ixtiyoriy muammo (mavzu) lar xususida erkin, ochiq o'ylash va fikrlarni bemaolol bayon etish uchun sharoit yaratishga yordam beradi. Mazkur metod turli xil g'oyalar o'rtasidagi aloqalar fikrlash imkoniyatini beruvchi tuzilmani aniqlashni talab etadi.

“Klaster” metodidan foydalanish tavsifi

Aniqmas integralning klassik ta’rifi [2,6]. Agar (a,b) da $f(x)$ funksiya biror $F(x)$

1-bosqich. O’rganailayotgan mavzuga oid barcha ma’lumotlarni to’plash va tizimlashtirish.


2-bosqich. Mavzuga oid mantiqan tugallangan fikrlarning mantiqiy bog’liqlik bosqichlarini aniqlash va maqsadni shakllantirish (soddadan murakkabga).

3-bosqich. Belgilangan vaxt ichida yetmaguncha, o’rganilayotgan mavzu doirasida xar bir bosqichga oid g’oyani o’ylang va uning to’g’ri yoki noto’g’ri bo’lishi haqida qisqich tahlil o’tkazing.


4-bosqich. Muayyan tushuncha doirasida imkon qadar ko’proq yangi g’oyalarni ilgari tushish hamda ma’kurr g’oyalarni o’rnatilgan o’ranga aloqadorlik va bog’liqlik nuqtasiga qarab oling. G’oyalarni yig’indisidagi izlarni va ular o’rtasidagi aloqalarni ko’rsatishni cheklamay.

funksiyaning hosilasiga teng, ya’ni (a,b) intervaldan olingan ixtiyoriy x uchun $f(x)$ funksiyaning boshlang’ch funksiyasi deyiladi. Ravshanki, agar biror oraliqda $F(x)$ funksiya $f(x)$ ning boshlang’ich funksiyasi bo’lsa, u holda ixtiyoriy

C son uchun $F(x)+C$ funksiya ham $f(x)$ ning boshlang’ich funksiyasi bo’ladi, chunki $(F(x)+C)’=F’(x)=f(x)$. Geometrik nuqtai nazardan bu teorema $f(x)$ funksiyaning aniqmas integrali $y=F(x)+C$ bir parametrlil (1-rasm) egri chiziqlar oilasini ifodalaydi (C -parametr). Bu egri chiziqlar oilasi quyidagi xossaga ega: egri chiziq larga absissasi $x=x_0$ bo’lgan nuqtasida o’tkazilgan urinmalar bir-biriga parallel bo’ladi.



Ma’lumki, yuqorida aytigan mavzu puxta o’rganilganda aniq integralni xisoblash jarayonlari ancha soddalashib o’quvchi va talaba ongiga singadi. Aniqmas integralni xisoblashda klassik metodlardan tashqari so’ngi yillarda pedagogikaga kirib kelgan klaster usulidan foydalanish, masalaning tizimli va samarali yechimiga olib kelishi nazariya va amaliyotda kuzatildi. Shunga ko’ra klaster metodini aniqmas integralni xisoblash usullari misolida ko’rib chiqamiz.




O’zgaruvchini almashtirish usuli. Integralda o’zgaruvchini almashtirish usulining mohiyati shundan iboratki, unda integrallash o’zgaruvchisi x ni biror $x=\psi(t)$ formula yordamida t o’zgaruvchi bilan almashtiriladi. Endi

$$x=\psi(t), dx=\psi'(t)dt \text{ ifodalarni } f(x)dx \text{ ga qo'yamiz: } f(x)dx=f(\psi(t))\psi'(t)dt(1)$$

Agar $f(\psi(t))\psi'(t)$ funksiyaning boshlang’ich funksiyalaridan biri $F(t)$ bo’lsa,

$$\int f(x)dx = \int f(\psi(t))\psi'(t)dt = F(t) + C = F(\psi^{-1}(x)) + C$$

kelib chiqadi. (1) formula aniqmas integralda o’zgaruvchini almashtirish formulasi deb ataladi. O’zgaruvchini almashtirish usulidan foydalanib aniqmas integralni hisoblashda almashtirishni qulay tanlab olish muhim hisoblanadi. Ixtiyoriy integralni hisoblashda o’zgaruvchini almashtirishning umumiy qoidasi yo’q. Bunday qoidalarni ba’zi funksiyalar (trigonometrik, irratsional va boshq.) sinflari uchun keltirish mumkin.



Bunda, klaster metodidan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Bu usul ikki funksiya ko'paytmasining differensial formulasi kelib chiqadi. Ma'lumki, agar $u(x)$ va $v(x)$ funksiyalar differensiallanuvchi funksiyalar bo'lsa, u holda $d(uv)=udv+vdu$ yoki $udv=d(uv)-vdu$ bo'ladi. Bu tenglikni ikkala tomonini integrallasak,

$$\int udv = \int d(uv) - \int vdu, \text{ yoki } \int udv = uv - \int vdu$$

formula hosil bo'ladi. Bu formula bo'laklab integrallash formulasi deyiladi. Klaster metodida bo'laklab integrallash usuli doirasida yechiladigan misollar majmuasi shakllantirib, integral ostidagi funksiyaning umumiy ko'rinish belgilari aniqlanadi. Xuddi shu kabi, differensialning invariantligi (xosila yordamida integrallash), integral o'zgaruvchisini almashtirish metodlari uzviylikda bayon etilib, darsliklardagi misollar majmualari tegishli belgilar asosida klassifikatsiyalanadi. Ya'ni misol va masalalar majmuasini metodlarga mos belgilar asosida sinflarga ajratiladi. Keyingi bosqichda boshqa funksiyalar sinflanishli gruxlarga ajratib, klaster metodi asosida unga mos, jumladan trigonometrik almashtirishlar yordamida integralni hisoblash, sodda irratsional funksiyalarni integrallash, integralni eyler almashtirishlari yordamida hisoblash va binomial differensialni integrallash usullarini qo'llash mavzuni o'rganishda yaxlitlikni ta'minlaydi. Bu esa o'quvchilarda matematik masalalarni yechishda mustaqil fikrlash va to'g'ri qaror qabul qilishga yordam beradi.

Адабиётлар:

1. B.Q.Haydarov, D.E.Davletov, J.Y.Saparboyev. Matematika fanini o'qitish metodikasi moduli bo'yicha o'quv-uslubiy majmua. TDPU, Toshkent – 2018. 196 b.
2. Ishmuxamedov R.J., Yuldashev M. Ta'lim va tarbiyada innovatsion pedagogik texnologiyalar.– T.: "Nihol" nashriyoti, 2013, 2016.–279b.
3. Toshmetov O'., Turgunbayev R., Saydamatov E., Madirimov M. Matematik analiz I-qism. T.: "Extremum-Press", 2015. -259-270 b.
4. Pontryagin L. S. Matematikanaliz.—Toshkent: «O'qituvchi», 1988.
5. Turdiyev N.SH., Asadov Y.M., Akbarova S.N., Temirov D.SH. Umumiy o'rta ta'lim tizimida o'quvchilarning kompetensiyalarini shakllantirishga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyalari, T.N.Qori Niyoziy nomidagi O'zbekiston pedagogika fanlari ilmiy-tadqiqot instituti, T.:2015-160 b.
6. Yunusova D.I. Matematikani o'qitishning zamonaviy texnologiyalari, (darslik) T.: 2007–258 b.

РЕЗЮМЕ

Maqolada o'rta maktablarning 11-sinflarida o'qitiladigan "aniqmas integrallarni xisoblash usullari" modulini o'qitishda innovatsion klaster metodidan foydalanishga yondoshuv masalasi ko'rib chiqilgan. Bunday yondoshuvning pedagogik va didaktik tamoillari ilmiy asosda shakllantirilgan. Shuningdek inovatsion klaster metodining matematika fanini o'qitishdagi afzalliklari bayon etilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрен подход к использованию инновационного кластерного метода при преподавании модуля «методы вычисления неопределенного интеграла», изучаемого в 11-классах средних школ. Формированы педагогические и дидактические аспекты данного подхода. Изложены преимущественные аспекты использования инновационного кластерного метода при преподавании математики.

SUMMARY

The article discusses the approach to using the innovative cluster method when teaching the module «methods for calculating the indefinite integral», studied in 11-grades of secondary schools. The pedagogical and didactic aspects of this approach are formed. The primary aspects of using the innovative cluster method in teaching mathematics are outlined.



БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ЯРАТИШДА ХАЛҚ ҶЙИНЛАРИ

Болиева Л.Ш.

*ТВЧДПИ “Мақтабгача ва бошлангич таълим” факультети
Мақтабгача таълим кафедраси ўқитувчиси*

Таянч сўзлар: мактабгача таълим, баркамол, авлод, халқ ўйинлари, соғлом турмуш тарзи, миллий урф-одатлар.

Ключевые слова: дошкольное воспитание, гармоничные, поколенческие, народные игры, здоровый образ жизни, национальные традиции.

Key words: preschool education, harmonious, generational, folk games, healthy lifestyles, national traditions.

Мустақил мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий сиёсатнинг бош негизи – жамиятнинг онгли, ҳар жиҳатдан комил аъзосини вояга етказиш, унинг камолоти учун барча шароитларни яратиш ва шу орқали давлатнинг ривожланиши, истиқболини таъминлашдир.

Соғлом турмуш тарзини яратишдаги асосий восита бу таълим-тарбия жараёнидир. Халқ ўйинлари эса таълим-тарбия, айниқса, жисмоний тарбия ишларининг самарадорлигини ошириб, болажонларни соғлом турмуш тарзига тайёрлашда жисмоний машғулотларнинг ўрнини қоплайди, тўлдирди ва мустаҳкамлайди.

Дарҳақиқат, ўйинлар болалар учун “Ҳаётга тайёрланиш мактабгача таълимда” бўлиб, уларни жисмоний, ақлий ва руҳий ривожланишига хизмат қилади. Ўйин бола онги, тафаккурини ўстириб, хотира, диққат, иродасини мустаҳкамлайди, жисмоний, руҳий ҳиссий (эмоционал) тараққий эттиришга хизмат қилади. Шунингдек, ўйин болани катта ҳаётга тайёрлашда машқ вазифасини бажариб, келажакда ҳаётда дуч келинадиган турли ҳолатларга маънавий тайёрлайди. “Агар бола ўйинда ҳалол ўйнаса, кейинчалик ҳаётда ҳам ҳалол бўлади” ёки “Боланинг ўйиндаги ҳаракатига қараб, унинг қандай одам бўлишини айтиш мумкин”, деган нақллар бекорга айтилмаган.

Болалар билан ўйинларни ўйнашда аввало биринчи галдаги вазифа уларни машқларга тайёрлашдир. Тайёрлаш жараёнида ўқитувчи ўзаро суҳбат, мунозара услубидан фойдаланади. Бунда ўқитувчи маълум халқ ўйини ҳақидаги саволни ўқувчилар ўртасига ташлайди. Мактабгача таълимда болажонлар бу халқ ўйини ҳақида ўзларининг билган маълумотларини айтадилар, саволари бўлса, ўқитувчидан сўраб билиб оладилар.

Маълумки, кўп халқ ўйинларини болалиқдан ўйнаганлари сабабли, уларнинг кўпчилиги маълум даражада таниш бўлиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, жисмоний тарбия йўриқчиси томондан болажонларга унча таниш бўлмаган, аммо қизиқарли, фаол амалий ҳаракатларни ўзида жамлаган халқ ўйинларини машғулот учун танлаб, саралаб олиши керак. Бунда болаларнинг қизиқиши, хоҳишлари ҳам инобатга олиниши

зарур. Албатта, бу каби суҳбат ва мунозаралар энгил машқларни бажариш фониди ташкил қилиниши мумкин. Мунозара қисмида ўқувчиларнинг халқ ўйинлари тури, унинг тарихи, ўзига хос хусусиятлари, уларда халқимизнинг илгари сурган эзгу умуминсоний ғояларининг мазмун-моҳияти болаларга етказилади.

Ҳар бир халқ миллий ўйини ҳаракатга чанқоқ болаларучун юқори кўтаринкилик, байрамона руҳда ўтказилиши лозим. Халқ миллий ўйинлари ижобий туйғулар ўйғотади, ҳаракат фаоллигини оширади ва уни рағбатлантиради. Ўйинларни ташкил қилиш ва ўтказиш учун кўп деганда 8-10 секунд вақт кетади.

Болалар ўйинларини мустақил, жисмоний тарбия йўриқчиси бошчилигида ўтказишлари мумкин.

Аммо таъқидлаш керакки, таълим-тарбия жараёнида халқ ўйинларидан фойдаланиш орқали соғлом турмуш тарзини яратишга фақатгина дарс машғулотилари ёки синфдан ташқари ишларда эришиб бўлмайди, албатта. Чунки Илк қадам дастурида белгиланган соатлар бу борадаги машқларни тўлақонли бажариш ёки ўзлаштириш учун етрали вақт ҳисобланади, дегани эмас. Бунда асосий жараён ўқувчиларнинг оиладаги фаолиятидир. Демак, оилада ота-оналар жисмоний тарбия машғулотиларида фарзандлари ўзлаштираётган машқларни мустақил бажаришларига кўмаклашиб, уларга вақт ажратган ҳолда, бирга машқ олиб борсалар, бу масала кутилган натижаларни бериши шубҳасиз.

Ана шундай ўйинлардан бир гуруҳини синфда ва синфдан ташқари машғулотларда болалар билан биргаликда ўйнаш соғлом турмуш тарзини яратишда ўзига хос омиллардан бири бўлиши мумкинлигини таъқидлаган бўлардик. Жумладан,

“Қармоқча ўйини”. “Қармоқча” - халқимизнинг қадимий ўйинларидан бўлиб, уни очик хавода ёки бино ичида жисмоний тарбия дарсларида ҳамда танаффус вақтларида ўтказиш мумкин. Ўйин учун 3-4 метрли арқонча керак бўлади. Арқончанинг бир учига кичик халтачада қум ёки қипиқ боғлаб қўйилади.

Ҳамма ўқувчилар доира ҳосил қилиб турадилар. Бошловчи доира ўртасида туриб, арқончанинг ўз атрофида айлантира бошлайди. Арқонни айлантирганда, халтача ердан баланд кўтарилмаслиги лозим. Ўйинчилар оёқларига халтача тегиб кетмаслиги учун сакраб турадилар. Арқон учига боғланган халтача ўйинчининг оёғига тегса, у қармоқча илинган ҳисобланади ва доира ўртасига чиқади. Энди бу ўйинчи бошловчи сифатида арқонни айлантира бошлайди.

Ўйин ниҳоятда оддий ва қизиқарли бўлганлиги учун ўқувчилар унда ўз маҳоратларини намоиш қила оладилар. Ким чакқон ва хушёр бўлмаса, қармоқча илинаверади. Ўртага тушган ўйинчилар бу ўринда узок туриб қолмасликлари учун ўйинчиларни тезроқ қармоқча илантириб олишга ҳаракат қилинади, яъни арқоннинг айлиниш тезлигини оширади ёки пасайтиради. Ўйиннинг қизиқроқ ўтиши ўқувчига боғлиқ.

Ўйинни мураккаблаштириш, яъни ўйинчилар қўлига копток бериб, улар ўйин давомида коптокни бир-бирларига узатиб туришлари мумкин.

Бу ўйин болаларни хушёрлик ва чанқоқликка ўргатади, оёқ мушаклари кучининг ошишига, мия вестубуляр аппаратини ривожлантиришга, эпчиллик қобилиятини мустаҳкамлаш ва оширишга хизмат қилади.

“Доирада торт ўйини”. Ерга ёки полга ўйин иштирокчиларининг сонига қараб доира чизилади. Ўйинчилар бир-бирларини қўлларидан ушлаган ҳолда доира атрофида чизилган чизик ташқарисида қўл ушлашиб туришади. Бошқарувчининг буйруғи билан ўйинчилар бир-бирлари билан доирага тортиб киритишга ҳаракат қиладилар. Доира чизигидан ичкарига қадам қўйишга мажбур бўлган ўйинчи ўйиндан чиқади, ўйин давом этади.

Ўйинчилар камайган сари доира ҳам кичикроқ бўлиб боради. Ҳаммадан кейин қолган ўйинчи кучли ва эпчилдир.

“Тортишмачоқ” ўйини. Майдон ёки катта хона марказидан икки томонга ораси 3 метрдан иккита чизик ўтказилади. Иккала команданинг ўйинчилари узун арконнинг икки томонига ўтиб, уни қўлларига олиб турадилар. Бунда арконнинг ўртаси белгилаб қўйилади. Бу белги марказий чизик устида туриши лозим. Раҳбарнинг сигнали билан ҳар қайси команда арконни ўз томонига тортади. Ўйинчиларнинг уч марта уринишларидан сўнг рақиб командасини икки марта чизикдан тортиб олган команда ғалаба қилади.

Ўйин қондаси:

1. Фақат раҳбарнинг сигналдан сўнг тортиш мумкин.
2. Сигнал берилгунга қадар арконни қўйиб юбормаслик керак.

Тортишмачоқ ўйини узоқ тарихга эга. Мамлакатимизда ўтадиган сайл, байрам ва катта йиғинларда эркак ва аёллар тортишмачоқда баҳслашганлар. Бунда кўриниб турибдики, аждодларимиз кучли, эпчил, бақувват бўлишликни ардоқлаганлар.

Болаларнинг ўйинларга қизиқишларини янада ошириш, ўйинлар аввалидан уларнинг диққатини тўлиқ жамлаб олиш учун байрам сценарийлари намуналаридан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ўйинлар бошланишидан олдин сценарий бўйича икки жарчи чиқиб, иштирокчиларга жар солиши, уларни бир нуқтага жамлаши мумкин. Масалан:

I - жарчи: Ҳо...хо...ҳей! Ҳо...хо...ҳей!
Келинлар-у келинлар!
Югуринлар-елинлар!
Қувнагани келинлар!
Ўйнагани келинлар!
Сайлгоҳга келинлар!

II - жарчи: Югуринлар-елинлар!
Ўйингоҳга келинлар!
Бу ерда томошалар,
Ўйинлар, олишувлар,
Беллашув, тортишувлар,
Курашув, “учрашув”лар,
“Солишувлар” ...бўлади.

Бу айтилган шеърлар болаларнинг кайфиятини кўтариш орқали уларнинг ўйинларга нисбатан иштиёқини аланга олдиради. Бу эса машғулотларнинг янада самалари ўтишини таъминлайди.

Бу усул ва воситалардан мақсад битта бўлиб, улар соғлом турмуш тарзини яратишда халқ ўйинларининг аҳамияти ва ролини оширишни кўзда тутади.

Хулоса қилиш керакки,

- мактабгача ёшдаги болаларда халқ ўйинлари баркамол авлодни нафақат жисмонан, балки маънан ва руҳан соғлом этиб тарбиялашда асосий омил ҳисобланади;
- мактабгача ёшдаги болаларда халқ ўйинлари нафақат таълим-тарбия жараёни, балки ёшларда аждодлар томонидан қолдирилган урф-одат, анъана ва қадриятларга нисбатан меҳр-муҳаббат, ҳурмат туйғуларини оширади;
- мактабгача ёшдаги болаларда халқ ўйинлари орқали эпчиллик, чاقқонлик, бир мақсад йўлида яқдиллик, мустақил фикрлаш, ўз қарашларини ҳимоя қила олишлик сифатларини камол топтиради.

Адабиётлар:

1. М. Аслонова. “Таълим жараёнида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш”. педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Навоий – 2008 йил. Б. 154.

2. “Харакатли ўйинлар ва уни ўқитиш методикаси”. Бухоро давлат университети. Ўқув-услубий кўланма. Тузувчи катта ўқитувчи Г.Йўлдошева. 2-бет 2009 йил.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактабгача таълимда соғлом турмуш тарзини яратишда халқ ўйинларининг ўзига хос аҳамияти ёритилган бўлиб, унда халқ ўйинларини ўқувчиларга ўргатиш, улар билан мунтазам шуғулланиш орқали кўзланган педагогик мақсадга эришиш йўллари, усуллари таҳлил қилинган ва машгулотлар учун мазкур ўйинлардан намуналар тавсия қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещается роль народных игр в создании здорового образа жизни в дошкольном образовании, анализируются пути и средства достижения педагогической цели обучения народных игр учащимся посредством регулярной практики, а также приводятся примеры таких игр для уроков.

SUMMARY

The article highlights the role of folk games in creating a healthy lifestyle in preschool education, analyzes ways and means of achieving the pedagogical goal of teaching folk games to students through regular practice, and provides examples of such games for lessons.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДА КЛАСТЕР ТИЗИМИ

Шанасирова З.Ю.

ТВЧДПИ Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: мактабгача таълим, педагогик технологиялар, ахборот-коммуникация воситалари, интеллектуал беллашув, ғоявий мунозара, таҳлил ва тавсиф, машгулот шиори.

Ключевые слова: дошкольное образование, педагогические технологии, информационно-коммуникационные средства, интеллектуальная конкуренция, идеологическая дискуссия, анализ и описание, девиз урока.

Key words: preschool education, pedagogical technologies, information and communication tools, intellectual competition, ideological discussion, analysis and description, the motto of the lesson.

Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимининг муҳим босқичлардан бири бўлган мактабгача таълим ташкилотларда болаларнинг шахс фаолиятида ўқиш асосий ўринни эгаллайдиган, болалар томонидан илмий билимларни пухта ўзлаштирилишига ёрдам берадиган дастлабки кўникмаларни шакллантирувчи давр ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, аини босқичда таълим-тарбия жараёнини назарий ва методик жиҳатдан тўғри ташкил этиш муҳим педагогик вазифалардан саналади.

Мактабгача таълимни ўз мазмун-моҳиятига кўра, болаларнинг онги ва тафаккурида мавжуд бўлган яширин имкониятларни аниқлаш ва ривожлантириш; кичик мактабгача ёшидаги болаларда таълимнинг дастлабки давридан бошлаб янги имкониятларни шакллантириш, қайсики, бундай янги имкониятлар ўқув материаллини муваффақиятли ўзлаштиришгагина эмас, балки ҳаётий муаммоларни ечишга ҳам тайёрлаш; болажонларда ўрганишга ҳамда таълим жараёнига нисбатан жонли қизиқишни шакллантириш ва ҳ.к. каби устувор вазифаларни амалга оширишни назарда тутати.

Ҳозирда Мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия сифати ва мазмунини оширишда замонавий педагогик технологиялардан, ахборот-коммуникация

воситаларидан самарали фойдаланилмоқда. Булардан мақсад машғулотларда болаларнинг фаоллигини ошириш, машғулотларнинг мазмундорлигини таъминлаш ва ўзлаштириш даражасини юксалтириш, албатта.

Замонавий педагогик технологиялар мажмуасидан жой олган ноанъанавий усул ҳамда воситалар:

- Тарбиячилар томонидан машғулот жараёнида болалар жамоасини тўлақонли қамраб олиш, уларни машғулотларга фаол жалб қилиш, билимларини ошишини имконини яратади;
- болажонларни машғулот мавзусига оид бой маълумот ва ахборотлар билан таъминлашга эришилади;
- машғулот мабойнида кўргазмаллиги таъминланиб, ушбу жиҳат янги мавзунини мустақамлашда ўзига хос қулайлик яратади.

Масалан, “интерфаол”, “аклий ҳужум”, “класстер” ва яна бир қатор илғор усулларини оладиган бўлсак, бу усуллар ҳозирги кунда болаларга яхши таниш. Чунки улардан машғулот жараёнида Мактабгача таълим ташкилотчиси тарбиячилари болаларнинг фаол фойдаланилмоқдалар. Аммо булар билан кифояланиб қолмаслик, замонавий педагогик усул ва воситаларнинг янги-янги турларини яратиш, уларни машғулот жараёнида тадбиқ қилиш тарбиячилар ва мактабгача таълим ташкилот ходимларидан улкан педагогик маҳоратни, айни пайтда чуқур ижодкорликни талаб қилади.

Мактабгача таълимдаги тарбиячи ўз ижодкорлиги билан ҳар бир мавзуда болаларга қутилмаган таассуротларни тухфа этиши, уларни, чинакам маънода, фанлар оламига олиб қира олиши зарур. Бунинг учун эса у изланишда бардавом бўлиши керак. Масалан, машҳур педагогик усуллар қаторида “интеллектуал беллашув”, “ғоявий мунозара”, “тахлил ва тавсиф”, “ёйиш ва жамлаш” ва ҳ.к. каби усулларни дарс жараёнида киритиш қутилган самараларни беради.

Интеллектуал беллашув – ушбу усулда машғулот болаларнинг ақлий беллашуви, баҳси асосига қурилади. Беллашув воситасида болалар янги мавзунини ҳам тушунадилар, ҳам мустақамлайдилар. Ғолиб ва мағлуб жамоалар тақдирланади. Бу усул болаларнинг илмий фикрлаш қобилиятини ўстириши билан аҳамиятлидир.

Ғоявий мунозара – ушбу усулда машғулот давомида болалар ғоявий-мафкуравий баҳс-мунозара олиб борадилар. Машғулот мавзуси юзасидан улар ўз фикрларини баён этадилар. Шуларнинг ичида энг аниқ, ҳолис ва тўғри фикрлар маъқулланади. Мунозаралар асосида яқуний хулосага келинади. Бу усул болаларда ўз фикрларини ҳимоя қилиш, илгари суриш ва бунга ўзгаларни ҳам ишонтириш кўникмаларини шакллантиради. Айни усул ҳозирги даврда янада аҳамиятли бўлиб, ёш авлодни куйи синфдан ғоявий ва мафкуравий иммунитет асосида тарбиялашда муҳим омил бўлади.

Булардан ташқари, усул ва воситаларни фанларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Масалан, беш марказ машғулотларида “Эртақ ичида эртақ”; тасвирий санъат дарсларини “Ранглар салтанатига сайр”; она тили машғулотларини “қувноқ ҳарфлар ва майин товушлар”, адабиёт дарсларини эса “Қаҳрамонлар биз билан бирга” каби мавзуларда ташкил қилиш болаларнинг фанларга бўлган қизиқиш ва иштиқоқларини оширади. Шунингдек, ҳар бир янги машғулот учун танлаб олинган шиорнинг ҳам пурҳикматлиги, улғуворлиги болаларни янги мавзу сари руҳлантиради, рағбатлантиради. Масалан: “Билим сари дудил ва бирга!”, “Ўқи, излан, мақсадга эриш!”, “Интилганга толе ёр” каби эзгу ғоялар болаларни машғулотларнинг мукаддимасидаёқ ҳаракатга келтиради.

Мазкур усул ва воситалар ҳозирги куннинг муҳим талаби – замонавий ахборот технологиялари асосига қурилгандагина юқори педагогик натижаларни беради.

Негаки, бугунги кунда уяли алоқа телефонида фойдаланиш ўқувчи учун оддий қондадек бўлиб қолган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, машғулот замонавий педагогик усул ва методлар асосида замонавий ахборот технологиялари воситасида ташкил қилинар экан, болалар фанлар бўйича билим-малакаларни ўзлаштириш билан бир қаторда ахборот-коммуникация воситаларидан унумли фойдаланиш малакаларини босқичма-босқич ўзлаштириб борадилар. Ахборот технологиялари воситасида машғулотларда:

- тақдимот, намойиш дастурлари орқали янги мавзу болаларга ихчам, аниқ ва мазмунли етказиб берилади;
- ўзаро маълумот ва ахборот алмашишда вақт тежаллади. Белгиланган соатда янги мавзу баёни ва мустаҳкамлаш учун қулай имконият яратилади;
- болаларнинг ахборот қабул қилиш, жамлаш, таҳлил қилиш, бир сўз билан айтганда, ахборот билан ишлаш маданияти шаклланади ва ҳ.к.

Шундан келиб чиққан ҳолда, машғулотларда жамоа бўлиб тинглаш (радио), жамоа бўлиб томоша қилиш (телевидение), ахборот узатиш ва қабул қилиш.

Хулоса қилиш керакки:

- замонавий педагогик технологиялар мажмуасидан жой олган ноанъанавий усул ҳамда воситалар болаларнинг беш марказларга қизиқишларини оширади, бу орқали улар фанларга бўлган қизиқлар тўлақонли камраб олинади ва болалар билим оширилади;
- “интерфаол”, “аклий хужум”, “класстер” ва яна бир қатор илғор усуллар билан бирга дарс жараёнларига янгидан-янги усулларни тадбиқ қилиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, “интеллектуал беллашув”, “ғоявий мунозара”, “таҳлил ва тавсиф”, “ёйиш ва жамлаш” ва ҳ.к. каби усуллар ҳам болаларда илмий фикрлаш, ўз фикрларини муносиб ҳимоя қилиш, фаолиятини баҳолаш кўникмаларини шакллантиради;
- машғулотларда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланишда ТВ, радио ҳамда интернет тармоғи имкониятларидан самарали фойдаланиш машғулотлар мазмуни ва сифатини ошириши билан бир қаторда болаларда ахборотни қабул қилиш ва у билан ишлаш маданиятини шакллантириб боради.

Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
2. Йўлдошев Ж. Таълимимиз истиклол йўлида.-Т.: Шарқ, 1996.- 223

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактабгача таълим мазмунини оширишда замонавий педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация воситаларининг ролига қисқача тўхтаб ўтилган бўлиб, дарс мазмунини ошириш юзасидан янги педагогик усул ва воситалар тавсия қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье кратко обсуждается роль современных педагогических технологий и информационно-коммуникационных инструментов в улучшении содержания дошкольного образования, а также рекомендуются новые педагогические методы и средств для улучшения содержания уроков.

SUMMARY

The article briefly discusses the role of modern pedagogical technologies and information and communication tools in improving the content of preschool education, and also recommends new pedagogical methods and tools to improve the content of lessons.

БОШЛАНҒИЧ СИНОҒ ҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КОМПЕТЕНТЛИК ҒАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИНАМИК ТИЗИМИ

Каримжонов А., Жабборова О.М.

ТВҒДПИ

Таянч сўзлар: узлуксиз, таълим, компетентлик, билим, малака, кўникма, давлат таълим стандарти, интеллектуал, салоҳият, саводхонлик, динамик, рақобат, стратегик.

Ключевые слова: преемственность, образование, компетенция, знания, навыки, умения, государственный образовательный стандарт, интеллектуальный, потенциальный, грамотный, динамичный, конкурентный, стратегический.

Key words: continuity, education, competence, knowledge, skills, abilities, state educational standard, intellectual, potential, competent, dynamic, competitive, strategic.

Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимининг муҳим босқичларидан бири бўлган бошланғич таълим шахс фаолиятида ўқиш асосий ўринини эгаллайдиган ўқувчилар томонидан илмий билимлар пухта ўзлаштиришига ёрдам берадиган дастлабки кўникмаларни шакллантирувчи давр ҳисобланади.

Замонавий талаблар асосида бўлажак мутахассисларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ишларини узлуксиз равишда олиб бориш керак ва бунга қўйилган муаммонинг оптимал ечимини топишда илмий қарашлар билан бўлажак мутахассисларни тайёрлашда фанларда интеграциядан фойдаланиш лозим бўлади. Бугунги кунда замонавий таълим жиҳозларида миллат руҳиятининг нозик жиҳатларига кириб бориш ва бошланғич таълимда саводхонлик асосларини пухта эгаллаган ҳолда ҳамда ҳисоблаш тафаккурларининг шаклланишига кенг имкониятлар яратилган. Ана шу сабабли ҳам бугунги таълим тизимимиз жамият тараққиётини мос равишда такомиллаштириб ривожланиб бормоқда ва бунга баркамол авлодни шакллантириш дек муҳим вазифа қўйилган.

Айни пайтда барча педагогик тадбирларга ёшлар таълим-тарбия жараёнининг объектигина эмас балки субъекти яъни ижрочиси ҳам эканлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу эса таълим олувчилар ва тарбияланувчиларнинг мустақил ҳамда эркин фикрлашларини таъминлашга имкон бермоқда. Айниқса, узлуксиз таълим тизимининг босқичларидан бири бўлмиш бошланғич таълим турли давраларда турлича кўринишларда олиб борилган.

Авесто давридаги таълим-тарбия элементлари:

Биламизки, Марказий Осиё халқлари, ўзбеклар ҳам жаҳондаги энг қадимий халқлардан ҳисобланади ва улар жаҳон илм-фанига, маънавий-маърифий тараққиётга ката ҳисса қўшганлар. Ўтмиш ота – боболаримиз яратган ёдгорликларимизни сақлаш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва уларни тарғиб қилиш, қадимий тарихимизни бир ёқлама ёритиш ва чеклаш имкониятлари яратилди.

Бу борадаги илмий изланишларимиз натижаларининг кўрсатишича тафаккурни ривожлантириш ва у орқали инсон маънавий камолотини юксалтириш муаммолари билан халқларимиз шуғулланиб келганлар.

Авесто китобининг муаллифи бўлмиш, Спитама Заратустра таълимотига биноан – аввал талаба яхши таълим олади, кейин эса ёзишни ўрганиши лозим.

Болаларни ўқитиш ва тарбиялаш қоидалари:

1. Диний ва ахлоқий тарбия.
2. Жисмоний тарбия.
3. Ўқиш ва ёзишни ўрганиш.

Энди бошланғич таълим жараёнини самарадорлигига келсак уни амалга оширишда белгиладиган вазифалар олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишимизни тўғри йўлга қўйишга асос бўла олади:

- ўқувчиларнинг ўқишга ва ўрганишга бўлган хошиш ва қизиқишларни рўёбга чиқарувчи ва уларга мос кўникмаларни шакллантириш;
- ўқувчининг саводхонлик асосларини эгаллашларига эришиш;
- ўқувчилар ҳисоблаш тафаккурига тегишли кўникмаларни шакллантириш;
- ўқувчилар интеллектуал салоҳиятига оид бўлган билимларни эгаллашга моил бўлган имкониятларни аниқлаш ва ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг ўзлаштираётган ўқув материалининг ҳаётийлигига эришиш;
- ўқувчилардаги шаклланган билим ва кўникмаларни ҳаёт учун ва ўрта умумий таълимнинг кейинги қисмидаги ўзлаштирилиши лозим бўлган фанлардаги аҳамиятлилигини ошириш орқали уларнинг билиш фаолиятига қизиқишини мунгазам олиб боришга эришиш.

Бошланғич таълим тизимини Давлат таълим стандартида белгиланган жараённинг таркибини ва ҳудди шу таркибий компонентларини мазмунини модернизатсиялаш бошланғич таълим бериш жараёнида янги замонавий педагогик технологияларни қўллаш имконини беради. Қуйидаги педагогик омилларни қўллаш мумкин:

- Бошланғич таълим жараёнига киритилган ҳар бир таълим соҳаси бўйича белгиладиган таълим мазмунига мос тарзда ўқув материалларининг тадрижий тарзда берилганишини таъминлаш;
- таълим жараёнини таълим соҳаларининг мақсадига бўйсундириш ва таълим соҳаларида мақсадлар мутаносиблигини таъминлаш;
- ҳар бир таълим соҳаси бўйича бошланғич синф ўқувчиларида ҳосил бўладиган кўникма ва малакаларининг аниқ даражаларини ҳамда таълим натижасини баҳолаш мезонига қўйиладиган талабларни бошланғич таълим бўйича Давлат таълим стандартларининг асосий параметрлари бўйича ишлаб чиқиш.

Демак, замонавий бошланғич таълим олдида қуйидагича муоммолар ва уларнинг ечимларини ҳал қилиш вазифалари турибди:

- бошланғич таълимда мустақиллик мафқураси асосларини жорий қилишнинг инноватсион услубларини ишлаб чиқиш;
- бошланғич таълим педагогикаси ва таълим технологияси мазмун-моҳиятини талабаларни билим, кўникма ва малакасига мослаштириш;
- бошланғич таълимни такомиллаштириш ва ривожлантиришда замонавий педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш;
- информатсион технологияларни жорий этишнинг дидактик асосларини ишлаб чиқиш;
- бошланғич таълимга оид замонавий ўқув адабиётлар янги авлодини яратиш.

Бошланғич таълим ўқитувчиларини замонавий талаблар асосида рақобатбардош қилиб тайёрлашнинг асосий мазмун-моҳиятини эса узлуксиз таълим тизимининг ахборот технологиялари негизида таъминотини ривожлантириш асосида белгилайди.

Демак, бу бошланғич таълимда илмий педагогик илмий-услубий ва илмий тадқиқот ишларига замонавий услуб ва методларни тадқиқ этиши талаб этилади. Бизга маълумки, олий ўқув юртига ўқишга кирган талаба ДТС талаблари бўйича касбий фаолиятга йўналтирилгунга қадар мураккаб динамик жараённинг иштирокчиси бўлиб қолади. Бундай жараёнда таълим бевуриданҳам, таълим олувчидан ҳам ижодий ва инноватсион фаолиятлар оғушида яшашлик талаб этилади.

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини тадқиқот манбаси сифатида аниқлаб бўлгандан кейин қуйидагидек бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини тайёрлаш жараёнининг такомиллаштириш омиллари ўрганилади:

- Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини тайёрлашга ўрта умумтаълим мактабларида ҳосил бўлган таанг тушунчалар;
- Талаба яшаб турган атроф-муҳитидаги мутахассислик йўналишига таъсир этувчи омиллар;
- Мутахассислик йўналишга тегишли илм-фан ва технологиялар ютуқлари;
- Ўқув воситалар;
- Ўқув усуллари, ўқув шакллари ва педагогик инноватсиялар.

Бу жараёндаги ҳар бир кадам натижаси бўлажак мутахассисга билим бериш давомида назорат қилиб баҳоланиб борилади. Жумладан:

- Биринчи курсда анъанавий таълим жараёни олиб боришда амалда ижодий ёндашган ҳолда муайян мавзулар бўйича реферат ва аниқ мавзу бўйича маъруза матни ёзишга ўргатиш;
- Иккинчи курсда курс иши ва миллий анжуманларда қатнашишига маъруза тизимини ёзишни билмоғи лозим;
- Учинчи курсда бошланғич таълим йўналиши талабалари реферат, илмий маъруза, курс иши, илмий-услубий мақола ва шу кабиларни тайёрлаш кўникмаларига эга бўладилар;
- Тўртинчи курсда бошланғич синф ўқувчилари илмий ходим сифатида шакллана бошланиши керак, яъни, у турли илмий анжуманларга ўз илмий изланишлари натижалари билан қатнашиши керак.

Қайд этилган узлуксизликнинг самарали бўлиши учун албатта қатор талабларни эътиборга олиш лозим бўлади. Бундай талабларни замонавий бўлажак ўқитувчиларга мос ҳолда қуйидагидек кетма-кетликда ифодалаймиз:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий долзарб масалаларни билиши мустақил таҳлил қила олиши;
- ватан туйғусини билиш, маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятлар масалаларини билиш ва фикрини эркин билдира олиш;
- табиат ва жамиятга кетаётган ходисалар ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- инсонни бошқа инсонга, жамиятга, табиатга, муносабатда бўлиши ва маънавий меъзонларни билиши;
- ахборот йиғиш ва уни сақлаш, қайта ишлаш ўз касбий фаолиятида самарали фойдалана олиши;
- бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги замонавий билимларни мустақил равишда ўзлаштириш ва ўз устида ишлаш жараёнидан самарали фойдаланиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш тўғрисидаги илмий тасаввурга эга бўлиши;
- ўқув усуллари, ўқув шакллари ва педагогик инновациялар.

Бошланғич синф ўқитувчисига олий ўқув юртида ўқиш давомида бериладиган таълим-тарбия воситалар шакллари айниқса, таълимга инноватцион ёндашувлар уларни илмий-педагогик ходим қилиб шакллантиришда муҳим асослар бўлиб, улар бўлажак мутахассисга мустаҳкам касбий билим, кўникма ва малакаларни пайдо қилади. Ҳосил бўладиган билим, кўникма ва малакалар ДТСдаги талабларни ҳисобга олган ҳолда назорат қилинади ва баҳоланади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураимиз. “Ўзбекистон”, 2017.

2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017й., 6-сон, 70- модда.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон”, 2017.
4. Каримжонов. А. «Ўқитувчилар малакасини оширишнинг назарий асослари» Хўжанд 1999 йил.
5. Каримжонов А.-«Харбий педагогика» Шарк. Тошкент 2005 й.
6. Каримжонов А. Педагогик тизимини бошқариш асослари. ТДПИ. 2008 й.
7. Каримжонов А. Таълим тизимини бошқариш асослари. Т.,ТДПИ. 2012 й.
8. Каримжонов А. Педагогик тизимини бошқаришнинг меъёрий асослари. Т., ЧДПИ. 2019 й.

РЕЗЮМЕ

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги замонавий ислохотлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳамда бозор иқтисодиёти чуқур илдиз отиб бораётган даврда миллий дастурга мувофиқ қатор янги талаблар юзага келди. Улар ичида энг муҳимлари; гуруҳларда ўзаро шахсий муносабатлар, раҳбарлик компетенциялари, таълим жараёнини динамик тизими, ўқитувчини шахсий фазилати, таълим тизимини замонавий технологиялари, бошланғич синф ўқитувчисини маҳорати ва қобилиятлардур.

РЕЗЮМЕ

Сегодня, в период современных реформ в системе образования, социально-экономического развития и глубоко укоренившейся рыночной экономики, в соответствии с национальной программой возник ряд новых требований. Наиболее важными из них являются; межличностные отношения в группах, лидерские компетенции, динамическая система образовательного процесса, личностные качества учителя, современные технологии системы образования, умения и навыки учителя начальной школы.

SUMMARY

Today, in the period of modern reforms in the education system, socio-economic development and deeply rooted market economy, a number of new requirements have arisen in accordance with the national program. The most important of these are; interpersonal relationships in groups, leadership competencies, a dynamic system of the educational process, personal qualities of a teacher, modern technologies of the education system, abilities and skills of an elementary school teacher.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ИНТЕРАКТИВ МЕТОДЛАР – СИФАТ ВА КЛАСТЕР САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Муталова Д.А.

ТВЧДПИ Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: мактабгача таълим ташкилоти, тарбиячи, болалар, узлуксиз таълим тизими, таълим-тарбия, кластер.

Ключевые слова: дошкольная организация, воспитатель, дети, система непрерывного образования, образование, кластер.

Key words: preschool organization, teacher, children, continuing education system, education, cluster.

Бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар таҳсинга лойиқ. Айниқса, мактабгача таълим тизимининг қайта ислох этилиши мазкур йўналишда педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштиришни талаб этади. Замонавий мактабгача таълим тарбиячиси фарқли ўлароқ педагогик жараёни замонавий усуллар асосида мақсадли, тизимли ва методик жиҳатдан тўғри ташкиллаштиришга ҳаракат қилади. Педагогиканинг муҳим шартлари-

дан бири, тарбиячиларни интерактив усуллардан оқилона, мақсад ва шароитга мувофиқ тарзда дидактик тамойилларга асосланган ҳолда фойдаланишга ўргатишдан иборат.

Боланинг жисмоний ва маънавий камол топишида ўйин, машғулот, меҳнат ва бошқалар муҳим аҳамиятга эга. Фаол иш жараёни ўзлаштиришнинг муҳим омилдир. Фаоллик болага хос хусусият бўлиб, тарбия жараёнидаги фаоллик асосида фаолиятнинг ҳар хил турлари шаклланади. Муносабатда бўлиш фаолияти, билиш, буюмлар билан бўладиган фаолият, ўйин, оддий меҳнат ва ўйин фаолияти шулар жумласидандир.

У ёки бу фаолиятни ўзлаштираётиб бола фаоллик, шу билан бир вақтда шу фаолият билан боғлиқ бўлган билим, малака, кўникмаларни эгаллаб олади. Бунинг асосида бола ҳар хил шахсий қобилият ва хусусиятлар шаклланиб боради. Боланинг фаолиятда фаол йўл тутиши уни тарбиянинг объекти ва субъектига айлантиради. Боланинг ривожланишида фаолиятнинг етакчи роль ўйнаши шу билан белгиланади.

Бола ривожланиши давларида фаолиятнинг ҳар хил турлари амалга оширилади, аммо боланинг ривожланиши ва тарбиясида фаолиятларнинг роли бир хил бўлмайди, ривожланишнинг ҳар бир босқичида етакчи фаолият бўлади, ривожланишда эришилган асосий кўрсаткичлар шу орқали аниқланади.

Мақтабгача тарбия даври учун муҳим бўлган ўйин фаолиятида болалардаги ижтимоий-билиш фаолиятининг қандай ривожланиб боришини илмий тадқиқот хулосалари кўрсатиб берди.

Ўйинда болалар тарбиячининг раҳбарлигида ҳар хил ҳаракат усуллари, нарса ва буюмлар тўғрисидаги билимларни, уларнинг сифат ва хусусиятларини билиб оладилар. Болалар, шунингдек, фазовий вақт муносабатларини, ўхшашлик, тенглик каби тушунчаларни ҳам ўзлаштириб борадилар.

Биргаликда бажариладиган ҳаракатли ўйинлар орқали болалар кишилар ҳаётидаги, улар ўртасидаги муносабатларни, келишиб ҳаракат қилишни билиб оладилар, уларнинг теварак-атроф тўғрисидаги тасавурлари кенгайди.

Катта гуруҳ болаларининг ўйин фаолиятлари хилма-хил бўлиб қолади ва ҳар томонлама ривожланиш имкониятлари ҳам кенгайди. Ўйин болаларнинг ҳаёлини ҳам ривожлантиради, атрофдаги борлик, кишилар меҳнати тўғрисидаги билимларини кенгайтиради, шахсда жамоатчилик сифатларини шакллантиради.

Бу ёшдаги болаларда ўйин фаолияти билан бир қаторда фаолиятнинг амалий шакллари ҳам ривожлана бошлайди: расм ёпиштириш, нарсалар яшаш ва ҳоказо. Булар болаларда ҳаёлини, амалий тафаккурни, бадиий қобилиятни, ижодкорликни ривожлантиришда манба бўлиб хизмат қилади.

Агар таълим жараёнида 3-4 ёшли болалар диққати табиат, кишилар тўғрисидаги конкрет фактларга қаратилса, 5-6 ёшли болаларга таълим беришда асосий эътибор муҳим боғлиқликлар ва муносабатларга, уларни умумлаштиришга, улардаги оддий тушунчаларни шакллантиришга қаратилади ва булар орқали болаларда тушунчалик тафаккур ривожлантирилади.

Болалар эгаллаган билимларидан, ақлий қобилиятларидан ўзларининг турли-туман фаолиятларида фойдаланадилар. Буларнинг барчаси бола шахсининг шаклланишига таъсир этади, уларда янги мазмундаги фаолиятга қизиқиш уйғотади.

Мақтабгача таълим ташкилотларида “Ақлий ҳужум”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Кластер”, “Баҳс-мунозара”, “Ролли ўйин”, “Галереяга сайр”, “Бумеранг”, “Энержай-зерлар” каби интерактив усуллардан фойдаланиш мумкин. Тарбиячи машғулот ўтказиш жараёнида машғулотнинг боши ва охирида мавзу юзасидан болаларнинг тушунчаларини аниқлаш ҳамда олган билимларини мустаҳкамлаш учун ақлий ҳужум усулидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. “Кичик гуруҳларда ишлаш” болаларнинг ўзаро мулоқот ва фикр алмашувига асосланади. “Ролли уйинлар”да болаларга бирор муаммоли вазият берилади. Болалар реал ҳаёт ҳолатларини ушбу метод ёрдамида жонлантиради.

лар. “Баҳс-мунозара” методида болаларга уйга топширик берилади. Болажонлар берилган саволлар бўйича ота-оналаридан жавоб олишади ва эртаси куни жавоблар гуруҳда баҳс-мунозара қилинади.

Педагогик технология ҳақида бугунги кунда кўплаб маълумотлар мавжуд бўлса-да, педагоглар бу ҳақда тушунча ва тасавурлар эга бўлишса-да, мактабгача таълим тарбиячиларида технологияни методикадан фарқлай олмаслик ҳолатлари кузатилади. Уларни қандай фарқлаш мумкин?

Педагогик технология – болани мустақил ижод қилиш, билим олиш, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараён. Методика эса, педагогнинг билими, кўникмаси, маҳорати, шахсий сифатлари, темпераментига боғлиқ бўлиб, педагог учун қулай ўқитиш усуллари мажмуидир.

Болага билимлар тайёр ҳолда берилмайди, у келажакда манбаларга таянган ҳолда маълумотларни мустақил ўзлаштириши, тафаккур қилиши, ахборотни бир-биридан ажрата олиш кўникмаси шакллантирилади.

Ҳар қандай интерактив усул ва методдан фойдаланиш мактабгача таълим сифати ва самарадорлигига эришишнинг муҳим омилдир. Мактабгача тарбия ёши даврида бола шахсини шакллантиришга қаратилган тарбиявий таъсирлар шундай даражага кўтариладики, бу унинг мактаб таълимига ўтишини таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”, Тошкент ш., 2017 йил 30 сентябрь, ПҚ-3305-сон; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”, Тошкент ш., 2017 йил 30 сентябрь, ПҚ-3304-сон.

2. Шарай Н., Кластерный подход в интеграции, «УГ Москва», №15 от 14 апреля 2015 года.

3. Давыдова Н.Н., Игошев Б.М. и др. Образовательный кластер как системообразующий компонент региональной модели непрерывного педагогического образования, Педагогическое образование в России, 2014. № 10, стр.75

РЕЗЮМЕ

Мақолада замонавий мактабгача таълим тарбиячиси фарқли ўлароқ педагогик жараёни замонавий усуллар асосида максатли, тизимли ва методик жиҳатдан тўғри ташкиллаштиришга тавсия қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье рекомендуется целенаправленная, систематическая и методологически правильная организация педагогического процесса на основе современных методов, в отличие от современного дошкольного воспитателя.

SUMMARY

The article recommends a purposeful, systematic and methodologically correct organization of the pedagogical process based on modern methods, in contrast to the modern preschool teacher.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ ВА КЛАСТЕР МЕТОДИ

Жабборова О.М.

ТВЧПДИ ўқитувчи

Аҳмедова Н.Ш.

талаба

Таянч сўзлар: бошланғич, таълим, ислоҳот, янгилиниш, ёндашув, усул, кластер, метод, билим, кўнима, малака.

Ключевые слова: начальная, образование, реформа, обновление, подход, метод, кластер, метод, знание, умение, умение.

Key words: primary, education, reform, renewal, approach, method, cluster, method, knowledge, skill, skill.

Ўзбекистон таълим тизимининг ҳозирги янгиланиш босқичида ўқитишнинг турли усулларида фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундан мақсад ёш авлодни тезкор ва сифатли вояга етказишдир. Ана шундай ўқитишнинг янгича ёндашувларидан бири кластер усулидир. Мазкур усул аниқ ва табиий фанлар тизимида базага келган бўлиб, унинг илк мазмунига кўра “экин олиш” парваришlash ва маҳсулот олиш назарда тутилган. Мана шу босқиччилик асосида таълим-тарбияни амалга ошириш ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида ўтди. Бунда шакллантириш, тайёрлаш ва фойдаланиш босқичлари назарда тутилади.

Педагогик тадқиқотларда кластер усулининг имкониятлари таъкидланиб, унинг негизини “назария ва амалиёт уйғунлиги” ташкил қилишига урғу берилди. Назария ва амалиёт уйғунлигини шундай тушунтириш мумкин: аниқ эҳтиёж ва талаблар асосида ёшларни вояга етказишда мақбул усул ва воситалардан фойдаланиш. Шу жиҳатдан бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланиш бир неча имкониятларни беради. Бу ўринда бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланишнинг аҳамияти масаласига диққатингизни тортамиз.

Бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланишнинг мақсади куйидагилардан иборат:

- бола шахсида назарий билим ва амалий кўникмасини уйғун шакллантириш;
- боланинг дунёқараши ва ахлоқини ижтимоий ҳаёт талабларига мос ривожлантириш;
- болани амалий фаолиятга тайёрлаш;
- болада мустақил фикрлаш кўникмасини таркиб топтириш.

Бир қарашда бугунги кунга қадар бу ишлар амалга ошириб келинмоқда. Лекин, бу ўринда икки муҳим жиҳатга эътибор бериш керак: биринчидан, ўқитишнинг кластер усулида амалий натижа илк режада туради; иккинчидан, бу усул қисқа муддатда (3-4 ой ичида) ижобий ёки салбий самарасини бериши билан характерланади. Шу жиҳатдан кластер усули “реал ва ҳаётий ёндошув” сифатида баҳоланади. Бунинг учун таълим берувчи масаланинг амалий жиҳатига асосий эътиборни қаратиши керак. Унинг назоратида бошланғич синф ўқувчисининг кўникмаси, ахлоқи ва фаолият ҳиссининг шаклланганлик даражаси бўлиши шарт.

Бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланиш вазифаларини куйидагилар ташкил қилади:

- фанларни катъий интеграция асосида ўқитиш;
- ҳар бир мавзунини ҳаётий ҳақиқат билан боғлаш;
- таълим жараёнига манфаатдор субъектларни (ўқитувчи, мураббий, мактаб жамоаси ва ота-оналар қабили) фаол жалб қилиш;
- ўқитиш ёндошувларини коррекция қилиб бориш.

Диққат қилинса, бу вазифалар самарага қаратилгани ҳолда, уларни амалга ошириш сермеҳнат ишдир. Шу сабабли бу борада икки масала ҳал қилиб олиниши лозим: биринчидан, бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланишни амалга оширувчи махсус гуруҳ тузилиши; иккинчидан, бу гуруҳнинг таълим ва тарбия жараёнидаги ваколати устувор бўлиши керак. Нега? Чунки махсус гуруҳ кластер

усулидан фойдаланиш жараёнини ташкил қилади, амалга оширади ва мониторинг қилиб боради. Бир сўз билан айтганда, бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланишнинг тақдири ва амалий самараси айнан махсус гуруҳ фаолиятига боғлиқдир. Негаки кластер усули жараёнида таълим иштирокчиларининг баъзида “тўкнашуви” юзага келади ва бундай вазиятда махсус гуруҳ ҳал қилувчи қарор қабул қилиши керак. Шу маънода бошланғич таълимда ўқитишнинг кластер усулидан фойдаланиш давлат таълим стандартларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Чунки кластер усулида жамоавий таълим берувчилар иштирок этади ва бу ҳол бошланғич синф ўқувчиларининг рухий, жисмоний ҳамда ижтимоий имкониятларини тўлиқ ҳисобга олишни тақозо этади.

Бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланиш механизмларини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда куйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

- бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланиш “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, махсус гуруҳни тузиш ва уларни мактаб педагогик кенгашида тасдиқлаш;
- кластер усулини амалга ошириш жараёни, муддати ва якуний самарадорлигини баҳолаш мониторингини белгилаш;
- кластер усулидан фойдаланишни амалга оширувчи махсус гуруҳга мутахассисларни кенг қўламда жалб этиш ва уларнинг ҳар бирини вази-фасини аниқ белгилаб қўйиш;
- кластер усулидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириб бориш.


Бундай ёндашув кластер усулидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлайди. Негаки, биринчидан, барча масалалар аниқ белгилаб қўйилган механизмсиз бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланиб бўлмайди; иккинчидан, амалга ошириш механизмлари эҳтиёж, имконият ва шароитга мос равишда такомиллашиб бориш хусусиятига эга бўлиши шарт.

Таълимнинг кластер усули асида тадрижан ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳодиса. Шу жиҳатдан уни янги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни сифатида тасаввур қилиш керак. Унга кўра, бошланғич таълим ўқувчиси ниҳол, бу ниҳол ишлов берилиб, мева беришга йўналтирилиши керак. Шу сабабли бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланишни уюшган ва бир мақсадга эга жамоа амалга оширади. Жамоа бўлиб ишлаш бошланғич таълимда кластер усули самарадорлигини беришини унутиб бўлмайди.

Шундай қилиб, бошланғич таълимда кластер усулидан фойдаланишни ташкил қилиш долзарб масалалардан бўлиб турибди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда “Мактаб таълимини ривожлантириш масаласи буюк умуммиллий мақсадга ва умумхалқ ҳаракатига айланмоқда”. Чунки “замонавий мактаб” концепциясини амалга оширишда таълим тизимини сифат жиҳатдан тубдан ўзгаради. Шу жиҳатдан бошланғич таълим самарадорлигини ошириш тақозо этилади.

Республикада мактабгача таълим қайта ва замонавий даражада ташкил қилиниши муносабати билан бошланғич таълим мазмуни ҳам ўзгарди. Унга кўра, биринчидан, бошланғич таълимда алифбо ўргатилмайди; иккинчидан, аввалги “Ватан туйғуси”, “Одобнома” фанлари ўрнига янги “Тарбия” фани ўқитилади; учинчидан, чет тилларини бошланғич тарзда чуқурлаштириб ўқитиш тизимига ўтилади; тўртинчидан, бошланғич таълимда ўқитувчилар ва мураббийлар гуруҳи



фаолият юритади. Буларнинг барчаси бошланғич таълимга энг замонавий методларни жорий этишни долзарб қилиб қўймоқда. Ана шундай методлардан бири кластердир.

Ўқитишнинг кластер методидида сентерацион, инновацион ва интенсив хусусиятлар мавжуд. Унга қўра, таълим жараёни илмий ва амалий муассасалар бирлиги (интеграция), замонавий ва янги ёндашувлар (инновация) ҳамда тезкор ва самарали (интенсив) амалга оширилади. Шу жиҳатдан ҳозирги замон бошланғич таълимга кластер методини тадбиқ этиш самарали ҳисобланади. Мазкур масаланинг методологик асосларига диққатингизни тортамыз.

1. Бошланғич таълимни ташкил қилиш.

Ҳозирги замон менежменти бошланғич таълимни жамоавий ташкил этишни тавсия этади. Унга қўра, мактаб жамоаси, ота-оналар жамоаси ва илмий-амалий вазифаларни бажарувчи ташкилотлар бошланғич таълимни ташкил этишда тенг ва фаол иштирок этади. Бугунгикунгақадар бошланғич таълимни ташкил қилиш фақат мактаб маъмуриятининг ишчи бўлиб келди. Мазкур масаланинг кластер методига эътибор беринг (1-чизма):



Бунда ҳарбир иштирокчининг ўз вазифаси бўлади. Жумладан, мактаб жамоаси ташкилий, ота-оналар ёрдамчи, илмий ва амалий муассасалар эса методологик вазифани бажаради. Мақсад ягона – бошланғич таълимни замонавий талаблар асосида ташкил этиш.

2. Фанларни ўқитиш. Бошланғич таълим фанлари бошланғич билим ва кўникмалар беришга йўналтирилган бўлсада, лекин уларни ўқитиш мураккаб ҳисобланади. Шу жиҳатдан мазкур масаланинг кластер методига эътибор беринг (2-чизма):



Бунда мактаб педагогик кенгаши фанларини ўқитишни ташкил қилади ва йўналтиради, ўқитувчилар гуруҳи ўқув жараёнини амалга оширади. Халқ таълими бўлимлари методик таъминлашни ва Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти илмий мониторингни олиб боради. Негаки, фанларнинг ўқитилишида бир талай муаммолар мавжуд. Мисол учун, янгидан амалга киритилаётган «Тарбия» фанининг илмий-методологик асослари ишлаб чиқиши лозим.

3. Тарбияни амалга ошириш. Бошланғич таълимнинг бирламчи вазифаларидан бири

тарбиядир. 6-11 ёшли ўқувчилар маънавий, ақлий ва жисмоний жиҳатдан тўғри шакллантирилиши ва ривожлантирилиши керак. Мазкур масалада кластер методига диққат қилинг (3-чизма):

Бунда мактаб педагогик кенгаши ва бошланғич синф ўқитувчилари тарбия жараёнини амалга оширади, ота-оналар жамоаси эса ёрдамчи, Халқ таълим бўлимлари ташкил этувчи, тўғарақлар, клублар тарбия масканлари (музейлар, қадамжолар ва ҳоказо) амалий-синов тарбия вазибаларини бажаради.

Этибор берилса, ўқитишнинг кластер методи барча манфаатдор ташкилотлар таълим ва тарбия жараёнида тенг, фаол ҳамда самарали иштирок этади. Шу жиҳатдан бу метод қуйидаги имкониятларга эғалиги билан муҳим ҳисобланади:

- бошланғич таълимни илмий асосда ташкил қилиш ва амалга ошириш;
- бошланғич таълим самарадорлигига биргаликда эришиш;
- типик ва яғоналаштирилган дастурлар ва ўқув адабиётларига асосланади;
- самарадорликни илмий ва амалий натижага қўра баҳолаш.

Бизнинг ёндашувимизга қўра, республикада замонавий ва самарали бошланғич таълимни амалга оширишда кластер методининг имкониятлари кенгдир. Шу сабабли «Ўзбекистонда бошланғич таълимнинг янгилиниши ва кластер методи» мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этиш таклиф қилинади. Унда таълим муассасалари, ота-оналар, илмий-амалий муассасалар вакиллари, бўлажак ўқитувчи-талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг иштирок этиши, бошланғич таълимда кластер методини қўллаш масалалари муҳокама этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи. // «Халқ сўзи» газетаси. 2019-йил 1-сентябрь сони.
2. Шамова Т. И. Управление образовательными системами. Учебное пособие. -М.: «». 2014.
3. Мухамедов Ф.И. Педагогик таълимнинг инновацион кластери: эҳтиёж, зарурият, натижа. www. Ziyonet.uz. 2019 йил 15 февраль сони.
4. Джураев Р.Х., Сафарова Р. Ва бошқалар. Педагогик атамалар лўғати. –Т., 2004

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада бошланғич таълимни янгилаш, унда турли ёндашувлар ва усуллардан фойдаланиш, шунингдек, бошланғич таълимнинг кластер методи аҳамияти тўғрисида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются вопросы модернизации начального образования, использования различных подходов и методов, а также важность кластерного метода начального образования.

SUMMARY

This article discusses the issues of modernization of primary education, the use of various approaches and methods, as well as the importance of the cluster method of primary education.



ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲӘМ СПОРТ

ЎЗБЕКИСТОНДА СПОРТ МАШҒАЛАСИ МАРОСИМИ УЧ БОСҚИЧЛИ ОММАВИЙ СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ИШЛАРИ ТИЗИМИНИНГ ИЖТИМОЙ МОТИВАЦИОН АСОСИ СИФАТИДА

Амонов А.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, катта ўқитувчи.

Таянч сўзлар: олимпия машғали, маросим, тимсол, тантана, зардўштийлик, спорт, тизим, эстафета, уч босқичли мусобоқалар.

Ключевые слова: олимпийский факел, церемония, эмблема, церемония, зороастризм, спорт, система, эстафета, трехступенчатые соревнования.

Key words: olympic torch, ceremony, emblem, ceremony, Zoroastrianism, sport, system, relay race, three-stage competition.

Кириш. Ўзбекистонда спорт машғаласи маросими бу – ҳаракатланишга ундовчи қувват тимсоли сифатида, шунингдек, мамлакатимиз ўқувчиларини жисмоний, интеллектуал ва ижтимоий ривожлантириш жараёнида юксак яратувчилик мақсадларга эришишга ундовчи воситадир.

Олимпия маросимлари орасида Олимпияда олов ёқиш ва уни ўйинларнинг бош майдонида етказиб келиш маросими алоҳида ҳаяжонли лаҳзалар билан бурканган.

Бу замонавий олимпия ҳаракатининг анъаналаридан биридир. Ҳозирги пайтда олимпия машғаласи ўйинлар очилишидан бир неча ойлар олдин Юнонистонни ҳудудида ёндирилади. Ўн бир аёл, асосан руҳонийларни тасвирловчи актрисалар маросим ўтказадилар. Бу маросим давомида улардан бири куёш нурларини қайтарувчи параболик кўзгу ёрдамида олов ёқади. Сўнг бу машғала Олимпия ўйинлари ўтказилаётган шаҳарга олиб борилади. Шу сабабли машғала Олимпияда-нинг энг муҳим тимсолидир, у қадимий Юнонистон давриданок янги замон олимпия ўйинларига ҳамроҳлик қилади. Ранг–баранг очилиш маросими, байроқдорлар паради ва байрам мушакбозликлари анча кейин пайдо бўлган, улар турли хил хусусиятга эга, бироқ Олимпия ўйинлари машғаласи ўзгармасдир. Янги даврдаги ўйинларни унинг гулханисиз ўтказишнинг умуман имкони йўқ.

Асосий қисм. 1. Муқаддас олов тарихи.

Кўпгина олимпларнинг фикрича, сайёрамизда ҳаёт табиатнинг иккита элементи-нинг қўшилиши асосида бунёд бўлган: сув ва олов. Кўпчилик халқларнинг маданиятида ҳар хил шаклда оловга сиғинишни кўриш мумкин. Уларда оловнинг пайдо

бўлиши, кўп ҳолларда унинг ўғирлаб кетилиши билан боғлиқ афсоналарда кенг тарқалган.

Олов турли халқларнинг диний тасаввурларида катта аҳамият касб этган, у ҳаёт, гуноҳларни жазоловчи ва улардан дориг қилувчи куч тимсоли ҳисобланган. Бунинг ҳаммаси оловга илоҳий куч ёки худонинг ўзига сизингандек алоҳида шаклда эътиқод қилишни пайдо қилди. Инжилда яратган баъзан олов шаклида намоён бўлиши айтилади. Буддага эътиқод қилувчи рухонийларнинг фикрича, ҳозирги одамлар ерга олов билан поклангандан сўнг гуноҳларини ювиш учун келганлар.

Шарқда муқаддас олов бутун зардуштийликнинг асосий тимсоли бўлган. Зардуштийлик инсониятнинг дин тарихида муҳим аҳамият касб этган. Зардуштийлик таълимоти инсоният цивилизациясининг энг қадимги диний тизимларидан бири бўлиб, унинг яратилиши тахминан XII-X асрларга тўғри келадиган “Авесто” китобида қайд этилган. Китобда дунёнинг даслабки барча ерга сингиб борувчи нур ва оловдан яралганлиги тўғрисидаги тасаввурлар батафсил ишлаб чиқилган. Зардуштийлик динининг таниқли тадқиқотчиси М. Бойс шуни эътироф этадики, олов, ёрқин ва жонли кийёфага эга бўла туриб, ёғоч ёки тошдан ясалган бут-санамларга қараганда инсонларнинг диққатини анча осон тортади ва эътиқод қилишга ундайди. Иудаизм, буддизм, насронийлик ва ислом каби динлар бу диндан энг муҳим қонуларни ўзлаштириб олганлар.

Зардуштийликнинг қонуний талабларига кўра олам тўртта элементдан ташкил топган: олов, сув, ер ва ҳаво. Олов муқаддас хилқат ҳисобланган, унинг тимсолида энг муҳим нарсани, тирикликни, яъни ҳамма нарсани қамраб олувчи кўчини кўрганлар. Зардуштийларнинг назарича, ой ёруғида, оловда ўт-ўлан ўсади, олов озуқа орқали танага сингади (Замоновий фан тирик организмлар энергиясиз яшай олмаслигини исботлаб берди. Ҳаёт – бу ёниш жараёнидир).

Олов бутун зардуштийликнинг асосий тимсоли сифатида ўз аҳамиятига кўра бир неча даражаларга бўлинган: асосий ҳукумат ибодатхонасининг қуёш олови, маҳаллий аҳамиятга эга ибодатхона олови, ҳар бир оила меҳроби олови. Шунингдек, олов кўпгина маросимларнинг, яъни ижтимоий-диний ва маиший маросимларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган. Маросимлар амалиётида оловнинг аҳамияти унинг ибодатхонада сизиниш тимсоли бўлганлигини таъкидлайди ва унинг илдизи эрамиздан аввалги II минг йиллика бориб тақалади.

Олов маданийлаштирилгандан сўнг у инсон уйида фахрли жой эгаллаган. Кейинроқ унинг учун муқаддас бурчак ажратилиб, янги “худолар” пантеонида ўчмас шамчироқ ёна бошлаган. Инсон уйига оловнинг кириб келиши билан инсон цивилизацияси бошланган, балки шу сабабли, нур инсонларнинг цивилизация мўлжалига айланган. Чунки инсонлар дунёсининг асосий цивилизациясини таркибий қисми эса маданият бўлган (маданият сўзи санскриптдан таржима қилинганда оловга сизинишдир).

2. Олимпия машғаласи тимсолининг пайдо бўлиши.

Эрамиздан аввалги учинчи ва иккинчи минг йилликлар орасида Ниппур шаҳрида Бильгамеш (Гильгамеш) исмли қаҳромонга бағишланган машҳур биринчи спорт ўйинлари таъсис этилади. Спорт ўйинлари замонавий тасаввурларга кўра ёз охирида, июль –август ойларида ўтказилиб, кураш ҳамда атлетика мусобақаларидан иборат бўлган. Машғалалар ёруғида шаҳарнинг энг кучлилар орасидан чиққан спортчилар афсонавий Бильгамеш ҳайкали олдида саф тортиб юриб ўтганлар. Ўйинлар тўққиз кун давом этган ва авлодларнинг мустаҳкам алоқасини эътироф этган ҳолда аждодларнинг қабрларини зиёрат қилиш маросими билан якунланган. Қадимий (шумерларнинг) “протоолимпия” ўйинлари инсониятнинг спорт тарихи Шумердан ҳам бошланишини эътироф этишга имкон беради.

Қадимги Олимпия ўйинлари ҳам мусобақалаш иш хусусиятига эга бўлган ва оммавий ташкил қилинган жамоат ҳаракатининг ажойиб намунаси ҳисобланган. Жаҳон халқларининг турли - туман қадимий байрамона анъаналари орасида олов ёқиш маросими қадимий Юнонистонда, қадимги Олимпия ўйинларини ўтказиш даврида мавжуд бўлган. Олимпия маъаласи Прометейнинг жасоратини ёдга солувчи эслатма сифатида хизмат қилган.

Афсонага кўра, Прометей Зевсдан оловни ўғирлаб, уни инсонларга тухфа қилган. Олимпия мусобақалари дастурида “машғалалар билан эстафеталар” ўтказилган. Олимпия ўйинлари очилишига махсус тарзда олов ёқилган ва 40 нафар йигитлар Прометей микробидан Афина миқборигача машғалани олиб югурганлар. Масофа 2,5 км. га тенг бўлган.

Янги даврдаги Олимпияни муқаддас олови фақат тимсол сифатида аҳамият касб этмоқда. 1912 йилда Пьер де Кубертен томонидан Олимпиядаги Зевс ибодатхонасида кўёш нурларидан олимпия оловини ёқиш ва машғалани эстафета билан ўйинларнинг очилиш тантаналари бўлиб ўтадиган олимпия стадионига олиб бориш ғояси таклиф қилинган. 1928 йилда электроэнергетика компанияси ходими Амстердамдаги Олимпия стадионида биринчи олимпия машғаласини ёққан ва шундан буён бу маросим замонавий Олимпия ўйинларининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Қишқи Олимпия ўйинлари машғаласи 1952, 1956, 1960 ва 1994 йилларда Норвегиянинг Моргендал қишлоғидаги чанғи спорти асосчиси - Сондре Нордхейм яшайдиган уйнинг ўчоғидан ёқилган.

Ташкилотчилар машғалани нафақат буст-бутун ҳолда етказиб келишга, балки буни имкон қадар ёдда қоладиган тарзда амалга оширишга ҳаракат қилганлар.

Олимпия машғаласи эстафетаси илк бор 1936 йилда Берлинда бўлиб ўтган Олимпия ўйинлари вақтида ўтказилган. Машғалани Олимпиядан Берлинга етказишда уч мингдан зиёд югурувчилар иштирок этишган. Олимпия эстафетаси янги рамз ва янги олимпия тантанасига ҳаёт бағишлади.

3. Ўзбекистонда кичик олимпия ўйинлари машғаласи маросими.

Олимпия ҳаракати, инсоният тарихининг қадимги давларидан бошланиб, болалар, ўсмирлар ва катталар оммавий спортини бирлаштириш ҳамда ривожлантиришга қаратилган. Мамлакатимизда олимпия ҳаракатининг ривожланиб бориши муносабати билан ўқувчи ёшларни узлуксиз спорт фаолликка оммавий равишда жалб қилишнинг яхлит миллий тизими яратилди. Ушбу тизим асосида ўқувчи ёшлар учун уч босқичли изчил - узлуксиз “Кичик олимпия ўйинлари” - “Умид ниҳоллари”, “Барқамол авлод”, “Универсиада” шакллантирилди.

2000 йилдан бошлаб мамлакатимиз марказларида мазкур мусобақаларнинг финал босқичлари ўтказила бошланди, шунинг билан ўқувчи ёшлар спорт ўйинлари доирасидан четга чиқувчи умумийлик микросидаги маданий воқеликка айланди. Ўйинларни ўтказиш билан машғала маросими ва кичик олимпиадани очилиш тантанаси аҳоли, айниқса ўсиб келаётган ёш авлод учун мотивацион байрам аҳамиятига эга бўлди ва ўз атрофида жисмоний фаоллик ҳамда соғлом турмуш тарзи ғоялари билан боғлиқ ишларни олдинга сурди.

Мамлакатимиз ёшлари учун машғала ёндириш ва очилиш маросими, шунингдек мусобақалар ёркин байрам ва спортга бўлган янги эмоционал ҳисларнинг катализаторига айланди. Спорт ёшлар байрами миллионлаб ўқувчиларни жисмоний фаоллик машғулотиришга рағбарлантириш, ёшларни ягона мақсад атрофида бирлаштириш, жамоатчилик ҳиссини яратиш, индивидларни ижтимоийлаштиришга йўналтирилган миллий тадбирларга, охир-оқибат, маданий соғломлаштириш “барометри” га айланди. Сўров натижаларининг кўрсатишича, ўқувчилар, айнан байрамда уларнинг ўз давлатларига бўлган алоқадорликларини чуқур ҳис этишлари, ўзларини очик намоён

килишлари ва шу ўринда бошқаларни ҳам шундай тарзда кўришлари аниқланди.

Мавзунинг долзарблиги. Постиндустриал даврда жисмоний тарбия ва оммавий спорт мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши пойдевори сифатида инсон капитали шаклланишининг муҳим ижтимоий - инструментига айланади. Ҳозирги вақтда кўпгина давлатларда ёшларни жисмоний ва спорт фаоллигига оммавий жалб қилишга тааллуқли кенг доирадаги назарий ва амалий ишлар олиб борилмоқда. Умумий қабул қилинган фикрга кўра, машғала эстафетаси Олимпия ўйинлари очилишини тарғиб қилиш ёки реклама ва пиар сифатида идрок этилади. Айни пайтда адабиётларда машғала маросимининг ўқувчиларда жисмоний фаоллика бўлган мотивацияни шакллантиришга таъсири ҳамда ўқув юртининг оммавий мусобақа тадбирлари иштирокчиси бўлишга уриниш билан боғлиқ бўлган масалалар тўлиқ қараб чиқилмаган.

Машғала маросимининг ижтимоий аҳамияти: 1. Машғала маросими асосида ўқувчиларда жисмоний фаоллик билан шуғуланишга бўлган мотивацияни шакллантириш, шунингдек, унинг асосида уларни машғала эстафетасига оммавий жалб қилиш технологиясини ишлаб чиқиш. 2. Болалар ва ёшларга мос ҳолда қадимий ва замонавий Олимпия ҳаракати тарихига доир маълумотлар билан таништириш.

3. Машғала маросими ёрдамида спорт турларига қизиқишни ривожлантириш.

4. Ўқувчиларда жаҳон мусобақалари бўлиши Олимпия ўйинлари турисида билимлар ва тасавурлар ҳосил қилиш.

Эътироф этиш жоизки, юқорида айтиб ўтилган таркибий қисмлар оммавий спортда маънавий мазмун киритади, олимпизм руҳи, соғлом турмуш тарзи ғоясини янада янги даражага кўтариш имконини беради.

Тадқиқот объекти. Миллий спорт соғламлаштири тизими тадбирларида спорт машғаласи маросими.

Тадқиқотнинг мақсади. 1. Машғала маросимидан таълим муассасаларида спорт - маданий ва мотивацион тадбирлар сифатида, ўқувчиларни “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” мусобақаларига жалб қилиш инструменти даражасида фойдаланиш.

2. Спорт машғаласи маросимининг ёшларда ҳаракат фаоллиги ва спорт машғулотларига бўлган ижтимоий ҳамда шахсий мотивацияни шакллантиришга таъсирини комплекс тадқиқ қилиш.

3. Халқаро олимпия қўмитаси, шунингдек жаҳон ҳамжамияти эътиборини олимпия ҳаракати орқали Ўзбекистон тарихига қаратиш, ХХІ аср технологияси асосида, Олимпия хартиясига қабул қилинган қоидаларни бузмаган ҳолда Олимпия ўйинларининг Марказий Осиё аналоги бўлиши Олимпия ҳаракати машғаласини ёндиришининг янги ғоясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот натижалари. 2001 йилда Жиззах вилояти раҳбарияти томонидан кичик олимпия ўйинлари – “Баркамол авлод” мусобақаларининг очилиш маросимида машғала ёндириш маросимини киритиш тақлифқилинган.

Ташкилий қўмита томонидан қуйидагилар ишлаб чиқилди: 1. “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг машғаласини ёндириш маросимини ташкил қилиш ва ўтказиш тўғрисидаги Низом. 2. “Баркамол авлод” мусобақалари машғаласини ёндириш маросими ва сценарийси. 3. Машғала эстафетаси йўналиши. 4. Машғала эстафетаси иштирокчиларини саралаб олиш тартиби. 5. Машғала йўналиши бўйлаб спорт – байрам тадбирлари комплекси. 6. Жиззах шаҳрида “Баркамол авлод” финал мусобақаларининг очилиши сценарийси.

Олов учун миллий амалий санъат дийзайнидан фойдаланган ҳолда махсус машғаласини яратиш, шунингдек, уни сақлаш технологиясини ишлаб чиқиш “Ватанпарвар” ташкилотига юклатилди. Бу ташкилот оловнинг сақланиши ва жўнатилишига масъуллиги белгиланди.

Ўзбекистонда илк бор жаҳон амалиётида олимпия машъаласи XXI аср технологияси бўйича “Физика-қуёш” ноёб илмий-техника объектида ёндирилди. Бундай иншоотлар жаҳонда иккита: бири Францияда, иккинчиси - Марказий Осиёда (объект Тошкент вилоятининг Паркент шаҳрида жойлашган).

Ёндирилган машъала эстафета билан ўйинлар ўтадиган жойга олиб борилган. Эстафета жараёнига минглаб ўқувчилар ва талабалар, шунингдек, машъалани олиб ўтиш ҳуқуқини қўлга киритган спортчилар жалб қилинган. Паркент шаҳридан Жиззахгача машъала эстафетаси йўналиши бўйлаб ўқув ва бошқа муассасаларда маҳаллий ҳокимиятлар раҳномалигида олимпия машъаласига бағишланган тантанали маросимлар ва спорт тадбирлари ўтказилган.

Маросимга биноан, машъала мусобақалар ўтадиган манзилга етиб келиши билан, ўйинларнинг очилишига қадар, Жиззах вилояти ҳокимиятида жойлашган маҳсуус жойда сақланган. “Барқамол авлод” кичик олимпия ўйинларининг очилиш маросимида Жиззах марказий стадионида илк бор ўйинларларнинг олимпия машъаласи ёқилган.

Машъаланинг ёқилиши - бу спорт, ёшларнинг дўстлик байрами, мусиқа, рақс ва қўшиқлар, мамлакат аҳолисининг фаровонлиги ва гуллаб-яшнашидир. Ундан ташқари, машъала маросими ва эстафета мамлакатимиз вилоят марказларидаги финал мусобақалари билан боғлиқ бўлган энг муҳим воқеалардан биридир. Маҳаллий аҳоли учун букучли эҳтирослар бўлиб, ўзининг шиддатига кўра Олимпия мусобақаларидан қолишмайди. Машъала эстафетасида масъулиятли вазифа мавжуд- бутун мамлакатни бирлаштириш, шу орқали ҳар бир иштрокчига, биринчи галда ўқувчиларнинг ўзига Ўзбекистоннинг турфалиги ва гўзаллигини янгидан очиб беришдир. Эътироф этиш лозимки, эстафета ўтадиган ҳар бир яшаш жойлари бир кунга спорт машъаласи ва спорт тадбирлари марказига айланди ва бу оммавий спортни ривожлантириш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали бутун мамлакатга ўзини танитиш учун шаҳарлар, туманлар ва қишлоқлар учун ажойиб имкониятдир.

Хулоса. Болалар ва оилаларни машъала маросимиорқали олимпизм ғояларига жалб қилиш ўсиб келаётган ёш авлодга соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмоний тарбия ва спорт қадриятларини уларга сингдириш нуктаи назаридан таълим-тарбия тизимида муҳим ўрин эгаллаши керак.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти: ўқувчиларни оммавий спорт фаоллигига жалб қилиш мотивацияси билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этишда Олимпия машъаласи имкониятларнинг ижтимоий таркибини ажратиб олишга имкон берувчи янги комплекс технологик ёндашув таклиф қилинади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти шундаки хулосалар ва материаллар жойларда оммавий спорт ўйинларини тайёрлаш ва ўтказишда фойдали бўлади. Шунингдек, оммавий спортни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммолар бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқиш ва илмий тадқиқотлар ўтказиш, жумладан, спорт тадбирларини ташкил қилишга йўналтирилган таълим дастурларини ишлаб чиқиш учун ҳам материаллардан фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистон ўзининг бетақроқ тарихи ва геосиёсий позициясига эга давлат сифатида олимпизмни ривожлантириш мақсадида янги ғояларни киритиш учун барча имкониятларга эга.

Адабиётлар:

1. Токарев С.А. «Огонь»//Мифы народов мира. Энциклопедия Т.2, 1998 г., с-239-240.
2. Бос М. «Зороастрийцы. Вера и обычаи»// М.Наука 1997 г., с-316.
3. Чистяков М.В. «Авеста. Хорэ Авеста (Младшая Авеста)»//Подготовка авестийского текста, перевод, комментарий СБ, 2005 г., с-384.
4. Емельянов В.В. Гильгамеш.-М.:Молодая гвардия, 2015 г., с-358.

5. Олимпийский огонь [электронный ресурс]. - url: ru.wikipedia.org/wiki/ Олимпийский-огоньhttps://olymp.teka.ru/olymp/game/torches.html

6. Ahmatov M. «Holistic National System of Mass Sports and Recreation Work»//Eastern European Scientific Journal. № 1, 2018.

7. Ахматов М. «Массовый спорт-основа государственного управления производства и накопления ресурса здоровья населения»//Фан спорта. №4, 2017.

8. Литвинова М.В. «Массовые праздники и зрелища в современном культурно-идеологическом пространстве»//Личность. Культура. Общество-2007 г. Т.IX. №2. с-262-271.

9. Муртазин Г.Ф. «Эстафета олимпийского огня как пиар-акция»//Сборник международной конференции. Симферополь. 2017 г., с-61-64.

РЕЗЮМЕ

Мақолада спорт машғаласи маросимининг ёшларда ҳаракат фаоллиги ва спорт билан шугулланишига бўлган ижтимоий ҳамда шахсий мотивациянинг шаклланишига таъсири, шуниқдек, ундан ўқувчиларни умумдавлат оммавий мусобақаларига жалб қилиш воситаси сифатида фойдаланиш масалалари кўриб чиқилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается влияние факельной церемонии на формирование социальной и личностной мотивации к занятиям физической культурой и спортом среди молодежи, а также ее использование в качестве средства привлечения студентов на национальные соревнования.

SUMMARY

The article considers the influence of the flare ceremony on the formation of social and personal motivation for physical education and sports among young people, as well as its use as a means of attracting students to national competitions.

ТРЕНЕРГА ХОС КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Расулов З.П.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаши, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази “Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: мураббий, спорт, спортчи, тренер, педагогик обрў, психологик хусусиятлар, педагогик такт, мусобақа, касб, касбий салоҳият, касбий етуклик, қобилият, мулоқот, диққат, хотира, психомотор ҳаракат, эмоция, касбий етуклик.

Ключевые слова: педагог, спорт, спортсмен, тренер, педагогическая репутация, психологические особенности, педагогические такт, соревнования, профессия, профессиональный потенциал, профессиональная зрелость, способности, общение, внимание, память, психомоторное движение, эмоции, профессиональная зрелость.

Key words: coach, sport, athlete, trainer, pedagogical reputation, psychological characteristics, pedagogical tactics, competition, profession, professional potential, professional maturity, ability, communication, attention, memory, psychomotor movement, emosiya, professional maturity.

Спортта оид психологик ва педагогик адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, касбий ташаббус ва тайёргарлик масалалари ўз мазмунида профессионал касбий концепциянинг моҳиятини, унинг таркибий қисмларини, шакллари ва шаклланиш усуллари тушунишга оид қатор ёндашувлар мавжудлигини кўрсатади. Касбий етукликнинг моҳиятини аниқлашнинг қийинлиги эса, педагогикада кўп қиррали ҳодисанинг ўзига хос жиҳатлари борлиги билан белгиланади.

Касбий етуклик қуйидаги жиҳатлар билан аниқланади:

- мураббий - ўқитувчиларни сертификатлаш учун зарур мезон;
- профессионализм кўрсаткичи;
- касбий таълимнинг мақсади ва натижаси;
- касбий фаолиятнинг ҳолати;
- муайян касбий ролнинг функцияларини ташувчисининг тавсифномаси.

Касбий етуклик моҳиятини тушунишнинг бир неча ёндашувлари мавжуд. Касбий етуклик борасидаги ёндашув мутахассислик малакасининг намунаси сифатида ўрганилади, бу мутахассисликнинг умумий талаблари ва касбий фаолиятнинг предмети сифатида индивидуал ривожланишни ўз ичига олади. Ушбу модел давлат ҳужжатларида малакавий характерга эга бўлиб, профессиограмма деб тасдиқланган. У касбий фаолият функцияларидан келиб чиқиб, ушбу фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ақс эттиради ва шахсни шакллантириш хусусиятларининг усулларини белгилайди. Мазкур ёндашув асосчиси В.А. Сластенин бўлиб, “Ўқитувчининг касбий малакаси педагогик фаолиятни амалга ошириш учун назарий ва амалий тайёргарликларнинг бирлиги бўлиб ва унинг профессионалликни ифодалайди” деган фикрни олдинга сурган. Ўқитувчиларни тайёрлашнинг малакавий таркиби - ўқитувчининг касбий билим ва кўникмаларини илмий жиҳатдан асословчи норматив танлов моделида тақдим этилади.

Малакавий касбий ташаббуснинг асослари психологик, педагогик ва махсус билимлар, шу жумладан педагогиканинг методик асослари ва тоифалари, ижтимоийлашув ва шахсни ривожлантириш қонунлари, таълим ва тарбиянинг моҳияти, мақсадлари ва технологиялари, болаларнинг анатомик, физиологик ва ақлий ривожланиш қонунларидан иборатдир. Улар интеллектуал ва амалий кўникмалар учун дастлабки шартлардир.

Мазунига кўра, педагогик маҳорат - изчил ривожланган ҳаракатлар тўплами бўлиб, уларнинг баъзилари автоматлаштирилган, назарий билимларга асосланган ва баркамол шахсни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилган бўлади. Педагогик кўникмалар таърифи назарий билимлар орқали келажакдаги мураббийларнинг амалий тайёргарлигини шакллантиришда, назарий ва амалий машғулотларнинг бирлигида, педагогик маҳоратнинг кўп босқичли табиати ва индивидуал ҳаракатларни такомиллаштириш имкониятига эга бўлишда асосий ўрин эгаллайди. Бундай ёндашувнинг ўқитувчи профессионал малакасига таъсири йўқ бўлиб, у аниқ белгиланган ижтимоий талаблар асосида амалга оширилади.

Таниқли рус педагоги И.В.Макарованинг фикрича, мутахассиснинг муайян вақтига тўғри келадиган образи бу – унинг моделидир. Унинг модели икки қисмни ўз ичига олади яъни инсон ва унинг фаолиятини. Бу мутахассисни шакллантириш бўйича дастурни такомиллаштириш, касбий тайёргарликнинг муайян усулларини, воситаларини ва мезонларини олдиндан кўриш имконини берадиган моделдир. И.В.Макарова мулоҳазасига кўра, мазкур касбий етуклик модели энг самарали фаолиятнинг намунавий модели бўлиб, мутахассиснинг индивидуал ривожланишини ҳам ўз ичига олади. Касбий малака “ижтимоий тизим томонидан таъсис этилган ва ходимларининг маълум бир профессионал гуруҳга мансуб бўлиш учун аниқ тасдиқланган ҳуқуқий ҳужжат” дир.

Н.Ф.Тализина таъкидлашча, мутахассиснинг дизайни мутахассисларнинг жамият томонидан белгиладиган ва касбий фаолиятининг ички тузилишини ақс эттирадиган функцияларини батафсил изоҳлашга асосланган бўлса, унинг модели энг мақбул моделдир. Бундан фарқли ўларок, тадқиқотчи В.П. Беспалко таъкидича, мутахассиснинг намунаси қайта ишланади ва ташхис этилади, мутахассислик даражасининг юқори даражасига фақат профессионал фаолиятни амалга ошириш орқали эришиш мумкин.

Демак, касбий графикалар ёндашуви “касбий малакалар” деган тушунчани ўз ичига олади ва у замонавий жамиятга мос келмайдиган аниқ бир мутаассиб моделдир, ва у профессионал салоҳиятни ривожлантириш тизимида тузатишни талаб

қиладиган ўзгаришларга тез ва етарлича жавоб беришга имкон бермайди ва бунга фақатгина ўқитувчининг профессионал фаолияти натижасида эришса бўлади.

Баркамол шахсининг таърифи бўлмиш “билимдон, баъзи бир соҳалардан хабардорлик” тушунчалари билимларни ўзлаштиришга оид ёндашувларнинг маҳсули саналади ва ушбу муаммога оид бошқа масалаларни юзага келтиради.

Г.Н. Сериков касб малакаси таркибида касбий ахлоқ, касбий фаолият ва касбий маҳорат билан бир қаторда соҳадаги ташаббускорликни малака тавсифларининг таркибий қисмларидан бири сифатида ажратади. Бироқ, касбий етуклик профессионал фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билимларни намоён этадиган малакали хусусиятдир.

Шундай қилиб, “профессионал кўникма” концепцияси маълум бир педагогик сифатни шакллантириш ва унинг моҳиятни аниқлаш учун билимдонлик назарияси асосини кўриб чиқишга имкон беради, лекин у ўқитувчини шахсий фазилатлари ва профессионал ривожланиш қобилиятларидан маҳрум этади.

Шахслилик ёндашуви эса, мураббийнинг касбий ташаббускорлигини, ўзига хослигини, психологик фазилатлари ва шахс сифатларини тадқиқ этади.

Тадқиқотчи Э.Ф. Зеер ва унинг ҳамкасблари профессионал мураббийни ўрганиш, профессионал маҳорат, касб-хунарга йўналтириш, профессионал муҳим фазилатлар, профессионал муҳим психологик сифатлар, профессионал билим, кўникма ва малакаларни кабиларни тадқиқ этиб, тадқиқот доирасида янги таърифлар ишлаб чиққанлар. Ушбу таърифлар профессионал салоҳиятга эга бўлган ижтимоий ҳодисанинг ўрганилаётган тизими, яъни уларнинг ўзаро боғлиқлиги, яхлитлиги, ўзаро боғлиқ бўлган элементларнинг ҳар бири янги сифатли таркибга эга бўлишини назарда тутади.

А.К.Маркова фикрича, ўқитувчидаги малакали руҳий хусусиятлар таълимда мустакил ва масъулиятли ҳаракат қилиш имконини беради.

Касбий фаолиятни юқори даражада ўзлаштиришни таъминлайдиган шахсий хусусиятлар мажмуаси сифатида И.А.Зазуннинг профессионал маҳорат ҳақидаги ёндашуви тилга олинади. Унинг фикрича, “Касбий етуклик” - педагогик фаолият учун назарий ва амалий тайёргарлик асосида педагогик масалалар ва муаммолар ечимларини ишлаб чиқиш учун имкон берадиган ва ушбу фаолиятга ижодий ёндашишга тайёр бўлган, шахснинг интеграл мулкдир.

Мазкур мулоҳазадан фаркли равишда И.П. Андриадий педагогик маҳоратни жамиятнинг ижтимоий-маданий кадрятларини ижодий тушуниш учун маънавий, ахлоқий ва интеллектуал тайёргарликни акс эттирувчи шунингдек, касбий фаолиятда билим ва кўникмаларни ижодий татбиқ қилиш учун назарий ва амалий тайёргарлигини акс эттирувчи шахснинг мулки сифатида тушунади.

Бошқа тадқиқотчилар эса, бу жараёни психологик ва педагогик билимларни “самарали педагогик фаолиятни амалга ошириш ва ўқув жараёнида сифатли натижаларга эришиш имконини берадиган ўқитувчининг ўзига хос, профессионал ва коммуникацион фазилатлари” билан тушунтирадилар.

Шахслилик ёндашувнинг асоси - ижтимоий ва касбий муҳитнинг муҳим таъсирини ҳисобга олмасдан, ўқитувчи шахсини ўз-ўзидан ривожлантиришдир. Бизда шахсий танлов ва ижодий фикрлаш фаолиятини амалга ошириш учун имкониятларнинг доимий оқими керак, ижтимоий ва малакани миллий муҳитга киритиш учун ўқитувчи фақат оригинал маълумотларни тақдим этиши лозим. Ёндашув мазмунидан кўринадики, илмий фикрлашнинг ҳар бир объекти бир-бири билан алоқада бўлган ўзаро компонентларнинг яхлитлиги билан таърифланади.

Мутахассиснинг умумий характеристикаси орқали касбий малакани ҳисобга олиш, уни ривожлантириш нуктаи назардан шахсий имкониятларни аниқлашга олиб

келади. Яъни билим, малака, қобилият, фаолият йўллари, психологик хусусиятлар, профессионал жиҳатдан муҳим фазилатлар орқали профессионал салоҳиятга ўтади.

В.А. Ситоров профессионал малакани “мураккаб таълим, шу жумладан, таълим жараёнининг ўзгарувчанлиги, оптималлаштирилиши ва самарадорлигини таъминлайдиган инсоннинг билимлари, кўникмалари, сифати ва фазилатларини ўз ичига олган комплекс таълим деб тушунади.

Касб - бу маълум бир соҳада фаолият учун етарли билим ва кўникмаларни эгаллабгина қолмасдан, натижалари барқарор, ривожланишнинг муайян босқичида ишлаб чиқилган стандартларга, шунингдек, доимий узлуксиз таълим олиш қобилиятига эга бўлган шахс фаолиятидир. Малакали ўқитувчи - ижтимоий аҳамиятга эга мақсадларга эришиш учун ўз фаолиятини ташкил этишда мавжуд маблағлардан муносиб фойдалана оладиган ва педагогик жараёни яхлит тушунадиган мутахассисдир.

Тадқиқотчи И.Д.Багаева касбий малакани - фаолиятда шакланган шахснинг бирлаштирувчи сифати, касбнинг профессионаллиги, билимнинг касбийлиги ва ўзини касбий такомиллаштириш деб тушунади.

Бизнинг фикримизча, касбий стуклик даражасини оширишда энг муҳими пул маблағлари, янги ўқитиш усуллари ва таълим фаолиятининг шакллари ва унинг ривожланишини таъминловчи тизимлардир. Бу тизим ёндашуви тушунчалар ва тоифаларнинг аниқ таърифи, тизимнинг ички ва ташқи алоқаларини ижтимоий муҳит билан шакллантириш, профессионал кўникма даражасини оширишга инновацион ёндашувлардан фойдаланишнинг мантикий асосларини ўрганишни назарда тутди.

Тизим ёндашуви касбий малакани профессионал фаолият билан ўзаро боғлиқ компонентлари билан қўриб чиқишга имкон беради. Ушбу компонентлар профессионал кўникмаларнинг ривожланиш истикболларини аниқлаш имконини беради. Шу билан бирга, мураббий-ўқитувчининг касбий салоҳияти касбий фаолият йўналиши, ушбу фаолиятнинг таркибий қисмлари ва шахс структураси билан белгиланадиган касбий-шахсий хусусиятлар деб қаралади.

